

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ВАХАБОВ АБДУРАХИМ ВАСИКОВИЧ  
ХАЖИБАКИЕВ ШУХРАТ ХУЖАЁРОВИЧ**

**ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ**

**ДАРСЛИК**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
томонидан 5230100 - Иқтисодиёт, 5520100 – Ижтимоий иши  
(пенсия таъминоти), 5232300 – Минтақавий иқтисодиёт, 5232200  
– Эконометрика бакалавриат таълим йўналишлари ва 5A230103 –  
Макроиқтисодиёт мутахассислиги талабалари учун дарслик  
сифатида тавсия этилади*

**UDK: 338.502.52(075)**

**Яшил иқтисодиёт: Дарслик.** /А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев ва бошқалар. –Тошкент.: “Universitet”, 2020. -262 б.

Дарсликда “Яшил иқтисодиёт” фанининг муҳим масалалари ўқитишининг интерфаол ва замонавий педагогик услубларига асосланган ҳолда тушунарли ва равон тилда баён этилган. “Яшил иқтисодиёт” концепциясининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти, омиллари, тамойиллари ва индикаторлари таҳлил этилган. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини молиялаштириш, “яшил энергетика”ни барқарор ривожлантириш, экологик сиёсат ва уни амалга оширишнинг иқтисодий механизми, “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг устувор йўналишлари ва хориж тажрибаси, моделлари, Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг мақсади, вазифалари, ривожланиш босқичлари ва устувор йўналишларининг мазмуни баён этилган. Жаҳон амалиётида “яшил ўсиш”ни таъминлашнинг бой, илғор тажрибасидан Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини амалга ошириш амалиётида иқтисодий қўллаш имкониятлари ўрганилган. Ушбу дарслик олий ўқув юртларининг иқтисодиёт йўналишида таълим олаётган бакалавр, магистрантларига, катта илмий ходим, таянч докторантлар, мустақил тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар ва “яшил иқтисодиёт” билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ф-1-176 “Барқарор иқтисодий ривожланишни “яшил иқтисодиёт” асосида таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш” мавзуусидаги фундаментал давлат илмий гранти доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

**Тақризчилар:** и.ф.н., проессор Н.Г. Муминов  
и.ф.д., доцент Д.Р. Рустамов

# МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b>	
<b>I-БОБ</b>	<b>“Яшил иқтисодиёт” курсининг предмети ва методи</b>	
1.1	“Яшил иқтисодиёт” курсининг предмети ва вазифалари	11
1.2	Барқарор ривожланишни таъминлашда “яшил” иқтисодиётнинг ўрни	14
1.3	“Яшил иқтисодиёт” концепциясининг моҳияти ва ривожланиш босқичлари	16
1.4.	“Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш йўналишлари <i>Назорат саволлари</i> <i>Асосий тушунчалар</i> <i>Тестлар</i>	21
<b>II-БОБ</b>	<b>“Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг зарурияти, тамойиллари ва дастаклари</b>	
2.1.	Ресурсларнинг чекланганлиги ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти	29
2.2.	“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш тамойиллари	32
2.3.	“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш сиёсатининг дастаклари	37
2.4.	“Яшил иқтисодиёт”нинг ахборот ресурслари ва “яшил иқтисодиёт” учун инсон капиталини ривожлантириш <i>Назорат саволлари</i> <i>Асосий тушунчалар</i> <i>Тестлар</i>	43
<b>III-БОБ</b>	<b>“Яшил иқтисодиёт”ни баҳолаш амалиёти ва индикаторлари</b>	
3.1.	“Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашнинг комплекс усули. Жаҳон банки ёндашуви	52
3.2.	“Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашда халқаро ташкилотлар ёндашуви: умумий ва фарқли жиҳатлар	55
3.3.	UNEP ва “яшил иқтисодиёт”га ўтишни баҳолаш	58
3.4.	“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини баҳолашнинг ИХТТ ёндашуви	60
3.5.	GGGI ва Dual Citizen халқаро агентликларининг рейтинг усули <i>Назорат саволлари</i> <i>Асосий тушунчалар</i> <i>Тестлар</i>	66
<b>IV-БОБ</b>	<b>“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини молиялаштириш</b>	
4.1.	“Яшил молиялаштириш” тушунчаси	73

4.2.	“Яшил молиялаштириш” тизимининг таркиби ва амал қилиш хусусиятлари	75
4.3.	“Яшил лойиҳалар”ни инвестициялаш йўналишлари ва дастаклари	77
4.4	Жаҳон молия бозорида “яшил облигациялар”нинг ўрни	81
4.5.	Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришни инвестициялаш хусусиятлари	87
	<i>Назорат саволлари</i>	
	<i>Асосий тушунчалар</i>	
	<i>Тестлар</i>	
<b>V-БОБ</b>	<b>“Яшил энергетика” барқарор иқтисодий ривожланиш омили сифатида</b>	
5.1.	“Яшил иқтисодиётни” ривожлантиришда тикланадиган энергия манбаларининг ўрни	98
5.2.	Тикланадиган энергия истеъмолининг ҳолати, таркиби ва ривожланиш истиқболлари	101
5.3.	“Яшил энергетика”нинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар	106
5.4.	“Яшил энергетика”ни давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг хориж тажрибаси	112
5.5.	Ўзбекистонда “яшил энергетика”ни ривожлантириш истиқболлари	115
	<i>Назорат саволлари</i>	
	<i>Асосий тушунчалар</i>	
	<i>Тестлар</i>	
<b>VI-БОБ</b>	<b>Қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” асосида барқарор ривожлантириш</b>	
6.1.	Қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” асосида ривожлантириш муаммолари	125
6.2.	Органик қишлоқ хўжалиги тушунчаси, ривожланиш кўрсаткичлари ва усуллари	129
6.3.	Органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-куватлаш йўналишлари	136
6.4.	Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	139
	<i>Назорат саволлари</i>	
	<i>Асосий тушунчалар</i>	
	<i>Тестлар</i>	
<b>VII-БОБ</b>	<b>Экологик сиёsat ва уни амалга оширишнинг иқтисодий механизми</b>	
7.1.	Экологик муаммоларнинг моҳияти, оқибатлари ва ҳал этиш йўллари	145

7.2.	Экологик сиёсатнинг моҳияти, турлари ва вазифалари	150
7.3.	Экологик сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий механизми	152
7.4.	Ўзбекистонда экологик вазият ва экологик сиёсатнинг устувор йўналишлари <i>Назорат саволлари</i> <i>Асосий тушунчалар</i> <i>Тестлар</i>	156
<b>VIII-БОБ</b>		
8.1.	ИҲТТ мамлакатларида “яшил ўсиш”ни таъминлаш моделлари	165
8.2.	ИҲТТ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш дастурлари: умумий ва фарқли жиҳатлар	169
8.3.	“Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг АҚШ тажрибаси	174
8.4.	ЕИда “яшил ўсиш”ни таъминлаш стратегиясининг устувор йўналишлари	182
8.5.	Германияда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш хусусиятлари	189
<b>IX-БОБ</b>		
9.1.	Корея Республикасида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш омиллари ва ривожланиш истиқболлари <i>Назорат саволлари</i> <i>Асосий тушунчалар</i> <i>Тестлар</i>	198
9.2.	Ривожланаётган мамлакатларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш тажрибаси	200
9.3.	МДҲ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари	207
9.3.1	Россия	208
9.3.2	Қозоғистон Республикаси	213
9.3.3	Белоруссия Республикаси <i>Назорат саволлари</i> <i>Асосий тушунчалар</i> <i>Тестлар</i>	219
<b>X-БОБ</b>		
10.1.	Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш ва ривожлантириш босқичлари Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси: зарурияти, мақсади, тамойиллари ва вазифалари	228

10.2.	“Мамлакат иқтисодиётининг энергия	235
10.3.	самарадорлигини ошириш йўналишлари Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш истиқболлари	237
10.4	Иқлим ўзгаришлари оқибатларига мослашиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари	243
10.5.	“Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиши <i>Назорат саволлари</i> <i>Асосий тушунчалар</i> <i>Тестлар</i>	245
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	<b>252</b>

## Кириш

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясини таъминлашда барқарор ривожланишга эришиш вositалари ҳисобланган иктиносидий, ижтимоий ва экологик компонентларни ўзаро мувофиқлаштириш мураккаб вазифа ҳисобланади. Иктиносидий ва ижтимоий компонентлар жамият олдига бир авлод мобайнида адолатга эришиш ва аҳолининг камбағал гурухларига мақсадли ёрдам кўрсатиш каби янги вазифаларни қўймоқда. Иктиносидий ва экологик компонентларнинг атроф-муҳитга ташқи таъсири қийматини баҳолашнинг зарурлиги билан боғлиқ янги ғоялар ва ёндошувларнинг шаклланишига олиб келди. Барқарор иктиносидий ривожланишнинг ижтимоий ва экологик компонентлари эса авлодлар ичида ва авлодлар ўртасида тенгликни таъминлаш каби масалаларнинг долзарблигини янада оширмоқда.

Мамлакатимизда “яшил иктиносидиёт” асосида барқарор ривожланишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 4 октябрда тасдиқланган “2019–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини “яшил” иктиносидиётга ўтиш стратегияси” муҳим дастурий амал ҳисобланади. “Яшил иктиносидиёт”га ўтишнинг муҳим вазифалари қаторига иктиносидиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурсларни оқилона истеъмол қилиш киради. Ушбу белгиланган мақсадли индикаторларга технологияларни модернизация қилиш ва молиявий механизmlарни ривожлантириш орқали эришилади. 2030 йилгача бўлган даврда стратегияни амалга ошириш жараёнида ялпи ички маҳсулот бирлигига иссиқхона газларининг солиштирма чиқиндилари 2010 йил даражасидан ўн фоизга камаяди, аҳоли ва иктиносидиёт тармоқларининг юз фоизга қадар замонавий, арzon ва ишончли электр таъминотидан фойдаланиш таъминланади. Экологик жиҳатдан яхшиланган моторли ёқилғи ва автомобил ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш кенгайтирилади, электр транспорти ривожланади<sup>1</sup>.

Ушбу дарсликда миллий иктиносидиётни барқарор ривожлантиришнинг амалий йўналиши сифатида “яшил иктиносидиёт”ни ривожлантиришнинг назарий асосларини очиб бериш, жаҳонда “яшил иктиносидиёт”ни шакллантириш ва “яшил ўсиш”ни таъминлаш борасида тўпланган бой, илфор тажрибани қиёсий таҳлил этиш, “яшил иктиносидиёт”ни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини чуқур таҳлил қилиш вазифалари белгиланган. Муаллифлар жамоаси ўз олдига “яшил иктиносидиёт”нинг амал қилиш механизми ва ривожланиш қонуниятлари, Ўзбекистон иктиносидиётини “яшил иктиносидиёт” тамойиллари асосида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ масалаларни комплекс, тизимли ёндошув негизида қўриб чиқиш вазифасини қўйган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иктиносидиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон Қарори

Дарслик таркиби мантиқан унинг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда кириш, кириш, ўнта боб ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дарсликнинг биринчи бобида “яшил иқтисодиёт” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари аниқланган. Барқарор ривожланишни таъминлашда “яшил” иқтисодиётнинг ўрнига баҳоланганд, “яшил иқтисодиёт” концепциясининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари, амал қилиш тамойиллари ҳамда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг амалий йўналишлари таҳлил этилган.

Иккинчи бобда иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти асосланган. Халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш тамойиллари ва амалга ошириш дастаклари қиёсий таҳлил этилган. “Яшил иқтисодиёт”нинг ахборот ресурслари ва “яшил иқтисодиёт” учун инсон капиталини ривожлантиришнинг долзарб масалалари тадқиқ қилинган.

Дарсликнинг учинчи боби “яшил иқтисодиёт”ни баҳолаш амалиёти ва индикаторларини ишлаб чиқиш услубиятини қиёсий таҳлил этишга бағишлиланган. “Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашда халқаро ташкилотлар ёндашувининг умумий ва фарқли жиҳатлари қиёсий таққосланган. “Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашнинг Жаҳон банки, Халваро валюта фонди (ХВФ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ), UNEP, Глобал яшил институти, Dual Citizen халқаро агентлиги каби халқаро ва хусусий ташкилотлар услубияти комплекс ўрганилган ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий хулосалар олинган.

Тўртинчи боб “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини инвестициялаш масалаларини тадқиқ этишга бағишлиланган. Ушбу бобда “яшил молиялаштириш” тизимининг таркиби ва амал қилиш хусусиятлари таҳлил этилган. “Яшил лойиҳалар”ни инвестициялаш йўналишлари, “яшил облигациялар”нинг жаҳон молия бозорида тутган ўрнини баҳолаш, муқобил энергия манбаларини ўзлаштиришни инвестициялашнинг устувор йўналишларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бешинчи боб “Яшил энергетика” барқарор иқтисодий ривожланиш омили сифатида”, деб номланган. Ушбу бобда жаҳонда тикланадиган энергия манбаларининг ўрни баҳоланганд, энергия истеъмолининг ҳолати, таркиби баҳоланганд ва ривожланиш истиқболлари аниқланган. “Яшил энергетика”нинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар тавсифланган ва гуруҳлаштирилган. “Яшил энергетика”ни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибаси тадқиқ этилган ва Ўзбекистонда “яшил энергетика”ни ривожлантириш истиқболлари баён этилган.

Дарсликнинг олтинчи боби қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” асосида барқарор ривожлантириш масалаларига бағишлиланган. Жаҳонда органик қишлоқ хўжалиги тушунчаси, ривожланиш кўрсаткичлари ва органик маҳсулотлар этиштириш усуллари ўрганилган. Органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор

йўналишлари таҳлил этилган. Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари баён этилган..

Еттинчи бобда экологик сиёсат ва уни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини таҳлил этишга урғу берилган. Экологик муаммоларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва ҳал этиш йўллари ўрганилган. Экологик сиёсатнинг мазмуни, таркиби, турлари, вазифалари ўрганилган. Экологик сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий механизми ва дастаклари асосланган. Ўзбекистондаги экологик вазият баҳолангандан, экологик сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишининг устувор йўналишлари аниқланган.

Саккизинчи боб саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда “яшил ўсиш”ни таъминлаш моделларини қиёсий таҳлил этишга бағишлиланган. Ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш дастурларининг умумий ва фарқли жиҳатлари очиб берилган. “Яшил ўсишни”ни таъминлаш омиллари ва миллий дастурларининг устувор йўналишлари АҚШ, Европа Иттифоқи, Германия, Корея Республикаси мамлакатлари мисолида таҳлил этилган.

Дарсликнинг тўққизинчи боби ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларда барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда “яшил иқтисодиёт”нинг ўрни баҳолангандан. Хитойда “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари, МДҲ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш (Россия, Қозоғистон ва Белоруссия Республикаси) миллий дастурларини қиёсий таҳлил этган ҳолда уларнинг ҳолати, ривожланиш тенденциялари, муаммолари ҳамда уларни ҳал этишнинг устувор йўналишлари аниқланган.

Ўнинчи бобда Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш зарурияти, мақсади, тамойиллари ва ривожлантириш босқичлари ўрганилган. Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясининг моҳияти, вазифалари, устувор йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари очиб берилган. Миллий иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш, тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш истиқболлари, иқлим ўзгаришлари оқибатларига мослашиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш, уйғунлаштириш масалаларига алоҳида урғу берилган.

Муаллифлар дарсликда материални аниқ, мантиқан боғланган ҳолда тизимли баён этишга ҳаракат қилишган. Дарслик бобларининг сўнггида назорат саволлари, асосий тушунчалар ва олинган билимларни мустаҳкамлашга қаратилган тестлар келтирилган. Дарсликни тайёрлаш жараёнида БМТнинг Ихтисослашган ташкилотлари, халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, нуфузли халқаро нодавлат илмий-тадқиқот марказларининг ҳисботлари, таҳлилий маъruzалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экология давлат қўмитаси, Ўзбекистон

Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Ўзбекистон Республикаси Энергетикаси вазирликлари материаллари, хориж ва мамлакатимизда нашр этилган илмий монографиялар, илмий журналлардаги мақолалардан унумли фойдаланилди.

Ушбу дарслик Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети “Макроиктисодиёт” кафедрасининг етакчи профессор-ўқитувчилари и.ф.д., проф. А.В.Вахабов раҳбарлигига тайёрланган. I-IV, VI, VIII-X боблар и.ф.д. проф. А.В. Вахабов, к. ўқ. Ш.Х. Хажибакиев, V-боб и.ф.д., проф. Ш.А. Тошматов, VII-боб и.ф.д., проф. М.Бўтабоевлар томонидан ёзилган.

## I-БОБ. “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” КУРСИННИГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

### 1.1. “Яшил иқтисодиёт” курсининг предмети ва вазифалари

“Яшил иқтисодиёт” иқтисодий фан сифатида XX аср охирларида шаклланган бўлиб, иқтисодиётнинг табиий мухитга боғлиқлиги, унинг таркибий қисми эканлиги ва табиий мухит доирасида амал қилишини ўрганувчи фан ҳисобланади. Яшил иқтисодиёт концепцияси ресурсларни тежашга йўналтирилган иқтисодиёт, экологик иқтисодиёт, атроф-муҳит иқтисодиёти, яшил сиёsat, халқаро иқтисодий муносабатлар назарияси, иқтисодиётни модернизациялаш, инновацион иқтисодиёт каби иқтисодий фанлардаги илмий ғояларни қамраб олади.

“Яшил иқтисодиёт” фан сифатида ўз шаклланиш тарихи ва ривожланиш босқичларига эга. Табиий ресурсларнинг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги билан боғлиқ муаммолар инсониятнинг барча фаолият йўналишлари, жумладан, иқтисодий фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу муаммони илмий жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг 60-70-йилларида оммалаша бошлади. Бу даврда иқтисодий адабиётда анъанавий иқтисодиёт тамойилларига асосланган “атроф-муҳит иқтисодиёти”, деб номланган янги йўналиш пайдо бўлди. Ушбу йўналиш доирасида иқтисодий фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири натижасида юзага келаётган ижтимоий-иктисодий оқибатларни экстернали, яъни ташқи самаралар сифатида талқин этиш бошланди. Унга мувофиқ экологик муаммоларни амалдаги иқтисодий муносабатлар доирасида ҳал этиш ва халқаро даражада умумлаштирилиши зарур<sup>2</sup>. Мисол тариқасида атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газларининг халқаро савдосини ташкил этиш масаласини келтириш мумкин.

XX асрнинг 80-90-йилларида экологик муаммоларни тор доирада иқтисодий ёндашувлар орқали ҳал этишнинг муқобил варианти сифатида экология иқтисодиёти (ecological economics) фани пайдо бўлди ва жадал суръатларда ривожлана бошлади. Атроф-муҳит иқтисодиётидан фарқли ушбу йўналиш иқтисодиёт фанининг маҳсус бўлими сифатида эмас, балки илмий тадқиқотларнинг мустақил соҳаси сифатида талқин этилади<sup>3</sup>.

Иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳодисаларни тадқиқ этищда ягона услубий базани яратиш ва ушбу масалага фанлараро ёндашиш қатор муаммолар ва зиддиятларни келтириб чиқарди. Юқоридаги ҳолатларга қарамасдан экологик иқтисодиёт барқарор ривожланиш тамойиллари билан бевосита боғлиқлиги туфайли жамоатчилик ўртасида ва сиёсий даражада жадал суръатларда оммалаша бошлади.

Атроф-муҳит иқтисодиёти ва экология иқтисодиётининг ривожланиши асосида илгари сурилган тамойилларнинг иқтисодий сиёsatга жорий этилиши


<sup>2</sup> Beder, S. 2011, 'Environmental economics and ecological economics: the contribution of interdisciplinary to understanding, influence and effectiveness', Environmental Conservation, vol. 38, no. 2, pp. 140-150.

<sup>3</sup> SPASH 2011. Social Ecological Economics: Understanding the Past to See the Future. The American Journal of Economics and Sociology. Volume70, Issue2 April 2011. <https://doi.org/10.1111/j.1536-7150.2011.00777.x>

натижасида “яшил иқтисодиёт” тушунчаси шакллана бошлади. Ушбу атама илк бор 1989 йилда Буюк Британия хукумати учун етакчи иқтисодчилар томонидан “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш режаси”, деб номланган ҳисоботда фойдаланилган<sup>4</sup>.

Атроф-мухит иқтисодиёти ёки экологик иқтисодиётдан фарқли равища “яшил иқтисодиёт” кўпроқ амалий характерга эга ҳисобланади. “Яшил иқтисодиёт” илмий фан соҳаси эмас, балки устун даражада реал иқтисодий сиёсат, конкрет фаолият соҳалари (энергетика, инновация, қишлоқ хўжалиги ва б.)га тааллуклидир. Ушбу фарқни “яшил иқтисодиёт”нинг инглизча economics (иқтисодий назария ёки environmental economics, ecological economics каби иқтисодий фанлар) эмас, балки economy (реал иқтисодий фаолият) сўзлари орқали ифодаланишида кузатиш мумкин.

“Яшил иқтисодиёт” фани назарий жиҳатдан хўжалик юритиш тизимини “яшиллаштириш”нинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиши ва устувор йўналишларини белгилаб бериш билан шуғулланади.



### 1.1.1-расм. Яшил иқтисодиётни бошқариш даражалари

“Яшил иқтисодиёт”ни назарий асослашдан кейин унинг аҳамиятини иқтисодий субъектлар ўртасида оммалаштириш зарурияти пайдо бўлади. Ушбу даражада яшил иқтисодиётнинг бош вазифаси жамиятда экологик тоза ишлаб чиқаришнинг зарурлиги ва аҳамияти тўғрисида дунёқарашни уйғотиш ҳисобланади.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш назарий ва ғоявий жиҳатдан асослангандан кейин, унинг хукуқий асосларини шакллантириш ва соҳага оид тегишли қонунчиликни ишлаб чиқиши зарурияти пайдо бўлади. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга оид қонунчилик иқтисодиётни “яшиллаштириш”га кўмаклашиши билан бир вактда барча хўжалик субъектлари манфаатларига мос келиши зарур.

Иқтисодий даражада “яшил иқтисодиёт”ни бошқариш жараёнларининг натижаларига баҳо берилади.

Яшил иқтисодиётнинг фан сифатидаги ўрганиш обьектларини куйидагиларга ажратиш мумкин:

- хўжалик юритиш ва атроф-мухит муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқлик;

<sup>4</sup> Blueprint for a Green Economy: David Pearce, Anil Markandya and Edward B. Barbier. Earthscan, London, Great Britain, 1989. 192 pp.

- иқтисодий фаолият туфайли узоқ истиқболда атроф-муҳитга етказиладиган зарарни минималлаштириш, экологик ва ижтимоий омилларни қамраб оловчи иқтисодий тизимларни бошқариш усуллари;

- хўжалик юритиши фаолияти ва ишлаб чиқариш соҳаларида янги технологияларни ишлаб чиқиш, уларни атроф-муҳитга етказиладиган зарарни минималлаштиришга йўналтириш тамойиллари.

“Яшил иқтисодиёт” фанининг умумлашган обьектларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, “яшил иқтисодиёт” фани учун фанлараро услубият хос бўлиб, унда иқтисодиёт фани бошқа фанлар билан ўзаро кесишади.

“Яшил иқтисодиёт” фанида илмий билиш усулларини танлаш ва тадқиқот стратегиясини тузишда қуйидаги тамойиллар муҳим аҳамият касб этади:

- ресурсларнинг чекланганлиги шароитида экологик омилларнинг бирламчи омил эканлиги;

- яшил иқтисодиётни амалиётга тадбиқ этиш босқичларини турли (назарий, ғоявий, сиёсий ва иқтисодий) даражаларга бўлиш заруриятининг мавжудлиги;

- таҳлиллар ва илмий ишланмаларнинг фанлараро характерга эгалиги.

“Яшил иқтисодиёт” фанининг мақсади – талабаларда “яшил иқтисодиёт” концепцияси, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш заруриятини асослаш, “яшил иқтисодиёт”ни баҳолаш кўрсаткичлари ва индикаторларини таҳлил этиш, жаҳон амалиётида шаклланган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш моделларини қиёсий ўрганиш, Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

“Яшил иқтисодиёт” фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- “яшил иқтисодиёт”га оид категориялар ва тушунчалар моҳиятини очиб бериш;

- барқарор ривожланишни таъминлашда “яшил иқтисодиёт”нинг тутган ўрнини баҳолаш;

- “яшил иқтисодиёт” концепциясининг мақсади, тамойиллари ва амалга ошириш механизмини таҳлил этиш;

- “яшил иқтисодиёт” ва “яшил ўсиш” миқёсини баҳолашнинг халқаро ташкилотлар томонидан тавсия этилаётган ёндашувларини қиёсий таҳлил этиш;

- “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини молиялаштириш ҳолати, кўрсаткичлари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

- “яшил энергетика”га барқарор ривожланиш омили сифатида баҳо бериш;

- органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муаммоларини ўрганиш;

- жаҳондаги экологик вазиятга баҳо бериш ва экологик сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини асослаш;

- жаҳоннинг етакчи мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, миллий дастурларини амалга ошириш борасидаги жамланган бой, илгор тажрибани қиёсий таҳлил қилиш;

- Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг мақсади, вазифалари ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш.

## **1.2. Барқарор ривожланишни таъминлашда “яшил иқтисодиёт”нинг ўрни**

Жамиятда аста-секинлик билан табиий ресурсларни рекреация ва илмий тадқиқот мақсадлари учун асраб қолиш зарурияти тўғрисидаги ғоялар, келажак авлод олдида экологик масъулиятга асосланган илмий концепциялар шаклланашига олиб келди. Ушбу ғояларнинг амалиётга тадбики барқарор ривожланишни таъминлаш орқали ҳал этилиши зарур. Барқарор ривожланиш дейилганда, аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида келажак авлод эҳтиёжларини қондириш имкониятларини эса хавф остига қўймасликка асосланган ривожланиш тушунилади. Барқарор ривожланишни “ижтимоий”-“иқтисодий”-“экологик” учликнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишига асосланган синергетик самара ҳисобидан тараққий этадиган жараён сифатида тасаввур этиш мумкин. Барқарор ривожланишни таъминлашдаги иқтисодий ёндашув чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиши назарда тутади. Ижтимоий ёндашув глобал миқёсда ижтимоий барқарорлик ва маданий хилма-хилликни таъминлашга йўналтирилган бўлади. Экологик ёндашув эса ҳар қандай экологик тизимларнинг нормал фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилиши зарур бўлади.

Барқарор ривожланиш концепциясига нисбатан иқтисодий ёндашувга Е.Р.Линдаль ва Ж.Р.Хикслар асос солишган<sup>5</sup>. Хикс-Линдаль ялпи даромадларнинг максимал оқими назариясига мувофиқ даромад ялпи капитални сақлаб қолган ҳолда яратилиши зарур. Бунда чекланган ресурслар ва экологик (табиий ресурслар, энергия ва материалларни тежовчи) технологиялардан оқилона фойдаланиш, экологик маҳсулотлар яратиш, чиқиндиларни бошқариш назарда тутилади. Ушбу масалани ҳал этишдаги бош муаммо қайси капитал (жисмоний, табиий ёки инсон капитали) сақланиб қолиши ва турли хил капитал турлари қанчалик ўзаро ўрин алмашиниши ҳамда ушбу активлар (экологик ресурслар) қийматини баҳолаш муаммоси ҳисобланади. Натижада иқтисодий барқарорликнинг қуйидаги икки тури пайдо бўлди:

- кучсиз – вақт бўйича камаймайдиган табиий ва жамғарилган капитал иқтисодий барқарорлик;

- кучли – табиий капиталнинг камаймаслигига (қайта тикланмайдиган ресурсларни сотишдан тушган фойданинг бир қисми тикланадиган табиий капитал қийматини оширишга йўналтирилиши зарурлигига) асосланган иқтисодий барқарорлик.

Барқарор ривожланишнинг ижтимоий таркиби инсонга қаратилган бўлиб, ижтимоий ва маданий тизимларнинг барқарорлигини таъминлашга

<sup>5</sup>[https://www.researchgate.net/publication/301638196\\_The\\_concept\\_of\\_sustainable\\_development\\_as\\_a\\_methodological\\_base\\_to\\_form\\_strategy\\_for\\_enterprises\\_of\\_oil\\_complex](https://www.researchgate.net/publication/301638196_The_concept_of_sustainable_development_as_a_methodological_base_to_form_strategy_for_enterprises_of_oil_complex)

йўналтирилгандир. Ижтимоий барқарорликнинг муҳим жиҳати неъматларни адолатли тақсимлаш ҳисобланади. Инсон тараққиёти концепциясига мувофиқ инсон тараққиёт обьекти эмас, балки унинг субъекти саналади. Барқарор ривожланиш концепцияси инсон танловини кенгайтириш асосий ғоя эканлигига таянган ҳолда инсоннинг ўз ҳаёт фаолиятини шакллантириш, қарорлар қабул қилиш, уларни амалга ошириш ва бажарилишини назорат қилиш жараёнида тўлақонли қатнашиши лозимлигини назарда тутади.

Экология нуктаи назаридан барқарор ривожланиш жисмоний ва биологик табиат тизимининг яхлитлигини таъминлаши зарур. Бунда глобал биосферанинг барқарорлигини таъминлаб берувчи экотизим муҳим аҳамият касб этади. Табиий ресурсларнинг деградациялашуви, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши экология тизимининг қайта тикланиш қобилияти, имкониятларининг қисқаришига олиб келади.

Барқарор ривожланишга эришиш воситалари ҳисобланган иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентларни ўзаро мувофиқлаштириш мураккаб вазифа ҳисобланади. Ушбу жараёнда уч концепциянинг ўзаро таъсир механизmlари муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий ва ижтимоий компонентлар жамият олдига бир авлод мобайнида (масалан, даромадларни тақсимлаш) адолатга эришиш ва аҳолининг камбағал гуруҳларига мақсадли ёрдам кўрсатиш каби янги вазифларни қўймоқда. Иқтисодий ва экологик компонентлар атроф-муҳитга ташқи таъсир қийматини баҳолаш (корхоналарнинг иқтисодий ҳисботида ҳисобга олиниши) зарурлиги билан боғлиқ янги ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ижтимоий ва экологик компонентлар эса авлодлар ичida ва ўртасида тенгликни таъминлаш (кейинги авлод ҳуқуқларини хурмат қилиш, аҳолининг қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашиши) каби масалаларнинг долзарблигини оширмоқда.

Барқарор ривожланиши таъминлаш борасидаги халқаро амалий фаолият БМТ ташаббуси билан илгари сурилган. 2000 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари қабул қилинди ва 2015 йил қўйилган мақсадларга эришишни ҳисоблаш йили сифатида белгилаб олинди. 2012 йилда БМТда Минг йиллик ривожланиш доирасида амалга оширилиши якунланмай қолган мақсадларга эришиш учун жаҳон ҳамжамиятини 2015 йилдан кейинги ривожланиш мақсадларини белгилаб олиш зарурияти таъкидланди. Шу тарзда, БМТнинг 2012 йили барқарор ривожланиш мавзусида ўтказилган “Рио+20” Конференциясида дунё мамлакатлари раҳбарлари Барқарор ривожланиш мақсадларини (Sustainable Development Goals (SDGs)) ишлаб чиқишига келишиб олдилар.

Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳар бир инсон учун фаровон турмуш тарзини яратишга хизмат қилувчи иқтисодий, ижтимоий, экологик кўрсаткичларни ўз ичига олади. Ушбу мақсадлар БМТга аъзо барча давлатлар томонидан 2015-2030 йилларда амалга оширилиши кун тартибиға киритилган.

Барқарор ривожланиш мақсадлари дастури 17 та глобал мақсадларни ва улар билан боғлиқ 169 та вазифаларни ўз таркибиға олади: 1) қашшоқликни

йўқотиш; 2) очликни тугатиш; 3) соғлик ва фаровонлик; 4) сифатли таълим; 5) гендер тенглиги; 6) тоза сув ва санитария; 7) арzon ва тоза энергия; 8) муносиб иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ўсиш; 9) саноатлаштириш, инновациялар, инфратузилма; 10) тенгсизликни камайтириш; 11) барқарор шаҳарлар ва қулай яшаш жойларини яратиш; 12) маъсулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш; 13) иқлим ўзгаришига қарши курашиш; 14) денгиз экотизимларини асрash; 15) қуруқлиқдаги экотизимларни асрash; 16) тинчлик, адолат ва самарали бошқарув; 17) барқарор ривожланиш йўлида ҳамкорлик.

Ўзбекистон ушбу мақсадлардан 16 тасини миллийлаштириш ва амалга ошириш вазифасини ўз олдига кўйган. Республика ҳудудида денгиз ҳавзалари мавжуд бўлмагани боис, 14-мақсад (денгиз экотизимларини асрash) Ўзбекистон томонидан миллийлаштирилмаган<sup>6</sup>.

Барқарор ривожланиш доирасида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, “соф технологиялар”га нисбатан инновацион ёндашишни кучайтириш, “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш муаммолари халқаро иқтисодий, экологик, инвестицион форумларда мунтазам равишда муҳокама этиб келинмоқда. “Яшил иқтисодиёт” концепциясини амалиётга тадбиқ этиш масалалари ушбу муҳокамаларнинг негизини ташкил этади.

### **1.3. “Яшил иқтисодиёт” концепциясининг моҳияти ва ривожланиш босқичлари**

Юқорида қайд этилганидек, “барқарор ривожланиш” концепцияси дунё мамлакатларининг бош мақсадига айланиб бормоқда<sup>7</sup>. Ушбу масаланинг кульминацион чўққиси 2015 йилда Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган БМТнинг иқлим исишига бағишлиланган конференцияда 195 мамлакат томонидан глобал исишиш даражасини +2 С да ушлаб туриш сиёсатини қабул қилиши билан белгиланди. Конференцияда 147 та мамлакат “яшил иқтисодиёт” режаларини, 147 та мамлакат тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш дастурларини ва 167 та мамлакат энергия самарадорлигини иқлим ўзгаришларига муносиб равишда ошириш тавсияларини тақдим этишди<sup>8</sup>.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепцияси ўз ривожланиш тарихига эга ва куйидаги босқичларга бўлинади.

**Биринчи босқич** – 1950-1960 йиллар иқтисодиётнинг атроф-муҳит ва инсонга салбий таъсирини англаб этиш даври ҳисобланади. Бу даврда иқтисодий ривожланиш ва атроф-муҳитнинг деградациялашуви ўртасидаги боғлиқлик тўлиқ англаб этилган бўлса-да, экологик муаммолар иқтисодий


<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори.

<sup>7</sup> Jonathan M. Harris. Sustainability and Sustainable Development. International Society for Ecological Economics. - P. 1.

<sup>8</sup> <http://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/cop21/>

ривожланиш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш зарурлигини эътиборга олиш билан чекланиб қолган.

Бу даврда атроф-муҳитнинг деградациялашувига бағишлиланган қатор халқаро анжуманлар ўтказилди. Жумладан, 1955 йилда дунёning йирик шаҳарларида заҳарли газлардан ўлим ҳолатларининг кўпайиши атмосферанинг ифлосланишига бағишлиланган биринчи халқаро конференция ўтказилди. Халқаро даражада мувофиқлаштириш ва келишувнинг йўқлиги, бизнес ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги вазифаларнинг бир бирига тўғри келмаслиги халқаро миқёсда экологик кучларни тўлиқ ишга солиш имконини бермас эди. БМТ Бош Ассамблеяси 1962 йил 18 декабря “Иқтисодий ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш” (1831(XVII) тўғрисидаги резолюциясини қабул қилди<sup>9</sup>.



### 1.3.1-расм. “Яшил иқтисодиёт” концепциясининг ривожланиш босқичлари

**Иккинчи босқич – 1960-1970 йилларни ўз ичига олади.** Ушбу босқичда барқарор иқтисодий ривожланиш туфайли табиий ресурслардан жадал суръатларда интенсив фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлослантириш иқтисодиётнинг моддий-ресурс базасини издан чиқариши ва инсон турмуш фаровонлигининг пасайишига олиб келиши тўғрисидаги баҳс-мунозалар кучайди. Муҳокамалардаги бош ғоя – табиий ресурсларни ва инсон учун қулай

<sup>9</sup> <https://www.un.org/ru/ga/17/docs/17res.shtml>

атроф-муҳитни сақлаб қолиш мақсадида тежамкор (рационал) иқтисодиётни шакллантиришдан иборат эди.

1970-йилларда табиий ресурслар муҳофазасига бағишлиланган турли хил ташкилотларнинг ҳаракат дастурлари шакллана бошлади. 1970 йилда АҚШнинг экологик сиёсатини янада тақомиллаштириш мақсадида табиий ресурсларни муҳофаза этиш бўйича Кенгаш ташкил этилди. Шу йили атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича биринчи миллий семинар шаклида Ер куни ўтказилди. 1971 йили Англияда атроф-муҳит муҳофазаси ва тараққиёти бўйича халқаро институт ташкил этилиб, унинг мақсади табиатга зиён етказмай иқтисодий ривожланиш йўлларини излашдан иборат эди. 1972 йили Стокгольмда (Швеция) атроф-муҳит муҳофазасига бағишлиланган БМТ Конференцияси бўлиб ўтиб, унда БМТнинг Атроф-муҳит дастури (UNEP) ишлаб чиқилди. Ушбу ҳолат миллий давлат даражасида халқаро ҳамжамият эътиборини экологик муаммоларни ҳал этишга қаратишни англатди

**Учинчи босқич** – 1980-1990 йиллар. Ушбу давр ривожланган мамлакатларда “яшил” технологияларни жадал суръатларда ривожланиш босқичи бўлиб, экологик модернизация ғояси илгари сурилди. Мазкур ғоянинг асосий мазмуни иқтисодий ўсиш ва саноатнинг ривожланиши экологик жиҳатдан мослашиши иқтисодиёт нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ эканлиги билан изоҳланади. Ушбу даврда мутахассислар ўртасида барқарор ривожланиш концепцияси шакллана бошлади.

1983 йилда Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Бутунжаҳон комиссияси ташкил этилди<sup>10</sup>. Комиссия уч йил давомида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва экологик омилларнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги масалаларини ўрганди. Мазкур маъруза “барқарор ривожланиш” (sustainable development) тушунчасини оммалаштиришга хизмат қилди.

Барқарор ривожланиш (ингл. sustainable development) — бу иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар жараёни бўлиб, унда табиий ресурслар эксплуатацияси сармоялар йўналиши, илмий-техник ривожланиш, шахс ривожи ва институционал ўзгаришлар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун бугунги ва эртанги салоҳиятни шакллантиради. Ушбу ҳолатда асосан инсон ҳаёти сифатини ошириш назарда тутилади.

1992 йилда Рио-де-Женейрода Атроф-муҳит ва унинг ривожланиши бўйича Конференция (Ер саммити) ўтказилди.

1997 йилда Киото протоколи имзоланди. Киото протоколи — БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Доиравий Конвенцияси (1992)га қўшимча равища қабул қилинган ҳужжат бўлиб, Япониянинг Киото шаҳрида 1997 йил декабрь ойида қабул қилинган. Ушбу ҳужжат турли хил мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари олдига иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш вазифасини қўйди<sup>11</sup>.

<sup>10</sup> <https://www.un.org/ru/ga/pdf/brundtland.pdf>

<sup>11</sup> <http://unfccc.int/resource/docs/convkp/kprus.pdf>

Киото протоколи бозор механизмининг бошқарувига асосланган, яъни иссиқхона газларининг чиқарилиши бўйича халқаро квоталар савдосига асосланган атроф-муҳит муҳофазаси борасида биринчи глобал келишув эди. Протоколнинг биринчи босқичи 2008 йил 1 январдан бошланиб, 2012 йил 31 декабрга қадар амалда бўлди. Протокол иловасидаги В рўйхатда турган мамлакатлар ушбу беш йил давомида атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газлари миқдорини қисқартириш борасида мажбурият олдилар. Чегирманинг мақсади бу даврда 6 турдаги газлар эмиссиясини (карбонат ангидрид, метан, фторуглеводородлар, фторуглеродлар, азот оксиди, олтингугурт гексафториди) 1990 йилга нисбатан 5,2% га қисқартириш эди.

**Тўртинчи босқич** – 2000-2010 йиллар. Барқарор ривожланиш концепциясининг халқаро ва миллий қонунчиликда, бизнес-муҳитда, оммавий ахборот воситаларида қайд этилиши ва мустаҳкамланиши. Глобал молиявий-иктисодий инқироз халқаро иктисодий тизимларнинг беқарорлиги муаммосини янгича талқин этишга ундади. “Эркин бозор” биосфера ресурсларини сақлаб қолиш ва ижтимоий адолат манфаатларини ҳимоя қилиш, узоқ муддатли даврда иктисодий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ўз-ўзини тартибга солишга қодир эмаслиги ғояси илгари сурилди. Ушбу босқичда халқаро саммитлар ва конференциялар ўtkазилди. Улар жумласига 2000 йилда Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган БМТнинг Минг йиллик Саммити (Минг йиллик мақсадларининг эълон қилиниши), 2006 йилда Йоханнесбургда ўтказилган “Рио+10” Барқарор ривожланиш бўйича умумжаҳон саммити, 2012 йили Рио-де-Жанейрода БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича “Рио+20” номини олган Конференцияларини киритиши мумкин. “Яшил иктисодиёт” тушунчаси 2008–2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида БМТ тизимида кенг қўлланила бошлади. Жумладан, 2009 йилда UNEP томонидан “Янги “яшил” курс”, деб номланган таҳлилий маъруза эълон қилинди. Мазкур маърузада саноат ва инфратузилмада “яшил” инвестициялар ёки экологик “соф” технологияларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилди<sup>12</sup>. UNEP “яшил” рағбатлантириш ғоясини ҳимоя қилиб, йирик миқдордаги давлат инвестициялари “яшил иктисодиёт”нинг ривожланиши учун туртки бериши мумкин бўлган соҳаларни аниқлаб берди.

Ҳозирги вақтда “яшил иктисодиёт” масалалари билан БМТ ҳузуридаги турли ташкилотлар ва қўмиталар шуғулланади. Улар жумласига БМТ Иктисодий ва ижтимоий масалалари бўйича департамент (UN DESA), “Яшил иктисодиёт” ташаббуси (GEI), “Яшил иктисодиёт” бўйича масалаларни тартибга солиш гуруҳларини киритиш мумкин. Жумладан, GEI ўз фаолиятини 2008 йилда бошлаган бўлиб, БМТ тизимидағи йигирмага яқин ташкилот, муассасаларни бирлаштиради.

“Яшил иктисодиёт”ни ривожлантиришга бағишлиланган ilk илмий тадқиқотлар XX асрнинг 70-йилларидан бошланган. Жумладан, 1972 йилда

<sup>12</sup> Глобальный «зеленый» новый курс : доклад UNEP / UNEP. – 2009. – март. – 42 с – URL: [http://www.uncclearn.org/sites/www.uncclearn.org/files/inventory/UNEP90\\_RUS.pdf](http://www.uncclearn.org/sites/www.uncclearn.org/files/inventory/UNEP90_RUS.pdf)

Стокгольмда ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва экология муаммоларига бағищланган халқаро конференцияда атроф-мухитни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилған 26 та тамойил ишлаб чиқилди<sup>13</sup>.

Иктисодий адабиётда “яшил иктисодиёт” тушунчаси илк маротаба 1989 йилда<sup>14</sup> құлланилғанлығында қарамасдан унинг моҳияти ҳозирға қадар турлича талқин этилади. Айрим манбаларда “яшил иктисодиёт” мамлакат табиатини яхшилашға күмаклашувчи иктисодиёттің янги тармоқлари сифатида тадқиқ қилинса, баъзи тадқиқотларда “яшил иктисодиёт” табиатга ёрдам берувчи ва фойда келтирүвчи янги технологиялар, экотизимлар сифатида үрганилади, учинчи гурух тадқиқотларда эса “яшил иктисодиёт” – бу экологик тоза маҳсулотлар яратишига йўналтирилған ривожланишнинг янги босқичига ўтиш ҳисобланиб, унинг асосини соғ ёки “яшил” технологиялар ташкил этади дейилади.

“Яшил иктисодиёт” тушунчасининг кенг тарқалған, нисбатан тўлиқ таърифи UNEP томонидан ишлаб чиқилған бўлиб, “яшил иктисодиёт” – бу “инсонлар фаровонлиги ва ижтимоий тенглигининг яхшиланиши, экологик рисклар ва экологик тақчилликни сезиларли даражада камайтириш”га олиб келувчи иктисодиётдир<sup>15</sup>. Ушбу тушунчанинг моҳиятини ёритиб беришда умумқабул қилинган ёндашувнинг мавжуд эмаслиги “яшил иктисодиёт” концепцияси ҳали шаклланиш босқичида эканлигидан далолат беради. Ушбу концепция иктисодиёт тармоқлари, “яшил иктисодиёт” назарияси, тамойиллари ёки “яшил иктисодиёт” сиёсатига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

“Яшил иктисодиёт” концепциясининг мақсади барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш ва инвестициялар фаоллигини ошириш, атроф муҳит муҳофазаси ва ижтимоий интеграция сифатини яхшилаш ҳисобланади<sup>16</sup>. Ушбу мақсадга эришиш учун давлат ва хусусий инвестицияларни барқарор ривожланишнинг экологик ва ижтимоий омилларига кенг миқёсда йўналтириш зарур бўлади.

Фикримизча, “яшил иктисодиёт” барқарор ривожланиш ўрнини боса олмайди ва барқарор ривожланишга эришишга хизмат қилувчи муҳим мезон ҳисобланади. Барқарор ривожланишнинг мазмуни ҳозирги авлод ўз иктисодий фаолиятини шундай ташкил этиши керакки, кейинги авлодлар улардан кам бўлмаган иктисодий имкониятлар ва турмуш фаровонлиғига эга бўлишлари лозимлигига намоён бўлади. Барқарор ривожланиш иктисодий, ижтимоий ва экологик компонентларни яхлит, ўзаро боғлиқликда ривожлантиришни тақозо этади.

“Яшил иктисодиёт” концепцияси тарафдорлари амал қилаётган иктисодий тизим аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишида муайян ижобий

<sup>13</sup> Декларация Конференции ООН по проблемам окружающей человека среды от 16.06.1972 // Консультант плюс 4012.00.32 2002-2013.

<sup>14</sup> Blueprint for a green economy: David Pearce, Anil Markandya and Edward B. Barbier. Earthscan, London, Great Britain, 1989. 192 pp.

<sup>15</sup> Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бэсса С. И др: ЮНЕП/Грид Арендаль, 2011. С. 17.

<sup>16</sup> Ўша манба. С.20.

натижаларга олиб келганинг қарамасдан мукаммал эмас, деб ҳисоблашади. Экологиянинг бузилиши (икклим ўзгариши, чўллашиш, био хилма-хилликнинг йўқотилиши), табиий капитал чекланганлиги, тугаб бораётганлиги, камбағаллик миқёсининг ортиб бориши, чучук сув, озиқ-овқат, энергиянинг етишмаслиги, одамлар ва мамлакатлар ўртасидаги тенгсизлик каби муаммолар амалдаги иқтисодий тизимнинг мукаммал эмаслигини шаҳодатловчи ҳолатлар ҳисобланади. Юқорида қайд этилган сабабларга кўра амалдаги иқтисодий модел “жигар ранг иқтисодиёт”, деб аталади.

Қайд этиб ўтилган таърифларни умумлаштирган ҳолда “яшил иқтисодиёт”нининг тор ва кенг маънодаги таърифларини фарқлаш мумкин. Тор маънода “яшил иқтисодиёт”ни анъанавий иқтисодиёт билан ёнма-ён ривожланаётган муайян тармоқлар йифиндиси сифатида тавсифлаш мумкин.

Кенг маънода эса “яшил иқтисодиёт” учун муҳим динамик жиҳат, яъни иқтисодий тизимда экологияга йўналтирилган ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, “барқарор ривожланиш”, “яшил ўсиш” ва “яшил иқтисодиёт” тушунчалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик “яшил иқтисодиёт” тушунчасининг мазмунини чуқурроқ очиб бериш имконини беради. “Яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш “яшил ўсиш”ни таъминлаб беради ва барқарор ривожланиш стратегиясини амалга оширишга кўмаклашади. Демак, “яшил иқтисодиёт”ни барқарор ривожланишнинг узоқ муддатли мақсадларига эришишнинг асоси сифатида қабул қилиш мумкин.

#### **1.4. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш йўналишлари**

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг долзарблиги ва зарурлиги қўйидаги омиллар билан белгиланади:

- атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар тугашининг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида иқтисодиётда технологик модернизациялашни амалга оширишни зарурлиги;
- углеводород хом-ашёси ва унинг пировард маҳсулот қийматидаги улушкига боғлиқлигини қисқартириш асосида иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш;
- катта мультиплекатив самараға эга бўлган юқори технологияли тармоқларни янгилаш имконини берувчи яшил инновацияларни қўллаш;
- паст углеродли иқтисодиётга ўтиш жараёнида углеводородга боғлиқликни қисқартириш.

Юқорида қайд этилганидек, жаҳонда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш ташаббуси 2008 йилда UNEP томонидан илгари сурилган бўлиб, қўйидаги умумий тамойилларга асосланади:

- экология билан боғлиқ муаммоларни миллий ва халқаро даражада баҳолаш ва биринчи кун тартибига айлантириш;
- “яшил” ишчи ўринларни яратиш ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- барқарор ривожланишга эришиш учун бозор механизмидан фойдаланиш.

“Яшил иқтисодиёт” концепцияси куйидаги аксиомаларга таянади<sup>17</sup>: а) чекланган мұхитда таъсир доирасини чексиз кенгайтиришнинг мүмкін әмаслиги; б) ресурслар чекланғанлығы шароитида ўсиб бораётган әхтиёжларни қондириш имкониятининг мавжуд әмаслиги; в) ер шарыда барча нарсаларнинг ўзаро боғлиқ эканлиғи.

UNEP мутахассислари “яшил иқтисодиёт” тармоқларини икки гурухға ажратишиади: а) хом-ашё қазиб чиқариш, қишлоқ хұжалиғи, балиқчилік, үрмон ва сув ресурсларини бошқариш, яъни “табиий капитал” билан боғлиқ тармоқлар; б) энергетика, қайта ишлаш саноати, машинасозлик, транспорт ва қурилиш, яъни “энергия ва ресурс самарадорлигини ошириш” билан боғлиқ тармоқлар<sup>18</sup>.

Айрим мутахассислар “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш йұналишларини аниклашда Кларк-Фишер моделини қўллаш зарурлигини таъкидлашиади. Кларк-Фишер модели иқтисодий ривожланиш босқичларида иш ўринларини яратишида иқтисодиётнинг қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиши секторлари аҳамиятини назарий жиҳатдан асослашга хизмат қилади. Ушбу модель БМТ мутахассислари томонидан таклиф этилган “яшил иқтисодиёт” тармоқларини хизмат кўрсатиши соҳасига тегишли “яшил” хизматлар ва фан сифимкорлиги юқори ишлаб чиқариш, туризм, шаҳарларни бошқариш ва чиқиндиларни йўқотиши, таълим, илмий тадқиқотлар, молиявий хизматлар каби инновацион иқтисодиётга хос йұналишлар билан тўлдиради<sup>19</sup>.

Иқтисодий адабиётда “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришнинг куйидаги йұналишлари ажратилади<sup>20</sup>:

**1. Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш.** Энергетика сектори иқлим ўзгаришларига жиддий таъсир кўрсатиувчи соҳа ҳисобланади ва атмосферага иссиқхона газларини чиқариш миқдорининг 60%га яқини ушбу сектор ҳиссасига тўғри келади. Таҳлиллар кўрсатишича, ер шарыда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳар бештасидан бири ёки 1,2 млрд. киши электрэнергиядан фойдаланиш имкониятидан маҳрум. 2,8 млрд. киши эса овқат тайёрлаш ва яшаш жойини иситиш учун дараҳт, кўмир ва ҳайвонлар аҳлатидан фойдаланишиади. Бу эса уй ҳавосининг бузилиши оқибатида ҳар йили 4 миллиондан ортиқ кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда. Дунё мамлакатлари “яшил энергетика” соҳасини ривожлантириш учун зарур инфратузилмани шакллантиришга сарфланаётган йиллик инвестициялар

<sup>17</sup> Ващалова Т.В. Экологические основы природопользования. Устойчивое развитие: учебное пособие. –М.: Юрайт, 2020. С. 56.

<sup>18</sup> Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication // UNEP’s Green Economy Initiative. Website. 2011. 2 December. URL: [http://www.unep.org/greenconomy/Portals/88/documents/ger/ger\\_final\\_dec\\_2011/Green%20\\_EconomyReport\\_Final\\_Dec2011.pdf](http://www.unep.org/greenconomy/Portals/88/documents/ger/ger_final_dec_2011/Green%20_EconomyReport_Final_Dec2011.pdf) P. 9.

<sup>19</sup> "Зелёная экономика" — новый вектор глобального развития: возможности и вызовы для России. //Проблемы национальной стратегии № 4 (37) 2016. С.60.

<sup>20</sup> Иванова Н.И., Левченко Л.В. «Зеленая» экономика: сущность, принципы и перспективы. //Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2017. № 2 (58) С.20-21.

микдорини 2030 йилга қадар ҳозирги 400 млрд. доллардан 1,25 трлн. долларга қадар оширишлари зарур бўлади<sup>21</sup>.

**2. Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш.** Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда ҳар куни аҳоли жон бошига 1 кг.дан 3 кг.гача қаттиқ майший чиқиндилар ишлаб чиқарилмоқда. АҚШда ушбу кўрсаткич ҳар 10 йилда 10%га ортиб бормоқда. Россияда эса чиқиндилар тўпланадиган майдонлар 2 минг кв. км.дан ортиқ майдонни ташкил этади<sup>22</sup>. Шу билан бир вақтда чиқиндиларни оқилона бошқариш тизимини яратиш жиддий иқтисодий дивиденд келтириши мумкин. Жумладан, Буюк Британияда 2005-2010 йилларда маҳсус дастурлар доирасида 7 млн. тонна чиқинди қайта ишланган ва улардан иккиласми марта фойдаланилган. Бу эса 6 млн. тонна иссиқхона газларини атмосферага чиқариш, 10 млн. тонна бирламчи материаллар ва 10 млн. литр сувни тежаш имконини берди. Ушбу соҳада 8 700 нафар ишчи ўринлари яратилган.<sup>23</sup>

**3. Сув ресурсларини бошқариш тизимларини такомиллаштириш.** Ер шарида ҳар олтинчи киши ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда<sup>24</sup>. Иқлим ўзгариши, сувнинг глобал табиий айланишининг фаолашуви натижасида иқлими нам ҳудудларда намгарчилик даражаси янада ошиб бораётган бўлса, иқлими қуруқ минтақаларда курғоқчиликлар авж олмоқда. Ҳозирги вақтда 3,6 млрд. киши (ер шари аҳолисининг деярли ярми) йилига бир ойдан кам бўлмаган муддатда сув танқислиги кузатиладиган ҳудудларда яшайди ва 2050 йилга қадар ушбу кўрсаткич 4,8 млрд. кишидан 5,7 млрд. кишигача ортиши мумкин<sup>25</sup>.

**4. “Соф”, “барқарор” ёки “яшил транспорт”ни ривожлантириш.** UNEP аҳолининг умумий ҳаракатига зиён етказмасдан транспортга, аввало хусусий транспорт воситаларига бўлган талабни қисқартириш устида тадқиқотлар олиб бормоқда. “Яшил транспорт” деганда атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтирувчи ҳаракатланишнинг ҳар қандай усули ёки ташкилий шакли тушунилади. Яшил транспортга пиёда ва велосипедда ҳаракатланиш, экологик автомобиллар, жамоат транспортга қулай ўтиш зоналарини лойиҳалаштириш, тежамкор, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи ва яшаш майдонини сақлаб қолишга кўмаклашувчи шаҳар транспорт тизимларини киритиш мумкин.

Транспорт тизимлари атроф-муҳиттга жиддий салбий таъсир кўрсатади, жаҳон энергияси истеъмоли ва иссиқхона газларининг 20-25%и бевосита тўғри транспорт хиссасига тўғри келади<sup>26</sup>. 2050 йилга бориб жаҳон

<sup>21</sup> [https://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian\\_Why\\_it\\_matters\\_Goal\\_7\\_Clean\\_Energy.pdf](https://www.un.org/ru/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_7_Clean_Energy.pdf)

<sup>22</sup> Корнилов А. М. Зарубежный опыт управления отходами // Вторичное сырье. – URL : <http://www.recyclers.ru/modules/section/item.php?itemid=56>.

<sup>23</sup> <http://web.unep.org/newscentre/smarter-use-resources-can-add-2-trillion-annually-global-economy>

<sup>24</sup> Кушнаренко А. Дефицит пресной воды: проблемы и способы решения // The WALL magazine. – URL : <http://thewallmagazine.ru/lack-of-fresh-water/>.

<sup>25</sup> Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов, 2018 г.: Природные решения проблем управления водными ресурсами. Рабочее резюме <http://unesdoc.unesco.org/images/0026/002615/261594r.pdf>

<sup>26</sup> Transport Technologies and Policy Scenarios to 2050. — World Energy Council, 2007. — ISBN 0946121281.

автопаркининг сони уч бараварга ортиши кутилмоқда. Шу сабабЛИ UNEP ташкилоти “Халқаро автомобиль федерацияси” ва ИХТТнинг Халқаро транспорт форуми ҳамкорлигига “50-йилга қадар 50 фоиз” ташаббусини илгари сурди. Ушбу ташаббусдан мақсад 2050 йилга қадар жаҳон автопаркининг самарадорлигини 50%га ошириш ҳисобланади<sup>27</sup>. Тошкент шаҳрида атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газларининг 90%и автотранспорт ҳиссасига тўғри келади. Тошкентда автотранспорт воситалари томонидан чиқарилаётган заҳарли моддалар миқдори йилига 395 минг тоннани ташкил этади. Ушбу заҳарли моддалар миқдори 2018 йилда Ўзбекистон бўйича 2 млн. 449 минг тоннани ташкил этгани ҳолда, автотранспорт улуши 60%га teng бўлди. Бу кўрсаткич жаҳонда белгиланган андозадан 3 марта юқори ҳисобланади<sup>28</sup>.

#### **5. Қишлоқ хўжалигида органик дехқончиликни ривожлантириш.**

Қишлоқ хўжалигида гебициidlар, пестициidlар, заҳарли кимёвий моддалар ҳамда сунъий ўғитлардан фойдаланишдан воз кечиш таклиф этилмоқда. Органик қишлоқ хўжалиги глобал “яшил иқтисодиёт”нинг муҳим йўналиши сифатида дунёning 178 мамлакатида ривожлантирилмоқда. Органик ишлаб чиқариш учун ажратилаётган ер майдонлари йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2019 йилда жаҳон бўйича 70 млн. гектардан ортиқ майдон органик қишлоқ хўжалиги асосида фойдаланилмоқда ва ушбу кўрсаткич жаҳон қишлоқ хўжалик ерларининг тахминан 1,4%ини ташкил этади<sup>29</sup>.

**6. Уй-жой коммунал хўжалигида энергия самарадорлигини ошириш.** Самарасиз иситиш тизимлари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган уй-жойларнинг мавжудлиги иссиқликни сезиларли даражада йўқотишга олиб келади.

**7. Экотизимларни сақлаб қолиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш.** Инсон фаолиятининг барча турлари биомуҳитнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг йўналиши ва миқёсини “экологик инқироз”, деб баҳолаш мумкин. БМТ маълумотларига кўра, ер шари қуруқлик қисмининг 30,7%и ўрмонлар билан қопланган. Ўрмонлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бир вақтда иқлим ўзгаришининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Инсоният ҳар йили 13 млн. гектар ўрмонзорларни йўқотмоқда, ерларнинг мунтазам равишда деградациялашуви эса 3,6 млн. гектар ер майдонининг чўллашувига олиб келди. Дунёда маълум 8 300 турдаги ҳайвонларнинг 8,0% йўқ бўлиб кетган бўлса, 22,0%и йўқолиб кетиш арафасида, 80 минг турдаги дарахтларнинг бор-йўғи 1,0%га яқини потенциал фойдаланиш нуқтаи назаридан ўрганилган<sup>30</sup>.

**8. “Яшил технологиялар”ни яратиш ва сотиш бозорларини ривожлантириш.** Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йилга бориб жаҳондаги экологик тоза асбоб-ускуналар бозори 4,4 трлн. евро (таксиман 6 трлн. долл.)га тенглашади. Ушбу бозорнинг ҳар йили ўртача 30%га ўсаётганлиги ва

<sup>27</sup> <http://www.unepcom.ru/unep/gei/219-grn-transport.html>

<sup>28</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2019/08/12/air-pollution/>

<sup>29</sup> <https://www.ifoam.bio/global-organic-area-continues-grow>

<sup>30</sup> <https://www.un.org/sustainabledevelopment/biodiversity/>

жаҳон ялпи ички маҳсулотига қўшаётган ҳиссаси 6-7%га қадар ортаётганлиги кузатилмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2020 йилдаёқ жаҳондаги экологик тоза асбоб-ускуналар бозори ҳажми икки бараварга, тегишли тармоқларда банд бўлғанлар сони тўрт мартага, “яшил иқтисодиёт”нинг жаҳон ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссаси эса 5%га ортиши кутилмоқда<sup>31</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

- “яшил иқтисодиёт” концепциясини мавафаққиятли амалга оширишдаги бош муаммо “яшил иқтисодиёт” тушунчасини энергия ва ресурсларни тежайдиган самарали технологиялар, муқобил энергетикани ривожлантиришга қўшимча инвестициялар йўналтириш ёки “яшил ўсиш” сифатида соддалаштириш ҳисобланади;

- “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурлигини илмий асослашнинг мураккаблиги, экологик муаммоларни прогнозлашнинг юқори даражада ноаниқлиги ушбу концепцияни тушунарли, содда тарзда тушунтиришда қийинчиликлар туғдиради. Жумладан, иссиқхона газларини атмосферага чиқариш муддати ва даражасини пасайтириш бўйича ягона келишув мавжуд эмас. Иссиқхона газларини атмосферага чиқариш ҳажми эса ортиб бормоқда;

- “яшил иқтисодиёт” барқарор ривожланиш ўрнини боса олмайди, “яшил иқтисодиёт” барқарор ривожланишга эришишга хизмат қилувчи мезон ҳисобланади;

- барқарор ривожланиш иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентларни яхлит, ўзаро боғлиқликда ривожлантиришни тақозо этади;

- “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни ҳар бир мамлакат учун алоҳида аҳамият касб этиб, табиий капитал, инсон капитали ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси каби хусусиятларга бевосита боғлиқ ҳолда содир бўлади.

## Назорат саволлари

1. Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш заруриятини асосланг.
2. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд бўлиши зарур?
3. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш миллий иқтисодиётда таркибий ва технологик ўзгаришларга олиб келадими?
4. Барқарор ривожланиш ва “яшил иқтисодиёт” тушунчалари ўртасида боғлиқликни аниқланг.
5. **Кейс.** Яшил иқтисодиёт – барқарор ривожланишнинг янги йўли сифатида.

**Вазият:** Охирги йилларда “яшил иқтисодиёт” мавзуси долзарблашиб бормоқда. “Яшил иқтисодиёт”га хос муҳим хусусиятлар: иссиқхона газларини чиқариш ҳажмининг пастлиги; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

<sup>31</sup> Порфирьев Б. «Зеленая» экономика: реалии, перспективы и пределы роста // Фонд Карнеги за международный мир. – URL : [http://carnegieendowment.org/files/WP\\_Porfiriev\\_web.pdf](http://carnegieendowment.org/files/WP_Porfiriev_web.pdf)

табиий капитални сақлаб қолиш, кўпайтириш ва тиклаш; биологик хилма-хиллик ва экотизимларни йўқотишининг олдини олиш; аҳоли даромадлари ва бандлигини ошириш.

“Рио +20” форумидан кейин форумда иштирок этган мамлакатлардан бири “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги, ўз иқтисодиётини “яшил” ўсиш асосида ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур мамлакат ЯИМ таркибида саноат улуши 31,6%ни ташкл этади. Мамлакат ЯИМнинг энергия сифимкорлиги 1,9 га (таққослаш учун ушбу кўрсаткич Беларусда 1,17 га, Японияда 0,1 га) тенг. Бундан ташқари мамлакатда асосий фондлар эскириш даражасининг юқорилиги ва инфратузилманинг жаҳон ривожланиш даражасидан анча пастлиги муаммоси мавжуд. Мамлакатда иқтисодиётнинг “яшил” секторлари ва “яшил” технологияларни ривожлантириш ҳисобига ЯИМнинг энергия сифимкорлигини 2025 йилга қадар 10%га, 2030 йилгача эса 25%га қисқартириш бўйича стратегик мақсад ишлаб чиқилган. Мамлакатнинг нисбатан ривожланган тармоқлари : нефть қазиб чиқариш; металлургия; кимё ва нефт-кимё; машинасозлик; энергетика; енгил ва озиқ-овқат саноати; агросаноат; қурилиш.

**Муҳокама учун саволлар:** а) мамлакатда “яшил” иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларини аниқланг; б) ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифимкорлигини пасайтириш борасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан қандай фойдаланиш мумкин?; в) “яшил стратегия”нинг тамойилларини ривожлантириш бўйича таклифлар киритинг; г) “яшил” секторларни ривожлантиришнинг қайси механизми иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини ошириш манбалари бўлиб хизмат қилиши мумкин?

### **Асосий тушунчалар**

**“Атроф-муҳит иқтисодиёти”** – иқтисодий фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири натижасида юзага келаётган оқибатларни экстернали, яъни ташқи самаралар сифатида талқин этишга асосланган иқтисодий фан.

**Иқтисодий ёндашув** – чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишни назарда тутади.

**Ижтимоий ёндашув** – глобал миқёсда ижтимоий барқарорлик ва маданий хилма-хилликни таъминлашга йўналтирилган ёндашув.

**Экологик ёндашув** – ҳар қандай экологик тизимларнинг нормал фаолият юритишини таъминлашга хизмат қилувчи ёндашув.

**“Жигар ранг иқтисодиёт”** – экологиянинг бузилиши (иклим ўзгариши, чўллашиш, био хилма-хилликнинг йўқотилиши), табиий капитал чекланганлиги, тугаб бораётганлиги, камбағаллик миқёсининг ортиб бориши, чучук сув, озиқ-овқат, энергиянинг этишмаслиги, одамлар ва мамлакатлар ўртасидаги тенгсизлик каби муаммолар хос бўлган иқтисодий тизим.

**Барқарор ривожланиш мақсадлари** (Sustainable Development Goals (SDGs)) – халқаро ҳамкорликнинг истиқболда эришиши кутилаётган мақсадлар йигиндиси.

**Киото протоколи** – БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Доиравий Конвенцияси (1992)га қўшимча равишда қабул қилинган ҳужжат бўлиб, Япониянинг Киото шаҳрида 1997 йил декабрда қабул қилинган.

**БМТ Атроф-муҳит дастури** (UN Environment Programme - UNEP) – БМТ дастурлари тизимиға кирувчи, атроф-муҳит муҳофазасини мувофиқлаштиришга кўмаклашувчи дастур. Дастур 1972 йил 15 декабря БМТ Бош Ассамблеясининг №2997-сон резолюцияси билан таъсис этилган.

## Тестлар

### **1. БМТ Атроф-муҳит дастури (UNEP) қачон қабул қилинган?**

1992 йил

1972 йил

2000 йил

2002 йил

**2. Барқарор тараққиётнинг таркибий қисмларни белгиланг:**  
иктисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш, атроф-муҳит муҳофазаси фойдали қазилмалар, аҳоли сонининг ортиши, экологик маданият қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, атроф-муҳит муҳофазаси ишлаб чиқаришнинг ўсиши, барқарор тараққиёт таълими

**3. Ҳозирги авлодлар ҳаётий эҳтиёжларини келгуси авлодлар ҳаётий эҳтиёжларини қондиришига зарар етказмасдан амалга оширишини назарда тутадиган ривожланиш нима дейилади?**

экологик тараққиёт

техноген ривожланиш

барқарор тараққиёт

иктисодий ривожланиш

**4. БМТнинг атроф-муҳит бўйича биринчи Халқаро Конференцияси қаерда ва қачон бўлиб ўтди?**

Йоханнесбург, 2002 йил

Стокгольм, 1972 йил

Нью-Йорк, 2000 йил

Рио-де-Жанейро, 1992 йил

**5. Экологиянинг бузилиши, табиий капитал чекланганлиги, тугаб бораётганлиги, камбағаллик миқёсининг ортиб бориши, чучук сув, озиқовқат, энергиянинг етишмаслиги, одамлар ва мамлакатлар ўртасидаги тенгиззлик каби муаммолар хос бўлган иқтисодий тизим ...**

“яшил иқтисодиёт”

“қора иқтисодиёт”

“барқарор иқтисодиёт”

“жигар ранг иқтисодиёт”

**6. Яшил иқтисодиёт концепциясини амалга оширишдаги иқтисодий ёндашув нимани назарда тутади?**

сиёсий барқарорликни таъминлаш

чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш

глобал миқёсда ижтимоий барқарорлик ва маданий хилма-хилликни таъминлаш

ҳар қандай экологик тизимнинг нормал фаолият юритишини таъминлаш

**7. Яшил иқтисодиёт концепциясини амалга оширишдаги ижтимоий ёндашув нимани назарда тутади?**

чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш

ҳар қандай экологик тизимнинг нормал фаолият юритишини таъминлаш

глобал миқёсда ижтимоий барқарорлик ва маданий хилма-хилликни таъминлаш

сиёсий барқарорликни таъминлаш

**8. Барқарор ривожланиш мақсадлари (Sustainable Development Goals (SDGs)) – бу:**

халқаро ҳамкорликнинг истиқболда эришиши кутилаётган мақсадлар йиғиндиси

ҳар қандай экологик тизимнинг нормал фаолият юритишини таъминлаш

глобал миқёсда ижтимоий барқарорлик ва маданий хилма-хилликни таъминлаш

халқаро ҳамкорликнинг жаҳонда тинчликни ўрнатиш мақсадлари йиғиндиси

**9. Атроф-мухитга салбий таъсирни камайтирувчи ҳаракатланишнинг ҳар қандай усули ёки ташкилий шакли – бу:**

“яшил энергия”

“яшил транспорт”

“яшил қурилиш”

“яшил бинолар”

**10. Нима учун Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларининг 14-мақсади миллийлаштирилмаган?**

республика ҳудудида денгиз ҳавзалари мавжуд бўлмагани боис

мамлакатда камбағаллар йўқлиги сабаб

мамлакатда тўйиб овқатланмайдиганларнинг мавжуд эмаслиги туфайли

республикада гендер тенлигига эришилганлиги сабаб

## **П-БОБ. “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ДАСТАКЛАРИ**

### **2.1. Ресурсларнинг чекланганлиги ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти**

XX асрда дунёning ташқи қиёфаси сезиларли даражада ўзгариб кетди. 1900 йилда дунё аҳолиси 1,6 млрд. кишини ташкил этган бўлса, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 6 млрд. кишидан ошди, 2017 йилга келиб эса ер юзидағи аҳоли сони 7,6 млрд. кишини ташкил этмоқда. Аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги жаҳон бўйича деярли икки марта ошиб, камбағаллик даражаси 3 мартадан кўпроққа камайди. Фан-техника борасида эришилаётган ютуқлар таъсирида иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин ўсиши дунё аҳолиси сонининг жадал суръатларда ортишига сабаб бўлди. Фан-техника ютуқлари дунё аҳолиси сонининг ўсиш суръатларига нисбатан юқори иқтисодий ривожланиш суръатларини таъминлаб берди. Жумладан, XX аср давомида дунё аҳолиси 3,6 мартаға ўсгани ҳолда, дунё ялпи ички маҳсулоти миқдори 18 мартадан кўпроққа ортган<sup>32</sup>. Таҳлиллар кўрсатишича, дунё аҳолисининг кўпайиши ва иқтисодий ўсишнинг муентазам равишда атроф муҳитга бўлган юкнинг ошиб боришига олиб келди. Сўнги юз йилликдаги аҳолининг сони ва иқтисодий фаоллигининг ошиши ҳисобига дунё океанининг оксидланиш даражаси деярли 1,2 мартаға (2000 йилда 1900 йилга нисбатан) ошди, тропик ўрмонларнинг йўқотилиш даражаси 6 марта ошди, углерод оксиди чиқарилиши 1,5 мартаға кўпайди<sup>33</sup>. Дунё аҳолиси иқтисодий фаоллигининг ошиши натижасида юз бераётган бундай иқлим ўзгаришлари ўрта муддатли истиқболда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

БМТ Тараққиёт Даствури (UNDP) бўйича агентлик фикрига кўра, ривожланиш ва эҳтиёжларни қондириш учун сезиларли миқдордаги углеводордларни талаб этувчи жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий соҳанинг жорий ҳолати ўзгаририлмаса 2050 йилда 2030 йилга нисбатан инсоният 5 млн. кишини йўқотиши мумкин<sup>34</sup>. Иқлим ва глобал табиий тизимнинг ўзгариши инсон ҳаётининг барча жиҳатларига салбий таъсир кўрсатади ва мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини ёмонлаштиради.

Жаҳон ялпи истеъмолининг ўсиши чекланган ресурслардан фойдаланиш муаммосини келтириб чиқаради. Ресурсларнинг чекланганлиги, ер курраси ва океанда қанча миқдорда мавжудлиги уларга хос хусусият ҳисобланади. Назарий жиҳатдан минерал ресурслар узоқ муддатли даврда интенсив ишлатиш оқибатида тугаши мумкин. Ер куррасидаги мавжуд аксарият ресурсларнинг умумий ҳажми истеъмол қилинаётганидан минглаб, миллионлаб марта кўпдир. Мисол учун 1990 йилда саноат захираларининг ўртача йиллик истеъмолга нисбати темир рудаси бўйча 250 йилни, никель

<sup>32</sup> Historical and Statistic World Economy. Maddison Project. (2015). [http://www.ggdc.net/maddison/Historical\\_Statistics/horizontal-file\\_03-2007.xls](http://www.ggdc.net/maddison/Historical_Statistics/horizontal-file_03-2007.xls).

<sup>33</sup> Ўша манба.

<sup>34</sup> UNEP. (2015), Publication UNEP. United Nations Environment Program. <http://www.unep.org/climatechange/>

бўйича – 76, алюминий бўйича – 280, кумуш бўйича – 60, кўмир, табии газ ва нефть бўйича – мос равиша 400, 71 ва 45 йилни ташкил этган. Қазиб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида хом-ашё захиралари миқдори камайиб бормоқда. Саноат учун ишлатиладиган хомашёдан самарали, тежамкорлик билан фойдаланиш ва янги конларни қидириб топиш ресурсларни кўпайтиради. Жумладан, BP (“Би-Пи”) трансмиллий нефть компанияси маълумотларига кўра 2009-2019 йилларда нефть ва табии газнинг аниқланган захиралари ўртача 1,2 марта ошган (2.1.1-жадвал).

### 2.1.1-жадвал

#### **Жаҳон ёқилғи захираларини аниқлаш, қазиб чиқариш ва истеъмол қилиш<sup>35</sup>**

	2009 й.	2019 й.
<b>Аниқланган захиралар</b>		
Нефть, млрд. баррель	1531,8	1733,9
Табии газ, трлн. куб. метр	170,5	198,8
Кўмир, млн. тонна	928238	1069636
<b>Қазиб чиқариш</b>		
Нефть, бир кунда минг баррель	81578	95192
Табии газ, млн. куб. метр	2934,9	3989,3
Кўмир, млн. тонна	142,89	167,58
<b>Истеъмол</b>		
Нефть, бир кунда минг баррель	84083	98272
Табии газ, млн. куб. метр	2941,1	3929,2
Кўмир, нефть эквивалентида млн. тонна	144,53	157,86

Табии ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланилмаслик натижасида келиб чиқувчи салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида ривожланаётган минтақалар мамлакатлари ўз экологик тизимини, биологик хилма-хиллигини ва иқлимини яхшилаш учун ҳар йили 70-100 млрд. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритишлари зарур. Шу билан биргаликда ривожланаётган минтақаларнинг инвестицион салоҳияти анча паст эканлигини эътиборга олиш зарур. Жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ушбу минтақалар учун стратегик муҳим бўлган (ер ости бойликларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш) соҳаларга йўналтирилмоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича, айрим ривожланаётган мамлакатларнинг миллий қонунчилиги хўжалик субъектларининг экологик ёки ижтимоий жавобгарлигини таъминламайди. Табии ресурсларни эксплуатация қилиш борасидаги бундай агрессив ёндашув бутун замонавий цивилизация учун жиддий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

UNEP тадқиқотларига кўра жаҳон табии ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш келгуси авлод учун 2050 йилга қадар ҳар йили 2 трлн. доллар иқтисодий фойда олиш имконини яратади. Бу даврда дунё аҳолиси сони 28%-га, аҳоли жон бошига ресурслардан фойдаланиш даражаси эса 71%-га ортиши башорат қилинмоқда. Табии ресурслардан оқилона фойдаланиш

<sup>35</sup> bp Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

бўйича қатъий чоралар ишлаб чиқилмас экан, металлар, биёқилғи, минераллар ва бошқа ресурсларнинг йиллик истеъмоли 85 млрд. тоннадан 186 млрд. тоннагача кўпайиши мумкин. Иқлим ўзгаришининг олдини олиш учун сарфланаётган инвестициялар аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот улушининг 3,7%га қисқаришига олиб келгани ҳолда ресурслардан самарали фойдаланиш амалиётини жорий этиш ушбу йўқотишни қоплаб кетиши мумкин.

Мавжуд вазиятда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланишга ўтказишнинг энг оптималь ечими, деб ҳисоблаш мумкин. Дунёнинг деярли барча минтақаларида қайта тикланувчи энергетика (куёш, шамол, гидроэнергетика ва биоэнергетика) секторидан фойдаланиш билан боғлиқ сезиларли салоҳият мавжуд. Жумладан, Халқаро тикланадиган энергия агентлиги маълумотларига кўра, Канада ва АҚШ тикланадиган энергия ресурсларидан мос равища 96 636 ва 214 766 МВт энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни яратди. Россия ўзининг сезиларли даражадаги салоҳияти ва хилма-хил иқлими билан тикланадиган энергия ресурсларидан йилига 51 747 МВт энергия ишлаб чиқариш қувватларини яратади. Бразилия ва Хитой қайта тикланувчи энергия ресурсларидан мос равища йилига 122 951 ва 545 206 МВт энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга туширди. Бу борада Африка мутлақо аутсайдер ҳисобланади. Жумладан, бутун Африка минтақаси тикланадиган энергия ресурсларидан 38 192 МВт энергия ишлаб чиқариш қувватларига эга<sup>36</sup>.

Чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, “соф технологиялар”га нисбатан инновацион ёндашишни кучайтириш, “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш муаммолари халқаро иқтисодий, экологик, инвестицион форумларда мунтазам равища мухокама этиб келинмоқда. Жумладан, БМТнинг 2014 йилда тақдим этилган “An Action Agenda for Sustainable Development” номли ҳисботида мамлакатларнинг барқарор ривожланиш даражасини белгилаб берувчи қуйидаги қўрсаткичлар келтирилган<sup>37</sup>: иқтисодий ривожланиш, ижтимоий барқарорлик, атроф мухитни ҳимоя қилиш ва сақлаш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш. Иқтисодий ўсиш мамлакат барқарор ривожланишининг мухим жиҳати ҳисобланса-да, бунда атроф мухит мувозанатининг таъминланиши, экологик муаммолар келтириб чиқарувчи омилларнинг бартараф қилиниши, аҳоли даромадлари даражасидаги тенгсизлик, тинчлик каби кўплаб омиллар инобатта олинади.

UNEP ва Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукumatларо комиссияси томонидан 2012 йилда чоп этилган “Тикланадиган энергия манбалари ва иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатиш” (“Renewable Energy Sources and Climate Change Mitigation”)<sup>38</sup> маҳсус ҳисботида эса тикланадиган энергия манбалари энергиянинг бошқа турларига нисбатан атроф-мухитга камроқ салбий таъсир

<sup>36</sup> IRENA (2017), Renewable capacity statistics 2017, International Renewable Energy Agency (IRENA), [www.irena.org/Publications](http://www.irena.org/Publications)

<sup>37</sup> UN. Report for the UN secretary-general “An action agenda for sustainable development”. 2014. -P. 1-2.

<sup>38</sup> United Nations Environment Programme and Intergovernmental Panel on Climate Change. Special Report on Renewable Energy Sources and Climate Change Mitigation. - P. 7.

кўрсатиши, иқлим ўзгаришлари оқибатларини юмшатишнинг юқори салоҳиятига эга эканлиги таъкидланган.

Ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишли таъминлашнинг жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ушбу жараён узоқ муддатли давр, катта миқдорда инвестицияларни талаб этиши, устувор эътибор тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган технологияларни ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажralиб туради.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни ҳар бир мамлакат учун алоҳида аҳамият касб этиб, табиий капитал, инсон капитали ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига каби хусусиятларга бевосита боғлиқ ҳолда рўй беради. Шу сабабли, ўтиш жараёни учун қулай (хуқуқий инфратузилма, рағбатлантирувчи омиллар ва ҳ.к.) муҳит яратиш зарур. Агар миллий даражада қўлланилаётган рағбатлантиришувчи омиллар, жумладан, инвестициялар ва давлат харидлари “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга йўналтирилса, иқтисодий тизимни “яшиллаштириш” жараёни янада фаоллашади.

## 2.2. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш тамойиллари


Аксарият мамлакатлар яшил иқтисодиётга ўтиш стратегиясида аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб олишади. Бу ўринда яшил иқтисодиётга ўтишдан мақсад нима деган савол туғилади? БМТ Европа иқтисодиёт қўмитаси мутахассисларининг таъкидлашича, “яшил иқтисодиётга ўтишдан кўзланган мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага “яшил инвестициялар”ни йўналтиришни рағбатлантириш ҳисобланади. Ушбу инвестициялар муҳим иқтисодий ресурслар ҳисобланган табиий капитал ва экотизимлардан нисбатан самарали усууллар ёрдамида фойдаланиш ёки уларни тугаб қолиши ёки деградациялашуви риски пайдо бўлганда бошқа муқобил ресурслар билан алмаштиришга ёрдам беради. Инвестициялар бир вақтнинг ўзида ижтимоий адолат учун шароит яратиши ва фуқароларга муносаб иш ўринларини барпо этиши зарур. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ижтимоий интеграцияни чуқурлаштириш, иқтисодий ривожланишни яхшилаш каби вазифалар “яшил иқтисодиёт”нинг вазифаларига киради<sup>39</sup>.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш мақсади ва стратегик вазифалари муайян тамойилларга асосланишини тақозо этади. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш тамойиллари мазкур иқтисодиёт қандай бўлиши зарурлигини белгилаб беради. “Яшил иқтисодиёт” тамойиллари “жигарранг иқтисодиёт” тамойилларига нисбатан кенг қамровли бўлиб, 1972 йилда Стокгольмда ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва экология муаммоларига бағишиланган

<sup>39</sup> <https://www.uneece.org/sustainable-development/green-economy/what-are-the-main-purpose-and-the-related-objectives-of-green-economy.html>

халқаро конференцияда атроф-муҳитни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган 26 та тамойил ишлаб чиқилди<sup>40</sup>.

Иқтисодий адабиётда халқаро ва миллий амалиётда 2012 йилда UNEP бошқарув кенгаши “Яшил иқтисодиёт” каолицияси томонидан ишлаб чиқилган “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг қуидаги тамойиллари кенг тарқалган (2.2.1-расм).



**2.2.1-расм. “Яшил иқтисодиёт” тамойиллари**

**Барқарорлик тамойили.** “Яшил иқтисодиёт” барқарорликни таъминлаш воситаси ҳисобланади. У барқарор ривожланиш ўрнини боса олмаган ҳолда, уни таъминлаш усулларидан бири саналади. “Яшил иқтисодиёт” соғлом атроф-муҳитга боғлиқ ва барча учун фаровонлик манбай бўлиб хизмат қиласи. Бундай сиёsat барқарор ривожланишнинг барча (экологик, ижтимоий ва иқтисодий) мақсадларини қамраб олади ва ушбу йўналишлар бўйича ижобий натижаларга эришиш имконини берувчи аралаш стратегияларни ишлаб чиқади.

**Адолатлилик тамойили.** “Яшил иқтисодиёт” мамлакатлар ва авлодлар ўртасида тенглик, адолатни қўллаб-куватлайди. У инсон ҳуқуқлари, маданий хилма-хиллик, гендер тенглигини таъминлашга кўмаклашади, билимлар, кўникумалар, тажрибалар ва ҳар бир инсоннинг ушбу соҳага қўшган ҳиссасини тан олади. Туб аҳолининг ер, худуд ва ресурсларга бўлган ҳуқуқлари ҳурмат қилинади.

<sup>40</sup> Декларация Конференции ООН по проблемам окружающей человека среды от 16.06.1972 // Консультант плюс 4012.00.32 2002-2013.

**Барча учун фойдаланиш имконияти тамойили.** Яшил иқтисодиёт барча учун фаровонлик олиб келади ва камбағаллик даражасини пасайтиради, барча мамлакатларда инсон тараққиётининг юқори даражасига эришиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соғлиқни сақлаш, таълим, санитария, сув билан таъминлаш, энергия ва бошқа асосий хизмат турларидан фойдаланиш имкониятини яратишга хизмат қилади. Ушбу тамойил аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларининг кенгайишига кўмаклашади. “Яшил иқтисодиёт” барқарорлик асосида амалга оширилса ривожланиш ҳуқуқини қўллаб-кувватлади.

**Соғлом сайёра тамойили.** “Яшил иқтисодиёт” йўқотилган био хилма-хилликни тиклашга ёрдам беради, табиий тизимларга инвестициялар йўналтиради ва йўқ бўлиб бораётганларини қайта тиклайди. “Яшил иқтисодиёт” экотизимлар ва био хилма-хилликка бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу иқтисодиёт экологик талаблардан четга чиқмаслик ва барчани мазкур талаблар бўйича ҳамкорлик қилишга ундейди. Экологик талабларга атроф-муҳитни ифлослантириш, экотизимларни муҳофаза этиш, био хилма-хиллик ва бошқа табиий ресурсларни асраб қолиш, табиий ресурслар (сув, табиий газ, фойдали қазилма бойликлар)дан самарали ва келажак авлод эҳтиёжларини хавф остига қўймасдан оқилона фойдаланиш кабилар киради.

“Яшил иқтисодиёт” янги технологиялар ва инновацияларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишга қадар потенциал таъсирини, иқтисодий сиёsatнинг экологик оқибатларини баҳолаш, экологик ва ижтимоий муносабатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам беради.

**Иштирок этиш тамойили.** “Яшил иқтисодиёт” шаффофлиқ, илмий тадқиқотлар ва барча манфаатдор томонлар иштирокига асосланганлиги боис инклузив характерга эга. “Яшил иқтисодиёт” фуқароларнинг барқарор ривожланишни таъминлашнинг барча босқичларида тўлиқ ва самарали иштирокини тақозо этади.

**Оқилона бошқариш ва шаффофлик тамойили.** “Яшил иқтисодиёт” маълумотлари шаффофлиги боис унинг миқёсини ўлчаш мумкин. “Яшил иқтисодиёт” ишлаб чиқариш ва бозорлар устидан соғлом назорат ўрнатиш имконини беради. Тараққиёт натижаларини эса макро ва микро даражада миқдорий жиҳатдан ўлчаш мумкин бўлади. “Яшил иқтисодиёт” халқаро ҳамкорлик қилишга кўмаклашади, халқаро маъсулиятни иштирокчилар ўртасида тақсимлайди ва барчани инсон ҳуқуқлари, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро стандартларга риоя қилишга чақиради.

**Мослашувчанлик тамойили.** “Яшил иқтисодиёт” ижтимоий ҳимоя ва атроф-муҳит муҳофазаси тизимининг ривожланишига кўмаклашади. Иқлим ўзгаришлари ва табиий оғатларга тайёр туриш, мослашишга ёрдам беради. “Яшил иқтисодиёт” модели ҳар қандай мамлакатнинг маданий, ижтимоий ва экологик хусусиятларига мослашиши мумкин.

**Самарадорлик ва етарлилик тамойили.** “Яшил иқтисодиёт” “ифлослантирувчи тўлайди” тамойилини амалга оширади, ресурслардан ва

сувдан самарали, оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. У ижтимоий, иқтисодий ва экологик инновацияларнинг ривожланишига кўмаклашади.

**Авлодлар бирдамлиги тамойили.** “Яшил иқтисодиёт” амалда ва истиқболда инвестияларни амалга ошириш имконини беради. У авлодлар ўртасида адолатни таъминлашга, ресурсларни сақлаб қолишга ва узоқ муддатли даврда аҳоли турмуш сифатини оширишга хизмат қилади. “Яшил иқтисодиёт” молия секторини тартибга солиш ва унга таъсир этиш орқали иқтисодиёт секторлари, яшил технологияларга инвестициялар сарфлашни рағбатлантиради, глобал пул тизимининг барқарорлигини таъминлайди.

Халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган умумий тамойиллардан ташқари алоҳида мамлакатлар учун хос миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда яшил иқтисодиётнинг миллий тамойиллари аксарият мамлакатлар амалиётига тадбиқ этилган. Жумладан, UNEPning Буюк Британия Миллий қўмитаси мамлакат учун алоҳида яшил иқтисодиёт тамойилларини ишлаб чиқсан бўлиб, ушбу рўйхат 15 та тамойиллардан иборат бўлиб, мазмунан Каолиция тамойиллари билан тўлиқ ёки қисман мос келади. Шунингдек, улар бир-биридан фарқли жиҳатларга эга.

**Бойликни тенг тақсимлаш.** Бойликни мамлакат ичида ва мамлакатлар ўртасида адолатли тақсимлашга кўмаклашиш, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги даромадлар жиҳатдан табақаланишт қисқартириш, жаҳон ресурсларидан фойдаланишда иқтисодий ва ижтимоий адолатли таъминлашга эришиш, ёввойи табиат учун етарли жой қолдириш.

**Иқтисодий адолатлилик.** Умумий, табақалаштирилган маъсулият тамойилларига амал қилиш. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ривожланиш тафовутларини минималлаштириш, экологик барқарорликни қўллаб-куватлаш, иқтисодий қолоқ мамлакатларга молиявий ва технологик жиҳатдан ёрдам бериш мақсадида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш.

**Авлодлар ўртасида тенглик.** Экологик ресурслар ва экотизимлар жиддий назорат қилиниши ва муҳофаза этилиши зарур. Экологик активларнинг келгуси авлод учун қийматини ошириш ва шу тариқа уларнинг истиқболдаги эҳтиёжларини адолатли қондиришни таъминлаш.

**Эҳтиёткорлик тамойили.** Илмий ноаниқлик атроф-муҳит деградациялашувининг олдини олиш бўйича қарорлар қабул қилишга тўсқинлик қилиши мумкин эмас.

**Ривожланиш хуқуқи.** Инсоннинг атроф-муҳит билан уйғунликда ривожланиши барқарор ривожланишга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида инсонлар ва жамият ижобий ижтимоий ва экологик натижаларга эришишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш зарур.

**Ташқи самаралар интернализацияси.** Яшил иқтисодий сиёsat мақсади реал ижтимоий ва экологик қадриятларни яратишдан иборат бўлиши зарур. Ушбу мақсадга эришишда бозор нархлари реал ижтимоий ва экологик харажатлар ва даромадларни акс эттириши лозим. Шу тариқа “ифлослантирувчи” атроф-муҳитга етказилган заарни қоплаши лозим. Солик

режимлари ва меъёрий чекловлар “ўйин қоидаларини” ўзгартириш учун хизмат қилиши зарур.

**Халқаро ҳамкорлик.** Мамлакатларда экологик стандартларнинг қўлланилиши бошқа мамлакатларнинг ривожланишига таъсир этиши мумкин бўлган оқибатларни тушуниш асосида халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда амалга оширилиши зарур.

**Халқаро маъсулият.** Миллий чегаралар доирасидаги фаолият ушбу чегарадан ташқарида экологик салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу эса бундай вазиятларда манфаатларни ҳимоя қилишнинг мустақил судларга асосланган халқаро ҳукуқий меъёрларини ишлаб чиқиша ҳамкорликни талаб этади.

**Барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмол.** Ресурслардан оқилона ва адолатли фойдаланишда барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмол даражасини жорий этиш зарур, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг барқарор бўлмаган моделларини қисқартириш ва бартараф этиш лозим. Яъни утиллаштирилаётган материаллардан қайта фойдаланиш, ер ресурсларининг тақчиллигини тан олиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

**Адолатли ўтиш.** Барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида паст углеродли яшил иқтисодиётга ўтиш учун муайян харажатларни амалга ошириш зарур. Айрим мамлакатлар ўтиш даврида ушбу харажатларни бошқаларга нисбатан қийинчиликсиз амалга ошириши мумкин. Ўтиш даврида аҳолининг нисбатан ҳимояга муҳтоҷ қатламлари қўллаб-қувватланиши, ривожланаётган мамлакатлар эса тегишли молиявий ва техник ёрдам олиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

**Фаровонликнинг янги кўрсаткичлари.** Фаровонлик кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш зарур. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ижтимоий фаровонлик ва атроф-муҳит яхлитлигини ўлчаш дастагини бажарувчи кўрсаткич ҳисобланмайди. Аксарият ижтимоий-экологик фаолият турлари, жумладан, қазиб чиқариладиган ёқилғи турларидан интенсив фойдаланиш ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига олиб келиши мумкин. Инсонларнинг умумий фаровонлиги ва турмуш сифати, атроф-муҳит ҳолати иқтисодий ривожланишнинг бош мақсади бўлиши зарур.


Қолган тамойиллар каолиция тамойилларини мазмунан тўлиқ такрорлайди:

- барқарор ривожланиш, “яшил иқтисодиёт” ва камбағалликка қарши курашни таъминлаш учун стратегик, мувофиқлаштирилган ва комплекс режалаштириш;

- ахборот, иштирок ва ҳисбот бериш;
- гендер тенглиги;
- био хилма-хилликни сақлаб қолиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

## 2.3. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш сиёсатининг дастаклари

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш мамлакатлардан юқорида қайд этилганидек муайян тамойилларга асосланиши, стратегия ёки дастурлар доирасида мақсадли сиёсат юритишни тақозо этади. “Яшил иқтисодиёт” доирасида амалга оширилаётган сиёсат ўз таъсир дастакларига эга бўлиши зарур. Жаҳон амалиётида яшил иқтисодий сиёсат доирасида қўлланилаётган дастакларни қуидаги гурухларга ажратиш мумкин: маъмурий; иқтисодий; ахборот (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Яшил иқтисодий сиёсат дастаклари

**Маъмурий дастаклар.** Корхоналарга атроф-муҳитга заарар етказмаслик мақсадида нималарга риоя этиш зарурлиги қайд этиладиган меъёрий-хуқуқий чекловлар маъмурий дастаклар ҳисобланади. Ушбу дастаклар айрим шахслар томонидан қоидаларга зид ҳатти-харакатлар қилинганда қўлланиладиган санкциялар сифатида ишлатилиши мумкин. Саноат учун муайян заҳарли моддаларни таъкиқлаш маъмурий дастак сифатида қўлланилиши мумкин. Конунчилик орқали юқори самарадорликка эга стандартларни жорий қилиш ёрдамида саноат тармоқларига “яшил” инвестицияларни йўналтиришни рағбатлантириш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитга заарар келтирмайдиган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва экологик тоза маҳсулотлар бозорини шакллантириш мумкин бўлади. Маъмурий усуллар ёрдамида иқтисодиёт тармоқларига муайян технологиялардан фойдаланиш талабларини жорий этиш мумкин.

Ушбу дастаклар Европа мамлакатларида кенг миқёсда оммалашган бўлиб, фуқаролар мажбурий давлат дастурларини қўллаб-куватлайдилар. Жумладан, 2014 йилга келиб Европа Иттифоқи мамлакатларида чўғланма лампалар сотиш тўлиқ таъкиқланди. 2009–2017 йилларда электр энергия истеъмоли юқори бўлган уй-рўзгор буюмларини сотишни қисқартириш дастурлари амалга оширилди. Ушбу қоидалар уй-жойларни иситиш тизимида қўлланиладиган двигателлар, насослар, уйдаги музлатгичлар ва телевизорларга ҳам тааллуқлидир.

Тартибга солиш ва назорат қилиш механизмлари ёпиқ цикли ишлаб чиқаришни яратишида етказиб беришнинг мураккаб занжирига эга йирик ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва маҳсулотларни иккиламчи қайта ишлаш учун қайтаришнинг самарали тизимини яратиш имконини беради. Яшил иқтисодиётга ўтиш сиёсатининг маъмурий дастакларига охирги йилларда Европа Иттифоқида амал қилаётган электроника асбобускуналарини утиллаштириш, хавфли моддаларни чеклаш ва рўйхатдан ўтказиш, кимёвий моддаларни баҳолаш бўйича қабул қилинган меъёрларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу меъёрлар жаҳонда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишда қўлланилаётган стандартларга бевосита таъсир ўтказмоқда.

Яшил иқтисодиётни рағбатлантиришга қаратилган меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар ушбу соҳага “яшил” инвестицияларни йўналтиришга хизмат қилади. Улар тадбиркорлик рискининг пасайишига ва инвесторлар ишончининг ортишига олиб келади. Меъёрий дастакларнинг қўлланилиши аксарият ҳолларда хавфли, атроф-муҳитга зарар келтирувчи фаолиятни минимал стандартларни жорий этиш ёки муайян фаолият турларини таъкиқлаш орқали бартараф этиш учун зарур ҳисобланади. Жумладан, стандартлар тармоқлар рақобатбардошлигига ижобий таъсир кўрсатадиган инновациялар ва самарадорликни янада рағбатлантириши мумкин. Шу билан бир вақтда стандартлар кичик ва ўрта бизнеснинг бозорларга кириб боришида муаммолар яратиши мумкин. Ушбу ҳолатлар ривожланаётган мамлакатларда тез-тез учраб туради. Шунинг учун мамлакатлар стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ёрдамида атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашлари ва бозорларга кириб боришини кафолатлашлари зарур бўлади. Тартибга солувчи назорат этувчи механизмлар бозорларнинг ривожланиш тенденциялари ва технологик ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда мунтазам назорат қилиниши, баҳоланиши ва янгиланиб бориши золим.

**Иқтисодий дастаклар.** Иқтисодий дастаклар, одатда, бозор дастаклари деб, юритилади ва атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишида кенг қўлланилади. Ушбу дастаклар нарх механизми ва иқтисодий шароитлар, айrim гурух иқтисодий субъектлар фаолиятини ўзгартиришга хизмат қилувчи бозор муносабатлари орқали ишлайди. Улар истеъмолчилар ва саноат корхоналарини атроф-муҳитга зарар келтирувчи чиқиндиларни чиқариш ҳажмини қисқартиришни иқтисодий асослаш ҳамда атроф-муҳит барқарорлигини таъминловчи технологик инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бозор ва эркин нархлар атроф-муҳит манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим дастаклар сифатида қўлланилиши мумкинлиги иқтисодий дастакларнинг асосини ташкил этади. Нархлар иқтисодиёт ва ресурслардан самарали фойдаланиш учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Улар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иктисодий ҳаражатларини реал акс эттиришлари мумкин. Агар нархлар ушбу вазифани бажармаса, бозорлар атроф-муҳит сифатининг қўллаб-қувватлаш ёки неъматларни таклиф

этишнинг керакли даражасини таъминлай олмайди. Иқтисодиётда ушбу ҳолат бозорлар тушкунлиги, деб номланади. Атроф-муҳит эса нима учун бозор иқтисодий муаммоларни ҳал этиш воситалари билан таъминлай олмаганинг муҳим сабаби сифатида келтирилади.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг иқтисодий дастакларини қўйидагича гуруҳлаш мумкин:

- экологик солиқлар ва йигимлар;
- утиллаштириш дастурлари;
- экологик жиҳатдан асосланган субсидиялар ёки тўловлар;
- масъулият қоидаси ва компенсация дастурлари;
- савдо рухсатномалари.

**Экологик солиқлар ва йигимлар.** Бу вазиятда ишлаб чиқарувчилар ёки истеъмолчилар томонидан атроф-муҳитга етказилган зарар, чиқариб ташланган чиқиндиларнинг атроф-муҳитни ифлослантириш даражасига боғлиқ ҳолда солиқлар ёки йигимлар ундирилади.

**Утиллаштириш дастурлари.** Ушбу дастурда истеъмолчиларга атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотни сотиб олишда муайян суммани тўлаш ва маҳсулотни кейинчалик тегишли марказларга қайта ишлаш ёки йўқ қилиш учун топширганда тўланган суммани қайтариш таклиф этилади. Мазкур дастурларнинг мақсади атроф-муҳитни ифлослантирувчи чиқиндилар<sup>41</sup> ни мақбул бўлмаган усувлар билан йўқ қилишнинг олдини олишни рағбатлантириш ҳисобланади. Жумладан, Норвегияда автомобилларнинг корпусларини йўқ қилишнинг мажбурий тизими амал қиласди. Мамлакатда янги автомобиль сотиб олинганда 300 евро микдорида қўшимча ҳақ тўланади ва эски автомобиль йўқ қилиш марказларига топширилганда 350 евро микдорида маблағ қайтариб олинади. Ушбу дастур утиллаштириши зарур бўлган транспорт воситаларини қайта ишлаш ва материаллардан қайта фойдаланиш имконини яратади.

**Экологик жиҳатдан асосланган субсидиялар ёки тўловлар** – бу ҳукумат томонидан истеъмолчилар ёки ишлаб чиқарувчиларга экологик соғ технологиялар (масалан, шамол турбиналари ёки қуёш панеллари)ни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва ундан фойдаланиши рағбатлантириш мақсадида тўлайдиган тўловлардир. Ушбу тўловлар экотизим билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш (жумладан, био хилма-хиллик<sup>42</sup> ни сақлаб қолиш) билан боғлиқ ҳолда тўланиши мумкин. Ушбу иқтисодий ёндашув фермерлар ёки ер эгалари, ўз ерларини бошқарувчилар ва ўз фаолиятлари натижасида иқлим ўзгаришларининг оқибатларини юмшатишга хизмат қилувчилар ушбу фаолиятлари учун тўловлар олиши, ким ушбу хизматлардан манфаатдор бўлса тўловларни амалга оширишлари лозимлигига асосланади. Мазкур категория

<sup>41</sup> Чиқиндилар – ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараённада ҳосил бўлган хом ашё, материаллар, яrim фабрикатлар, ўзга буюллар ёки маҳсулотнинг кисмлари, шунингдек ўз истеъмол қилиш хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар). Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 апрелдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги 62-II-сон конуни, 2-модда.

<sup>42</sup> Биологик хилма-хиллик – барча манбалар, шу жумладан, қуруклик ва денгиздаги, шунингдек, бошқа сув экотизимлари ва экологик комплексларига оид тирик организмлар хиллари (Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Рио-де Женейро конвенцияси. 1992 й.).

экологияга заар келтирувчи субсидияларни бекор қилишни назарда тутади. Бу соҳада охирги йилларда қазиб чиқариладиган ёқилғи турларидан фойдаланишни қўллаб-қувватловчи субсидияларни иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари кучайиб кетиш хавфи туфайли бекор қилишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Корея Республикасида юқори энергия тежамкорлиги ва самарадорлигига эга ускуналарни ишлаб чиқариш ва фойдаланишда кредитлар ва солик имтиёзларидан фойдаланилади. Жумладан, КЕА Энергиядан оқилона фойдаланиш лойиҳаси доирасида кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлайди. Агар турли иқтисодий лойиҳаларга инвестициялар сарфлашда юқори самарадорлик сертификатига эга ускуналардан фойдаланилган бўлса, даромад солиғи ёки фойда солиғидан 3/100 нисбатда маблағ корхона (ўрта корхоналар учун 5%, кичик ва ўрта корхоналар учун 10%) ихтиёрида қолдирилади<sup>43</sup>.

**Масъулият қоидаси ва компенсация дастурлари** – ишлаб чиқарувчиларнинг пировард фаолият натижалари (нефть ёки қазилма бойликлар қазиб чиқариш) туфайли етказилиши мумкин бўлган экологик зарарни ҳисобга олиш ёки олдини олишларини рағбатлантирувчи дастурлар ҳисобланади. Ушбу дастурлар атроф-муҳитга етказилаётган зарарларни бартараф этиш, атроф-муҳитни тиклаш ва етказилган зарарни қоплашга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг қўлланиш соҳалари ерларни ифлослантириш, атмосферага ис газларини чиқаришдан тортиб нефтнинг оқиб кетишигача ўзгариб туради.

Японияда энергияни тежашга йўналтирилган “Пойгалар голиби” дастури мувафақиятли амал қилмоқда. Ушбу дастур доирасида энергия тежамкорлиги соҳасида ўз мажбуриятларини бажара олмаган компаниялар жамоатчилик муюҳакамасига олиб чиқилади ва танқидий фикрларга дучор бўлишади. Ўз-ўзидан ушбу компаниялар бутун мамлакат бўйлаб энергия тежамкорлиги мажбуриятларини бажара олмаган компания сифатида танилади.

**Савдо рухсатномалари.** Улар давлат томонидан белгиланади, рухсатнома, сертификатлар даъвогарлар ўргасида тақсимланади ёки аукцион орқали сотилади. Савдо рухсатномалари атроф-муҳитни ифлослантиришнинг умумий даражаси шаклида белгиланиши мумкин. Жумладан, иссиқхона газларини атмосферага чиқариш. Иссиқхона газларини атмосферага чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичларидан кам натижага эришган фирмалар, ўз квоталарининг бир қисмини бошқаларга сотишда иқтисодий рағбатга эга бўлишади. Ушбу дастак компаниялар учун ўз мақсадларига эришишларида қиммат турувчи технологияларга нисбатан муқобил вариант сифатида муаммодан чиқишининг яхши йўли ҳисобланади. Атроф-муҳитни ифлослантирмаётган фирмалар эса рухсатномаларни ушбу мақсадга арzon эришаётган фирмалардан сотиб олишади. Масалан, электромобил эгалари ўз рухсатномаларини оддий автомобил эгаларига сотишлари мумкин. Оддий

<sup>43</sup> [http://www.energy.or.kr/renew\\_eng/energy/industry/enms.aspx](http://www.energy.or.kr/renew_eng/energy/industry/enms.aspx)

автомобиллардан фойдаланувчилар ушбу рухсатномаларни сотиб олишлари ва ўз автомобилларидан фойдаланишда давом этишлари мумкин. Бош ғоя экологик мақсадларга бозор қатнашчиларини самарадорлик нуқтаи назардан рағбатлантириш орқали эришиш ҳисобланади.

**Ахборот дастаклари.** Ахборот дастаклари иқтисодий субъектларни яшил иқтисодиётни шакллантириш билан боғлиқ ахборотлар билан таъминлашнинг муқобил услублари ёки усуллари тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласди. Жамоатчиликнинг сув ва электр энергияни тежашнинг муҳимлиги, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тўғрисида тренинглар, таълим хизматлари ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар шулар жумласидандир. Жумладан, аҳолини маълумотлар билан таъминлаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар муайян итимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар тўғрисида умумий тушунча даражасини ошириш ва мураккаб сиёсий муаммоларнинг олдини олиш имконини бериши мумкин. Ахборотлар билан таъминлаш дастурлари аҳолини яшил иқтисодиётнинг мақсади ва вазифаларига эришишга олиб келувчи муҳим тушунчаларга ўргатиши ва “яшил иқтисодиёт” билан муносабатларнинг ривожланишига олиб келади.

Амалиётда саноат учун меъёрий ҳолат ҳисобланадиган ихтиёрий сертификатлаш ва маркировкалаш мисоллари кўплаб учрайди. Улар айрим мамлакатларда биринчи навбатда ҳукуқий жиҳатдан талаб этилади. Бундан ташқари корпоратив ижтимоий масъулият дастурлари ва дастаклари аксарият компанияларда оддий ҳолга айланган бўлиб, улар ушбу компаниялар ва уларнинг ҳамкорлари қандай бизес юритишига таъсир кўрсатади.

Корея Республикасида энергия истеъмоли даражаси юқори бўлган маҳсулотларни энергия смарадорлиги ва тегишли стандартлар бўйича маркировкалаш амалга оширилади. Ушбу тадбир энергия тежовчи технологияларни ривожлантиришни жадаллаштиради ва истеъмолчиларнинг энергия тежовчи маҳсулотларни харид қилишларини рағбатлантиради. Корея Республикасида энергия самарадорлигини стандартлаш ва маркировкалаш 1992 йилдан жорий этилган. Мазкур дастур энергия тежамкорлик даражаси 1 дан 5 гача бўлган, катта миқдорда энергия истеъмол қиласиган маҳсулотларни маркировкалашни тақозо этади.

Мамлакатда энергия тежамкорлиги минимал энергия стандартларига жавоб бермайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш таъқиқланади. КЕА минимал энергия стандартларига жавоб берадиган маҳсулотлар рўйхатини жорий этади ва уларни мажбурий маркировкалашни амалга оширади. Рўйхатга киришда энергия истеъмоли даражаси 5 даражага бўлинади ва рейтинг 1 дан 5 га қадар ўсиб бориш тартибида амалга оширилади. Юқорида қайд этилган стандартларга жавоб бермаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш таъқиқланади<sup>44</sup>.

<sup>44</sup> [http://www.energy.or.kr/renew\\_eng/energy/industry/enms.aspx](http://www.energy.or.kr/renew_eng/energy/industry/enms.aspx)

Барқарор давлат харидлари яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим ҳаракатга келтирувчи кучларидан ҳисобланади. Биринчидан, барқарор давлат харидлари давлат органларининг харид жараёнида маҳсулотлар ва хизматларни танлашга экологик ва ижтимоий муаммоларни интеграциялаштиришга қўмаклашади. Давлат томонидан амалга оширилаётган яшил харидлар ихтиёрий ахборот дастаги ҳисобланади ва ҳалқаро, миллий ташкилотлар томонидан рағбатлантирилади. Давлат харидларининг муҳим хусусияти уларнинг бозорга таъсир этиш имкониятига эгалиги ҳисобланади. Тахлиллар кўрсатишича, давлат томонидан харид қилинаётган барча маҳсулотлар қиймати мамлакат ялпи ички маҳсулотининг сезиларли қисмини ташкил этади.

Давлат харидлари доирасида ўрнатиладиган мезонлар етказиб берувчининг малакасига қўйиладиган талаблардан маҳсулотнинг техник талаблари (айрим ҳолларда харид қилинганлан кейинги талаблар)га қадар ўзгариб туради. Ушбу харидлар бозорларнинг яшиллашиш даражасини тезлатиши ва корхоналар, тармоқлар учун янги меъёрлар ёки стандартларни жорий этишга ёрдам бериши мумкин. Шу билан биргаликда давлат харидлари амалда доимо ижобий натижаларга олиб келмаслиги, харидларни амалга оширишда яшил мезонлардан фойдаланиш мураккаб жараёнга айланиб кетиши мумкин. Айрим мамлакатларда маҳсулотларга нисбатан экомаркировкалашни жорий этиш орқали давлат харидларини яшиллаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

**Яшил иқтисодиёт дастакларини аралаш қўллаш зарурлиги.** Назарий жиҳатдан иқтисодий дастакларни қўллаш яшил иқтисодиёт олдига қўйилган мақсадга эришиш, ушбу мақсадга эришиш йўлида амалга оширилган умумий ҳаражатларни минималлаштириш имконини беради. Бу ҳолат иқтисодий дастаклар қатнашчилар учун қарорлар қабул қилишда меъёрий дастакларга нисбатан кўпроқ имкониятлар яратиб беришини англатади. Жумладан, технологик андозалар (стандартлар) қўлланилганда тартибга солишдаги устунлик фақат тартибга соловчи муассаса томонида бўлади. Бунда тартибга соловчи компанияларга атроф-муҳитга зарар келтирувчи чиқиндиларни қанча чиқариш мумкинлиги ва ушбу кўрсаткичга эришишда қандай технологиялардан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида хабар беради. Натижада компанияларнинг ушбу масала бўйича қарорлар қабул қилишдаги фаолияти чеклаб қўйилади. Амалда тартибга соловчи муассаса компанияларнинг атроф-муҳит муҳофазаси учун масъулияти даражасини ушбу тадбирлар қийматидан қатъий назар бирхиллаштириб қўяди.

Аксинча, иқтисодий дастаклар атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш учун рағбатлар тизимини яратиб беради, аммо улар ушбу мақсадга эришишнинг аниқ технологиясини белгилаб бермайди. Қайси технологиядан фойдаланиш компаниялар ихтиёрида қолади. Шу билан бир вақтда атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтиришга сарфланаётган ҳаражатлар микдори барча учун ягона бўлган шароитдагина тартибга соловчи дастаклар самарали бўлиши мумкин.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш чораларини амалга оширишда яшил иқтисодий сиёсат дастаклари рўйхатидан бирон-бир дастакни оддий танлаб олиш орқали эмас, балки мақсадга эришишдаги аниқ мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда уларни аралаш қўллашдек мураккаб вазифани ҳал этишга тўғри келади.

Ушбу жараён ривожланаётган мамлакатларда хуқуқий-институционал асосларнинг такомиллашмаганлиги, яшил иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун зарур молиявий ва бошқа ресурслар, маълумотлар ва ахборотларнинг этишмаслиги туфайли янада мураккаблашиши мумкин.

Яшил иқтисодий сиёсат мақсадига эришиш нуқтаи назаридан турли дастак ва чораларни келишилган ҳолда аралаш қўллаш зарур. Жумладан, қазиб чиқариладиган ёқилғи учун ажратилаётган субсидиялар ўз навбатида бюджет учун солиқ юки ҳисобланиб, қазиб чиқариладиган ёқилғининг самарасиз тақсимланиши ва ортиқча ишлатилишига олиб келади. Қазиб чиқариладиган ёқилғи учун ажратилаётган субсидиялардан воз кечиш қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаб-қувватлаш учун инвестициялар сарфлаш имконини яратади. Бундай сиёсат атмосферага иссиқхона газларини меъёрлаштириш орқали қўллаб қувватланиши мумкин.

Иқтисодиётни яшил иқтисодиёт тамойиллари асосида трансформациялаш тўлиқ бирон бир мамлакат томонидан амалга оширилмаган. Таҳлиллар қўрсатишича, айрим мамлакатлар бу борада муайян натижаларга эришган ва юқорида қайд этиб ўтилган дастакларни амалиётда қўллаш орқали яшил иқтисодиёт сари силжишмоқда.

Аксарият ҳолларда ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар хулқини ўзгартириш учун турли дастаклар, жумладан тартибга солувчи ва ахборот билан таъминловчи дастурларни аралаш қўллаш талаб этилади. Амалиёт қўрсатишича, айрим соҳаларда эришилган мувафақиятларга қарамасдан иқтисодий дастаклар экология билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам бера олмайди. Амалиётда қўплаб бозор ва сиёсий тўсиқлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасини бартараф этиш лозим. Агар инсоният “яшил иқтисодиёт” сари ҳаракат қилмоқчи бўлса, маъмурий, иқтисодий ва ахборот дастакларини комплекс, аралаш қўллаши зарур бўлади.

## **2.4. “Яшил иқтисодиёт”нинг ахборот ресурслари ва “яшил иқтисодиёт” учун инсон капиталини ривожлантириш**

Юқорида қайд этилганидек “яшил иқтисодиёт”га ўтиш муайян шартшароитларни талаб этади. Жумладан, ушбу соҳанинг ахборот базасини шаклантириш, малакали мутахассислар билан таъминлаш масаласи долзарб муаммо ҳисобланади.


Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) тармоғини яшиллаштириш “яшил иқтисодиёт”нинг ахборот ресурсларидан бири ҳисобланади. “Яшил АКТ” дейилганда компьютер технологиялари ва алоқа воситаларидан фойдаланишда экологияга минимал таъсир этиш ва атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш борасида максимал даражада ижобий самарага эришиш учун технологик қарорлар қабул қилиш тушунилади. Ушбу технологик қарорларга энергия истеъмолини қисқартириш, АКТнинг хизмат муддатини узайтириш, компьютер технологиялари ва алоқа воситаларини хавфсиз утиллаштириш, улардан иккиласми фойдаланиш, омборлар ва маълумотларни қайта ишлаш марказлари фаолиятини таъминлаш учун қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

АКТнинг “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси бу билан чекланиб қолмайди. Рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш иқтисодиётни “яшиллаштириш”да жуда катта имкониятлар яратади. АКТ ёрдамида электрон ҳужжат айланишини жорий этиш, электрон оммавий ахборот воситалари, электрон китоблар ва мусиқани ривожлантириш, электрон тижорат ва интернет-банкингни кенгайтириш, турли учрашувларни ташкил этишда электрон почта ва видеоконференциялардан фойдаланиш, масофадан туриб ишлаш режимини жорий этиш орқали истеъмолни дематериаллаштириш<sup>45</sup>, инсон фаолиятининг кўплаб соҳаларини виртуаллаштириш амалга оширилмоқда.

АКТнинг рағбатлантирувчи самараларидан яна бири иқтисодиёт тармоқларида энергия ва ресурслар истеъмоли самарадорлигини энергия ва транспорт инфратузилмасини интеллектуал трансформациялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш цикларини оптималлаштириш ва автоматлаштириш, “ақлли” уйлар ваофислар қуриш ҳисобланади.

Иқлим гуруҳи (The Climate Group) мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра АКТ 2030 йилга қадар CO<sub>2</sub> ни атмосферага чиқариб юбориш ҳажмини 12,1 млрд. тонна CO<sub>2</sub> эквивалентида қисқартириш ва 11 трлн. доллар фойда олиш имконини беради (2.4.1-расм).



**2.4.1-расм. Ахборот-коммуникация технологияларининг 2030 йилга қадар иссиқхона газларини чиқариш ҳажмини қисқартиришга кўшадиган потенциал ҳиссаси, млрд. тонна CO<sub>2</sub> эквивалентида<sup>46</sup>**

<sup>45</sup> Дематериаллаштириш – мавжуд захираларни қисқартириш ҳисобига омборлар учун ажратилган майдонларни тежаш.

<sup>46</sup>#SMARTer2030 – ICT Solutions for 21st Century Challenges

АКТ ёрдамида 2030 йилга қадар қўшимча қуйидаги экологик фойдани олиш мумкин:

- қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни 30%га ёки йилига ҳар гектаридан 900 килограммгача ошириш;
- 300 трлн. литр сувни қишлоқ хўжалигида оқилона усулларни қўллаш ёрдамида тежаш;
- йилига 25 млрд. баррель нефтни иқтисод қилиш.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишда инсон капиталини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. “Яшил” иқтисодиётни шакллантириш аҳолини экологик жиҳатдан тўғри йўналтириш, ресурсларни тежаш, табиатни асрashга хизмат қилувчи инновацион технологияларни яратиш ва қўллаш имкониятига эга кадрларни тайёрлашни талаб этади. Жумладан, 2010 йилда UNEPning “Green Jobs” (“Яшил” иш ўринлари) ҳисботида яратилаётган ҳар бир иш ўрни иқтисодий барқарорликни оширишга хизмат қилиши зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган. Унда амалдаги касбий тайёргарлик соҳасидаги кўникмаларни такомиллаштириш билан бир вақтда барқарор ривожланиш муаммоларини ўрганишни жорий этиш лозимлиги уқтирилган<sup>47</sup>.

ХМТ маълумотларига кўра, 2030 йилга қадар “яшил иқтисодиёт”да 24 млн. янги иш ўринлари яратилиши мумкин<sup>48</sup>. Ушбу иш ўринлари энергетика соҳасида янги технологияларни қўллаш, электромобиллардан фойдаланиш ва биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ҳисобига яратилади. ХМТ таърифига мувофиқ, “яшил” иш ўринлари – бу иқтисодиётнинг анъанавий (ишлаб чиқариш ва қурилиш) ёки янги “яшил” тармоқлари (қайта тикланадиган энергия ва энергия самарадорлиги)да атроф-муҳитни сақлаб қолиш ёки тиклашга кўмаклашувчи муносиб иш ўринларидир<sup>49</sup>.

“Яшил” иш ўринлари амалда қуйидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади:

- энергия ва хом-ашёдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- иссиқхона газларини чиқаришни чеклаш;
- чиқиндилар чиқариш ва атроф-муҳитни ифлослантиришни минималлаштириш;
- экотизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш;
- иқлим ўзгаришлари оқибатларига мослашиш.

UNEP томонидан ишлаб чиқилган “яшил” иш ўринлари концепцияси “яшил иқтисодиёт”да иқтисодий фаолият билан машғул бандлик билан боғлиқ ҳолда талқин этилади:

- иссиқхона газларини чиқаришнинг паст даражасига эришиш;
- ресурслардан самарали фойдаланиш;
- био хилма-хиллик ва экотизимларни асраб қолиш;
- ижтимоий интеграцияни кучайтириш.

<sup>47</sup> [http://www.unep.org/labour\\_environment/PDFs/Greenjobs/UNEP-Green-Jobs-TowardsSustainable-Summary.pdf](http://www.unep.org/labour_environment/PDFs/Greenjobs/UNEP-Green-Jobs-TowardsSustainable-Summary.pdf).

<sup>48</sup> <https://www.un.org/sustainabledevelopment/blog/2019/04/green-economy-could-create-24-million-new-jobs/>

<sup>49</sup> XMT 2016.

Пировардида ушбу фаолият аҳоли турмуш фаровонлигини ошириши, ижтимоий адолатни таъминлаши ва бир вақтнинг ўзида атроф-муҳит ва экология учун салбий таъсирни пасайтириши зарур.

Иссиқхона газларини интенсив равишда эмиссия қилаётган мамлакатлар меҳнат бозорида кутилаётган ўзгаришлар малакали кадрларга бўлган эҳтиёжга жиддий таъсир қўрсатиши мумкин. 2011 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва Европа касбий таълимни ривожлантириш маркази (CEDEFOP) томонидан тайёрланган, 21 та мамлакатни қамраб олган ҳисбот иқтисодиётнинг “яшил” секторларида ишлаш учун зарур кўникмалар ва таълим муассасалари томонидан таклиф этилаётган таълим стандартлари ҳамда касбий кўникмалар ўртасида жиддий фарқ мавжудлигини қўрсатди<sup>50</sup>. Ушбу номувофиқлик “яшил” инвестициялар ва тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Жумладан, Кенияда Африка минтақасидаги энг йирик шамол электростанциясини қуриш ва фойдаланиш учун зарур техник муатхассисларнинг 80 фоизини мамлакатда кадрлар етишмаслиги сабаб халқаро меҳнат бозоридан ёллашга мажбур қилган<sup>51</sup>.

Йил сайин “яшил иқтисодиёт” соҳасида зарур кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган, табиатни муҳофазалашга оид қонунчиликни қабул қилаётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда. ХМТ томонидан 2016 йилда амалга оширилган сўровномалар 27 та мамлакатдан 19 тасида ушбу соҳа учун зарур кўникмалар бўйича эҳтиёж ва уларни тегишли таълим билан таъминлаш борасида манфаатдор томонлар ўртасида музокаралар бошланганлигини қўрсатмоқда. ХМТ мутахассислари фикрича, “яшил” иш ўринлари учун зарур кўникмаларни аниқлаш ва ушбу кўникмаларга бўлган эҳтиёжнинг ўзагриб бораётганлигини баҳолашда келишув (консенсус)нинг мавжуд эмаслиги муаммолигича қолмоқда<sup>52</sup>.

Меҳнат бозорида барқарор сиёсатга эга ва хусусий секторда самарали фаолият олиб бораётган техник ва касбий таълим муассасаларига эга мамлакатларда “яшил” иш ўринлари учун зарур кўникмалар ўзгариб бораётган эҳтиёжларга тезроқ мослаша олмоқда. Жумладан, Германия ва Францияда курилиш секторини “яшиллаштириш” таълим тизимининг ўқув дастурларига тузатишлар киритиш ва “яшил” сертификатлаш бўйича янги курсларни жорий этиш орқали меҳнат бозоридаги янги талабларга мослашишида муҳим роль ўйнади.

IRENA маълумотларига кўра 2018 йилда жаҳон бўйича тикланадиган энергия манбалари секторида 11 миллионга яқин доимий ва хизмат кўрсатувчи иш ўринлари яратилган. Ушбу соҳада Европа Иттифоқи, Хитой, АҚШ ва Ҳиндистон етакчилик қилишмоқда. Энг кўп “яшил” иш ўринлари қуёш энергиясини ўзлаштириш соҳасига тегишли бўлиб, жами яратилган “яшил” иш ўринларининг 33,0 фоизини ташкил этади. Кейинги ўринни биоёқилғи ва гидроэлектрэнергия соҳалари эгаллаган (2.4.1-жадвал).

<sup>50</sup> [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms\\_159585.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---dcomm/---publ/documents/publication/wcms_159585.pdf)

<sup>51</sup> [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_emp/---ifp\\_skills/documents/publication/wcms\\_607491.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_emp/---ifp_skills/documents/publication/wcms_607491.pdf)

<sup>52</sup> [https://www.ilo.org/weso-greening/documents/WESO\\_Greening\\_EN\\_web2.pdf](https://www.ilo.org/weso-greening/documents/WESO_Greening_EN_web2.pdf)

#### 2.4.1-жадвал

### Айрим мамлакатларда қайта тикланадиган энергия ва ёқлиги манбаларини ўзлаштириш соҳасида яратилган иш ўринлари, 2018 й<sup>53</sup>.

	Жаҳон	Хитой	Бразилия	АҚШ	Ҳиндистон	ЕИ 28
минг киши						
Куёш энергияси	3605,0	2194,0	15,6	225,0	115,0	96,0
Биоёқилғи	2063,0	51,0	832,0	311,0	35,0	208,0
Гидроэлектроэнергия	2054,0	308,0	203,0	66,5	347,0	74,0
Шамол энергияси	1160,0	510,0	34,0	114,0	58,0	314,0
Куёш ёрдамида иситиш ва совутиш	801,0	670,0	41,0	12,0	20,7	24,0
Қаттиқ биомасса	787,0	186,0	...	79,0	58,0	387,0
Биогаз	334,0	145,0	...	7,0	85,0	67,0
Геотермал энергия	94,0	2,5	---	35,0	---	23,0
Куёш энергиясини концентрациялаш	34,0	11,0	---	5,0	---	5,0
Жами		4078,0	1125,0	855,0	719,0	1235,0

Мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорда белгиланган устувор йўналишлардан бири “Яшил иқтисодиёт”ни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу йўналишнинг устувор соҳаларидан бири “яшил” иқтисодиёт тамойилларини таълим ва фанга интеграция қилишга бағишлиланган<sup>54</sup>:

- “яшил” иқтисодиёт асослари, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, “соф” транспортни ривожлантириш, энергия тежаш ва бошқа масалаларни эътиборга олган ҳолда олий ва ўрта маҳсус таълимнинг тегишли йўналишлари ўқув дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, умумий ўрта таълимнинг тегишли дастурларига “яшил” иқтисодиёт асослари бўйича мавзулар киритиш;

- олий, ўрта маҳсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим учун тегишли ўқув адабиётларини (йўналишлар бўйича) тайёрлаш ёки қайта нашр этиш жараённида уларга “яшил” иқтисодиёт асослари бўйича мавзулар киритиш;

- педагог ва илмий ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларига “яшил” иқтисодиёт асослари, жумладан, “Яшил технологиялар”, “Яшил мезонларни ҳисобга олган ҳолда экологик меъёrlаштириш асослари”, “Қайта тикланувчи энергия манбалари технологиялари”, “Энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги муаммолари” мавзуларини жорий этиш;

<sup>53</sup> Renewables 2019. Global Status Report. [www.irena.org](http://www.irena.org)

<sup>54</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4477-сон Қарорининг 1-иловаси

- “яшил” технологиялар соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш.

## Назорат саволлари

1. Ресурсларнинг чекланганлиги ва “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг зарурияти ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг.
2. “Яшил иқтисодиёт”га ўтишдан қўзланган мақсад нима?
3. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш қандай тамойилларга асосланади?
4. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш сиёсатида қандай дастаклардан фойдаланилади?
5. “Яшил иқтисодиёт”нинг ахборот ресурсларига нималар киради?
6. “Яшил иқтисодиёт” учун инсон капиталини ривожлантириш қандай аҳамиятга эга?
7. Қандай иш ўринларини “яшил” иш ўринлари сифатида баҳолаш мумкин?
8. “Яшил” иш ўринлари ва таълим ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

## Асосий тушунчалар

**Маъмурий дастаклар** – корхоналарга атроф-муҳитга зарар етказмаслик мақсадида нималарга риоя этиш зарурлиги қайд этиладиган меъёрий-хуқуқий чекловлар.

**Иқтисодий дастаклар** – атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган бозор дастаклари (нарх механизми, солиқлар, субсидиялар ва б.).

**Экологик солиқлар ва йиғимлар** – ишлаб чиқарувчилар ёки истеъмолчилар томонидан атроф-муҳитга етказилган зарар, чиқариб ташланган чиқиндиларнинг атроф-муҳитни ифлослантириш даражасига боғлиқ ҳолда ундириладиган солиқлар ёки йиғимлар.

**Утиллаштириш (йўқ қилиш) дастурлари** – истеъмолчиларга атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотни сотиб олишда муайян суммани тўлаш ва маҳсулотни кейинчалик тегишли марказларга қайта ишлаш ёки йўқ қилиш учун топширганда тўланган суммани қайтаришни кўзда тутувчи дастур.

**Экологик жиҳатдан асосланган субсидиялар ёки тўловлар** – ҳукумат томонидан истеъмолчилар ёки ишлаб чиқарувчиларга экологик соғ технологиялар (жумладан, шамол турбиналари ёки қуёш панеллари)ни ишлаб чиқиши, жорий этиш ва ундан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида тўлайдиган тўловлар.

**Масъулият қоидаси ва компенсация дастурлари** – ишлаб чиқарувчиларни фаолият натижалари (нефть ёки қазилма бойликлар қазиб чиқариш) туфайли етказилиши мумкин бўлган экологик зарарни ҳисобга олиш ёки олдини олишларини рағбатлантирувчи дастурлар.

**Савдо рухсатномалари** – атроф-муҳитни ифлослантиришнинг умумий даражаси шаклида белгиланадиган, даъвогарлар ўртасида давлат томонидан тақсимланадиган ёки аукцион орқали сотиладиган рухсатнома ёки сертификатлар.

**Ахборот дастаклари** – иқтисодий субъектларни яшил иқтисодиётни шакллантириш билан боғлиқ маълумотлар билан таъминлашнинг муқобил услублари ёки усуслари тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласидиган дастаклар.

**Дематериаллаштириш** – мавжуд захираларни қисқартириш ҳисобига омборлар учун ажратилган майдонларни тежаш.

**“Яшил” ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)** – компьютер технологиялари ва алоқа воситаларидан фойдаланишда экологияга минимал таъсир этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида максимал даражада ижобий самарага эришиш борасида қабул қилинган технологик қарорлар.

**“Яшил” иш ўринлари** – иқтисодиётнинг анъанавий (ишлаб чиқариш ва курилиш) ёки янги тармоқлари (қайта тикланадиган энергия ва энергия самарадорлиги)да атроф-муҳитни сақлаб қолиш ёки тиклашга кўмаклашувчи муносиб иш ўринлари.

**Чиқиндилар** – ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида ҳосил бўлган хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар, ўзга буюмлар ёки маҳсулотнинг қисмлари, ўз истеъмол қилиш хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар).

**БМТ Таракқиёт Даствури** (United Nations Development Programme - UNDP) – БМТнинг ўз аъзоларига ривожланиш соҳасида бегараз ёрдам беришга ихтисослашган глобал тармоғи.

## Тестлар

**1. Корхоналарда атроф-муҳитга зарар етказмаслик учун нималарга риоя этиш зарурлиги қайд этиладиган меъёрий-хуқуқий чекловлар “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг қайси дастаги ҳисобланади?**

- сиёсий
- маъмурӣ
- иқтисодий
- ахборот

**2. Атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда кенг қўлланиладиган бозор дастаклари “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг қайси дастагида ўз ифодасини топган?**

- маъмурӣ
- ахборот
- иқтисодий
- сиёсий

**3. Иқтисодий субъектларни “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш билан боғлиқ маълумотлар билан таъминлашнинг муқобил услублари**

**ёки усуллари тўғрисида хабардор қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қиласидиган дастаклар қандай дастаклар ҳисобланади?**

маъмурий

ахборот

иктисодий

сиёсий

**4. Мавжуд захираларни қисқартириш ҳисобига омборлар учун ажратилган майдонларни тежаш – бу ...**

дематериаллаштириш

материаллаштириш

кенгайтириш

қисқартириш

**5. Иқтисодиётнинг анъанавий ёки янги тармоқлари (тикланадиган энергия ва энергия самарадорлиги)да атроф-муҳитни сақлаб қолиш ёки тиклашга кўмаклашувчи муносиб иш ўринлари ...**

“жигарранг” иш ўринлари

“анъанавий” иш ўринлари

“замонавий” иш ўринлари

“яшил” иш ўринлари

**6. Ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида ҳосил бўлган хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар, ўзга буюмлар ёки маҳсулотнинг қисмлари, ўз истеъмол қилиш хусусиятларини йўқотган маҳсулотлар – бу ...**

аҳлатлар

чиқиндилар

саноат қолдиқлари

озуқалар

**7. Барча манбалар, шу жумладан, қуруқлик ва денгиздаги, шунингдек, бошқа сув экотизимлари ва экологик комплексларига оид тирик организмларнинг хиллари – бу ...**

табиий хилма-хиллик

физиологик хилма-хиллик

биологик хилма-хиллик

экологик хилма-хиллик

**8. БМТ томонидан мамлакатларнинг барқарор ривожланиш даражасини белгилаб берувчи кўрсаткичларни нечта гурӯхга ажратилади?**

тўртта

учта

бешта

олтита

**9. Қайта тикланадиган энергия манбалари энергиянинг бошқа турларига нисбатан атроф-муҳитга ...**

нейтрал таъсир кўрсатади

камроқ салбий таъсир кўрсатади

күпроқ салбий таъсир кўрсатади  
умуман таъсир кўрсатмайди

**10. Қайси жавобда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш дастаклари тўғри  
кўрсатилган?**

маъмурӣ, иқтисодӣ, аҳборот  
сиёсӣ, иҷтимоӣ, экологик  
маҳаллий, минтақавӣ, халқаро  
маданий, майший, миллий

## **Ш-БОБ. “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”НИ БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИ ВА ИНДИКАТОРЛАРИ**

### **3.1. “Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашнинг комплекс усули. Жаҳон банки ёндашуви**

“Яшил иқтисодиёт” концепциясини амалиётга тадбиқ этиш ўз навбатида самарали қарорлар қабул қилиш ва зарур чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашувчи, “яшил иқтисодиёт”ни баҳолашнинг ишончли кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Халқаро амалиётда “яшил иқтисодиёт”ни баҳолаш тизимини шакллантиришга оид турлича ёндашувлар мавжуд. Улардан бири иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентлар қийматини комплекс, яъни пулда баҳолашдир. Мисол учун, жисмоний, табиий ва инсон капиталининг йифиндиси сифатида баҳоланадиган миллий бойлик ҳажми шу тариқа ҳисобланади. Жаҳон банки мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, 1995-2014 йилларда жаҳон миллий бойлигининг ҳажми деярли икки мартаға ортгани ҳолда унинг таркибида табиий капитал бор-йўғи 9,0%ни (шундан ўрмонлар ва ҳимоя қилинадиган худудлар 2,0%ни, ҳайдаладиган ерлар ва энергия ресурслари (қазиб чиқариладиган ёқилғи) 3,0%ни) ташкил этмоқда ва унинг жами миллий бойлик таркибидаги улуши деярли ўзгармаган (3.1.1-жадвал).

#### **3.1.1-жадвал**

#### **Жаҳон миллий бойлигининг таркиби<sup>55</sup>**

Капитал турлари	1995 й.		2014 й.	
	трлн. долл.	фоизда	трлн. долл.	фоизда
<b>Жисмоний (асосий) капитал</b>	164,8	24,0	303,6	27
<b>Табиий капитал</b>	52,5	8,0	107,4	9,0
<b>шу жумладан:</b>				
Ўрмонлар ва ҳимоя қилинадиган худудлар	14,5	2,0	107,4	2,0
Ҳайдаладиган ерлар	25,9	4,0	39,9	3,0
Энергия ресурслари (қазиб чиқариладиган ёқилғи)	11,1	2,0	39,1	3,0
Металлар ва қазилма бойликлар	1,0	<1	10,1	1,0
<b>Инсон капитали</b>	475,6	69	736,8	64
<b>Соф хорижий активлар</b>	-2,9	<1	-4,6	<1
<b>Жами миллий бойлик</b>	689,9	100,0	1 143,3	100,0

<sup>55</sup>Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1046-6. P.47.

Жаҳон банки маълумотлари таҳлили барқарор ривожланиш мақсадлари устун даражада юқори даромадли мамлакатларда амалга ошаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2014 йилда ИХХТ аъзоси бўлмаган юқори даромадли мамлакатлар миллий бойлигининг 70%ини инсон капитали ташкил этгани ҳолда ИХТТ аъзоси ҳисобланмаган юқори даромадли мамлакатларда инсон капиталининг улуши 42%га тенг. Ушбу ҳолат охирги гуруҳ мамлакатларда иқтисодий ривожланиш устун даражада табиий ресурслар ҳисобига таъминланаётганлигидан далолат беради (3.1.2-жадвал).

### 3.1.2-жадвал

#### **Жаҳон миллий бойлигининг таркибида мамлакатлар гуруҳларининг ҳиссаси, фоиз ҳисобида<sup>56</sup>**

Капитал турлари	Кўйи даромадли мамлакатлар	Ўрта кўйи даромадли мамлакатлар	Ўрга юқори даромадли мамлакатлар	Юқори даромадли мамлакатлар (ИХТТга аъзо бўлмаган)	Юқори даромадли мамлакатлар (ИХТТга аъзолари)	Жаҳон
Жисмоний (асосий) капитал	14	25	25	22	28	27
Табиий капитал	47	27	17	30	3	9
Инсон капитали	41	51	58	42	70	64
Соф хорижий активлар	-2	-3	0	5	-1	0
Жами миллий бойлик	100	100	100	100	100	100
Жами миллий бойлик, трлн. долл.	7,2	70,7	247,8	76,2	741,4	1143,3
Жами миллий бойлик, аҳоли жон бошига, долл.	13629	25948	112798	264998	708389	168580

Маълумки, иқтисодий ўсиш табиий ресурсларга бўлган юкнинг ортиши билан боғлиқ. Таҳлиллар кўрсатишича, Лотин Америкаси, Фарбий ва Шарқий Европа, Россия, Осиё-Тинч океани миңтақасида ҳар бир фоизи йўқотилган табиий капитал ҳисобига 2-3% ортиқ иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Африкада эса табиий капитални йўқотиш даражаси иқтисодий ўсиш даражаси билан деярли бир хил. Ушбу ҳолат Африкада табиий ресурслардан интенсив фойдланилаётганлиги ва табиий ресурслар инсон капиталининг жамғарилишига йўналтирилмаётганлигини англатади<sup>57</sup>.

Жаҳон Банки томонидан қўлланиладиган “яшил иқтисодиёт” кўрсаткичлари барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таснифига кириб, инклузив яшил ўсиш кўрсаткичларидан иборат. Жаҳон Банки Институти илмий изланишларига кўра барқарор иқтисодий ўсишнинг инкюзивлигини таъминловчи йўналиш бу “яшил ўсиш”дир<sup>58</sup>. Шу боис Жаҳон Банки

<sup>56</sup> Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1046-6. P.8

<sup>57</sup> Ўша манба.

<sup>58</sup> [http://siteresources.worldbank.org/EXTSDNET/Resources/Inclusive\\_Green\\_Growth\\_May\\_2012.pdf](http://siteresources.worldbank.org/EXTSDNET/Resources/Inclusive_Green_Growth_May_2012.pdf)

томонидан қўлланилаётган “яшил иқтисодиёт” кўрсаткичлари “яшил ўсишнинг” қўйидаги йўналишлари бўйича гурухланади: атроф-мухит, иқтисодий ва ижтимоий. Улар жамият, иқтисодиёт ва атроф-мухит учун натижавий самарадорликни ифодалаш учун хизмат қилади (3.1.3-жадвал).

### 3.1.3-жавал

#### **Жаҳон Банкининг “яшил ўсиш”даги самарадорлик кўрсаткичлари<sup>59</sup>**

	<b>Восита</b>	<b>Кўрсаткич</b>
Атроф-мухит	Атроф-мухит ҳолатини яхшилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- СО2 эмиссиясини камайтириш;</li> <li>- ривожланишдан ҳимояланган табиий жойлар;</li> <li>- ҳаво ва сув ресурслари сифати</li> </ul>
Иқтисодиёт	Ишлаб чиқариш омилларининг ортиши (физик, инсон ва табиат капиталининг)	Маржинал маҳсулот - ишлаб чиқариш омилининг бир бирликка ортиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши (экотизим хизматлари қиймати ва тикланадиган омилларга боғлиқ ҳолда)
	Бозор муваффақият-сизликларини инновацияларни ривожлантириш ва билимлар иқтисодиёти асосида ҳал этиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- яшил технологиялар самарадорлиги кўрсаткичлари;</li> <li>- яшил технологиялар билан таъминланиш даражаси</li> </ul>
Ижтимоий	Табиий оғатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари бекарорлиги ва иқтисодий инқироз ҳолатларига мослашувчанликни ошириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- оғатлардан кўрилган заарлар (пул бирлигига);</li> <li>- оғатлардан зарар кўрган инсонлар (киши);</li> <li>- нарх бекарорлигидан зарар кўрганлар (киши)</li> </ul>
	Яратилган иш ўринлари ва камбағалликни камайтириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- яратилган иш ўринлари ва уларнинг камбағаллик даражасига таъсири;</li> <li>- иш билан бандлик ва ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқлик кўрсаткичлар</li> </ul>

Жаҳон Банки томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар “яшил ўсиш” натижасида эришиш мумкин бўлган потенциал иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолашга хизмат қилади.<sup>60</sup> Жаҳон Банкининг Бойлик бухгалтерияси ва экотизим хизматлари аудити (Wealth Accounting and Valuation of Ecosystem Services - WAVES<sup>61</sup>) БМТнинг Статистик Комиссиясининг Экологик ва иқтисодий хисоблар тизимини (System of Environmental and Economic Accounting - SEEA<sup>62</sup>) жорий қилишда техник кўмак бериб келмоқда.

<sup>59</sup> [http://siteresources.worldbank.org/EXTSDNET/Resources/Inclusive\\_Green\\_Growth\\_May\\_2012.pdf](http://siteresources.worldbank.org/EXTSDNET/Resources/Inclusive_Green_Growth_May_2012.pdf)

<sup>60</sup> <https://data.worldbank.org/indicator>

<sup>61</sup> <https://www.wavespartnership.org>

<sup>62</sup> UN Statistical Commission 2012

### **3.2. “Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашда халқаро ташкилотлар ёндашуви: умумий ва фарқли жиҳатлар**

Барқарор ривожланишга эришишда инсон фаровонлигини ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атromoф-муҳитга етказилаётган заарни минималлаштириш мақсади халқаро ташкилотлар томонидан “яшил иқтисодиёт”ни баҳолашдаги умумий жиҳат ҳисобланади. Халқаро ташкилотлар томонидан “яшил иқтисодиёт”ни баҳолашдаги фарқли жиҳатлар эса улар томонидан кўлланилаётган кўрсаткичлар тизимида намоён бўлади. Халқаро амалиётда “яшил иқтисодиёт”ни баҳолашда “яшил ўсиш” кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади. Жумладан, 2009 йилда 34 мамлакат вакиллари томонидан “яшил ўсиш” декларацияси имзоланди ва узоқ муддатли даврда барқарор иқтисодий ўсишни фақатгина “яшил ўсиш” ҳисобидан таъминланиши мумкин, деган хулоса қилинган<sup>63</sup>.

“Яшил ўсиш” анъанавий иқтисодий ўсиш тушунчасига нисбатан янги, кенг қамровли тушунча бўлиб, иқтисодий ўсиш билан бир вақтда юз берадиган заарларни (*implicit cost*) ҳам ҳисобга олади. Жумладан, иқтисодий ўсиш натижасида табиатга келтириладиган заарлар ва миллий бойликнинг камайиши шулар жумласига киради.<sup>64</sup>

Иқтисодий ўсишнинг “яшил модели” агар мукаммал ишлаб чиқилиб, самарали амалга оширилса ресурслар сарфи жиҳатдан барқарор ишлаб чиқариш, истеъмол танловига ижобий таъсир кўрсатади ва қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

**Иқтисодий соҳада:**

- ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортиши ва унинг аҳоли ўртасида нисбатан тенг тақсимланиши;
- экотизим хизматларини кўрсатиш ҳажмининг ошиши ёки уларнинг камайишининг олдини олиш;
- иқтисодиётнинг диверсификациялашуви, яъни иқтисодий рискларни бошқаришнинг такомиллашуви;
- яшил технологиялар, инновацияларни яратиш ва улардан фойдаланиш, яъни бозорга бўлган ишончнинг ортиши.

**Экологик соҳада:**

- табиий ресурслардан фойдаланишда унумдорлик ва самарадорликнинг ортиши;
- экологик чегаралар доирасида фойдаланиладиган табиий капитал;
- тикланмайдиган капиталдан фойдаланиб бошқа шаклдаги капитал (ишлаб чиқариш ва инсон капитали) ҳажмининг ошиши;
- атроф-муҳитга салбий таъсир этиш даражасининг камайиши ва табиат билан боғлиқ рискларни бошқаришнинг такомиллашуви.

**Ижтимоий соҳада:**

<sup>63</sup> Declaration of green growth. 25/07/2009

<sup>64</sup> Inclusive Green Growth The Pathway to Sustainable Development/ The World Bank

- аҳоли, жумладан камбағаллар яшаш шароити, даромадлари ва турмуш сифатининг ошиши;

- камбағаллар учун муносабиб ва аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини берувчи иш ўринларининг яратилиши ва рағбатлантирилиши;

- ижтимоий, инсон ва билим капиталининг ошиши;

- табақалашув даражасининг пасайиши.

### 3.2.1-жадвал

#### “Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашда халқаро ташкилотлар ёндашуви

Халқаро ташкилот	“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш мақсади	“Яшил иқтисодиёт” кўрсаткичлари
БМТнинг атроф мухит дастури	Атроф-мухитнинг ўзгариши билан боғлиқ рисклар ва экологик тақчилликни камайтириш асосида инсонлар фаровонлигини яхшилаш ва ижтимоий тенгликка эришиш <sup>65</sup>	Атроф-мухитни муҳофаза қилиш сиёсатининг самарадорлиги ва аҳоли ижтимоий-иктисодий фаровонлигининг ортишини акс эттириш
Иқтисодий хамкорлик ва тараққиёт ташкилоти	Инсон фаровонлиги билан боғлиқ табиий активлар барқарорлигини таъминлаган ҳолда иқтисодий ўсиш ва ривожланишга кўмаклашиш <sup>66</sup>	Ушбу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш, истеъмол ва айрибошлаш жараёнларидағи муносабатлар тизими асосида ишлаб чиқилгани учун “яшил иқтисодиёт”ни уч ўлчамда (иктисодиёт, табиат ва жамият) баҳолаш имконини беради
Жаҳон Банки	Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-мухитга салбий таъсир ўтказиш ва уни ифлослантиришни минималлашитириш асосида иқтисодий ўсишга эришиш. Яшил ўсиш табиий оғатларга, табиий капиталнинг жисмоний йўқотишларига нисбатан барқарор ҳисобланади <sup>67</sup>	“Яшил ўсиш” асосида эришиш мумкин бўлган потенциал иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш
Глобал яшил ўсиш институти	Иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлик ўртасида мувозанатни таъминлаш	“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш имкониятларини баҳолаш ва барқарор “яшил ўсиш”ни таъминлаш даражасини тавсифлаш
Dual Citizen халқаро агентлиги		Глобал яшил иқтисодиёт индексини ҳисоблаш ва “яшил иқтисодиёт”нинг амал қилиш даражасини акс эттириш

<sup>65</sup> <https://sustainabledevelopment.un.org/index.php?menu=1446>

<sup>66</sup> <http://www.oecd.org/greengrowth/>

<sup>67</sup> Inclusive Green Growth the Pathway to Sustainable Development/ The World Bank page-48

“Яшил иқтисодиёт” барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилувчи концепция ҳисобланади. Аммо ушбу концепция доирасида “яшил ўсиш”ни таъминловчи ва “жигарранг иқтисодиёт”дан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнларини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими расмий равища қабул қилинмаган. Шу сабабдан ҳозирда “яшил иқтисодиёт” ва “яшил ўсиш”ни тавсифлаш учун Глобал яшил ўсиш институти (Global Green growth Institute - GGGI), ИХТТ, UNEP, Жаҳон Банки каби халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиб келинмоқда. Мазкур кўрсаткичлар тизимининг айримлари ўхшашиб болгани ҳолда, айримлари бирбиридан кескин фарқланади. Ушу ҳолат устун даражада халқаро ташкилотларнинг “яшил иқтисодиёт” концепциясига нисбатан қандай ёндашувда эканлигига боғлиқ (3.2.1-жавдал).

UNEP “яшил иқтисодиёт”ни баҳолашда атроф-муҳит ўзгариши билан боғлиқ рискларни камайтириш асосида фаровонликни ошириш ва ижтимоий тенглика эришишни мақсад қилиб қўйган.

Жаҳон Банки атроф-муҳит стратегиясида “яшил ўсиш” самарали, тоза ва мослашувчан ижтимоий-иктисодий ўсиш сифатида таърифланади.

ИХТТ ёндашуви эса инсон фаровонлиги билан боғлиқ табиий активлар барқарорлигини таъминлаган ҳолда иқтисодий ўсиш ва ривожланишга кўмаклашишга асосланади.

GGGI ва Dual Citizen халқаро агентлиги “яшил иқтисодиёт”га ўтишни баҳолашда рейтинг усулидан фойдаланилади.

Қайд этиб ўтилган ёндашувларда “яшил иқтисодиёт” ва “яшил ўсиш”ни баҳолашнинг умумий жиҳатлари бўлиши билан бирга фарқли томонлари ҳам мавжуд. Шу боис глобал даражада ҳозирга қадар умумлашган стандарт кўрсаткичлар тизими қабул қилинмаган. Ушбу кўрсаткичлар тизимини шакллантириш борасида юқорида санаб ўтилган халқаро ташкилотлар илмий изланишлар олиб боришишмоқда<sup>68</sup>.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва “яшил ўсиш”ни комплекс баҳолаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- “яшил ўсиш”нинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорлигини ифодаловчи устувор индикаторларни танлаб олиш;

- улар ёрдамида динамикада самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш, “яшил ўсиш” жараёни суръатларини аниқлаш, “яшил сиёсат”ни тартибга солиш ва мониторингини олиб бориш;

- самарадорликнинг мақсадли кўрсаткичларини танлаш ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- кўрсаткичлар ҳисоби ва прогнози, жумладан уларга таъсир қилувчи омиллар имкониятларига мувофиқ “яшил ўсиш”нинг самарадорлик бўйича устувор йўналишларини аниқлаш.

---


<sup>68</sup> Moving towards a Common Approach on Green Growth Indicators  
<http://www.oecd.org/greengrowth/GGKP%20Moving%20towards%20a%20Common%20Approach%20on%20Green%20Growth%20Indicators%5B1%5D.pdf>

### 3.3. UNEP ва “яшил иқтисодиёт”га ўтишни баҳолаш

UNEP доирасида ишлаб чиқилган “яшил иқтисодиёт” ва “яшил ўсиш” кўрсаткичлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати самарадорлигини ва шу сиёсат натижасида иқтисодий-ижтимоий фаровонликни ортишини акс эттирувчи кўрсаткичлардир.<sup>69</sup> Ушбу кўрсаткичлар уч гурухга бўлинади:

1. “Яшил ўсиш” олдига қўйилган мақсад ва мавжуд муаммоларни тавсифловчи кўрсаткичлар;
2. “Яшил ўсишни” тартибга солиш дастаклари ва чора-тадбирларини тизимини аниқловчи кўрсаткичлар;
3. “Яшил ўсиш”нинг ижтимоий-иктисодий ex-ante таъсири, ex-post мониторинги ва эришилган натижаларнинг миқдорий баҳоларини ифодаловчи кўрсаткичлар.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш ҳолатини аниқлашда қўлланиладиган БМТ кўрсаткичлари “яшил ўсиш” жараёни босқичлари таҳлили билан боғлиқдир. Мазкур жараёнлар бир-бирига боғлиқ бўлган уч босқични ўз ичига олади (3.3.1-расм)<sup>70</sup>: 1. Муаммо аниқлаш ва мақсадни белгилаш; 2. Муаммони ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш; 3. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни мониторинги ва эришилаётган натижаларни баҳолаш.



#### 3.3.1 -расм. UNEP томонидан ишлаб чиқилган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни босқичлари<sup>71</sup>

Муаммони аниқлаш ва мақсадни белгилаш босқичига тегишли кўрсаткичлар қарор қабул қилувчилар учун фойдали дастак ҳисобланиб, барқарор иқтисодий ўсиш бўйича тўғри йўналишни аниқлаб олиш имконини беради. Ушбу кўрсаткичлар тизими қуйидаги тўрт босқичли жараёнда аниқланадиган кўрсаткичлардан иборат:

- потенциал жиҳатдан хавф солиб турган трендларни аниқлаш;
- муаммони таҳлил қилиш ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш;
- кўриб чиқилаётган муаммо сабаблари ва уларни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш;
- муаммонинг иқтисодиёт, жамият ва табиатга таъсирини чуқур таҳлил қилиш.

<sup>69</sup> <https://www.unenvironment.org/>

<sup>70</sup> [http://www.un-page.org/files/public/content-page/unep\\_indicators\\_ge\\_for\\_web.pdf](http://www.un-page.org/files/public/content-page/unep_indicators_ge_for_web.pdf)

<sup>71</sup> [http://www.un-page.org/files/public/content-page/unep\\_indicators\\_ge\\_for\\_web.pdf](http://www.un-page.org/files/public/content-page/unep_indicators_ge_for_web.pdf)

Юқорида қайд этилган кўрсаткичларни аниқлашда иккинчи босқич алоҳида икки гуруҳларга бўлиб ўрганилади: а) чора-тадбирлар ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси кўрсаткичлари; б) уларни баҳолаш кўрсаткичлари.

### 3.3.1-жадвал

#### **UNEP томонидан ишлаб чиқилган “яшил иқтисодиёт” индикаторлари тизимининг турлари бўйича гурухланиши<sup>72</sup>**

Кўрсаткичлар		
Атроф-муҳит	Атроф-муҳитнинг ўзгариши	CO <sub>2</sub> эмиссияси (тонна/йил); тикланадиган энергетика (жами истеъмолдаги улуши, %); Жон бошига энергия истеъмоли
	Экотизим менежменти	Ўрмонлар (га); Сув тақчиллиги (%); Кўрикхона ерлари (га)
	Ресурслар самарадорлиги	Энергия самарадорлиги (BTU/долл); Хом ашё самарадорлиги; Сув самарадорлиги (м <sup>3</sup> /долл); CO <sub>2</sub> самарадорлиги (тонна/долл)
	Кимёвий моддалар ва чиқиндилар	Чиқиндиларни тўплаш (жамига нисбатан % да) Чиқиндиларни қайта ишлаш ва қайта фойдаланиш (%) Чиқиндилар (тонна/йил) ва чиқинди майдонлари (га)
Сиёsat	Яшил инвестициялар	ИТТКИга инвестициялар (ЯИМга нисбатан %) Таълимга инвестициялар (долл/йил)
	Яшил фискал ислоҳотлар	Углеводород ёқилғилар, сув ва балиқчиликка субсидиялар (долл/ %) Углеводород ёқилғиларига солиқлар (долл ёки %) Қайта тикланадиган энергетикани қўллаб-қувватлаш (долл/%)
	Экстенсив ресурслар нархи ва экотизим хизматларини баҳолаш	Углеводород ёқилғилари нархи (долл/тонна) Экотизим хизматлари қиймати (мисол учун сув таъминоти хизмати)
	Яшил натижалар	CO <sub>2</sub> эмиссияси бўйича барқарор натижаларга эришиш харажатлари (долл/йил ёки %) ва хукумат фаолиятида хом ашё самарадорлиги (тонна/долл)
	Яшил иш кўнкимларига тайёрлаш	Тайёрлаш харажатлари (долл/йил ёки ЯИМга нисбатан %) Тайёрланган мутахассислар сони (мутахассис/йил)
Фаровонлик ва ижтимоий тенглик	Бандлик	Курилишда бандлар (киши, %); жараёнларни бошқариш ва менежментда бандлар (киши, %); даромадлар (долл/йил); Жини коэффициенти
	Таълим	Кўшилган қиймат (долл/йил); Бандлик (иш ўринлари)
	Табиий ва инсон капитали	Табиий ресурс заҳиралар қиймати (долл); Йиллик кўшилган қиймат миқдори (долл/йил); Саводхонлик даражаси (%)
	Ресурслар билан таъминланганлик	Замонавий ресурслар билан таъминланганлик (%); Сув билан таъминланганлик (%); Санитария хизматлари билан таъминланганлик (%); Соғлиқни сақлаш хизматлари билан таъминланганлик (%)
	Соғлиқни сақлаш	Соғлиқ учун заарли моддаларнинг ичимлик сувдаги улуши (г/л); Ҳаво ифлосланиши натижасида касалхонага тушган беморлар сони (киши); Ҳар 100 000 кишига ўлим билан якунланган йўл транспорт ходисалари сони (дона)

<sup>72</sup> [http://www.un-page.org/files/public/content-page/unep\\_indicators\\_ge\\_for\\_web.pdf](http://www.un-page.org/files/public/content-page/unep_indicators_ge_for_web.pdf)

Иккинчи босқич кўрсаткичлари икки қисмга ажратилади: а) чора-тадбирлар мақсадини аниқлаш ва таъсир қилиш дастакларини аниқлаш кўрсаткичлари ва б) амалга оширилаётган чора-тадбирлар таъсирини тармоқлар кесимида таҳлил қилиш, аҳоли фаровонлигига таъсирини баҳолаш, уларнинг афзалик ва камчиликлари тўғрисидаги кўрсаткичлар.

Учинчи босқичда дастур натижаларининг атроф-муҳит, инвестицион фаоллик, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли фаровонлигига таъсири режадаги кўрсаткичлар билан қиёсий таққосланади.

UNEP томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичларни шартли равишда уч гурухга бўлиш мумкин (3.3.1-жадвал):

- атроф-муҳит;
- амалдаги сиёсат;

- фаровонлик ва ижтимоий тенглик. UNEP методологияси бўйича кўрсаткичлар мамлакат хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан уйғун муаммомга қараб долзарб кўрсаткичлар тури танланади. Сўнгра “яшил иқтисодиёт”га ўтиш дастури босқичлари бўйича мувофиқлаштирилади.

### **3.4. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини баҳолашнинг ИҲТТ ёндашуви**


“Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашдаги муҳим йўналиш ИҲТТ доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ҳисобланади. Ушбу ташкилот тавсияларига кўра “яшил ўсиш”ни баҳолаш учун беш гурухга ажратилган қуйидаги 25-30 та кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- иқтисодиётнинг экологик ва ресурс самарадорлиги (алоҳида эътибор углерод самарадорлигига қаратилади);
- табиий ресурслар;
- атроф-муҳит ҳолати ва унинг ҳаёт сифатига таъсири;
- “яшил ўсиш” соҳасидаги сиёсат ва иқтисодий имкониятлар;
- “яшил ўсиш”нинг ижтимоий-иктисодий жиҳатлари.

ИҲТТ томонидан ишлаб чиқилган яшил ўсиш кўрсаткичлари 2017 йилда 2011 ва 2014 йиллардаги кўрсаткичларга нисбатан янгиланган ва кенгайтирилган. 2017 йил ҳисботида асосий эътибор яшил ўсишни таъминлашга қаратилган сиёсий чоралар ва меҳнат унумдорлигини оширишга, солиқлар ва субсидиялар, технологиялар ва инновациялар, халқаро молия оқими билан боғлиқ таҳлилларга қаратилганлиги билан ажralиб туради. Ушбу рейтингда Люксембург, Исландия, Дания, Норвегия ва Нидерландия каби мамлакатлар етакчи ўринларни эгаллашган бўлса, ИҲТТга аъзо бўлмаган мамлакатлардан Колумбия ва Коста-Рика яшил ўсишни таъминлашда сезиларли ижобий натижаларга эришганлиги қайд этилган<sup>73</sup>.

ИҲТТ “яшил ўсиш” кўрсаткичлари услубияти асосида ишлаб чиқариш жараёнининг қуйидаги макроиктисодий модели ётади (3.4.1-расм).

<sup>73</sup> [https://www.oecd.org/env/indicators-modelling-outlooks/Highlights\\_Green\\_Growth\\_Indicators\\_2017.pdf](https://www.oecd.org/env/indicators-modelling-outlooks/Highlights_Green_Growth_Indicators_2017.pdf)



### 3.4.1-расм. ИХТТнинг “яшил иқтисодиёт” күрсаткышларини ўлчашни концептуал тизими<sup>74</sup>

Ижтимоий-иктисодий ривожланиш күрсаткышлари үз навбатида иккиге бўлинади (3.4.1-жадвал):

- иктисодий үсиш, самарадорлик да рақобатбардошлик күрсаткышлари;
- мехнат бозори, таълим да даромад күрсаткышлари.

<sup>74</sup> OECD (2011), Towards Green Growth: Monitoring Progress: OECD Indicators.

### 3.4.1-жадвал

#### Ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичлари таснифи.<sup>75</sup>

Гурух/Синф	Кўрсаткич	Кўрсаткич тури	Ўлчов имконияти
<b>Ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичлари</b>			
Иктисодий ўсиш, самарадорлик ва рақобатбардошлик кўрсаткичлар	<p><b>Иктисодий ўсиш ва таркиб:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ЯИМ ўсиши ва таркиби</li> <li>- соғ ялпи даромад</li> </ul> <p><b>Самарадорлик ва айрибошлаш:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- меҳнат самарадорлиги</li> <li>- кўпомилли самарадорлик</li> <li>- айрибошлашда ишчи кучи улуши</li> <li>- халқаро савдо аҳамияти (ташқи савдо айланмасининг ЯИМга нисбати)</li> </ul> <p><b>Инфляция ва истеъмол товарлари нархи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- истеъмол товарлари индекси</li> <li>- озик-овқат, нефть, минераллар, руда ва метал нархлари</li> </ul>	M M M M M M	S S/M S M M S
Меҳнат бозори, таълим ва даромад кўрсаткичлари	<p><b>Меҳнат бозори:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишчи кучининг иктисодиётдаги иштироки</li> <li>- ишсизлик даражаси</li> </ul> <p><b>Ижтимоий-демографик кўрсаткичлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- аҳоли ўсиши, таркиби ва зичлиги</li> <li>- умр давомийлиги ва соғлом ҳаёт йиллари</li> <li>- даромадлар тенглиги: Жини коэффициенти</li> <li>- таълим ютуқлари: таълим даражаси ва қамрови</li> </ul>	M M M M M	S S S S/M S/M S

Иктисодиётнинг экологик ва ресурс самарадорлиги кўрсаткичлари таркибиغا иктисодиёт, жумладан ишлаб чиқариш ва истеъмолда сарфланаётган энергия, табиий ресурслар ва экотизим хизматларининг табиат капиталига боғлиқ самарадорлик кўрсаткичлари киради (3.4.2-расм).

Ушбу кўрсаткичлар кам углерод талаб, ресурс тежовчи иктисодиётга ўтишнинг устувор характеристикасини ифодалайди. Жумладан, ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган товар ва хизматлар улушига тўғри келувчи CO<sub>2</sub> эмиссияси кам углеродлилик даражасини тавсифласа, мазкур кўрсаткичга тўғри келувчи ресурслар бирлиги тежамкорлик даражасини тавсифлайди (2.3.2-жадвал).

<sup>75</sup> <http://www.oecd.org/env/indicators-modelling-outlooks/green-growth-indicators>

Бу ерда: кўрсаткич туридаги M-асосий кўрсаткич P-ёрдамчи кўрсаткич, ўлчов имкониятидаги: S-барча малакатлар учун хисоблаш мумкин M- айрим мамлакатлар учун хисоблаш мумкин L-кўп мамлакатлар учун хисоблаш имкони йўқ.



### 3.4.2-расм. Иқтисодиётнинг экологик ва ресурс самарадорлиги кўрсаткичлари тизими<sup>76</sup>

Табиий активлар базасини тавсифловчи кўрсаткичлар барқарор ривожланишнинг сифат, миқдор ва қимматлилик тамойилларига асосланади. Миқдор тамойили иқтисодий ўсишнинг аввалгисига нисбатан юқорилигини таъминласа, иқтисодий ўсишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири сифат тамойилини кафолатлади. Қимматлилик тамойили эса иқтисодий ўшиш табиий активлар базасини келажак авлод учун камайтирмаслиги ва истиқболдаги ривожланиш рискларини келтириб чиқармаслигини таъминлаши зарур. Улар жумласига балиқ захиралари (балиқ захиралари ва истеъмол даражаси нисбати), ўрмон ресурслари (ўрмон майдонлари ва ҳажми, қайта тикланган ёки йўқотилган ўрмонлар, кўриқхона ерлари), минераллар ва энергия ресурслари (минералларнинг аниқланган захиралари, фойдаланилаётган минераллар ҳажми ва қиймати), ер ва тупроқ ресурслари (ер турлари, ўзгаришлари, қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ эррозиясига учраши), сув ресурслари (тоза ва етарли даражадаги сув билан таъминланганлик даражаси) биохилма-хиллик (биохилма-хилликнинг сақланиши ва турлари хилма-хиллигини таъминлаш) кўрсаткичларидан иборат.

<sup>76</sup> <http://www.oecd.org/env/indicators-modelling-outlooks/green-growth-indicators>

### 3.4.2-жадвал

#### ИХТТ мамлакатларида “яшил ўсиш”нинг айрим кўрсаткичлари динамикаси<sup>77</sup>

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019
Реал ЯИМ, 2000=100%	100,0	111,9	118,6	130,8	133,2	136,8	139,9	142,3
Жон бошига ЯИМ миқдори, минг долл.	34,4	37,1	37,9	40,5	41,0	41,8	42,5	43,0
Кутилаётган умр давомийлиги, йил	77,1	78,3	79,3	80,0	80,1	80,2	80,3	80,4
СО2 эмиссияси, 2000=100	100,0	102,4	98,6	93,3	92,8	92,5	93,0	...
Электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергиянинг улуси, %	15,8	15,5	17,9	23,1	24,0	25,3	26,0	...
Атроф-муҳит технологияларининг жами технологиялардаги улуси, %	6,7	7,8	12,2	10,2	9,6	...	...	...

Аҳоли турмуш сифатининг экологик жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичлар инсонлар ҳаёти ва фаровонлигига атроф-муҳит шароитлари ва экологик рискларнинг таъсирини тавсифлайди, яъни табиатнинг номоддий ресурсларига боғлиқлигини ифодалайди. Мазкур кўрсаткичлар орқали даромадлар ортиши билан умумий фаровонликни ошиши ёки камайишини аниқлаш мумкин. Ушбу гуруҳдаги кўрсаткичларга қўйидагилар киради:

- инсонга атроф-муҳит ифлосланиши ва экологик рискларнинг (табиий оғатлар, технологик ва кимёвий рисклар) таъсири, улар оқибатида соғлиқ ва турмуш сифатининг ўзгариши, меҳнат унумдорлиги ва инсон капитали ривожланишига таъсир этувчи соғлиқни сақлаш тизими харажатлари кўрсаткичлари;

- экологик хизматлар билан таъминланганлик даражаси (тоза сув, сув-оқова, жамоат транспорти ва ҳ.к.), жумладан аҳолининг барча қатламларининг таъминланганлиги.

Ушбу кўрсаткичлар билан бир қаторда аҳоли турмуш даражасининг бошқа кўрсаткичларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий имкониятлар ва акстаъсир кўрсаткичлари “яшил ўсиш”га ўтиш ва бу йўналишда вужудга келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш воситалари (солиқлар, субсидиялар) самарадорлиги ва “яшил ўсиш” билан боғлиқ иқтисодий имкониятларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини қамраб олади. Улар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- технологиялар ва инновациялар – яшил ўсиш самарадорлигини ошириш ва ривожланишини таъминлаш омиллари;

- экологик товар ва хизматларни ишлаб чиқариш – иқтисодиётни экологиялаштириш орқали унинг янги имкониятларини очиш;

<sup>77</sup> <https://stats.oecd.org/#>

- инвестициялар ва молиялаштириш – “яшил ўсиш” ва атроф-муҳит муҳофазаси мақсадларида технология ва билимларни кенг қўллашни молиялаштириш;

- ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун “яшил иқтисодиёт”га ўтиш белгиси ҳисобланган нархлар, солиқлар ва субсидиялар;

- таълим, касбий тайёргарлик ва кўнкималарни ривожлантириш.

“Яшил иқтисодиёт” ва “яшил ўсиш” моделининг ИХТТ томонидан ишлаб чиқилган кўрсаткичлари ишлаб чиқариш, истеъмол ва айрибошлиш жараёнларидағи муносабатлар тизими асосида ишлаб чиқилгани боис бугунги кунда “яшил иқтисодиёт”ни уч ўлчамда (иктисодиёт, табиат ва жамият) баҳолаш имконини бермоқда. Илмий-тадқиқотлар ва мамлакатлар хусусиятларини эътиборга олиб ўтказилаётган “дала” тажрибалари натижасида мазкур кўрсаткичлар янада умумийлаштирилмоқда. Бошқа рейтинг тизимларидан фарқли ўлароқ ушбу ёндашув бирон-бир умумлаштирувчи индексни ҳисоблашни назарда тутмайди.

ИХТТ томонидан қўлланилаётган кўрсаткичлар мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан ривожланишини баҳолаш ва таққослаш имконини беради. Ушбу кўрсаткичлар тизимини ҳисоблашда “яшил ўсиш”, бухгалтерия ҳисоби ва давлат сиёсати тамойиллари биргалиқда қўлланилади, яъни кўрсаткичлар аналитик жиҳатдан ишончлилик, ўлчашлилик ва долзарблилик жиҳатидан танлаб олинган. ИХТТнинг “яшил ўсиш” кўрсаткичлари фаровонлик ва барқарорликни кенг қамровда тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. ИХТТга аъзо мамлакатлар қаторидаги яшил ўсиш стратегиясини амалга ошириш жараёнида ташаббускор мамлакатлар (Чехия, Дания, Германия, Корея Республикаси, Мексика, Нидерландия, Словакия ва Словения) яшил иқтисодий ўсиш ва барқарорлик мониторингини олиб боришда мазкур кўрсаткичлардан фойдаланишади. Ривожланган, ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатларнинг айримлари ИХТТ “яшил ўсиш” кўрсаткичларининг амалий қўлланилишини таъминлаш мақсадида статистик ҳисботларни ушбу кўрсаткичларга асосланиб тузишмоқда.

Ривожланган, ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар учун ИХТТ “яшил ўсиш” кўрсаткичларининг муҳим афзаллиги уларнинг мослашувчан эканлигидир. Ушбу ҳолат ўз аксини юқоридаги ҳисботларда топмоқда, яъни мамлакатлар кўрсаткичлар тизимининг бош тўрт йўналиши бўйича мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик хусусияти, ҳолати, юритилаётган сиёсатидан келиб чиқиб кўрсаткичлар меъёрини аниқлашади. Жумладан, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари асосий эътиборни (яъни “яшил ўсиш” кўрсаткичларидан) миллий сиёсатнинг устувор йўналишларини аниқлашда атроф-муҳитга боғлиқ яшаш стандартлари ва имкониятларига боғлиқ кўрсаткичларга қаратса, ЕИ, Кавказ ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари узоқ муддатли

стратегияларни ишлаб чиқишда табиий активлардан самарали фойдаланиш күрсаткичларидан фойдаланишни афзал күришмоқда<sup>78</sup>.

### 3.5. GGGI ва Dual Citizen халқаро агентликларининг рейтинг усули

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, мураккаб жараёнлар ва обьектларни қиёсий баҳолашда аксарият мамлакатлар кўпинча рейтинг усулидан фойдаланишади. “Яшил ўсиш”ни рейтинг асосида баҳолашнинг оммалашган усуллари GGGI ва Dual Citizen халқаро агентликлари томонидан қўлланилади.

GGGI Корея Республикасининг Сеул шаҳрида жойлашган бўлиб, мақсади иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатни ифодаловчи “яшил ўсиш”га кўмаклашиш ҳисобланади. GGGI миллий иқтисодиётнинг “яшил ўсиш”ини таъминлаши мумкин бўлган энергетика, сув таъминоти, ердан фойдаланиш ва яшил шаҳарлар каби устувор соҳаларида иш олиб боради.

GGGI томонидан ишлаб чиқилган яшил иқтисодиётни баҳолаш кўрсаткичлари тизими “яшил иқтисодиёт”га ўтиш имкониятларини баҳолаш ва барқарор “яшил ўсиш”ни таъминлаш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларга асосланади<sup>79</sup>. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатнинг “яшил иқтисодиётга” ўтиш давлат дастурида кўзда тутилган босқичларга қараб ташҳислаш, режалаштириш, баҳолаш ва мониторинг каби категорияларга бўлинади.

Ташҳислашга оид кўрсаткичлар мамлакатнинг умумий ҳолатини баҳолаш ва мавжуд муаммоларни аниқлашга хизмат қиласди. Режалаштириш кўрсаткичлари “муаммо→давлат→чора-тадбирлар” ёндашувига асосланади. Ушбу кўрсаткичлар ташҳислаш кўрсаткичлари ёрдамида аниқланган барқарор иқтисодий ўсиш муаммолари ва уларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқликларини аниқлашга хизмат қиласди. Режалаштириш кўрсаткичлари асосида муқобил “яшил ўсиш” сценарийлари ишлаб чиқиласди. Баҳолаш ва мониторинг кўрсаткичлари эса “яшил ўсиш” дастурини амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва эришилган натижаларни баҳолаш имконини беради.

GGGI “Яшил ўсиш” индекси (GGI) куйидаги йўналишлар бўйича 36 та кўрсаткичлар асосида ҳисобланади (3.5.1-расм):

- ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш;
- табиий капитални муҳофаза қилиш;
- яшил иқтисодиёт имкониятлари;
- ижтимоий интеграция.

<sup>78</sup> <http://www.oecd.org/greengrowth/green-growth-indicators/>

<sup>79</sup> <http://gggi.org/>

**Ресурслардан самарали ва оқилюна фойдаланиш**

- Самарали ба баркарор энергия
- Сув ресурсларидан самарали ва баркарор фойдаланиш
- Ер ресурсларидан оқилюна фойдаланиш
- Материал ресурслардан самарали фойдаланиш

**Яшил иқтисодиёт имкониятлари**

- Яшил инвестициялар
- Яшил савдо
- Яшил бандлик
- Яшил инновациялар

Паст углеродли иқтисодиёт



**Ижтимоий интеграция**

- Асасий ресурслар ва хизматлардан фойдаланиши имконияти
- Гендер тенглігі
- Пәкітимоний адолат
- Пәкітимоний химоя

**Мослашувчан жамият**

**Табиий капиталдын мухофаза килиш**

- Атраф-мухит сиғаты
- Иссикхона газларини кискартириш
- Био хилма-хүйлик ва экотизимларни асраш
- Маданий ва пәкітимоний кадриятлар

### 3.5.1-расм. Яшил ўсиш индексининг таркибий тузилиши<sup>80</sup>

GGI томонидан 2019 йилда амалга оширилган рейтинг 115 та мамлакатларни қамраб олган ва мамлакатлар 0 дан 100 баллгача бағланади (3.5.1-жадвал).

#### 3.5.1-жадвал

#### Дунё мамлакаттарининг Яшил ўсиш индексидаги ўрни, 2019 й.<sup>81</sup>

Ўрни	Мамлакат	Ресурслардан оқилюна ва самарали фойдаланиш	Табиий капиталдын мухофаза килиш	Яшил иқтисодиёт имкониятлари	Ижтимоий интеграция	Яшил ўсиш индекси	Инсон тараққиети индексидаги гурухы
1	Дания	75,50	72,52	63,84	92,07	75,32	жуда юқори
2	Швеция	75,79	77,26	57,96	93,70	75,09	жуда юқори
3	Австрия	71,57	79,56	52,27	91,92	72,32	жуда юқори
4	Финляндия	67,36	72,25	58,86	92,23	71,69	жуда юқори
1	Грузия	50,00	72,46	37,19	70,17	55,45	юқори
2	Хитой	34,49	70,15	55,41	70,32	55,41	юқори
3	Шри Ланка	60,97	69,67	33,42	54,49	52,74	юқори
4	Мексика	37,70	77,36	40,70	65,03	52,71	юқори
1	Филиппин	46,48	70,62	48,34	59,96	55,54	ўрта
2	Доминикан Республикаси	55,89	81,82	31,56	64,30	55,10	ўрта
3	Сальвадор	42,96	66,84	44,84	65,76	53,94	ўрта
4	Гватемала	52,46	73,20	23,56	52,90	46,77	ўрта
1	Уганда	47,04	75,70	27,10	29,18	40,96	паст
2	Сенегал	32,14	71,39	22,71	29,18	70,96	паст
3	Мадагаскар	43,98	62,65	18,31	25,85	33,79	паст
4	Малави	37,72	84,55	9,63	24,44	29,43	паст

<sup>80</sup> Acosta, L. A., Maharjan, P., Peyriere, H., Galotto, L., Mamiit, R. J., Ho, C., ... Anastasia., O. (2019). Green Growth Index:Concept, Methods and Applications. GGGI Technical report No. 5, Green Growth Performance Measurement (GGPM) Program, Global Green Growth Institute, Seoul.

<sup>81</sup> Ўша манба

Dual Citizen халқаро агентлиги томонидан қўлланиладиган “яшил иқтисодиёт” кўрсаткичи Глобал яшил иқтисодиёт индекси (Global Green Economy Index - GGEI) деб аталади ва 130 та мамлакатлар миқёсида “яшил иқтисодиёт”нинг амал қилиш даражасини ифодалайди. Рейтинг 2010 йилдан бошлаб эксперт сўровномалари асосида аниқланади.

### 3.5.2-жадвал

#### Глобал яшил иқтисодиёт индекси кўрсаткичлар тизими<sup>82</sup>


Номи	Тури	Саломги, %	Таърифи
<b>Ташаббускорлик ва иқлим ўзгариши кўрсаткичлари</b>			
Давлат ва ҳукумат раҳбарлари	сифат	20	Атроф-мухит ва ривожланиш муаммоларини ҳал этишда раҳбарлар ташаббуси
ОАВнинг қамрови	сифат	10	Яшил иқтисодиётнинг ОАВда ижобий ёритилиши
Халқаро форум	сифат	20	Халқаро форумларда миллӣ манфаатлар ва ўйналишлар ҳолати
Атроф-мухит ўзгариши индекси	миқдор	50	Атроф-мухитнинг ўзгаришини тавсифловчи кўрсаткичлар
<b>Самарадорлик</b>			
Бино ва иншоотлар	миқдор	20	Бино ва иншоотларнинг LEED (Leadership in Energy and Environmental Design) сертификатига эгалиги
Энергетика	миқдор	20	Тикланадиган энергиянинг жами истеъмолдаги улуши
Туризм	сифат	20	Яшил туризм бўйича мамлакат рейтинги
Транспорт	миқдор	20	Автомобиллар чиқараётган CO <sub>2</sub> миқдори
Ресурс самарадорлиги	миқдор	20	Чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси
<b>Бозорлар ва инвестициялар</b>			
Инвестицион жозибадорлик	миқдор	25	Тикланадиган энергетика тармоғининг инвестицион жозибадорлиги
Яшил инновация	миқдор	25	Яшил инновация бўйича бизнес мухит
Корпоратив барқарорлик	сифат	25	Учта йирик компаниянинг барқарорлик даражасига ўтиши
Яшил инвестицияларни қўллаб-куватлаш	сифат	25	Давлат томонидан яшил инвестицияларни қўллаб-куватлаш сиёсати
<b>Атроф-мухит</b>			
Қишлоқ хўжалиги	миқдор	17	Қишлоқ хўжалиги самарадорлиги бўйича чора-тадбирларни баҳолаш
Тоза ҳаво	миқдор	17	Ахоли таркибида ифлосланган ҳаводан нафас олувчилар ва ўтинда овқат пиширувчилар улуши
Сув	миқдор	17	Уй хўжаликлири ва саноат корхоналаридан чиқадиган сизот сувлардан уларни атроф-мухитга кайтаришдан аввал фойдаланиш даражаси
Био хилма-хиллик ва яшаш мухити	миқдор	17	Куруклик ва денгиз худудларини мухофаза қилиш, йўқолиб бораётган турларни сақлаш ва ҳимоялаш
Балиқчилик	миқдор	17	Балиқ овлашнинг амалий қўрсаткичлари
Ўрмончилик	миқдор	17	2000 йилдан ҳозирга қадар йўқотилган ўрмон майдонлари

<sup>82</sup> <http://dualcitizeninc.com/global-green-economy-index>

Ушбу индекс “яшил иқтисодиёт” ҳолатини қуидаги йүналишларда микдор ва сифат күрсаткичлари орқали баҳолайди (3.5.2-жадвал)<sup>83</sup>:

- ташаббускорлик ва иқлим ўзгариши (leadership & climate change) - иқлим ўзгаришларига қарши қурашда қатнашиш ва етакчилик;
- самарадорлик (efficiency sectors) - иқтисодиёт тармоқларида ресурслар ва энергиядан фойдаланиш самарадорлиги;
- бозорлар ва инвестициялар (markets & investment) - “яшил” инновациялар, инвестицияларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бошқарувда “яшил” технологияларни жорий этиш;
- атроф-муҳит (environment) - атроф-муҳит сифати ва экотизим ҳолати.

Рейтинг жадвалда келтирилган күрсаткичлар бўйича ўртача фоизни ҳисоблаш асосида шакллантирилади ва глобал яшил иқтисодиёт индекси аниқланади. 2018 йилда рейтингда 130 мамлакат қатнашган бўлиб, унда биринчи ўнталикни Швеция, Швейцария, Исландия, Норвегия, Финляндия, Германия, Дания, Тайвань, Австрия, Франция эгаллаган (3.5.1-расм).



**3.5.1-расм. 2018 йилда Глобал яшил иқтисодиёт индекси бўйича етакчи мамлакатлар<sup>84</sup>**

Глобал “яшил иқтисодиёт” индекси коэффициентда ҳисобланиб, ҳисботда мамлакатларнинг яшил иқтисодиётга ўтиш даражаси рейтинг шаклида келтирилади. Айрим ҳолларда маълумотлар мамлакатлар бўйича алоҳида келтирилганда күрсаткичлар тегишли категориялар гурӯхлари бўйича тақдим қилинади.

<sup>83</sup> <https://www.dualcitizeninc.com/global-green-economy-index/>

<sup>84</sup> <http://dualcitizeninc.com/global-green-economy-index>

## **Назорат саволлари**

1. “Яшил иқтисодиёт” ва “яшил ўсиш”ни баҳолаш заруратини асослаб беринг?
2. “Яшил иқтисодиёт”ни тавсифловчи кўрсаткичлар моҳиятини тушунтириб беринг?
3. “Яшил иқтисодиёт”ни тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш бўйича қандай ёндашувлар мавжуд?
4. UNEP доирасида ишлаб чиқилган “яшил иқтисодиёт” ва “яшил ўсиш” кўрсаткичларининг гурухланиш мезонларини тушунтиринг?
5. Жаҳон Банкининг “яшил ўсиш” натижавий наф кўрсаткичлари қайси кўрсаткичларни ўз ичига олади?
6. ИХТТ томонидан “яшил иқтисодиёт”ни тавсифловчи кўрсаткичлар гурухини тавсифлаб беринг?
7. Глобал яшил иқтисодиёт индекси кўрсаткичлари тизими қайси кўрсаткичлардан ташкил топган?

## **Асосий тушунчалар**

**Яшил ўсиш** – ижтимоий ва экологик бойликларни ўзида мужассамлаштирувчи, яратувчи ва барқарорлаштирувчи инклузив иқтисодий ривожланиш.

**Бирлашган миллатлар ташкилоти** (БМТ) – ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган халқаро ташкилот.

**БМТ Атроф-мухит дастури** (United Nations Environment Programme - UNEP) – БМТ тизими доирасида тузилган, халқаро даражада табиатни муҳофаза қилишни мувофиқлаштиришга кўмаклашувчи дастур. Дастур 1972 йил 15 декабря БМТ Бош Ассамблеясининг №2997-сон резолюцияси билан таъсис этилган.

**Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти** (Organisation for Economic Co-operation and Development - OECD) – вакиллик демократияси ва эркин бозор иқтисодиёти тамойилларини тан оладиган ривожланган мамлакатларнинг халқаро иқтисодий ташкилоти.

**Жаҳон Банки** (The World Bank) – ривожланаётган мамлакатларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган халқаро молия ташкилоти.

**Глобал яшил ўсиш институти** (Global Green growth Institute - GGGI) - иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатни ифодаловчи яшил ўсишга кўмаклашишга ихтисослашган халқаро ташкилот.

**Яшил ўсиш индекси** (Green Growth Index - GGI) – “яшил иқтисодиёт”га ўтиш имкониятларини баҳолаш ва барқарор “яшил ўсиш”ни таъминлаш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.

**Дуал ситизен (Dual Citizen) халқаро агентлиги** – миңозларга яшил ўсиш ва барқарор ривожланиш учун зарур маълумотларни таҳлил этиш, стратегик мақсадларга қандай эришиш тўғрисида маслаҳатлар берувчи халқаро агентлик.

**Глобал яшил иқтисодиёт индекси (Global Green Economy Index - GGEI)** – Dual Citizen халқаро агентлиги томонидан қўлланиладиган ва юздан ортиқ мамлакатларда “яшил иқтисодиёт”нинг амал қилиш даражасини ифодалайдиган “яшил иқтисодиёт” кўрсаткичи.

## Тестлар

**1. “Яшил иқтисодий ўсиш” анъанавий иқтисодий ўсишдан қайси жиҳати билан фарқ қиласди?**

иқтисодий ўсиш “яшил инвестициялар” ҳисобига рўй беради  
иқтисодий ўсиш билан биргаликда юз берадиган заарларни (implicit cost) ҳисобга олади

заарлар иқтисодий фойда ҳисобига қопланади  
янги технологиялар ва инновацияларга асосланган бўлади

**2. Жаҳон банки мутахассислари фикрича, барқарор иқтисодий ўсишнинг инқизивлигини таъминловчи йўналиш бу ...**

“анъанавий ўсиш”  
“жигарранг ўсиш”  
“яшил ўсиш”  
“қувиб етадиган ўсиш”

**3. Қайси халқаро ташкилот “яшил иқтисодиёт” ҳолатини баҳолашда қиймат усулидан фойдаланади?**

ИХТТ  
Жаҳон банки  
БМТ Атроф-мухит дастури  
Dual Citizen халқаро агентлиги

**4. Яшил ўсиш индекси (Green Growth Index - GGI) қайси ташкилотга тегишли?**

Dual Citizen халқаро агентлиги  
Жаҳон банки  
Глобал яшил ўсиш институти  
БМТ Атроф-мухит дастури

**5. Глобал яшил иқтисодиёт индекси (Global Green Economy Index - GGEI) қайси ташкилотга тегишли?**

Dual Citizen халқаро агентлиги  
Глобал яшил ўсиш институти  
Жаҳон банки  
БМТ Атроф-мухит дастури

**6. Глобал яшил ўсиш институти қайси шаҳарда жойлашган?**

Сеул

Париж  
Нью-Йорк  
Лондон

**7. Жаҳон банки томонидан “яшил ўсиш”ни баҳолашда кўлланилаётган натижавий самарадорлик кўрсаткичлари қайси соҳаларни қамраб олади?**

маънавий, маданий, ахлоқий  
сиёсий, ҳарбий, халқаро  
биосфера, атмосфера, экология  
атроф-муҳит, иқтисодий, ижтимоий

**8. ИХТТнинг “яшил ўсиш” модели такрор ишлаб чиқариш босқичларига асосланганлиги боис “яшил иқтисодиёт”ни қуидаги уч ўлчамда баҳолаш имконини беради ...**

сиёсат, маданият ва маърифат  
мезо, макро ва микро  
ишлаб чиқариш, тақсимот ва жамғариш  
иқтисодиёт, табиат ва жамият

**9. Қайси жавобда УНЕР томонидан ишлаб чиқилган ва шартли равища уч гуруҳга бўлинган “яшил иқтисодиёт” кўрсаткичлари тўғри келтирилган?**

жорий сиёсат; қадимий маданият ва оммавий маърифат  
атроф-муҳит; амалдаги сиёсат; фаровонлик ва ижтимоий тенглик  
мезо, макро ва микро  
ишлаб чиқариш, тақсимот ва жамғариш

**10. Глобал яшил иқтисодиёт индексини ҳисоблаш учун зарур маълумотларни тўплашда қайси усулдан фойдаланилади?**

оммавий кузатиш  
маҳсус кузатиш  
эксперт сўровномаси  
рейтинг усули

## **IV-БОБ. “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШ ЖАРАЁНИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

### **4.1. “Яшил молиялаштириш” тушунчаси**

Глобал миқёсда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни узоқ муддат ва катта миқдордаги инвестициялар талаб этиши, асосий эътибор тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежайдиган технологияларни ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Халқаро энергетика агентлиги прогнозларига кўра, 2050 йилгача атмосферага чиқариб юбориладиган CO<sub>2</sub> эмиссиясини икки бараварга камайтириш учун “яшил иқтисодиёт”га дунё ялпи ички маҳсулотиининг 1-2,5%и даражасида кўшимча инвестициялар сарфлаш зарур.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишдаги муҳим масалалардан бири ушбу жараённи молиялаштириш ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда “яшил” ёки “экологик” молия атамасининг умумқабул қилинган таърифи мавжуд эмас. Биринчидан “яшил иқтисодиёт”га оид аксарият адабиётларда “яшил молиялаштириш” тушунчасига таъриф берилмаган, иккинчидан, мавжуд кам сонли таърифлар мазмунан бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Умумий тарзда “яшил молия”лар (“green finance”) дейилганда экологик тоза, энергия самарадорлиги юқори ва паст углеродли лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган инвестициялар ва бошқа молиявий дастаклар йиғиндисини тушуниш мумкин. Аксарият ҳолатларда экологик масъулиятли инвестициялаш (“environmentally responsible investment”) ва иқлим ўзгаришлари боғлиқ инвестициялаш (“climate change investment”) каби тушунчалар “яшил молия” тушунчасининг синоними сифатида фойдаланилади.

“Яшил молия”лар атамаси илк бор таникли иқтисодчи олим Ричард Сандор томонидан 1992 йилда Нью-Йоркдаги Колумбия университетида ишлаб чиқилган маҳсус ўкув дастурида кўлланилган<sup>85</sup>. 2002 йилда Стэнфорд университети профессори Глетчен Дэйл томонидан нашр этилган “Янги табиат иқтисодиёт” китобида табиий ресурслар муҳофазасини молиялаштириш масалалари кўриб чиқилган<sup>86</sup>.

Карл Буркарт эса “яшил иқтисодиётни” тармоқ нуқтаи назаридан қараб чиқади ва уни қуйидаги тармоқларга бўлади:<sup>87</sup>

- тикланадиган энергия манбалари (куёш, шамол, биоёқилғи ва х.к.);
- “яшил” бинолар (қурилиш ва архитектурада ресурс ва энергия тежовчи технологияларни қўллаш);

---

<sup>85</sup> Richard L. Sandor. "Good Derivatives: A Story of Financial and Environmental Innovation." John Wiley & Sons. February 2012

<sup>86</sup> Gretchen Daily , Katherine Ellison The New Economy of Nature: The Quest to Make Conservation Profitable. Island Press, 2002

<sup>87</sup> Burkart, K. How do you define the 'green' economy? <http://www.mnn.com/green-tech/research-innovations/blogs/how-do-you-define-the-green-economy>

- экологик тоза транспорт (муқобил ёқилғи турлари, жамоат транспортини ривожлантириш, гибрид/электр автомобиллари ва каршэринг ва карпулинг<sup>88</sup>);

- сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш (сувни тозалаш ва қайта фойдаланиш, сув сарфини камайтириш, ёмғир сувларидан фойдаланиш ва х.к.) хўжалик ва ишлаб чиқариш чиқиндилари утилизацияси (чиқиндиларни қайта ишлаш, утилизация талаб этмайдиган тара ва қадоқлардан фойдаланиш);

- ер ҳолатини яхшилаш (шаҳар худудларида парклар ва кичик ўрмонлар барпо этиш, органик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этишириш, ўрмонлар ва дарахтзорларни тиклаш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш).

Карл Буркарт фикрича, “яшил иқтисодиёт”нинг тегишли тармоғи турли ривожланиш босқичида бўлади ва шунинг учун уларни молиялаштириш усуслари ва манбалари бир-биридан фарқланади.

“Яшил иқтисодиёт” соҳасида турли тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланувчи хусусий компаниялар “яшил молиялаштириш” тушунчасининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилишган. Жумладан, Bloomberg New Energy Finance компанияси мутахассислари “яшил молия”лар “яшил инвестициялар” билан бир қаторда қўлланилади, аммо амалиётда “яшил молиялаштириш” инвестицияларга нисбатан кенгроқ тушунча сифатида ишлатилади, деб ҳисоблашади<sup>89</sup>. Pricewaterhouse Coopers Consultants консалтинг компанияси мутахассислари томонидан берилган таъриф эса “яшил молиялаштириш”ни банк сектори нуқтаи назаридан тавсифлашга асосланади. Уларнинг фикрича, банк соҳаси учун “яшил молиялаштириш” экологик омилларни ҳисобга олувчи молиявий маҳсулот ҳисобланади ва ушбу тамойилга кредит бериш жараёнидан бошлаб то кредит ёпилиш оралиғидаги барча жараёнларда амал қилинади<sup>90</sup>.

Халқаро молия корпорацияси мутахассислари эса “яшил молиялаштириш – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган молиявий кўйилмалар, лойиҳалар ва инвестицияларни ифодаловчи кенг тушунча бўлиб, экологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали барқарор иқтисодий ривожланиш даражасини янада оширишни назарда тутади”, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича “яшил молиялаштириш” атроф-муҳитга саноат чиқиндиларини чиқариш ҳажмини қисқартириш, сув ресурслари ифлосланишининг олдини олиш ва биохилма-хилликни сақлаб қолишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш билан биргаликда иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш жараёнларига сарфланаётган инвестицияларни ўз ичига олади<sup>91</sup>.

<sup>88</sup> Биргаликда автомобилдан фойдаланиш (carsharing, carpooling)

<sup>89</sup> Zadek and Flynn (2013): South-Originating Green Finance: Exploring the Potential, The Geneva International Finance Dialogues, UNEP FI, SDC, and iisd.

<sup>90</sup> Pricewaterhouse Coopers Consultants (PWC) (2013): Exploring Green Finance Incentives in China, PWC.

<sup>91</sup> IFC (2013): Mobilizing Public and Private Funds for Inclusive Green Growth Investment in Developing Countries

- An Expanded Stocktaking Report Prepared for the G20 Development Working Group, IFC Climate Business Department; and Spratt and Griffith-Jones (2013): Mobilising Investment for Inclusive Green Growth in Low-Income Countries, GIZ.

Иқтисодий адабиётдаги таърифларни қуидагича гурухлаш мүмкін: биринчы гурухга хос умумий жиҳат шундаки, атроф-мухитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ технологик жараёнлар, лойиҳалар ва дастурларни молиялаштиришнинг кенг қамровли усуллари “яшил” молия сифатида талқин этилади, иккінчи гурух таърифларда эса “яшил молия” экологик таркибий элементга эга бўлган молиявий маҳсулотлар (дастаклар) ва хизматлар (кредитлар, облигациялар, акциялар ва бошқалар) сифатида тушунтирилади<sup>92</sup>.

Демак, “яшил молиялаштириш” атроф-мухитга таъсир кўрсатувчи барча омилларни ҳисобга олувчи ва экологик барқарорликни таъминлашни назарда тутувчи инвестициялаш ва кредитлашнинг барча шаклларини қамраб олади.

#### **4.2. “Яшил молиялаштириш” тизимининг таркиби ва амал қилиш хусусиятлари**

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, “яшил иқтисодиёт”ни молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари мавжуд. Барча “яшил лойиҳалар” жиддий молиялаштиришни талаб этади. “Яшил лойиҳалар”ни анъанавий усуллар ёрдамида молиялаштиришда риск даражаси юқорилиги сабаб улар инвестиция нуқтаи назаридан жозибадор ҳисобланмайди. Молия, банк ва суғурта инвестициялари “яшил иқтисодиёт”га сарфланётган хусусий инвестицияларнинг муҳим йўналишига айланмоқда. Микромолиялаштириш эса қишлоқ хўжалиги даражасида муҳим ўрин эгаллаши мүмкін. У паст даромадли ахолига ўз маблағларини ресурслар ва энергияни тежашга жорий қилиш ҳамда ушбу фаолиятнинг риск даражасини пасайтириш имконини беради.



##### **4.2.1-расм. “Яшил молиялаштириш” тизимидағи ўзаро боғлиқлик<sup>93</sup>**

<sup>92</sup> Low Carbon Green Growth Roadmap for Asia and the Pacific <http://www.unescap.org/resources/low-carbon-green-growth-roadmap-asia-and-pacific>.

<sup>93</sup> Jin Noh Hee, Financial Strategy to Accelerate Innovation for Green Growth (2010).

“Яшил молиялаштириш” иқтисодий ўсиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва молия институтларини ўзаро боғловчи элемент сифатида “яшил қтисодиёт” концепциясининг марказида туради. Бу борада “яшил молиялаштириш” “яшил иқтисодиёт”га ўтиш имконини берувчи реал молиявий дастакдир (4.2.1-расм).

“Яшил молиялаштириш” манбаларини қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- давлат бюджети маблағлари;
- халқаро молия ташкилотлари маблағлари;
- хусусий сектор маблағлари (ички ва ташқи).

Молиянинг турли йўналишлари “яшил молиялаштириш” таркибига киради ва уларни қўйидаги йирик уч гурухга бирлаштириш мумкин:

**Инфратузилмани яхшилашга қаратилган молиялаштириш.** “Яшил лойиҳалар” учун ажратилган давлат инвестицияларининг аксарият қисми инфратузилма ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ. Инфратузилма лойиҳаларининг аксарият қисми энергия тежаш ва тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Хусусан, жаҳонда 2018 йилда энергия тежаш ва тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 55%га ортди<sup>94</sup>.

**Тармоқлар ва корхоналарга молиявий кўмак бериш.** Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда “яшил” ёндашувга эга бўлган айrim корхона ва тармоқлар анъанавий технологияга эга бўлган рақиблари олдида рақобатбардош бўлиши учун давлат кўмаги лозим бўлади. Ушбу мақсадда ҳукумат “яшил инвестициялар” билан шугулланувчи корхоналар ёки инвесторларга солик имтиёзлари ва маъмурий преференциялар кўринишида билвосита молиявий кўмак бериши мумкин.

**Молия бозорларини ривожлантириш.** Молия бозорлари “яшил молиялаштириш”нинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Кўпчилик институционал инвесторлар ўз инвестицион декларациясида сармоялашда ижтимоий масъуллик ва атроф-муҳит муҳофазаси тамойилларига асосланишини кўрсатиб ўтишган. Инвесторлар мақсадида ушбу тамойилнинг мавжудлиги амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳанинг ҳукумат олдидаги жозибадорлигини оширади. Чунки экология ва атроф-муҳит муаммоларига масъулиятли ёндашувни назарда тутувчи лойиҳаларда ижрочиларнинг аторф-муҳит борасидаги мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлади.

“Яшил молиялаштириш” билан боғлиқ юқори рисклар, етарли даражада даромадлиликка эга бўлмаслик хусусий инвесторларнинг экологик лойиҳаларга инвестиция сарфлашларига тўсқинлик қилиши мумкин. Улар таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- улгеродлар нархининг шаклланиши – “яшил инвестициялар” миқдорини ҳисоблашда харажатлар қийматини аниқ ҳисоблаш зарур;
- ёқилғи қазиб чиқариш учун ажратилаётган субсидияларнинг мавжудлиги;

<sup>94</sup> World Energy Investment 2019 <https://www.iea.org/wei2019>

- “яшил лойиҳалар”ни амалга оширишда бирламчи харажатларнинг юқорилиги ва “яшил инвестициялар”ни қоплаш муддатининг узоқлиги;
- технологик рискларнинг мавжудлиги;
- трнзакцион харажатларнинг юқорилиги;
- соф энергия манбаларининг амалдаги энергия тизимига интеграциялашуви билан боғлиқ харажатларнинг юқорилиги;
- ахборотларнинг етишмаслиги ва бошқа рисклар.

Шунинг учун давлат бу йўналишда хусусий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратиши лозим. Давлат томонидан “яшил иқтисодиёт”ни кўллаб-куватлашга хизмат қилувчи сиёсий, молиявий ва солик дастакларини кўллаш самарали ҳисобланади.

#### **4.3. “Яшил лойиҳалар”ни инвестициялаш йўналишлари ва дастаклари**

UNEP 2030 йилга қадар барқарор ривожланишга ўтишнинг қўйидаги варианtlарини таклиф этади:

1. Business as usual (одатдаги бизнес) варианти. Ушбу вариант жорий экологик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг барча тармоқларида бизнес, инфратузилмани янгилаш, ходимлар малакасини оширишга инвестициялар сарфлашни назарда тутади.

2. “2 С” варианти. Ушбу вариант “Business as usual” моделини барқарор ривожланишнинг экологик мақсадларига эришишга ҳаракат қилиш ва ўртача ҳарорат даражасини саноат инқилобигача бўлган даврдаги ўртача ҳарорат даражасигача пасайтиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни реажалаштиради.

3. Incremental investment (кўшимча инвестициялар) варианти. Ушбу вариантда Business as usual моделини барқарор ривожланишнинг экологик мақсадларига эришиш жараёнида “2 С” моделига айлантириш кўзда тутилган.

Business as usual энг кўп харажат талаб этадиган вариант ҳисобланади. Унга мувофиқ 2010-2030 йилларда инвестицияларга бўлган эҳтиёжнинг катта қисми иқтисодиётнинг транспорт ва транспорт инфратузилмаси (36,7 трлн. долл. ёки 32%), сув тармоғи (26,4 трлн долл. ёки 23%), саноат сектори (18,9 трлн долл. ёки 17%) ҳиссасига тўғри келиши лозим. Ушбу тармоқлар энергия ва ресурс сифимкорлиги юқори тармоқлар ҳисобланганлиги боис атроф-муҳит муҳофазаси учун катта ҳажмдаги инвестициялар талаб этилади.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш “яшил лойиҳалар”га ҳаётийлик цикли давомида қўшимча инвестициялар жалб этишини талаб этади. Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари “яшил лойиҳалар”ни давлат томонидан молиялаштириш амалётидан соҳага хусусий инвесторларни фаол жалб этиш амалиётига ўтишга ҳаракат қилишмоқда.

“Яшил лойиҳалар” барқарор ривожланиш мақсадларига мос равишда қўйидаги йўналишлар ва объектлар бўйича гурухларга ажратилади (4.3.1-жадвал).

#### 4.3.1-жадвал.

#### “Яшил лойиҳалар”ни инвестициялаш йўналишлари<sup>95</sup>

Инвестициялаш соҳаси	Инвестициялаш обьектлари	Инвестициялаш мақсади
Ядро энергияси	Электрэнергия ва иситиш	Паст углеродли, энергия самарадорлиги юқори энергия манбаларидан фойдаланиш
Гидроэнергетика		
Шамол энергияси		
Геотермал энергия		
Биоэнергетика		
Атмосфера	Ақлли фильтрлар	Атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдори ва хавфини камайтириш
	Паст углеродли обьектлар	
Сув ресурслари	Ақлли тозалаш иншоотлари	Сувга чиқарилаётган чиқиндилар миқдори ва хавфини камайтириш
	Чиқиндиларни биокимёвий усуллар билан йўқотиш	
Иссиқхона самараси	Ишлаб чиқаришнинг паст углеродли усуллари	Иссиқхона газлари миқдорини камайтириш
	Тозалаш иншоотлари	
	Озон қатлами кенгайишининг олдини олиш	
Электрэнергия истеъмоли	Тежамкор энергия ресурслари	Энергия истеъмоли миқдорини камайтириш
Сув истеъмоли	Сув ресурсларини тежаб истеъмол қилувчи обьектлар	Сув истеъмоли миқдорини камайтириш
Куруқлик обьектларидан фойдаланиш	Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш	Ер, ўрмон ва тоф ресурслари истеъмолини қисқартириш
	Ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш	
	Тоф-кон фаолиятининг салбий оқибатларини камайтириш	
Транспорт ва ташиб	Транспорт учун паст углеродли хомашё ишлаб чиқариш	Логистикадан фойдаланиш коэффициентини ошириш ва атмосферага чиқиндилар чиқаришни камайтириш
	Экологик оптимал логистика занжири	
	Ёқилғи ресурсларидан оқилона фойдаланиш	
IT ва телекоммуникация	Совутиш тизимини такомиллаштири	Ахборот хизматлари ва ускуналарининг атроф-мухитга таъсирини камайтириш
	Энергия истеъмолини қисқартириш	
Саноат инфратузилмаси	Инфратузилма обьектларини замонавий экологик талабларга мослаштириш	Инфратузилма обьектларининг экологик самарадорлигини ошириш
	Инфратузилма обьектларида ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш	

Мутахассислар фикрича, “яшил лойиҳалар”га жалб этилаётган давлат ва хусусий инвестициялар нисбати 1:5 нисбатда бўлиши зарур. Хитойда эса ички “яшил лойиҳалар”ни молиялаштиришда 10-15% давлат бюджети маблағлари

<sup>95</sup> Седаш Т.Н., Тютюкина Е.Б., Лобанов И.Н. Направления и инструменты финансирования «зеленых» проектов в концепции устойчивого развития экономики. //Экономика. Налоги. Право, №5, 2019. С. 55.

ва 85-90% хусусий маблағлардан фойдаланиш қоидасига амал қилинади<sup>96</sup>. Шунинг учун хусусий инвестицияларни “яшил лойиҳалар”га жалб этишдаги рискларни анъанавий лойиҳаларни молиялаштиришда дуч келинадиган рисклар даражасига қадар минималлаштириш мақсадга мувофиқ. Дунё амалиётидаги хусусий инвестицияларни “яшил лойиҳалар”га жалб этишни рафбатлантиришнинг турли усуллари ва дастакларидан кенг фойдаланилади (4.3.2-жадвал).

#### 4.3.2-жадвал

#### “Яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш мақсадида хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш дастаклари ва усуллари<sup>97</sup>

Кўллаб-қувватлаш чоралари	“Яшил” лойиҳаларни молиялаштириш дастаклари ва усуллари	
Давлат томонидан тартибга солиш	Дастаклари	Солик имтиёзлари
		Стандартларни жорий этиш
	Усуллари	Атроф-муҳитга зарар келтирувчи компанияларни қўллаб-қувватлашдан воз kechiш
		Имтиёзли тарифлар
Давлат томонидан молиялаштириш	Дастаклари	Тикланадиган энергия учун квоталар
		Грантлар
		Субсидиялар
Кредитлаш	Дастаклари	Экологик дастурлар
		Лойиҳавий молиялаштириш
	Усуллари	Қарз фондлари
		“Яшил” облигациялар
Рискларни пасайтириш	Дастаклари	Имтиёзли кредит ставкалари
		Кредит кафиллиги ва кафолатлар
		Суғурталаш
		Айирбошлиш курси ва фоиз ставкасининг волатиллигидан ҳимоялаш

“Яшил лойиҳалар”ни инвестициялашда солик имтиёзларини жорий этиш эмитентлар ва инвесторлар учун иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан жозибадор ҳисобланади. Амалиётда эмитентлар ва инвесторлар учун қўлланиладиган солик имтиёзларининг қўйидаги турлари мавжуд:

- соликқа тортиладиган кредитли облигациялар. Облигацияларнинг ушбу тури инвесторлар фоиз тўловлари ўрнига соликқа тортиладиган кредит олишларини, шу сабабдан эмитентлар облигациялар бўйича фоиз тўламасликларини билдиради.

- бевосита субсидияланадиган облигациялар. Эмитентлар ўз соф фоиз тўловларини субсидиялаш учун ҳукуматдан пулли чегирмалар олишади.

<sup>96</sup> Establishing China’s Green Financial System: Report of The Green Finance Task Force. People’s Bank of China (PBC). United Nations Environment Programme (UNEP). 2015. URL: <https://www.unepfi.org/news/establishing-chinas-greenfinancial-system-report-of-the-green-finance-task-force>

<sup>97</sup> Седаш Т.Н., Тютюкина Е.Б., Лобанов И.Н. Направления и инструменты финансирования «зеленых» проектов в концепции устойчивого развития экономики. //Экономика. Налоги. Право, №5, 2019. С. 56.

- солиқса тортилмайдын облигациялар. Инвесторлар “яшил облигациялар”дан олинадын фоизлардан даромад солиғи тұлашмайды. Мисол учун, Бразилияда шамол энергияси бүйича лойиҳаларни молиялаштириш солиқлардан озод қилинганды.

- давлат томонидан талабни рағбатлантириш орқали “яшил облигациялар” бозорини ривожлантириш;

- давлат ижтимоий жамғармаларида “яшил лойиҳалар”га инвестиция сарфлашга квота ажратиши. Давлат пенсия ва ижтимоий таъминот жамғармалари маблағларининг муайян қисмини қайд этиб қўйилган даромадга эга “яшил облигациялар”га йўналтиришга руҳсат беради.

- банклар томонидан “яшил лойиҳалар”ни инвестициялашга маблағлар ажратишини квоталаш.

Суверен жамғармалар<sup>98</sup> “яшил лойиҳалар”ни инвестициялашни молиялаштиришнинг истиқболли манбаларидан бирига айланиши мумкин. UNEP мутахассислари фикрича, “яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш ва инвестициялашни рағбатлантириш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда суверен жамғармаларнинг потенциал имкониятлари юқори бўлсада, улар ҳали кам ўрганилган<sup>99</sup>. Жумладан, 2015-2017 йилларда суверен жамғармалар томонидан амалга оширилган “яшил молиялаштириш” миқдори 11 млрд. долларни ташкил этган. Ушу “яшил инвестициялар”га йўналтирилган маблағлар жаҳон эҳтиёжига нисбатан жуда кам бўлиб, суверен жамғармалар жами активларининг бор-йўғи 0,2 фоизини ташкил этади (4.3.1-расм).



#### **4.3.1-расм. 2015-2017 йилларда суверен жамғармалар томонидан амалга оширилган “яшил инвестициялар” миқдори, млрд. долл.<sup>100</sup>.**

<sup>98</sup> Суверен жамғарма, миллий фаровонык жамғармаси (инг. Sovereign wealth fund) — молиявий активлари акциялар, облигациялар, мол-мулк, қимматбаҳо металлар ва бошқа молиявий дастаклардан иборат давлат инвестиция жамғармаси.

<sup>99</sup> Financing Sustainable Development: The Role of Sovereign Wealth Funds for Green Investment. Geneva, UNEP, 2017. p. 4.

<sup>100</sup> Ўша манба. р. 48.

Норвегия, Янги Зеландия, Ирландия, Австралия, Франция каби мамлакатларда табиатни муҳофаза қилишни ҳисобга олувчи миллий инвестиция стратегиялари ишлаб чиқилган. Аммо суверен жамғармалар стратегиясида асосий эътибор “яшил лойиҳалар”ни бевосита молиялаштиришга эмас, балки иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартмаётган лойиҳалардан чиқиб кетиш шаклида амалга оширилмоқда. UNEP тадқиқотлари кўрсатишича, суверен жамғармаларнинг “яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш жараёнида фаол иштирок этмаётганликларининг қатор сабаблари мажуд:

- суверен инвестиция жамғармалари уставида кўрсатилган вазифалар – миллий бойликни сақлаш ва қўпайтириш. Капитал қўйилмаларнинг миқдори ва сарфлаш йўналишлари тўғрисида қарорлар қабул қилишда атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари номолиявий, яъни иккинчи даражали омиллар сифатида қаралади;
- “яшил лойиҳалар”нинг самарадорлиги борасидаги шубҳалар. Айрим “яшил” кўрсаткичлар динамикасининг бекарорлиги ва нефть-газ активларидан чиқиб кетиш ҳолатида жорий даромадларни йўқотиб қўйиш мумкинлиги;
- барқарор ривожланиш лойиҳаларининг давлат томонидан етарли даражада қўллаб-қувватланмаётганлиги ва миллий иқтисодиётда “яшил лойиҳалар”га талабнинг юқори эмаслиги;
- мавжуд активлар портфелида “углерод компоненти”нинг миқдорини аниқлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар.

Иқтисодий адабиётда айрим тадқиқотчилар “яшил лойиҳалар”ни молиялаштиришда суверен жамғармаларнинг хусусий инвесторларга нисбатан капитал базасининг жуда катталиги, узоқ муддатли режалаштириш имкониятлари, кредитлардан фойдаланиш эҳтиёжининг йўқлиги каби рақобат афзалликлари мавжуд, деб ҳисоблашади<sup>101</sup>.

#### **4.4. Жаҳон молия бозорида “яшил облигациялар”нинг ўрни**

“Яшил иқтисодиёт”ни молиялаштириш дастакларининг кенг тарқалган турларидан бири “яшил облигациялар” ҳисобланади. “Яшил облигациялар” илк марта Ервопа инвестиция банки томонидан эмиссия қилинган бўлиб, улар бу вақтда “иклимини муҳофаза қилиш облигациялари”, кейинчалик “иклим облигациялари” ва ҳозирги вақтда эса умумлаштирувчи ном билан “яшил облигациялар” деб, атала бошланди. Қарз олувчи облигацияни муддати давомида фоизлари билан сўндиради. “Яшил облигациялар”нинг бошқа облигациялардан фарқли жиҳати шундаки, жалб этилган маблағлар тикланадиган энергия, энергия самарадорлигини ошириш, экологик тоза транспорт ёки иссиқхона газларини чиқариш ҳажмини қисқартириш билан боғлиқ лойиҳаларга сарфланади. Дастлаб турли мамлакатларда экологик лойиҳалар учун маблағлар жалб этиш учун қимматбаҳо қоғозлар эмиссия

<sup>101</sup> Чебанов С. “Зеленая” экономика: роль суверенных фондов. // Мировая экономика и международные отношения, № 3, 2019. С. 11.

қилинган бўлса-да, молиявий ресурсларни харажат қилиш йўналишлари муайян турдаги облигациялар чиқариш билан боғланмаган. 2008 йилда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки шу турдаги қимматбаҳо қофозларни “яшил облигациялар” номи билан чиқарди. Банк мутахассислари чиқарилган қимматбаҳо қофозларни жойлаштиришдан тушган маблағларни йўналтириш лозим бўлган лойиҳаларни экологик мезонларга қанчалик жавоб беришини аниқлаш мақсадида норвегиялик эколог мутахассисларни таклиф этишди.

Халқаро молия институти одатдагидек, ўз портфели ва инвестиция стратегиясида “яшил облигациялар”дан фаол фойдаланаётган хусусий инвесторлар ва эмитентлар учун катализатор вазифасини ўтади.

Қимматбаҳо қофозни эмиссия қилишдан олинган молиявий ресурслардан фойдаланиш йўналиши уларни “яшил облигациялар” сирасига киритишдаги асосий мезон ҳисобланади. Ушбу маблағлардан фойдаланиш йўналишларини қуидагича гурухлаш мумкин:

- энергетика ресурслари (энергия самарадорлиги, энергия тежамкорлиги, муқобил энергия манбалари);
- атроф-муҳит тозалигини сақлаш (саноат ва майший чиқиндиларни йўқ қилиш самарадорлигини ошириш);
- био хилма-хилликни ошириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги самарадорлигини ошириш);
- экологик соф транспорт;
- сув ресурслари.

Жаҳон молия бозорида “яшил облигациялар”нинг асосий инвесторлари сифатида институционал инвесторлар, жумладан, хусусий пенсия ва сугурта жамғармалари, “узун пуллар”<sup>102</sup> ва риски паст молиявий дастакларга қизиқувчи инвестиция компаниялари майдонга чиқишиади. Жаҳон амалиётида “яшил облигациялар”нинг стандарт, лойиҳавий, секьюритизациялашган<sup>103</sup> ва даромад билан таъминланган турлари кенг тарқалган (4.4.1-жадвал).

“Яшил облигациялар” шаклланиш механизми бўйича бир-биридан фарқ қиласди. “Яшил облигациялар” турининг хилма-хиллиги эса инвесторларга ўз “яшил” лойиҳалари билан бир қаторда лойиҳалар “pool”<sup>104</sup> ини молиялаштириш учун йўналтириладиган облигацияларни ҳам чиқаришлари мумкин. Эмитентлар учун “яшил облигациялар” экологик самарали лойиҳаларга қўшимча молиявий маблағларни жалб этиш имконини беради. “Яшил облигациялар” инвесторларга узоқ муддатли даврда миқдори белгилаб қўйилган даромад олиш, “яшил лойиҳалар”да қатнашаётгани учун ўз обрўсини ошириш имкониятини яратади.

<sup>102</sup> “узун пуллар” – иқтисодиёт ва молия соҳасида узоқ муддатга бериладиган қарзлар, инвестициялар ёки кредитлар.

<sup>103</sup> Секьюритизация (инг. securities – “қимматбаҳо қофозлар”) – мунтазам пулли даромад келтирувчи, активлар билан таъминланган қимматбаҳо қофозларни эмиссия қилиш йўли билан молиявий маблағларни жалб этиш.

<sup>104</sup> pool – инглизчадан таржима қилинганда “ховуз”, “қозон” маъноларини беради. Кўпинча “pool” фойда олиш мақсадида бир нечта одам, компания, фирма ёки объектларнинг ихтиёрий бирлашишиши маъносида ишлатилади. Бизнинг матнда эса ўз маблағларини маълум бир лойиҳага сарфлайдиган инвесторлар иттифоқи маъносида келаётир.


#### 4.4.1-жадвал

### Жаҳон амалиётида қўлланилаётган “яшил облигациялар”нинг турлари<sup>105</sup>

Тури	Тавсифи	Ижобий жиҳатлари	Салбий жиҳатлари	Мисол
Стандарт “яшил облигация”	Ўз “яшил лойиҳалари”ни молиялаштириш учун чиқарилади Эмитентга кредит рейтинги берилади	Стандарт (тўлик) регресс хуқуқининг эмитентга тегишлилиги	Тўловларни компания активлари орқали тўлаш кафолати. Эмитент активларини рискка қўяди. Инвесторнинг асосий риски – эмитентнинг дефолт бўлиши	“Climate Awareness Bond” Европа инвестиция банки
Даромад билан таъминланган “яшил облигация”	Мақсадли ёки қайта молиялаштириладиган “яшил” лойиҳалар Кредит рейтинги бошқа турдаги облигациялар эмитентидан фарқ қилиши мумкин	Регресс хуқуки фақат “яшил” активларга тегишли	Тўловларни лойиҳани бажариш натижасида олинган даромадлар хисобидан амалга ошириш. Инвесторнинг асосий риски – эмитентнинг дефолт бўлиши	Гавайи штати (шаҳар электр таъминотини қўллаб-куватлаш)
“Яшил” лойиҳавий облигация	Облигация бир ёки бир нечта “яшил” лойиҳага боғланган бўлади	Пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш	Инвестор бевосита “яшил” лойиҳа рискига дуч келади	Invenergy Campo Palomas (шамол фермасини қўллаб-куватлаш)
Секрьютизац иялашган “яшил облигация”	“Яшил лойиҳалар” портфелини қайта молиялаштириш Активлардан келадиган тушумлар ушбу турдаги облигацияларни сўндиришнинг асосий манбай хисобланади Кредит рейтинги таъминотга боғлиқ ҳолда белгиланади	Лойиҳаларни гурухлаш, кичик лойиҳаларга йирик инвесторларни жалб этиш, кичик лойиҳалар билан боғлиқ рискларни камайтириш имконияти	Регресс хуқуки кафолатланган	Tesla Energy (яшашибинолари ижарасини қўллаб-куватлаш)
Бошқа қарз дастаклари	“Яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш учун йўналтирилган облигацияларга ўхшаш бошқа дастаклар	Лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш имконияти	Молиявий дастак турига боғлиқ рискларнинг мавжудлиги	Green Sukuk

<sup>105</sup> Селивёрстова М.А. Развитие инструментов «зеленого» финансирования в условиях формирования устойчивой энергетической системы. //Вестник ВГУ, №4, 2018. С.244.

Climate Bond Initiative маълумотларига кўра “Яшил облигациялар”нинг йиллик эмиссияси 2007-2019 йилларда 0,8 млрд. доллардан 257,7 млрд. долларгача, яъни 300 баравардан кўпроқقا ошган. 2019 йилда жами “яшил облигациялар”нинг 26,3%и янги эмитентлар томонидан чиқарилган (4.4.1-расм).




**4.4.1-расм. Жаҳонда “яшил облигациялар” эмиссиясининг ўзгариши, млрд. долл<sup>106</sup>.**

“Яшил облигациялар” бошқа молиявий дастакларга нисбатан қатор афзалликларга эга:

- инвестицион рейтингининг юқорилиги (А ва ундан юқори);
  - эмитентларнинг юқори мақомга эгалиги (эмитентлар таркибида халқаро молиявий институтларнинг кўплиги);
  - давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланиши.
- Халқаро “яшил облигациялар” бозорига хос хусусиятлар:
- инвесторлар талабининг юқорилиги - “яшил облигациялар”га халқаро молия бозорининг янги дастаги сифатидаги қизиқиш ортиб бормоқда;
  - жойлаштириш тезлигининг юқорилиги - талаб юқорилиги туфайли “яшил облигациялар” бирламчи бозорга жойлаштирилгандан кейин 1 соат ичида сотилиб кетади;
  - истиқболли келажак – етакчи институционал инвесторлар “яшил облигациялар”га бўлган талабнинг ортиб бораётганлигини намойиш қилишмоқда;
  - ихтисослашув - “яшил облигациялар” билан ихтисослашган, “Яшил фонdlар”, деб аталувчи инвестиция компаниялари шугуллана бошлашди.

<sup>106</sup> Climate Bond Initiative маълумотлари асосида тузилган.




Халқаро яшил молиялаштириш бозорининг етакчи сегментлари сифатида банкларнинг яшил кредитлари, “иқлим” ва “яшил облигациялар”ини келтириш мумкин (4.4.2-расм). “Яшил облигациялар” эмиссиясининг географик таркибида етакчилик АҚШ, Хитой ва Францияга тегишли бўлиб, улар ҳиссасига жами эмиссиянинг 44,0% тўғри келди. Жумладан, 2019 йилда АҚШда 51,3 млрд. долл., Хитойда 31,3 млрд. долл. ва Францияда 30,1 млрд. доллар миқдорида “яшил облигациялар” бозорга чиқарилган. Европа Иттифоқи, АҚШ ва Хитой ҳиссасига глобал яшил облигациялар чиқариш ҳажмининг 73,5%и тўғри келган (4.4.3-расм). Германия иқтисодиёти ҳажми жиҳатдан Европадаги энг йирик иқтисодиёт ҳисобланишига қарамасдан “яшил облигациялар” бозорида тўртинчи ўринни эгаллайди. Германияда чиқарилган жами “яшил облигациялар” қиймати 33,6 млрд. долларга teng ва 2018 йилда қиймати 7,7 млрд. долларлик облигациялар муомалага чиқарилган. “Яшил облигациялар” савдосидан тушган тушумларнинг 70%и энергетика соҳасига йўналтирилган<sup>109</sup>.

“Яшил облигациялар”ни эмитентлар бўйича таҳлил этадиган бўлсак, 2019 йилда муамолага чиқарилган жами облигацияларнинг 23,0%и (59,3 млрд долл., 2018 йилда 29,5 млрд долл. ёки 23%) номолиявий корпорациялар, 21,3%и (55 млрд. долл., 2018 йилда 49,7 млрд. долл.) молиявий корпорациялар, 15,0%и давлат ташкилотлари, 12,3%и эса таъминланган облигациялар ҳиссасига тўғри келди (4.4.4-расм). “Яшил облигациялар”дан тушган маблағларнинг аксарият қисми энергетика (31,5%), қурилиш (29,3%), транспорт (20,2%) тармоқларида “яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш учун йўналтирилган (4.4.5-расм).

<sup>107</sup> Хмыз О.В. Международный опыт выпуска «зеленых» облигаций //Экономика. Налоги. Право, №5, 2019. С. 139.

<sup>108</sup> [https://www.climatebonds.net/files/reports/2019\\_annual\\_highlights-final.pdf](https://www.climatebonds.net/files/reports/2019_annual_highlights-final.pdf)

<sup>109</sup> <https://www.cleanenergywire.org/factsheets/green-and-sustainable-finance-germany>



**4.4.4-расм. “Яшил облигациялар”нинг эмитентлари бўйича таркиби, 2019 й. (%)<sup>110</sup>**

**4.4.5-расм. “Яшил облигациялар”нинг тармоқ таркиби, 2019 й. (%)<sup>111</sup>**

Climate Bond Initiative хисоботига кўра 2019 йилда “яшил облигациялар” бозорида АҚШнинг йирик ипотека агентлиги Fannie Mae (22,9 млрд. долл.), Германия давлат банки – (Kreditanstalt für Wiederaufbau - KFW) (9,0 млрд. долл.), Нидерландия давлат ғазначилик агентлиги (6,7 млрд. долл.), Франция Республикаси ҳукумати (6,6 млрд. долл.), Хитой саноат-тижорат банки (5,9 млрд. долл.) энг йирик эмитентлар сифатида фаолият олиб боришиди<sup>112</sup>.

“Яшил облигациялар” бозорида халқаро молия институтлари фаол иштирок этишади. Жумладан, 2010 йилда Халқаро молия корпорацияси томонидан “IFC Green Bond” дастури ишга туширилган бўлиб, 2010-2019 молия йилларида жами қиймати 9,2 млрд. долларга тенг “яшил облигациялар” эмиссия қилинган. Мазкур корпорация маълумотларига кўра, “яшил облигациялар” эмиссияси натижасида атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газларини 18,4 млн. тоннага қисқартириш, 721,223 МВт/соат энергияни тежаш (бир йилда 89 мингта уйга етадиган), йилига 20 468 892 МВт/соат (Ирландия худудига тенг мамлакат фойдаланадиган) миқдорида тикланадиган энергия ишлаб чиқариш, 7558 МВт қувватга эга тикланадиган энергия қувватларини ишга тушириш мумкин<sup>113</sup>.

<sup>110</sup> [https://www.climatebonds.net/files/reports/2019\\_annual\\_highlights-final.pdf](https://www.climatebonds.net/files/reports/2019_annual_highlights-final.pdf)

<sup>111</sup> Хмыз О.В. Международный опыт выпуска «зеленых» облигаций //Экономика. Налоги. Право, №5, 2019. С. 139.

<sup>112</sup> [https://www.climatebonds.net/files/reports/2019\\_annual\\_highlights-final.pdf](https://www.climatebonds.net/files/reports/2019_annual_highlights-final.pdf)

<sup>113</sup> <https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/90e2d0c8-8290-46a9-9e89-85335051c12a/Final+FY19+GBIR+-+6+Sep+2019.pdf?MOD=AJPERES&CVID=mQ7oWOr>

## **4.5. Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришни инвестициялаш хусусиятлари**

Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга инвестиция сарфлаш сармоядорлар учун даромадлилик даражасини ошириш ва лойихаларнинг риск даражасини пасайтиришга хизмат қилиши лозим. Ҳозирда тикланадиган энергия манбаларига сарфланаётган инвестицияларни молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилмоқда:

- корхона ва корпорацияларнинг соф фойдаси;
- корхона ва корпорацияларнинг ички резервлари;
- кредит-банк тизими муассасалари томонидан жамғарилган маблағлар; қимматбаҳо қофозлар эмиссияси;
- турли даражадаги бюджет маблағлари.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, анъанавий молиялаштириш турларидан ташқари “яшил облигациялар”, PPA (Power purchase agreement – энергия хариди келишуви), коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар, турли хил жамғармалар ва институционал инвесторларнинг маблағлари ҳам “яшил инвестициялар” манбай сифатида хизмат қилмоқда.

Тикланадиган энергия манбаларига инвестиция сарфлашнинг PPA манбаси “яшил энергия”ни йирик корхоналар томонидан аввалдан харид қилишларини назарда тутади. Экологик жиҳатдан тоза электрэнергияни сотиб олишни ҳоҳлаган компаниялар олдида турли танлов йўллари мавжуд. Жумладан, ўз бинолари томларига қўёш панелларини ўрнатишлари ёки тикланадиган энергия манбаларига сертификатларни сотиб олишлари мумкин. Бироқ бу турдаги инветицион лойихаларга фақатгина Google, Microsoft ва Amazon каби ахборот технологиялари соҳасидаги йирик корпорацияларгина қизиқиши билдирилмоқда. Bloomberg тадқиқотларига кўра, 2020 йилнинг 1 чорагида Европада қирғоқ бўйларига ўрнатилган генераторлардан олинадиган шамол энергиясининг энг паст PPA нархи Швецияда 1 МВт·с/30,5 евро, қўёш энергияси энг арzon нархи эса Испанияда қайд этилган бўлиб, 1 МВт·с/30,5 еврони ташкил этди<sup>114</sup>.

Яшил иқтисодиётнинг энергия соҳасига сарфланаётган инвестициялар манбаларининг яна бири коммунал хизматлари кўрсатувчи компаниялар ҳисобланади. Ҳозирда коммунал хизматлар кўрсатувчи аксарият йирик компаниялар анъанавий энергия манбалари билан бир қаторда тикланадиган энергия манбаларидан ҳам фаол фойдаланишмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда 2019 йилда тикланадиган энергия манбаларини<sup>115</sup> ўзлаштиришнинг янги қувватларини ишга тушириш учун сарфланган инвестициялар миқдори 282,2 млрд. долларни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 1%га ўсгани ҳолда 2017 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 10%га пасайган. Шунга қарамасдан 2019 йилда ишга туширилган

<sup>114</sup> <https://about.bnef.com/blog/sweden-spain-the-cheapest-european-markets-for-wind-and-solar-corporate-ppas-bnef-survey-finds/>

<sup>115</sup> Қуввати 50 МВт дан юкори бўлган гидро лойихалар билан биргаликда.

янги қувватлар 184 ГВт ни ташкил этди ва 2018 йилга нисбатан 20 ГВт га ўсди. Бу ҳолатни шамол ва қуёш энергетикасининг самардорлигини бошқа энергия манбалариға нисбатан юқорилиги ҳамда эксплуатация харажатларининг арzonлиги билан изоҳлаш мумкин. Жаҳонда қуёш энергиясига инвестициялаш улушининг юқори бўлишига қарамасдан ривожланган мамлакатларда “яшил инвестиция”лар кўпроқ шамол энергиясига, ривожланаётган мамлакатларда эса қуёш энергиясиға (Хитойдан ташқари) йўналтирилган. Мазкур ҳолатни ушбу мамлакатларнинг географик ва иқлимий шароитлари билан боғлик омиллар орқали тавсифлаш мумкин.

Таҳлиллар, 2005-2019 йилларда янги қувватларни ишга туширишга сарфланаётган инвестициялар таркибида ривожланган мамлакатлар улуси 71,7%дан 46,1%га қадар қисқариб, ривожланаётган мамлакатлар улуси эса 28,3%дан 53,9%га қадар ортганлигини кўrsатмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар улушининг ярмидан ортиғи Хитой ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатда 2019 йилда муқобил энергия ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш учун сарфланган инвестициялар миқдори 83,4 млрд. долларни ташкил этди (4.5.1-расм).




**4.5.1-расм. Жаҳонда тикланадиган энергия қувватларини ишга тушириш учун сарфланган инвестициялар миқдорининг ўзгариши, млрд. долл<sup>116</sup>.**

2010-2019 йилларда тикланадиган энергия қувватларини ишга тушириш учун сарфланган инвестицияларнинг жамғарилган миқдори 2,7 трлн. долларга тенглашди. Ушбу инвестициялар таркибида қуёш (1,4 трлн. долл) ва шамол (1,1 трн. долл.) энергиясини ўзлаштириш қувватлари етакчи мавқега эга. Жумладан, 2019 йилда шамол энергиясини ўзлаштириш учун 138,2 млрд. долл. (2018 йилга нисбатан 6,0%га ошган), қуёш энергиясини ўзлаштириш учун эса 131,1 млрд. долл. (2018 йилга нисбатан -3,0%га қисқарган) сарфланган (4.4.2 а-расм). Хитой жамғарилган инвестициялар миқдори бўйича

<sup>116</sup> Global Trends in Renewable Energy Investment 2020, Frankfurt School-UNEP Centre/BNEF. 2020 маълумотлари асосида тузилган.

етакчилик қилмоқда ва унинг ҳиссасига жами инвестицияларнинг 30%и тўғри келади (4.4.2 б-расм).



а) соҳалар бўйича

б) етакчи 10 та мамлакат

**4.5.2-расм. 2010-2019 йилларда тикланадиган энергия қувватларини ишга тушириш учун сарфланган жами инвестициялар миқдори, млрд. доллар<sup>117</sup>.**


Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш аҳоли бандлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. UNEP маълумотларига кўра, ушбу соҳада бандлик даражаси 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 5%га ортиб, бевосита ва билвосита яратилган ишчи ўринлари сони 11,0 миллиондан ошиб кетди. Қуёш ва шамол энергиясини ишлаб чиқариш соҳасида яратилган ишчи ўринларининг улуши жами яратилган иш ўринлари таркибида 51%ни ташкил этди (4.5.4-расм).

Муқобил энергия ишлаб чиқариш соҳаси айрим мамлакатларда аҳоли бандлигини оширишда стратегик аҳамият касб этиб, мазкур соҳага йўналтирилган инвестициялар оқими ва бандлик даражаси ортиб бормоқда. Жумладан, инвестициялар оқими ва бандлик даражаси Хиндистонда қуёш энергияси, Бразилияда эса шамол энергияси ишлаб чиқариш соҳасида юқори бўлмоқда. 2018 йилда Хитойда қуёш энергияси ишлаб чиқариш соҳасида 1,7 млн. ва муқобил энергия мосламаларини ўрнатиш ҳисобидан эса 3,5 млн. ишчи ўрни яратилди.

**Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга янгидан йўналтирилаётган инвестициялар.** Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга янгидан йўналтирилаётган инвестициялар объектлари нуқтаи назаридан янги технологиялар ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ сарф-харажатларга бўлинади. Маблағларнинг соҳани технологик ривожлантириш, илмий-техник изланишларга йўналтирилган қисми биринчи гурухга, ишлаб чиқариш жараёнини янги асбоб-ускуналар билан куроллантириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган қисми эса

<sup>117</sup> Global Trends in Renewable Energy Investment 2020, Frankfurt School-UNEP Centre/BNEF. 2020 маълумотлари асосида тузилган.

иккинчи гурухга киритилади. Лойиҳалар доирасида янги технологияларни ривожлантириш илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига асосланади. Янги инвестициялар илмий изланиш, янги технологияларни ишлаб чиқиши, самарадорлигикни ошириши каби тадқиқотларга сарфланади. Ишлаб чиқариши кенгайтиришга йўналтирилган инвестициялар эса мавжуд техника ва технологиялар сонини қўпайтириш орқали энергия ишлаб чиқариш микдорини экстенсив оширишга хизмат қилади.



**4.5.3-расм. Жаҳонда муқобил энергияга сарфланган инвестициялар таркиби, 2018 й.<sup>118</sup>**

**4.5.4-расм. Муқобил энергия соҳасида яратилган ишчи ўринлари, минг киши, 2018 й.<sup>119</sup>**

Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга сарфланаётган янги инвестициялар микдори 2005-2019 йилларда 69,0 млрд. доллардан 301,7 млрд. долларга қадар ёки 4,4 мартаға ортган. 2019 йилда инвестицияларнинг технологик таркибидаги тадқиқотларга сарфланган инвестициялар улуси 21,7%ни ташкил этиб, ўрганилаётган даврда хусусий инвесторлар томонидан илмий тадқиқотлар учун сарфланган инвестициялар ҳажми 4,1 мартаға ўсган. Соҳада амалга оширилаётган технологик тадқиқотларда венчур капиталидан фойдаланиш жадал суръатларда ўсиб бормоқда.

Венчур (инг. Venture – қалтис, риск маъносини беради) капитали янги, ўсиб ёки бозорда ўз ўрнини эгаллаштиришга ҳаракат қилаётган компанияларни молиялаштириш учун ташқи инвестор томонидан бевосита хусусий қўйилмаларни амалга оширишда фойдаланиладиган капитал ҳисобланади. Венчур капитали одатда инновацион компанияларга сарфланади. Ўрганилаётган даврда венчур капитали микдори 2,4 мартаға ўсиб, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 5,1 мартаға ортиб 1,2 млрд. долларни ташкил этди (4.5.1-жадвал).

<sup>118</sup> Renewables 2018 Global Status Report. [www.fs-unep-centre.org](http://www.fs-unep-centre.org) маълумотлари асосида тузилган.


<sup>119</sup> Renewables 2018 Global Status Report. [www.fs-unep-centre.org](http://www.fs-unep-centre.org) маълумотлари асосида тузилган.

#### 4.5.1-жадвал.

### Жаҳонда тикланадиган энергияни ўзлаштириш учун сарфланган инвестициялар таркибининг ўзгариши, млрд. долл.<sup>120</sup>

	2005	2010	2015	2019	2019/2005 йй. ўзг. марта
<b>1. Жами инвестициялар</b>					
1.1. Янги инвестициялар	69,0	238,5	317,3	301,7	4,4
1.2. Жами транзакция <sup>121</sup> харажатлари	95,2	295,8	425,4	402,4	4,2
<b>2. Янги инвестицияларнинг қўшилган қиймат занжири бўйича таркиби</b>					
<b>2.1. Технологик тадқиқотлар</b>					
2.1.1. Венчур капитал	0,5	2,6	1,4	1,2	2,4
2.1.2. Давлат	2,0	4,9	4,4	5,7	2,8
2.1.3. Хусусий	1,9	3,8	4,1	7,7	4,1
<b>2.2. Ишлаб чиқариш</b>					
2.2.1. Акционер капитал	1,0	5,3	1,8	1,8	1,8
2.2.2. Очик бозор	3,6	10,8	12,0	6,6	1,8
<b>2.3. Лойиҳалар</b>					
2.3.1. Лойиҳаларни молиялаштириш	50,0	152,2	267,7	230,1	4,6
Реинвестицияланган капитал	-0,2	-1,8	-6,7	-3,4	2,3
2.3.2. Кичик қувватли лойиҳалар	10,1	60,9	32,6	52,1	5,2
Жами молиявий инвестициялар	55,0	169,0	276,1	236,3	4,3
Давлат ва хусусий тадқиқотлар, кичик лойиҳалар	14,0	69,5	41,2	65,5	4,7
Жами янги инвестициялар	69,0	238,5	317,3	301,7	4,4

Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга сарфланаётган янги инвестицияларнинг соҳа таркиби таҳлили қўрсатишича, қуёш ва шамол энергиясига сарфланган инвестициялар миқдори тегишлича 9,2 ва 5,4 мартаға ўсган (4.5.5-расм).



**4.5.5-расм. Тикланадиган энергияни ўзлаштиришга сарфланаётган янги инвестицияларнинг соҳа таркиби<sup>122</sup>**

<sup>120</sup> Global Trends in Renewable Energy Investment 2020, <http://www.fs-unep-centre.org> маълумотлари асосида тузилган.

<sup>121</sup> Транзакция (инг. transaction, латинча transactio – келишув, шартнома, битим).

<sup>122</sup> Renewables 2016 Global Status Report. [www.fs-unep-centre.org](http://www.fs-unep-centre.org) маълумотлари асосида тузилган.

Жаҳонда муқобил энергия ишлаб чиқариш учун сарфланган янги инвестицияларнинг географик таркибида Хитой ва АҚШ етакчи улушга эга. 2019 йилда жами янги инвестициялар таркибида Хитой улуши 29,9%, АҚШ улуши эса 19,6%на тенг бўлиб, 2005-2019 йилларда ушбу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 10,6 ва 5,2 мартага ортган (4.5.2-жадвал).

#### 4.5.2-жадвал.

#### **Жаҳонда муқобил энергия ишлаб чиқариш учун сарфланган янги инвестицияларнинг географик таркибини ўзгариши, млрд. долл.<sup>123</sup>**

	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2019/ 2005 йй. ўзг.марта
АҚШ	11,3	34,6	46,9	44,4	48,6	47,1	59,0	5,2
Бразилия	2,4	7,2	6,4	5,7	6,2	3,8	6,8	2,8
Америка (АҚШ ва Бразилиядан ташқари)	3,7	12,0	11,5	6,5	13,2	10,7	12,8	3,5
Европа	31,6	112,2	61,1	71,5	49,1	60,8	58,4	1,8
Яқин Шарқ ва Африка	0,8	4,0	11,6	7,1	10,7	16,5	15,4	19,3
Хитой	8,5	42,4	121,1	105,6	148,4	95,9	90,1	10,6
Ҳиндистон	3,0	7,7	8,0	12,5	13,7	11,6	11,2	3,7
Осиё (Хитой ва Ҳиндистондан ташқари)	7,6	18,5	50,6	40,7	41,6	49,6	48,2	6,3

Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш учун инвестиция сарфлашда хусусий капитал фаол иштирок этмоқда. 2019 йилда “яшил энергетика” соҳасида амалга оширилган бешта йирик лойиҳанинг тўрттаси Ҳиндистон компаниялари бўлиб, ушбу битимларнинг энг йириги Greenko Energy Holdings компаниясига тегишлидир. Холдинг лойиҳаларига GIC, Сингапур суверен фаровонлик жамғармаси ва Абу-Даби Инвестиция ташкилоти томонидан 824 млн. доллар миқдорида инвестиция киритилди (4.5.3-жадвал).

#### 4.5.3-жадвал.

#### **Хусусий компаниялар томонидан “яшил энергетика” соҳасига жалб этилган венчур/хусусий капитал миқдори, 2019 й<sup>124</sup>**

Компания	Мамлакат	Соҳа	Инвестиция тури	Бизнес тури	млн. долл.
Greenko Energy Holdings	Ҳиндистон	Қуёш	Хусусий	Лойиҳалаш	824
ReNew Power	Ҳиндистон	Шамол	Венчур	Лойиҳалаш	300
Madison Energy Investments	АҚШ	Қуёш	Хусусий	Лойиҳалаш	200
Hero Future Energies	Ҳиндистон	Шамол	Хусусий	Лойиҳалаш	150
Avaada Energy	Ҳиндистон	Қуёш	Венчур	Лойиҳалаш	144
SSP BV	Испания	Қуёш	Хусусий	Лойиҳалаш	110
Bioenergy Development Group	АҚШ	Биомасса	Хусусий	Лойиҳалаш	106

<sup>123</sup> Global Trends in Renewable Energy Investment 2020, Frankfurt School-UNEP Centre/BNEF. 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>124</sup> Ўша манба.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда жаҳонда тикланадиган энергия манбаларига инвестиция сарфлаш микдорининг ортиб бориш сабаблари қуидагилардан иборат:

**Биринчидан**, қуёш ва шамол энергияси нархининг арzonлашиб бораётганлиги. Узоқ йиллар давомида шамол ва қуёшдан олинадиган энергия технологик жиҳатдан олиб қаралганда анъанавий энергия манбаларидан қиммат ҳисобланар эди. Сўнги йилларда эришилган фан-техника ютуқлари ёрдамида “яшил энергия” ишлаб чиқариш таннархи янада арzonлашмоқда. Bloomberg агентлиги прогнозларига кўра, 2050 йилгача қуёш панелларини ўрнатиш қиймати 63%га арzonлашиб, 1 МВт-соати 25 долларни ташкил этади. Қуёш технологияларининг қиймати 2018 йилда 2010 йилга нисбатан 89%га арzonлашган бўлса, уларнинг нархи 2030 йилгача яна 34%гача пасайиши кутилмоқда. Шамол турбиналари қиймати 2010-2018 йилларда 40%га пасайган, шамол энергияси нархи 2030 йилгача 36%га, 2050 йилга қадар эса 48%га арzonлашиб 1 МВт-соати 30 доллар бўлиши кутилмоқда<sup>125</sup>.

**Иккинчидан**, тикланадиган энергия манбаларига нисбатан глобал муносабат ўзгармоқда. Авваллари тикланадиган энергия манбаларига инвестиция сарфлаш паст даромадли соҳа ҳисобаланиб, давлат соҳага инвестиция жалб этишда инвесторлар учун турли хил имтиёзлар ва преференциялар беришга ҳаракат қиласи эди. Ҳозирда жаҳон ҳамжамиятининг тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, умуман “яшил иқтисодиёт”га инвестиция сарфлаш борасидаги фикрлари тубдан ўзгарди. Қуёш ва шамол энергиясига инвестиция сарфлаш молиявий жиҳатдан сердаромад соҳага айланиб бораётганлиги мазкур тармоққа инвестициялар оқимининг ортиши, молиявий омилига айланди;

**Учинчидан**, қуёш ва шамол энергияси келажак энергиясига айланиб бормоқда. Bloomberg агентлиги 2020 йилга келиб 600 ГВт электр энергияси қуёш батареялари ҳисобидан олиниши, 2030 йилга келиб эса мазкур кўрсаткич 1900 ГВт га етишини башорат қилмоқда. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида муқобил энергияга ўтиш жараёнларининг жадаллашуви соҳада янги эранинг бошланиши сифатида баҳоланмоқда.

**Тўртинчидан**, жаҳонда нефть нархининг арzonлашиши. Сўнгги йилларда жаҳон энергия бозорида нефт баҳосининг пасайиши кузатилмоқда. Табиийки, ушбу ҳолат “яшил энергия” корхоналари рақобатбардошлигини пасайтириб, инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ “яшил энергия” тарафдорлари ўз оптимилик қарашларида қолишишмоқда, нефт нархининг пасайиши кейинги геологик қидириш ишларини олиб боришга бўлган рағбатнинг камайишига ва натижада нефть ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келиши таъкидланмоқда. Агар мазкур ҳолат кузатилса “яшил энергия”нинг аҳамияти янада ортади;

**Бешинчидан**, ушбу соҳани янги соҳа сифатида янада чуқурроқ ўрганиш заруриятининг мавжудлиги. Тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш соҳаси янги соҳа бўлгани боис келажакда унинг

<sup>125</sup> <https://bnef.turtl.co/story/neo2019/page/5/1?teaser=true>

самарадорлигини ошириш, экологик жиҳатдан хавфсизлигини таъминлаш учун катта микдорда сарф-харажатлар сарфлаш, чукур илмий изланишлар олиб бориш талаб этилади. Мисол учун, тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишдаги муаммоларидан бири олинган энергияни сақлаш ва узатиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда тикланадиган энергия манбаларидан олинадиган энергия аккумуляторларда сақланади ёки тўғридан-тўғри истеъмолчига узатилади. Аккумуляторларнинг автономлик коэффициенти эса паст даражада, шу боис “яшил энергетика”ни ривожланириш ва инвестициялашда юқори технологияли инновацияларга таяниш мақсадга мувофиқ.

## Назорат саволлари

1. “Яшил молиялаштириш” тушунчасининг моҳиятини очиб беринг.
2. “Яшил молиялаштириш” тизими таркибини аниқланг ва қайси йўналишлар бўйича ривожланишини шарҳланг.
3. Қандай лойиҳалар “яшил лойиҳалар” ҳисобланди?
4. “Яшил лойиҳалар”ни инвестициялашда қандай молиявий дастаклардан фойдаланилади?
5. Суверен фондларнинг “яшил лойиҳалар”ни молиялаштиришдаги ўрнини баҳоланг.
6. “Яшил облигациялар” нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
7. Жаҳон “яшил облигациялар” бозорининг амал қилиш хусусиятлари ва ривожланиш йўналишларини таҳлил этинг.
8. Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга сарфланаётган инвестициялар таркибига баҳо беринг.

## Асосий тушунчалар

**“Яшил молия”лар (“green finance”)** – экологик тоза, энергия самарадорлиги юқори ва паст углеродли лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган инвестициялар ва бошқа молиявий дасткалар йигиндиси.

**“Яшил молиялаштириш” (green financing)** – атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи барча омилларни ҳисобга оловчи ва экологик барқарорликни таъминлашни назарда тутувчи инвестициялаш ва кредитлашнинг шакллари.

**Суверен жамғарма** – молиявий активлари акциялар, облигациялар, мол-мулк, қимматбаҳо металлар ва бошқа молиявий дастаклардан иборат давлат инвестиция жамғармаси.

**“Яшил инвестициялар”** – лойиҳаларни инвестициялашд фойда олиш ва атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатувчи инвестициялар.

**“Яшил облигациялар”** – оддий қарз дастаги ҳисобланиб, жалб этилган маблағлар муқобил энергия, энергия самарадорлигини ошириш, экологик тоза транспорт ёки иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш билан боғлиқ лойиҳаларга сарфланади.

**Стандарт “яшил облигациялар”** – ўз “яшил лойиҳалар”ини молиялаштириш учун чиқариладиган облигациялар.

**Даромад билан таъминланган “яшил облигациялар”** – мақсадли ёки қайта молиялаштириладиган “яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш учун чиқариладиган облигациялар.

**“Яшил” лойиҳавий облигациялар** – бир ёки бир нечта “яшил” лойиҳага боғлиқ ҳолда чиқариладиган облигациялар.

**Секрьютизациялашган “яшил облигациялар”** – “яшил лойиҳалар” портфелини қайта молиялаштириш учун чиқариладиган облигациялар.

**Венчур (инг. venture – қалтис, риск) капитали** – ташқи инвестор томонидан янги, ўсиб бораётган ва бозорда ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилаётган компанияларни молиялаштириш учун хусусий қўйилмаларни амалга оширишда фойдаланиладиган капитал.

**Энергия хариди тўғрисидаги келишув (Power purchase agreement (PPA))** – электрэнергия ишлаб чиқарувчи ва харидор ўргасида электрэнергияни харид қилиш бўйича тузилган шартнома.

**Солиқقا тортиладиган кредитли облигациялар** – инвесторлар фоиз тўловлари ўрнига солиқقا тортиладиган кредит олишлари ва эмитентлар облигациялар бўйича фоиз тўламасликларини билдирувчи облигациялар.

**Бевосита субсидияланадиган облигациялар** – эмитентларнинг хукуматдан пулли чегирмалар олиш эвазига ўз соф фоиз тўловларини субсидиялашларини билдирувчи облигациялар.

**Солиқка тортилмайдиган облигациялар** – инвесторларнинг “яшил облигациялар”дан олинадиган фоизлардан даромад солигини тўламаслик имконини берувчи облигациялар.

**Секьюритизация (инг. securities – “қимматбаҳо қофозлар”)** – барқарор даромад келтирувчи, активлар билан таъминланган қимматбаҳо қофозларни эмиссия қилиш йўли билан молиявий маблағларни жалб этиш шакли.

## Тестлар

**1. “Яшил облигациялар” илк марта қайси ҳалқаро ташкилот томонидан чиқарилган?**

Европа инвестиция банки

Жаҳон банки

Осиё тараққиёт банки

Халқаро молия корпорацияси

**2. “Яшил облигациялар”нинг бошқа облигациялардан фарқли жиҳати нимада?**

жалб этилган маблағлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ лойиҳаларга сарфланади

жалб этилган маблағлар муқобил энергия, энергия самарадорлигини ошириш, экология билан боғлиқ лойиҳаларга сарфланади

жалб этилган маблағлар йирик стратегик иқтисодий лойиҳаларга сарфланади

жалб этилган маблағлар глобал экологик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ лойиҳаларга сарфланади

**3. Иқтисодиёт ва молия соҳасида узоқ муддатга бериладиган қарзлар, инвестициялар ёки кредитлар қандай номланади?**

“қисқа пуллар”

“арzon пуллар”

“ҳаром пуллар” “узун пуллар”

**4 Қуйидаги тушунчаларнинг қайси бири ўз маблағларини маълум бир лойиҳага сарфлайдиган инвесторлар иттифоқини англатади?**

“venture”

“securities”

“pool”

“long money”

**5. Венчур капитали устун даражада қандай компанияларга сарфланади?**

инновацион

анъанавий

эски

янги

**6. Барқарор даромад келтирувчи, активлар билан таъминланган қимматбаҳо қоғозларни эмиссия қилиш йўли билан молиявий маблағларни жалб этиш ...**

венчурлаш

секьюритизациялаш

кредитлаш

молиялаштириш

**7. Мақсадли ёки қайта молиялаштириладиган “яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш учун чиқариладиган облигациялар қандай номланади?**

даромад билан таъминланган

солиқقا тортилмайдиган

секрьютизациялашган

стандарт

**8. Қуйидагиларнинг қайси бири факат ўзига тегишли “яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш учун чиқариладиган облигациялар ҳисобланади?**

даромад билан таъминланган

солиқقا тортилмайдиган

секрьютизациялашган

стандарт

**9. “Яшил лойиҳалар” портфелини қайта молиялаштириш учун чиқариладиган облигациялар – бу:**

стандарт стандарт “яшил облигациялар”  
секрьютизациялашган “яшил облигациялар”  
даромад билан таъминланган “яшил облигациялар”  
солиққа тортилмайдиган “яшил облигациялар”

**10. “Яшил инвестициялар”нинг бошқа инвестициялардан фарқли жиҳатларини аниқланг.**

фойда олиш ва атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатувчи самарага эришиш

фойда олишни кўзлаш мақсадида табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланиш

ресурслардан интенсив фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш атроф-муҳитга зарар етказмаслик мақсадида фойда олишдан воз кечиш

## **В-БОБ. “ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА” БАРҚАРОР ИҚТISODIЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛ СИФАТИДА**

### **5.1. “Яшил иқтисодиётни” ривожлантиришда тикланадиган энергия манбаларининг ўрни**

ХХ асрнинг 70-йилларидағи халқаро энергия инқизози аксарият мамлакатларни иқтисодиётда энергия истеъмолини қисқартириш ва энергияни тежаш борасидаги чора-тадбирларни қайта кўриб чиқишига мажбур қилди. Энергия истеъмолининг ўсиши, энергия ресурсларининг камайиши ва қимматлашиши, импортга боғлиқлигининг кучайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши энергия тежамкорлигига эришиш, анъанавий энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш муаммоларини ҳал этиш заруратини келтириб чиқарди.

*5.1.1-жадвал*

#### **2012-2040 йилларда дунё энергия истеъмолининг ўзгариши, $10^{15}$ BTU<sup>126</sup>**

Худудлар	2012 й.	2020 й.	2025 й.	2030 й.	2035 й.	2040 й.	2012-2040 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръатлари, %
ИХТТ	238	254	261	267	274	282	0,6
Америка қитъаси	118	126	128	131	134	138	0,6
Европа	81	85	87	90	93	96	0,6
Осиё	39	43	45	46	47	48	0,8
ИХТТдан бошқа мамлакатлар	311	375	413	451	491	533	1,9
Европа	51	52	55	56	58	58	0,5
Осиё	176	223	246	270	295	322	2,2
Ўрта Шарқ	32	41	45	51	57	62	2,4
Африка	22	26	30	34	38	44	2,6
Америка қитъаси	30	33	37	40	43	47	1,5
Дунё	549	629	674	718	766	815	1,4


*Изоҳ\*: BTU (British thermal unit) - Британия иссиқлик бирлиги. 1 BTU=2.52 \*  $10^{-8}$  т.н.э. 2012 йил амалдаги, 2020-2040 йиллар учун прогноз кўрсаткичлар.*

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси кўп жихатдан энергия ресурслари захираларига боғлиқ. Дунёда аниқланган табиий энергия манбалари захиралари энергия истеъмолининг

<sup>126</sup> International Energy Outlook 2016. With Projections to 2040. U.S. Energy Information Administration Office of Energy Analysis U.S. Department of Energy Washington, DC 20585. May 2016. –Р. 7-8.

хозирги даражаси сақланиб қолсагина, кейинги 54 йил давомида энергияга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини беради<sup>127</sup>. Иқтисодий ривожланиш эса энергияга бўлган эҳтиёжнинг ортиши ва энергия танқислиги муаммоси хавфини янада кучайтиради. АҚШ Энергия департаменти мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра, дунё энергия истеъмоли 2012 йилда 13,8 млрд. т.н.э. га тенг бўлган ва ушбу кўрсаткич 2040 йилга қадар йилига ўртacha 1,4%га ўсиб, 20,5 млрд. т.н.э. га тенглашади (5.1.1-жавдал).

Экологларнинг таъкидлашича, қазилма ёқилғи бойликларининг ярми иқлим ўзгариб кетишининг олдини олиш мақсадида қидириб топилмаслиги зарур. Жаҳон хом-ашё бозорида ресурслар нархининг кескин тушиб кетиши натижасида рўй берган йирик цикл 2015 йилда ўз ниҳоясига етганлигига қарамасдан энергия тежайдиган технологиялар тараққиёти жадал суръатларда давом этмоқда. Ушбу ҳолат дунё мамлакатларининг “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш борасида қабул қилган мажбуриятларига тўла мос келади. McKinsey мутахассислари илгор технологияларнинг ривожланишида мўътадил ва жадал ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқишган. Мўътадил сценарияга мувофиқ 2035 йилга қадар энергиядан самарали фойдаланиш 43%га, жадал ривожланиш сценарияси бўйича эса 70%га ортиши башорат қилинмоқда.



\*биоёқилғи, геотермал энергия, шамол ва қуёш энергиялари.

**5.1.1-расм. Жаҳонда энергия манбаларига бўлган талабнинг ўзгариш истиқболлари, млн. теражоул<sup>128</sup>**

**а) мўътадил сценарий**

**б) жадал сценарий**

<sup>127</sup> BP Statistical Review of World Energy June 2017.

<sup>128</sup> McKinsey Global Institute. Beyond the supercycle: How technology is reshaping resources. FEBRUARY 2017 маълумотлари асосида тузилган.

Энергиядан самарали фойдаланиш ҳисобига жаҳон иқтисодиёти миқёсида 100 млн. теражоулга тенг энергия ёки 0,2-1,2 трлн. доллар тежалиши мумкин. XIX асрдан бошлаб энергия ишлаб чиқаришнинг етакчи манбай ҳисобланган қазиб чиқариладиган ёқилғи-энергетика манбалари тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига ўзгариб боради. 2030 йилга қадар жаҳонда электрэнергия ишлаб чиқаришнинг 36%и шамол ва қуёш электр станциялари ёрдамида амалга оширилади. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга қаратилган дастурлар самараси туфайли жаҳон иқтисодиётининг энергия сифимкорлиги 2050 йилга қадар 50%га қисқариши, яқин 20 йилда табиий ресурсларни истеъмол қилиш ҳажмининг камайиши ҳисобига 0,9-1,6 трлн. доллар маблағ тежалиши мумкин<sup>129</sup>.

Дунё энергия истеъмолининг ортиб бориши, инсониятнинг табиатга салбий таъсири натижасида вужудга келаётган экологик муаммоларнинг кескинлашуви жаҳон энергетика балансида тикланадиган энергия манбалари улушининг жадал суръатларда ошишини таъминлайди. Жаҳонда тикланадиган энергия манбаларига кўпроқ эътибор қаратишга қуидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришда илғор технологияларни қўллаш ҳисобига нарх рақобатининг ўсиши;

- ушбу соҳанинг ривожланиши учун ижобий таъсир этувчи сиёсий ташаббусларнинг оммалашуви;

- соҳани молиялаштириш учун қулай инвестиция муҳитининг яратилиши;

энергетик ва экологик муаммоларни ҳал қилиш масаласи;

- ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг ортиб бориши;

- барчага энергиядан фойдаланиш имкониятини яратиш ва энергетик етишмовчиликдан қутилиш.

Шунингдек, БМТ Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан ишлаб чиқилган энергия стратегияси “яшил энергетика”ни ривожлантиришни қўллаб-куватлайди. Ушбу стратегияни амалга оширишда қуидаги устувор вазифалар муҳим аҳамият касб этади<sup>130</sup>:

- аҳолининг кам даромадли қатламини тикланадиган энергия манбаларига асосланган замонавий энергия хизматлари билан таъминлаш даражасини ошириш;

- саноатда энергия сифимкорлигини пасайтириш эвазига соҳанинг рақобатбардошлиқ даражасини кучайтириш;

- саноатда иссиқхона газларини атмосферага чиқариш ҳажмини қисқартириш ҳисобига иқлим ўзгаришларига салбий таъсирни камайтириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш;

<sup>129</sup> McKinsey Global Institute. Beyond the supercycle: How technology is reshaping resources. FEBRUARY 2017. 19-34.

<sup>130</sup> UNIDO and Renewable Energy. Greening the Industrial Agenda. United Nations Industrial Development Organization. Vienna, 2009. P. 4.

- корхоналарнинг қишлоқ жойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига узоқ муддатли фаолият кўрстишини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш.

## **5.2. Тикланадиган энергия истеъмолининг ҳолати, таркиби ва ривожланиш истиқболлари**

Иқтисодий адабиётда тикланадиган энергия дейилганда табиий манбалар (куёш, шамол, сув, сув тўлқини, биомасса, геотермал, сув сатхининг кўтарилиши ва тушиши) ҳисобидан олинадиган энергия тушунилади. Аксарият адабиётларда тикланадиган энергия тушунчаси ўрнига муқобил энергия тушунчаси қўлланилади. Анъанавий тарзда қазиб чиқариладиган ёқилгини қайта ишлаш ҳисобига олинадиган энергияга муқобил равишда тикланадиган манбалар ҳисобидан олинадиган энергия эса “муқобил энергия” дейилади. Тикланадиган энергетика “яшил энергетика” ҳисобланиб, энергетиканинг ушбу тури анъанавий энергетикага нисбатан табиатга жуда кам зарар етказади.

“Яшил энергетика” – қазилма ёқилғи сарфисиз, атмосферага иссиқхона газларини чиқармайдиган ва атроф-муҳит экологиясига зиён етказмаган ҳолда энергия таъминотини амалга оширилишини қўзда тутадиган концепциядир. Бунда истеъмол талабини имкон қадар тикланадиган энергия манбалари эвазига қондирилиши мақсад қилинган. Энергетиканинг ушбу тури “мусаффо энергия” ҳам дейилади.

“Яшил энергетика” атамаси қуидаги технологияларга нисбатан қўлланилади:

- ер ва денгизга ўрнатилган шамол генераторлари;
- турли қуёш электрэнергетикаси технологиялари — бинолар ва уйларнинг томига ўрнатилган қуёш панелларидан тортиб қуввати 50 мвт гача бўлган қуёш электростанциялари;
- ўсимлик мойи ёки ўтинларни ёкиш ҳисобидан ишлайдиган генераторлар;
- ер остидаги иссиқ сувлар ёки оқимлар ҳисобидан иссиқлик ва энергия ишлаб чиқарадиган геотермал манбалар;
- дарёларга ўрнатилган кичик гидротурбиналар;
- денгиз тўлқини, сувнинг кўтарилиш ёки пасайишидан фойдаланиб ишлайдиган технологиялар.

Ушбу технологиилар электрэнергияни қазиб чиқариладиган табиий ресурслардан фойдаланмасдан ва атмосферага чиқарилаётган СО<sub>2</sub> микдорини қисқартириш имконини беради. Йирик гидроэлектростанциялар ҳам шу каби имкониятларга эга бўлса-да, уларнинг фаолияти сув, ер ва дарё экотизимига салбий таъсир қиласи. Шу сабабли йирик гидроэлектростанциялар томонидан ишлаб чиқариладиган электрэнергия экологик тоза ҳисобланмайди.

Турли халқаро ва нодавлат ташкилотлар томонидан тайёрланган ҳисботларда тикланадиган энергия тўғрисидаги маълумотлар бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Ушбу ҳолтни амалдаги ҳисботларни

тайёрлашда кўлланиладиган ҳисоб-китоб услубиёти билан боғлиқ фарқлар орқали изоҳлаш мумкин. Жумладан, ВР<sup>131</sup> ҳисботларида факат электрэнергия ишлаб чиқаришда фойдаланилган тикланадиган энергия истеъмоли тўғрисида маълумотлар беради. REN21<sup>132</sup> ҳисботларида эса пировард энергия истеъмолининг таркиби қазилма ёқилғи, атом энергияси, анъанавий биомасса ва замонавий тикланадиган энергияга бўлинади. Замонавий тикланадиган энергия турларига шамол, қуёш, биомасса, геотермал, океан энергияси ёрдамида ишлаб чиқарилаётган электрэнергия; гидроэнергетика; биомасса, қуёш, геотермал энергия ёрдамида олинаётган иссиқлик энергияси; транспорт учун биоёқилғилар киради.

2020 йилда жаҳон бўйича COVID-19 падемияси билан боғлиқ чекловларни жорий этишнинг фаоллашуви натижасида энергияга бўлган талаб кескин қисқарди. Жумладан, 2020 йилнинг биринчи чорагида жаҳоннинг электрэнергиясига талаби 2,5%га, кўмир ва нефтга бўлган талаби эса мос равишда 8 ва 5%га қадар қисқарди. Электрэнергия ишлаб чиқаришнинг ягона манбаи ҳисобланган тикланадиган энергияга бўлган талаб эксплуатация харажатлари ва соҳадаги имтиёзлар туфайли ўсганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, 2020 йил 10 марта 10 апрелгача ЕИ ва Буюк Британияда кўмир ёрдамида ишлаб чиқариладиган электрэнергия ишлаб чиқариш ҳажми 29%га қисқаргани ҳолда, муқобил энергия манбалари жами электрэнергия ишлаб чиқаришнинг 46%ини таъминлаб 2019 йилга нисбатан 8%га ўсган<sup>133</sup>. Ушбу маълумотлар “яшил энергетика” соҳаси истиқболда энергетиканинг етакчи соҳасига айланишини яна бир марта исботлайди.

ВР маълумотларига кўра, 2019 йилда 692,2 млн. тонна нефть эквивалентига тенг бўлган микдорда тикланадиган энергия истеъмол қилинган бўлиб, ушбу кўрсаткич жами бирламчи энергия истеъмолининг 5,0%ига тенглашди. 1990-2019 йилларда тикланадиган энергия истеъмоли 18,4 мартаға, муқобил электрэнергия ишлаб чиқариш микдори эса 23,2 бараварга ошган (5.2.1-расм). 2019 йилда жаҳон бўйича 2805,5 ТВт-соат микдорида тикланадиган энергия ишлаб чиқилган ва ушбу энергиянинг 51,0%и шамол, 25,8%и эса қуёш энергияси ҳиссасига тўғри келди. Тикланадиган энергия ишлаб чиқаришнинг минтақавий таркибида Осиё минтақаси улуши 40,9%га тенг бўлиб, бу кўрсаткичнинг 26,1%и Хитой ҳиссасига тўғри келган. Европа минтақасининг улуши 29,8%га тенг бўлиб, жумладан, Германия (8,0%), Буюк Британия (4,0%), Испания (2,8%) каби мамлакатлар муқобил энергия ишлаб чиқаришда етакчилик қилишади. Шимолий Америка минтақаси улуши эса 20,1%га тенг бўлиб, унинг 17,5%и АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

<sup>131</sup> ВР, “Би-Пи” - 2001 йилгача British Petroleum, деб номланган нефт-газ соҳасида фаолият юритадиган трансмиллий компания.


<sup>132</sup> Бонн шаҳрида 2004 йилда ўтказилган Тикланадиган энергия бўйича халқаро конференция натижасида ташкил этилган, тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш сиёсатини кўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи таҳлилий марказ.

<sup>133</sup> [https://www.ren21.net/gsr-2020/chapters/chapter\\_01/chapter\\_01/#sidebar\\_1](https://www.ren21.net/gsr-2020/chapters/chapter_01/chapter_01/#sidebar_1)



### 5.2.1-расм. Жаҳонда тикланадиган энергиядан фойдаланиш кўрсаткичлари<sup>134</sup>

REN21 маълумотларига кўра, 2008-2018 йилларда жаҳон пировард энергия иштимолида қазилма ёқилғи улуси 78,0%дан 79,9%га ортган, атом энергияси 2,8%дан 2,2%га, тикланадиган энергия манбалари улуси эса 19,2%дан 17,9%га қадар қисқарган. Тикланадиган энергия манбалари таркибида аньанавий биоёқилғи улуси 13,0%дан 6,9%га қадар қисқаргани ҳолда замонавий тикланадиган энергия манбалари улуси 6,2%дан 11,0%гача ўсган. 2018 йилда пировард энергия иштимоли таркибида замонавий тикланадиган энергия иштимоли улуси 11%ни ташкил этиб, шундан 2,1%и электрэнергия, 3,6%и гидроэнергетика, 4,3%и иссиқлик ва 1,0%и транспорт энергиясидан иборат бўлган (5.2.2-расм)<sup>135</sup>.



### 5.2.2-расм. Жаҳонда пировард энергия иштимоли таркибида тикланадиган энергия иштимолининг ўзгариши<sup>136</sup>

<sup>134</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>135</sup> Ўша манба.

<sup>136</sup> REN21 2011, REN21 2012, REN21 2016, REN21 2019, REN21 2020 маълумотлари асосида тузилган.

“Яшил энергетика” дунёning барча минтақаларида жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Жумладан, 17 та мамлакатда қүёш ва шамолдан олинаётган энергия қуввати (гидроэнергетикадан ташқари) 10 ГВт дан, 45 та мамлакатда эса 1 ГВт. дан ошади. Агар гидроэнергетикани ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, унда 90 дан ортиқ мамлакатда 1 ГВт, 30 та мамлакатда эса 10 ГВт. дан ортиқ тикланадиган қувватлар мавжуд. Африка ва Осиёning ривожланайтган мамлакатларида 150 млн. киши қүёш энергиясидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди<sup>137</sup>.

### 5.2.1-жадвал

#### “Яшил энергетика”нинг ривожланиш кўрсаткичлари<sup>138</sup>

	2008 й.	2018 й.	2019 й.
Инвестициялар, млрд. долл.	130	296	301,7
Электрэнергетика			
Ўрнатилган қувватлар ГВт	1140	2387	2588
Гидроэлектрэнергия ГВт	885	1135	1150
Шамол энергияси ГВт	121	591	651
Қуёш энергияси ГВт	16	512	627
Иситиш тизими			
Қуёш энергияси ёрдамида сув иситиш ГВт	130	384	421
Транспорт			
Эталон ишлаб чиқариш, млрд. литр	67	111	114
Биодизель ишлаб чиқариш, млрд. литр	12	41	47
Тикланадиган энергия соҳасида сиёсат			
“Яшил энергетика” соҳасини ривожлантириш мақсадларига эга мамлакатлар сони	79	169	172
100 фоиз тикланадиган электрэнергия ишлаб чиқариш мақсадига эга мамлакатлар	...	57	61


Жаҳонда 2008-2019 йилларда “яшил энергетика”ни ривожлантириш учун сарфланган инвестициялар миқдори 2,3 марта ошган. Электр энергиясини ишлаб чиқариш соҳасида т ўрнатилган “яшил энергия” қувватлари 2,3, шамол турбиналари қуввати 5,4, қуёш станциялари қуввати 39,2, қуёш энергияси ёрдамида иситиш қувватлари эса 3,2 бараварга ўсган. Транспорт учун этalon ёқилғиси ишлаб чиқариш ҳажми 1,7, биодизель ёқилғиси миқдори эса 3,9 марта ошган. Дунёда “яшил энергетика”соҳасини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Жумладан, 2008-2019 йилларда ушбу мамлакатлар сони 79 тадан 172 тага қадар ортиб, электрэнергия ишлаб чиқаришда тўлиқ муқобил энергиядан фойдаланиш мақсадига эга мамлакатлар сони эса 61 нафарга етди (5.2.1-жадвал).

Enerdata<sup>139</sup> маълумотлари кўрсатишича, 2019 йилда Норвегия, Бразилия, Янги Зеландия каби мамлакатларда электрэнергия ишлаб чиқаришда муқобил энергия манбаларининг улуши 80%дан юқори бўлган (5.2.5-расм). Германия, Португалия, Испания, Янги Зеландия, Буюк Британияда қуёш ва шамол станциялари ёрдамида ишлаб чиқарилган электрэнергия улуши жами электрэнергия миқдорининг 20%идан ошиб кетган (5.2.6-расм).

<sup>137</sup> [https://www.ren21.net/wp-content/uploads/2019/05/gsr\\_2019\\_full\\_report\\_en.pdf](https://www.ren21.net/wp-content/uploads/2019/05/gsr_2019_full_report_en.pdf)

<sup>138</sup> REN21 2011, REN21 2012, REN21 2016, REN21 2019, REN21 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>139</sup> Enerdata – халқаро даражада саноатнинг энергетика тармоқларида тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланадиган мустақил ахборот-консалтинг компанияси.



**5.2.5-расм. Электрэнергия ишлаб чиқаришда муқобил энергия улуси, 2019 й<sup>140</sup>.**

Айрим ҳисоб-китобларга қўра 2050 йилга бориб қазилма ёқилғи даври тугаб, муқобил жаҳон электрэнергиясининг 50%и шамол ва қуёш энергияси ҳисобидан ишлаб чиқарилади. IRENA агентлиги мутахассислари 2050 йилга қадар пировард энергия истеъмолида муқобил энергия улуси мўътадил сценарийда 25,0%га, жадал сценарий бўйича 86,%га етиши, электромобиллар сони эса бир миллирдан донадан ошиб кетишини башорат қилишмоқда (5.2.2-жадвал).

**5.2.6-расм. Электрэнергия ишлаб чиқаришда шамол ва қуёш станцияларининг улуси, 2019 й<sup>141</sup>.**

## 5.2.2-жадвал

### “Яшил энергетика”ни ривожлантириш истиқболлари<sup>142</sup>

	Амалдаги ҳолат		Мўътадил сценарий		Жадал сценарий	
	2015 й.	2018 й.	2030 й.	2050 й.	2030 й.	2050 й.
Пировард энергия истеъмолида муқобил энергия улуси, %	9,5	10,5	17,0	25,0	28,0	66,0
Энергия сигимкорлиги, %	1,8	1,8	2,4	2,6	3,6	3,2
Электрэнергия ишлаб чиқаришда муқобил энергия улуси, %	23,0	26,0	38,0	55,0	57,0	86,0
Электромобиллар сони, млн. дона	1,2	7,9	269	627	379	1109
Иситиш қурилмалари, млн. дона	20	38	63	119	155	334

<sup>140</sup> <https://yearbook.enerdata.net/renewables/renewable-in-electricity-production-share.html>

<sup>141</sup> <https://yearbook.enerdata.net/renewables/renewable-in-electricity-production-share.html>

<sup>142</sup> IRENA (2020), Global Renewables Outlook: Energy transformation 2050 (Edition: 2020), International Renewable Energy Agency, Abu Dhabi.

“Яшил энергетика” соҳасидаги барқарор ривожланиш тенденцияари истиқболда дунё мамлакатлари учун янги ижтимоий-иктисодий ривожланиш моделига ўтиш имконини яратиши мумкин. Соҳага йўналтирилаётган инвестициялар 2050 йилга қадар муқобил энергия тармоқларида 42 миллиондан ортиқ иш ўринларини яратиш имконини беради. Бу вақтга келиб энергетика соҳасида банд бўлганлар сони 100 миллион кишига етиши мумкин. Энергетика соҳасида “яшил энергетика”га ўтиш жараёнларининг жадаллашувчи 2050 йилгача дунё минтақаларида аҳоли фаровонлигининг 13,5%га яхшиланишига олиб келиши башорат қилинмоқда. Соҳадаги ислоҳотлар ҳавонинг ифлосланиш даражасининг пасайишига олиб келади ва бу ўз навбатида аҳоли саломатлигининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

### **5.3. “Яшил энергетика”нинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар**

Жаҳон амалиётида тикланадиган энергия манбаларини фаол ўзлаштиришга жиддий ҳалақит бераётган тўсиқлар деярли қолмади. Мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишида қўйидагилар ҳал қилувчи омиллар ҳисобланади:

- нарх бўйича тармоқ паритетига эришишга ҳаракат қилиш;
- энергия тизимларининг иқтисодий интеграцияси;
- технологик инновацияларнинг ривожланиши.

**Нарх бўйича тармоқ паритетига эришишга ҳаракат қилиш.** Яқин вақтга қадар қуёш ва шамолдан энергия олиш усули жуда қимматга тушади ва айrim бозорлардагина қўллаш мумкин, деб ҳисобланган. Ҳозирда ушбу манбалар олинаётган энергия қиймати бўйича анъанавий манбаларни ортда қолдирмоқда. Тикланадиган энергиядан фойдаланишда энергия тизимлари интеграцияси билан боғлиқ муаммолар бартараф этилиб, қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш тизимлари интеграциялашмоқда. Ҳозирда тикланадиган энергияни ўзлаштириш соҳасида инновацион ишланмаларнинг фаол қўлланиши анъанавий тармоқлардан олинадиган энергияга нисбатан арzon энергия ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

IRENA агентлиги тикланадиган энергияни ўзлаштириш самарадорлигини баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланади:

**1. Электрэнергия ишлаб чиқариш харажатлари (Levelized Cost of Electricity (LCOE)).** Содда тушунтирилганда LCOE ишлаб чиқарилаётган электрэнергия қийматини ўлчаш усули саналади. LCOE ҳисоблашда қўйидаги ўзгарувчиларни тўғри ҳисоблаш мухим аҳамиятга эга:

1. Тизимнинг тўлиқ қиймати = молиялаштириш харажатлари – солик имтиёzlари, амортизация ажратмалари каби рағбатлар.

2. Тизим қанча энергия ишлаб чиқаради?

1-мисол. 50 кВт қувватга эга лойиҳанинг умумий қиймати - 125 000 долл., қонунчиликда белгиланган солик имтиёzlари - 75 000 долл., лойиҳанинг соғ қиймати - 50 000 долл, ўрнатилган ускунанинг хизмат муддати - 25 йил.

Ўрнатилган қувватларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми - 62 500 кВт-соатга, хизмат муддати давомидаги ишлаб чиқариш ҳажми эса -  $62\ 500 * 25$  йил = 1 562 500 кВт-соатга тенг. Демак, 1 кВтс соат электр энергия ишлаб чиқариш харажатлари - LCOE =  $50\ 000$  долл. /  $1\ 562\ 500$  кВт-соат = 0,032 долл. / кВт-соат, яъни 0,032 долларга тенг экан.

2-мисол. Қуёшли фотоэлектрик тизими тижорат объектиning томига ўрнатилган ва лойиҳа кўрсаткичлари қўйидагича: лойиҳа қуввати - 100 киловатт, бошланғич инвестициялар миқдори 300 000 доллар, техник хизмат кўрсатиш харажатлари - йилига 3000 долл. (бошланғич инвестицияларнинг 1%и миқдорида), ўрнатилган қувватларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми - 182 500 кВт-соат, лойиҳа муддати - 25 йил.

Фотоэлектрик тизимнинг хизмат муддати давомидаги умумий ишлаб чиқариш ҳажмини йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини ускунанинг хизмат муддатига кўпайтириш орқали ҳисоблаймиз:  $182\ 500$  кВт-соат / йил x 25 йил = 4562 500 кВт-соат. Лойиҳа учун сарфланган бошланғич инвестициялар ва техник хизмат кўрсатиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг умумий қийматини топамиз:  $300\ 000$  долл. + 3 000 долл. x 25 йил = 375 000 долл. Демак, лойиҳанинг 1 кВт-соат электрэнергия ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар даражаси (LCOE) -  $375\ 000$  долл. /  $4562\ 500$  кВт-соат = 0,0822 долл. / кВт-соат, яъни 0,0822 долларга тенг экан.

**2. Қувватлардан фойдаланиш коэффициенти (capacity factors).** Энергетика соҳаси корхоналарининг иш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич бўлиб, ўрнатилган электр ускунанинг муайян вақт мобайнида ишлаш қувватини унинг ўртача арифметик тўлиқ қувватига бўлиш орқали аниқланади.

Мисол. 1000 МВт қувватга эга электр ускунаси 30 кунда 648 000 МВт-соат электрэнергия ишлаб чиқарди. Агар ускуна 1 ойда тўлиқ қувват билан ишлаганда  $1000\ \text{МВт} \times 30\ \text{кун} \times 24$  соат = 720 000 МВт-соат электрэнергия ишлаб чиқарган бўлар эди. Ускунанинг 1 ойда ҳақиқатда ишлаб чиқарган электрэнергияси миқдорини унинг тўлиқ қувватда ишлаб чиқариши мумкин бўлган электрэнергия миқдорига бўламиз:  $648\ 000$  МВт-соат /  $720\ 000$  МВт-соат = 0,9. Демак, электр ускунанинг ўрнатилган қувватидан фойдаланиш коэффициенти 90%га тенг экан.

**3. Қувватларни ўрнатишнинг умумий харажатлари (total installed cost - TIC).** Ушбу кўрсаткич энергетика корхоналарида асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун зарур материаллар, иш ҳаки ва субпудрат харажатлари йиғиндисини ҳисоблаш орқали аниқланади.

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида қуёш ва шамол электростанциялари ёрдамида олинаётган электрэнергия қиймати анъанавий электрэнергия қийматига нарх ва унумдорлик бўйича деярли тенглашиб қолди. Аксарият мамлакатларда қуёш ва шамол технологияларида субсидиялаштирилмаган LCOE даражаси бошқа технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган энергия қийматига нисбатан сезиларли даражада пасайди. Жумладан, 2010-2018 йилларда гидроэнергия ҳисобидан олинадиган

электрэнергия нархи 107,3%га қимматлашгани ҳолда, қуёш (фотоэлектрик) энергиясидан олинаётган электрэнергия нархи 77,0%га арzonлашди. Нарх нуқтай назаридан қирғоқларга ўрнатилган шамол ускуналари (1 МВт-соат учун 55 доллар) жағонда электрэнергия олишнинг энг арzon манбаига айланиб улгурди (5.3.1-жадвал).

### 5.3.1-жадвал

#### Тикланадиган энергиядан электрэнергия олиш харажатлари (LCOE), долл. / кВт-соат<sup>143</sup>

	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2018/2010 йй. ўзг., %
Биоэнергия	0,074	0,073	0,071	0,071	0,061	-17,5
Геотермал энергия	0,048	0,059	0,068	0,073	0,072	+50,0
Гидроэнергия	0,041	0,041	0,053	0,055	0,085	+107,3
Қуёш (фотоэлектрик)	0,370	0,133	0,119	0,097	0,085	-77,0
Қуёш (концентрация)	0,341	0,248	0,286	0,250	0,186	-45,5
Шамол (сув ичіда)	0,159	0,169	0,132	0,127	0,126	-20,8
Шамол (кирғоқ бүйіда)	0,084	0,067	0,065	0,064	0,055	-34,5

Шамол ва қуёш технологияларининг LCOE қўрсаткичи технологиялар турлари бўйича 1 МВт-соат учун 30-60 долларни ташкил этмоқда. Ушбу қўрсаткич қазиб чиқариладиган табиий газ ёрдамида олинадиган энг арzon электрэнергияга (1 МВт-соат учун 42–78 долл.) нисбатан ҳам паст ҳисобланади. Хитой, АҚШ, Германия, Хиндистон, Испания, Франция, Бразилия, Буюк Британия ва Канадада ерга ўрнатилган шамол генераторлари ёрдамида олинадиган электрэнергияга сарфланадиган харажатлар анъанавий манбаларга сарфаланадиган харажатларга тенглашди. Йирик қуёш электрстанцияларида эса LCOE қўрсаткичи 1 МВт-соат учун 43-53 долларни ташкил этмоқда. Ушбу ускуналар бўйича ҳам Хитой, Германия, АҚШ, Италия, Хиндистон ва Буюк Британия анъанавий манбалар бўйича нарх паритетига эришдилар.

### 5.3.2-жадвал

#### Тикланадиган энергия қувватларидан фойдаланиш коэффициентининг ўзгариши, фоиз ҳисобида<sup>144</sup>

	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019/2010 йй. ўзг., п.п.
Биоэнергия	71,7	75,1	67,1	85,7	77,6	+5,9
Геотермал энергия	86,9	88,9	84,8	80,9	83,9	-3,0
Гидроэнергия	43,9	50,6	50,2	47,8	46,8	+2,9
Қуёш (фотогальваник)	14,0	17,0	17,0	18,0	18,0	+4,0
Қуёш (концентрация)	30,0	40,5	36,2	38,6	45,2	+15,5
Шамол (денгизда)	37,9	39,1	38,9	46,5	42,5	+4,6
Шамол (кирғоқ бўйида)	27,0	29,0	31,0	32,0	34,0	+7,0

<sup>143</sup> <https://www.irena.org/Statistics/View-Data-by-Topic/Costs/Global-Trends> маълумотлари асосида тузилган.

<sup>144</sup> Ўша манба.

Жаҳон бўйича тикланадиган энергия қувватларидан фойдаланиш коэффициенти муқобил энергия олиш технологияларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бормоқда. Жумладан, 2010-2019 йилларда қуёш энергиясидан иситиш ва совутишда фойдаланиш билан боғлиқ технологиялардан фойдаланиш коэффициенти 15,5%га яхшиланган (5.3.2-жадвал).

Тикланадиган энергия қувватларини ўрнатишнинг умумий харажатлари геотермал ва гидроэнергия технологияларидан ташқари бошқа барча технологиялар бўйича арzonлашиб бормоқда. 2010-2018 йилларда 1 кВт-соат қуёш (фотогальваник) энергияси ишлаб чиқариш технологиясини ўрнатишнинг умумий харажатлари 4621 доллардан 1210 долларгача арzonлашган (5.3.3-жадвал).

### 5.3.3-жадвал

#### **Тикланадиган энергия қувватларини ўрнатишнинг умумий харажатлари, долл. / кВт-соат<sup>145</sup>**

	2010	2015	2016	2017	2018	2018/2010 йй. ўзг., %
Биоэнергия	2555	2557	2137	2847	2105	-17,6
Геотермал энергия	2543	3435	3607	3761	3976	+56,4
Гидроэнергия	1232	1465	1753	1768	1492	+57,6
Қуёш (фотогальваник)	4621	1825	1609	1389	1210	-73,8
Қуёш (концентрация)	8829	7232	7602	7196	5204	-41,1
Шамол (денгизда)	4572	5086	3764	4642	4353	-4,8
Шамол (қирғоқ бўйида)	1915	1612	1611	1601	1499	-21,7

**Тежамкор ва ишончли энергия тизимлари интеграцияси.** Электрэнергия олишда шамол ва қуёш ускуналаридан фойдаланишда дуч келиш мумкин бўлган тўсиқлардан бири уларда электрэнергия ишлаб чиқаришда барқарорликнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. XXI аср бошларида ушбу соҳада вазият ўзгармоқда. Тикланадиган энергия манбаларини энергия тизими тармоқларига интеграциялаш ушбу муаммонинг ечими сифатида қаралмоқда. Шамол ва қуёш энеретикасини аралаш қўллаш электрэнергия нархини пасайтиришнинг муҳим омилига айланниб бораётир. Қуёш ускуналари электрэнергия нархини кундуз кунлари пасайтириш имконини берса, шамол генераторлари нархнинг кечки пайтларда нархини арzonлаштириш имконини яратмоқда. АҚШнинг шамол ва қуёш энергияси бозорида етакчи мавқега эга 15 штатида электрэнергия нархи мамлакатдаги ўртacha нархдан арzon ҳисобланади. Техас штатида шамол энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми охирги ўн йил ичida 645%га ўсган ва штат электрэнергия тизими мамлакатдаги энг ишончли тизимлардан бирига айланди. Германияда шамол ва қуёш энергияси ёрдамида олинган электрэнергия нархи охирги ўн йил ичida 2 марта пасайган. Данияда эса шамол ва қуёш энергияси мамлакатда ишлаб чиқарилаётган жами энергиянинг 53,0%ини ташкил этади. Германия ва Дания энергия тизими ўзаро интеграциялашган ва дунёдаги энг барқарор энергия тизими ҳисобланади.

<sup>145</sup> <https://www.irena.org/Statistics/View-Data-by-Topic/Costs/Global-Trends> маълумотлари асосида тузилган.

**Муқобил энергия соҳасида технологик ечимларнинг ривожланиши.** Соҳада қўлланилаётган инновациялар энергия ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва энергия олиш ускуналарини эксплуатация қилиш (автоматлаштириш, илғор ишлаб чиқариш технологиялари)дан тортиб қайта тикланадиган энергиядан самарали фойдаланишга қўмаклашувчи (метеорологик прогнозлаш), муқобил энергия бозорлари самарадорлигини ошириш (блокчейн) ва қуёш панеллари, шамол турбиналари ишлаб чиқариш учуг зарур материаллар (илғор материаллар) технологияларгача ўзгариб туради.

#### 5.3.4-жадвал

#### “Ақлли шаҳарлар”нинг авлодлари<sup>146</sup>

Авлод	Тавсифи	Асосий белгилари
Smart Sity 1.0	Технологик ривожланган	Шаҳарларда барқарорликни таъминлаш ва бошқарув самардорлигини ошириш мақсадида технологияларни қўллаш Инфратузилманинг электрлаштирилганлиги, ёпик IT-технологияларнинг жорий этилганлиги, яrim автоматик инфратузилманинг шаклланганлиги Энергетика соҳасида: электрэнергияни бошқариш тизимлари
Smart Sity 2.0	Юқори технологик бошқарувга эга	Ҳаёт сифатини ошириш ва соғлиқни сақлаш, транспорт, атроф-муҳит соҳаларида муаммоларни ҳал этиш мақсадида технологияларни қўллаш IT, 3G/4G технологияларни жорий этиш ҳисобидан Smart Sity нинг бирламчи рақамли инфратузилмасини шакллантириш, кенг полосали ва мобил Интернетдан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги Энергетика соҳасида: электрэнергияни тақсимлаш ва бошқарувнинг “ақлли” тизимлари (Smart Gird, Micro Gird, Advanced Metering Infrastructure)
Smart Sity 3.0	Юқори даражада интеллектуал интеграциялашган	Ижтимоий интеграция ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирувчи технологиялар бирлашмаси. Реал вақт режимида инфратузилма соҳаларида маълумотларни йиғиш, таҳлил этиш ва жараёнларни бошқариш учун тўлиқ интеграциялашган интеллектуал инфратузилмани шакллантириш. Иқтисодиёт секторларининг рақамли трансформациялашуви. Энергетика соҳасида: электрэнергияни тақсимлаш ва бошқариш тизимларини бирлаштириш (Connected Smart Gird Systems), фаол истеъмолчи, тикланадиган энергия манбалари

Замонавий материаллар ва янги технологиялар: первоскит ва 3D-печать шамол ва қуёш энергетикасини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Первоскит ёрдамида қуёш энергиясини олиш технологияси жадал суръатларда

<sup>146</sup> Зеленые сертификаты: мировой опыт и планы в России //Энергетический бюллетень, №80, 2020. С.19.

ривожланиб бормоқда. Ушбу технология кашф этилганидан кейинги 10 йил ичида қүёш панелларининг фойдалалик коэффициентини кескин ошириш имконини яратди. Ушбу коэффициентга кремнийдан фойдаланиб эришиш учун 50 йилдан ортиқ вақт зарур бўлган эди. 2018 йилнинг июнь ойида Буюк Британия ва Германияга тегишли инновацион компания қўёш нурларини электрэнергияга айлантириш бўйича янги энг юқори – 27,3%лик қўрсаткичга эришдилар.

**Тикланадиган энергиядан фойдаланувчи “ақлли” шаҳарлар.** ХХI аср бошларида аҳолининг катта қисми жадал суръатларда ўсиб бораётган шаҳарларда истиқомат қиласди. Ушбу шаҳарларнинг маъмурияти шаҳар инфратузилмасини бошқаришда турли кузатув қурилмалари ва маълумотларни таҳлил қилиш тизимларидан, яъни “ақлли шаҳар” концепциясидан фойдаланишга ҳаракат қилишади.

Жаҳон амалиётида “ақлли шаҳар”лар амалга оширилаётган лойиҳалар ва қўлланилаётган технологияларга боғлиқ ҳолда уч авлодга ажратилади (5.3.4-жадвал).

Технологик жиҳатдан ривожланган “ақлли” шаҳарларда эса аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш маъмурий бошқаришнинг марказида туради. Ушбу мақсадга эришишда қўёш-шамол энергетикаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки “яшил энергетика” атроф-муҳитни ифлослантириш, иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш ва энергия тизимлари барқарорлигини таъминлаш имкониятини янада оширади. Дунёning айрим йирик шаҳарларида тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш даражаси 30%дан ошади (5.3.5-жадвал).

#### 5.3.5-жадвал

#### Тикланадиган энергиядан фойдаланувчи йирик “ақлли” шаҳарлар<sup>147</sup>

Шаҳар	Аҳолиси, млн. киши	Йил давомида ишлаб чиқарилган электрэнергия таркибида қўёш ва шамол энергиясининг улуси, %
Сан-Диего	1,4	33
Лос-Анжелес	4,1	20
Жайпур	3,0	20
Гамбург	1,8	14,8
Торонто	2,8	12,0
Банглор	11,0	10,0
Сеул	10,3	6,6
Тайнань	1,9	5,1
Париж	2,3	4,2

#### Марказлашган энергия тизимлари доирасида ва ундан ташқарида тикланадиган уй-жой хўжалиги энергетикаси.

Қўёш энергиясидан уй-жой хўжалигида фойдаланиш жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. “Уй-жой хўжалигида қайта тикланадиган энергетика” концепцияси муқобил энергия ишлаб чиқариш билан биргаликда энергияни

<sup>147</sup> <https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/ru/Documents/energy-resources/Russian/global-renewable-energy-trends.pdf>

сақлаш ва энергия таъминотини бошқариш тизимини ҳам қамраб олади. Марказлашган энергия тизими билан қамраб олинмаган ҳудудларда қайта тикланадиган уй-жой хўжалиги энергетикаси уй хўжаликларини оптималь электрлаштириш имконини яратади. Ушбу соҳада муқобил энергия ресурсларидан биргаликда фойдаланишга асосланган “энергетика кооперативлари” кенг тарқалган. Жаҳон энергетика кооперативлари бозорида Германия етакчи мавқега эга. 2017 йилда мамлакатда ўрнатилган қайта тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш қувватларининг 40%дан ортиғи энергетика кооперативлари ҳиссасига тўғри келган.

**Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришда корпорациялар ролининг ортиб бориши.** Тикланадиган энергия бозорида корпорациялар фаоллиги ортиб бормоқда ва улар бу жараёнга кўпроқ тармоқларни жалб этишмоқда. Ушбу корпорацияларни кўпроқ муқобил энергияни етказиб бериш сифати қизиқтиргани боис соҳада Энергия хариди тўғрисидаги келишув (PPA), анъанавий энергия тизимларида “яшил тарифлар” ва тикланадиган энергия соҳасида талаблар ёки мажбуриятлар каби дастаклар кенг тарқалмоқда.

PPA компаниялар учун тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан реал қўшимча энергия қувватларини олиш имконини яратади. Ҳозирда компаниялар тикланадиган энергияни харид қилиш жараёнига бошқа тармоқлардан кўплаб истеъмолчиларни жалб этишга ҳаракат қилишмоқда. PPA қўшимча электрэнергия қувватларига эга бўлиш имкониятини берса-да, ушбу имконият аксарият ҳолларда йирик компанияларга тегишлидир. PPA корпоратив харидларнинг кенг тарқалаётган дастагига айланиб бормоқда.

Корпорациялар томонидан 2019 йилда дунёning 23 та мамлакатида 20Гвт миқдорида PPA имзоланган<sup>148</sup>. Ушбу кўрсаткич охирги ўн йилда корпорациялар томонидан имзоланган келишувларнинг 40%ини ташкил этади. Google компанияси 2,7 ГВт га teng тикланадиган энергия харид қилиш орқали 2019 йилнинг энг йирик корпоратив харидорига айланди. 2020 йилнинг бошларида дунёning 229 та етакчи корпорациялари RE100 ташаббусига кўшилишди ва юз фоиз тикланадиган энергиядан фойдаланиш мажбуриятини олишди<sup>149</sup>.

#### **5.4. “Яшил энергетика”ни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибаси**

“Яшил энергетика” миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежовчи технологиялар ва тикланадиган энергия манбаларини тадбиқ этиш орқали маҳсулот таннархини камайтиришни талаб этади. Энергия тежамкорлиги техник жиҳатдан амалга ошиrsa бўладиган, иқтисодий жиҳатдан асосланган, экологик ва ижтимоий нуқтаи назардан мақбул бўлган

<sup>148</sup> <https://about.bnef.com/blog/corporate-clean-energy-buying-leapt-44-in-2019-sets-new-record/>

<sup>149</sup> [https://www.ren21.net/gsr-2020/#target\\_9](https://www.ren21.net/gsr-2020/#target_9)

ҳаётимизнинг одатий тарзини ўзгартирмайдиган инновацион қарорларни қабул қилиш ҳисобидан энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлариdir.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида энергия сифимкорлигини пасайтириш сабабларидан бири янги техника ва юқори технологияларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу имконият ўз навбатида энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини оширишини мамлакатнинг илмий-технологик ривожланиш стратегиясида устувор йўналишлардан бири сифатида қабул қилинганлиги билан изоҳланади. Дунёning аксарият мамлакатларида энергетика ва атроф-мухит муҳофазаси соҳасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар шу турдаги жами харажатларнинг 4,5%ини, атроф-мухитга ажратилаётган харажатлар эса 1,7%ни ташкил этади<sup>150</sup>.

Жаҳонда “яшил энергетикани” ривожлантириш тажрибаси таҳлили, соҳани тартибга солишининг маъмурий, иқтисодий ва ахборот дастаклари мавжудлигини кўрсатмоқда.

**1. Маъмурий дастаклар.** Маъмурий дастаклар “яшил энергетика”ни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган меъёрий-хуқуқий чеклов ва рағбатлантиришлар ҳисобланади. Жумладан, АҚШда 1997 йилдан бошлаб “Миллионта қуёш томлари” миллий дастури амал қилмоқда<sup>151</sup>. Унга мувофиқ бино томларига қуёшда ишлайдиган энергия тизимлари ўрнатилиши зарур. 2010 йилдаёқ мамлакатдаги 13 та “қуёш шаҳар”ларида 1 миллионта уйнинг томига қуёш тизимлари ўрнатилди.

**2. Иқтисодий дастаклар.** Мазкур дастаклар энергетика соҳасида нарх механизми ва иқтисодий субъектлар фаолиятини ўзгартиришга хизмат қилувчи бозор муносабатлари ёрдамида ишлайди. “Яшил энергетика”ни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий дастаклари турли-туман бўлиб, жаҳон амалиётида қуйидаги дастаклардан фаол фойдаланилади.

**Имтиёзли кредитлаш дастурлари.** Японияда ушбу ўн йиллик дастур муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва ортиқча ишлаб чиқарилган электр энергияни сотиб олишни қўллаб қувватлаш учун ажратилган. Бу каби дастурлар Италия, Швеция, Германия, Корея Республикасида энергия самарадорлиги юқори технологияларни ҳарид қилишда солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш кўринишида кенг қўлланилади.

**Давлат субсидиялари ва дотация.** Дания ҳукумати томонидан иссиқлик таъминоти тизимини биоёқилғига ўтказиш оқибатида истеъмолга узатиладиган иссиқлик энергияси нархи ўсадиган бўлса, у ҳолда инвестиция субсидияси тақдим этилади. Шунингдек ишлаб чиқаришнинг энергия самардорлигини ошириш ва иссиқлик электростанцияларини модернизация қилиш лойиҳаларига ушбу имконият жорий этилади.

<sup>150</sup> OECD Science, Technology and Industry Scoreboard 2015: Innovation for growth and society. URL: [http://dx.doi.org/10.1787/sti\\_scoreboard-2015-en](http://dx.doi.org/10.1787/sti_scoreboard-2015-en)

<sup>151</sup> [http://www.flasolar.com/million\\_solarroofs.php](http://www.flasolar.com/million_solarroofs.php)

**Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун инвестициялар.** 2019 йилда тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш учун йўналтирилган венчур капитали миқдори бўйича Ҳиндистон (1,4 млрд. Долл.), АҚШ (797 млн. долл.) ва Европа минтақаси (443 млн. долл) етакчилик қилишиди<sup>152</sup>.

**Сертификатлаштириш дастурлари.** АҚШда ишлаб чиқариш корхоналари энергия самарадорлигини доимий оширишни таъминлаш учун 2012 йилдан бошлаб “Юқори энергия самарадорлиги” (Superior Energy Performance) сертификатлаш дастури амалиётга жорий қилинган. Ушбу дастурнинг асосий мақсади энергия менежментига ISO 50001 халқаро стандартини жорий қилиш бўлиб, бунда энергия самарадорлиги бўйича мақсадларни ўрнатиш ва эришилган ютуқларни доимий назорат қилиб бориш талаблари қўшимча тарзда ўрнатилган<sup>153</sup>.

**Энергоменежмент тизимини жорий қилиш.** АҚШ, Дания, Ирландия ва Швеция каби давлатларида ихтиёрий тарзда энергоменежментни жорий қилиш тартиби белгиланган бўлиб, бунда хукумат томонидан энергия самарадорлик бўйича мақсадли параметрларга эришиш учун саноатни техник қўллаб-қувватлаш, маслаҳат ва иқтисодий рағбатлар кўрсатилади.

**Грантлар.** Ривожланган давлатлар хукуматлари томонидан корхоналарга энергия самарадорлигини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш учун грантлар шаклида ёрдам бериш қонун билан белгилаб қўйилган. Масалан, Қўшма Штатларда ушбу дастурларни амалга оширишда саноат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш қонун билан рухсат этилади. Дания худудида иссиқлик тармоқларини қуриш ва таъмирлаш учун инвестиция грантлари мавжуд бўлиб, капитал қўйилмаларнинг 30-60 фоизи қопланади.

**Энергия ресурслари нархини тартибга солиши.** Швецияда электр энергиясини охирги истеъмолчиларга сотиш баҳоси бевосита электр нархидан, энергетик самарадорлик учун “яшил сертификатлар”, тармоқдан фойдаланиш ҳақи ва солиқлардан (энергия солиғи ва қўшилган қиймат солиғи) иборат бўлса, Қозогистонда қайта тикланувчи манбалардан электр энергияси ишлаб чиқаришни амалга оширувчи инвесторларга солиқ имтиёзлари, муддати кафолатли ва қатъий белгиланган тарифларда сотиш бўйича узок муддатли шартномалар тузиш қонун билан мустаҳкамланган.

**3. Ахборот дастаклари.** Ушбу дастаклар “яшил энергетика”ни оммалаштиришга хизмат қилувчи чора-тадбирлардан иборат бўлади. АҚШда 1992 йилдан бошлаб Энергетика вазирилиги ва Атроф-муҳит муҳофазаси агентликлари томонидан ишлаб чиқилган “Energy Star” дастури амал қиласди. Мазкур дастур доирасида энергия истеъмоли ўртacha энергия истеъмоли кўрсаткичидан 20-30%га паст бўлган қурилмалар “Energy Star” дастурининг обрўли логотипи билан маркировкаланади. Ҳозирда “Energy Star” логотипини 60 дан ортиқ гурух товарларда кўриш мумкин. Бу дастур доирасида лицензион

<sup>152</sup> Frankfurt School-UNEP Centre/BNEF. 2020. Global Trends in Renewable Energy Investment 2020, <http://www.fs-unep-centre.org> Copyright © Frankfurt School of Finance & Management GmbH 2020. P.65.

<sup>153</sup> <https://www.energy.gov/eere/amo/superior-energy-performance>

ва ҳамкорлик келишувлари саноат соҳаси (2000 дан ортиқ), чакана савдо (2000 дан ортиқ), курилиш компаниялари (6000 дан ортиқ) ва бизнеснинг бошқа соҳаларида амал қиласи. 2017 йилда “Energy Star” маҳсулотларини сертификатлаш билан 23 та мустақил ташкилот ва 255 та лабораториялар фаолият олиб борган<sup>154</sup>.

## 5.5. Ўзбекистонда “яшил энергетика”ни ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистонда истеъмол қилинаётган электрэнергиянинг катта қисми (88,7%) иссиқлик электростанцияларида ишлаб чиқарилади. Бунда энергия истеъмоли таркибининг ўзагини нефть ва газ ресурслари ташкил этади. Табиий газ ва нефтдан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси сақланиб қолган ҳолда уларнинг захиралари табиий газ ва нефтга бўлган эҳтиёжни 20-30 йил давомида қондиришга етиши мумкин. Агар миллий иқтисодиётда электр энергиясига бўлган йиллик эҳтиёж ҳозирги 59-60 млрд. кВт/соатдан 2030 йилга бориб 107 млрд. кВт/соатгача ортишини эътиборга оладиган бўлсак, табиий нефть ва газ захираларининг тугаш муддати янада қисқариши табиий.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ва аҳоли эҳтиёжлари ўсиши натижасида электр энергиясига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. 2000 йилда бир нафар майший фойдаланувчи бир ойда 114 кВт/соат электр энергияси ишлатган бўлса, охирги йилларда бу кўрсаткич 200 кВт/соатга етди. Бугунги кунда республикамиз бўйича электр энергиясидан умумфойдаланишда аҳоли улуши 26,5%га етган. Ваҳлонки, 1990 йилда ушбу кўрсаткич 13,9%га teng эди. Электр энергияси ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар таркибида табиий газ, мазут, кўмир улуши 43 фоизга teng. Мамлакат иссиқлик электр станцияларида йилиги 17 млрд. м3 табиий газ сарфланмоқда. Иссиқлик электр станцияларида сарфланётган газни қўшимча қиймат яратиш (синтетик ёқилғи, полипропилен олиш) жараёнларига йўналтириш ижтимоий (аҳоли бандлиги, атроф муҳит муҳофазаси) муаммоларни ҳал этиш имкониятларини янада оширади<sup>155</sup>.

Мутахассислар томонидан Ўзбекистоннинг умумий энергия тежаш салоҳияти йилига 3 млн. тонна нефть эквивалентида баҳоланмоқда. Улардан фойдаланиш натижасида 40 млн. тонна ортиқча чиқинди газларини камайтириш имкони бор. Энергия тежаш энергия ресурсларига бўлган талабни қондириш учун янги электр ва иссиқликни ишлаб чиқариш кувватларини қуришдан 2-5 баробар кўпроқ фойдали бўлади. Иқтисодиётнинг энергия кўп сарфлайдиган тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни жорий этиш 30-40% гача энергия сарфини тежаш имконини беради<sup>156</sup>.

<sup>154</sup> [https://www.energystar.gov/index.cfm?fuseaction=recognized\\_bodies\\_list.show\\_RCB\\_search\\_form](https://www.energystar.gov/index.cfm?fuseaction=recognized_bodies_list.show_RCB_search_form)

<sup>155</sup> <https://www.uzenergoinspeksiya.uz/press/yangiliklar/yashil-energetika-zbekistonda-ushbu-y-nalishdagi-ishlar-rivozhiga-nimalar-t-s-inlik-ilmo-da/>

<sup>156</sup> <https://www.podrobno.uz/cat/economic/potencial-energo-uzb>

Хозирги вақтда “яшил энергетика” тури ҳисобланган гидроэлектростанциялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган электр энергияси жами электрэнергиянинг бор-йўғи 11,3%ини ташкил этмоқда. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларининг катта имкониятлари мавжуд. Қуёш энергияси, кичик дарёлар, сув омборлари ва каналлар, органик ва ноорганик чиқиндилардан ишлаб чиқариладиган биогаз энергияси бу борада истиқболли ҳисобланади. Ўзбекистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятлари жуда юқори. Мамлакатимизда йил давомида қуёшли кунлар сони 320 кундан ортиқни ташкил этади ва қуёш энергияси миқдори 51 млрд. тонна нефть эквивалентидан ошиб кетади. Электр энергиясини ишлаб чиқаришда қуёш электростанцияларидан анъанавий манбалар билан биргаликда уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланиш ҳар йили 1,8 млрд. куб метр табиий газни тежаб қолиш имконини беради.

Европалик мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда бир йилда йиллик истеъмол ҳажмидан 40 баравар кўп электрэнергия ишлаб чиқариш имконияти мавжуд ва замонавий технологияларни амалиётга кенг миқёсда жорий этиш орқали 2030 йилга қадар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг энергия сифимкорлигини икки бараварга камайтириш мумкин<sup>157</sup>.

“Яшил энергетика”ни ривожлантириш Ўзбекистонда энергетик, экологик, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ва энергетика соҳасини барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “Энергия тежовчи технологиялар ва тизимларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури” тўғрисидаги ПҚ-2343-сонли, 2017 йил 26 майдаги “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-3012-сон, 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сон, 2020 йил 13 май куни “Самарқанд вилоятида қуввати 100 мвт бўлган фотоэлектрик станцияни қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4712-сон қарорлари шулар жумласидандир.

Республикамизда тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни давлат томонидан рағбатлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари учун қатор солиқ имтиёzlари ва преференциялар қўлланилади<sup>158</sup>:

<sup>157</sup> [www.energycharter.org](http://www.energycharter.org)

<sup>158</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Конуни

- қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан;

- қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал куввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга мол-мулк солиғини ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғини тўлашдан;

- ишлаб турган энергетика ресурслари тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этилади.

Мамлакатда 2018 йил 1 январдан бошлаб Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида<sup>159</sup>:

- давлат органлари ва муассасаларининг бино ва иншоотлари, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва фойдаланишга топширишда уларда энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланилганлиги юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлиги текширилади;

- якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш ва қуришда, иссиқ сув таъминоти учун сертификатланган қўёш сув иситкич қурилмаларини, шунингдек, энергия тежамкор лампаларни мажбурий тартибда ўрнатиш кўзда тутилади.

Мамлакатимизда “яшил энергетика”ни ривожлантиришда дастлабки амалий қадамлар ташланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 октябрда Франция Республикасига расмий ташрифи давомида “Total Eren SA” (Франция) компанияси билан Самарқанд вилоятида умумий куввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва ишлатиш тўғрисида ҳамкорлик битими имзолангандиги, ушбу инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасида иш юритадиган “Tutly Solar” масъулияти чекланган жамияти шаклида хорижий инвестиция иштирокидаги корхона таъсис этилди. 2019 йил 13 сентябрда Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасида Инвестиция битими тузилди. “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида битимга мувофиқ лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилган электр энергияси “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан ягона харидор сифатида сотиб олади<sup>160</sup>.

<sup>159</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сон Қарори.

<sup>160</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 май куни “Самарқанд вилоятида куввати 100 мвт бўлган фотоэлектрик станцияни қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4712-сон қарори

2019 йилда БАА Masdar Clean Energy компанияси 100 МВт қувватга эга қуёш электрстанциясини қуриш ҳуқуқини қўлга киритди (1 кВт<sup>\*</sup>с нархи 2,679 цент). Тендерда Хитой, Корея Республикаси, Япония, Саудия Арабистони, Россия ва бошқа мамлакатлардан 23 та компания қатнашди. Тижорат тендерида “Acwa Power” (Саудия Арабистони); “Jinko Power” ва “Aljoimah Energy & Water Consortium” (Хитой/ Саудия Арабистони); “Masdar” (БАА); “TBEA Xinjiang Sunoasis Co Ltd” (Хитой) ва “Total Eren” (Франция) компаниялари иштирок этди. Яқин истиқболда қуёш энергетикаси соҳасида 400 ва 500 МВт қувватга эга янги иккита лойиҳа эълон қилиниши кутилмоқда. 2030 йилга қадар мамлакатда қуёш энергияси миқдорини 5 ГВт га етказиш ва умумий энергия истеъмоли таркибида тикланадиган энергия манбалари улушини 21%га етказиш режалаштирилган.

#### 5.5.1-жадвал

#### **Тикланадиган энергетикани янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (МВт)<sup>161</sup>**


№	Кўрсаткичлар	Жорий қилинадиган энергия қувватлари (прогноз)			
		2019 й.	2020 й.	2021 й.	2025 й.
	<b>Жами</b>	<b>1 159,7</b>	<b>2 991,5</b>	<b>5 222,5</b>	<b>7 401,9</b>
	жумладан:				
1.	<b>Анъанавий энергетика</b>	<b>802,0</b>	<b>2 409,0</b>	<b>4 218,6</b>	<b>5 406,0</b>
2.	<b>Тикланадиган энергетика</b>	<b>357,7</b>	<b>582,5</b>	<b>1 003,9</b>	<b>1 995,9</b>
	шундан:				
2.1.	Гидроэнергетика	157,7	382,5	601,9	1 243,9
2.2.	Қуёш энергетикаси	200,0	200,0	300,0	450,0
2.3.	Шамол энергетикаси			102,0	302,0

Қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхатига кўра 2017-2025 йилларда умумий қиймати 5,3 млрд. доллар бўлган 810 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

2017-2021 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишини ривожлантириш ва энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, унда норматив-ҳуқуқий хужжатларни, манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва бошқа устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 28 та чора-тадбирлар кўзда тутилган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришнинг 49,3 фоизи, корхоналарнинг ўз маблағлари, 40,8 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлар, 7,3 фоизи Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, 2,6 фоизи тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳисобидан амалга оширилади. Лойиҳаларнинг технологик таркиби таҳлили уларнинг 79,3 фоизи янги

<sup>161</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли қарори.

куриладиган, 20,7 фоизи эса модернизацияланадиган лойиҳалар эканлигини кўрсатмокда (5.5.1-расм).



### 5.5.1-расм. “Яшил энергетика”ни ривожлантириш бўйича инвестицион лойиҳалар таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида<sup>162</sup>

Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш учун 2017-2021 йилларда давлат бюджетидан 314,1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади. Қарор доирасида қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши куйидагиларни таъминлаш имконини беради (5.5.1-жадвал).:

- қонунчилик ва норматив базани такомиллаштириш, энергия тежайдиган технологияларни, замонавий ҳисоблаш ускуналарини жорий қилишга ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан янада оқилона фойдаланишга аҳолини ва хўжалик юритувчи субъектларни кенг жалб қилиш;
- 2025 йилга келиб электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари таркибида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушкини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга етказиш;
- ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини кескин қисқартириш (9 792,0 тонна шартли ёқилғи ёки йилига 8-10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда);
- Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими марказининг 6333 та бюджет ташкилотида 17251 та иситиш қозонини замонавий энергияни тежайдиганларига алмаштириш ва 56,5 миллион куб метрдан ортиқ табиий газни тежаш;
- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотларида 1523 та энергияни кўп истеъмол қилувчи электродвигателни ва 879 та насосни

<sup>162</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли қарори.

алмаштириш ва 807,3 миллион кВт.соатдан ортиқроқ электр энергиясини тежаб қолиш;

- энергияни тежайдиган технологияларнинг кириб келишини кенгайтириш, солиқ ва божхона имтиёзлари бериш ҳисобига қайта тикланувчи манбалардан энергия ҳосил қилувчи ускуналарни кўллаган ҳолда энергиядан фойдаланиши рағбатлантириш;

- қайта тикланмайдиган углеводород ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатдошлигини ошириш, шу асосда иқтисодиёт тармоқларини ва аҳолини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаб бориш;

- қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия истеъмоли жиҳатидан самарадорлиги юқори технологияларни трансфер қилиш, ушбу соҳадаги ускуналар ва бутловчи қисмларни маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариш;

- аҳоли учун кафолатланган энергия ресурсларининг очиқлигини таъминлаш, жумладан, узоқ қишлоқ ҳудудларида аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва уларнинг фаровонлигини ошириш.

Шу муносабат билан ушбу дастурга қуёш ва шамол электр станцияларини куриш учун тўртта инвестиция лойиҳалари киритилган бўлиб, улардан учтаси Самарқанд, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида ҳар бири 100 МВт қувватга эга бўлган қуёш стансиялари ва Навоий вилоятида 102 МВт қувватга эга бўлган битта шамол станциясидир. Бундан ташқари, товарларнинг импорт ҳажмини ва таркибини (иш ва ҳизматлар) танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш комиссияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган, технологик хужжатлар билан таъминланган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, тадбирларни амалга ошириш учун импорт қилинаётган, рўйхат асосида чора-тадбирлар Дастурига киритилган асбоб-ускуналар, хом-ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари)дан озод қилинди.

Мамлакатимизда “яшил энергетика”ни ривожлантириш учун иқтисодиётнинг энергия балансида тикланадиган энергия манбалари улушкини кескин ошириш зарур. Табиий иқлим ва географик жойлашув хусусиятларидан саноат, қишлоқ хўжалиги, уй-жой коммунал соҳаси, аҳоли турар жойларида келиб чиқиб қуёш, сув ва шамол энергиясидан кенг фойдаланиши рағбатлантириш лозим. “Яшил энергетика”ни амалиётга жорий этишда қуидаги иқтисодий механизmlарни фаол қўллаш мақсадга мувофиқ:

- тикланадиган энергия манбалари тизимиға уланиш харажатларининг давлат томонидан қоплаш;

- тикланадиган энергия манбалари тизимиға уланиш билан боғлиқ давлат кафолатларини жорий қилиш;

- тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш даражасини кўрсатувчи “яшил сертификатлаш” тизимини жорий қилиш;

- тикланадиган энергия манбаларига нисбатан қатъий белгиланган тарифларни жорий қилиш;
- иқтисодиёт тармоқларида юқори энергия сифимкорлигига эга бўлган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар импортини квоталаш ҳамда юқори импорт таърифларини жорий қилиш;
- энергия сифимкорлиги паст бўлган мавжуд қувватдаги асбоб-ускуналар ва жиҳозлар учун кредитлаш тизимини жорий қилиш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг энергияни тежаш ва энергия самарадорлиги бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш.

## **Назорат саволлари**

1. Жаҳонда ёқилғи энергетика ресурсларининг етишмаслиги ва энергия истеъмолининг ортиб боришига қандай омиллар таъсир кўрсатмоқда?
2. “Тикланадиган энергия” нима ва у қайси манбалар ҳисобидан ишлаб чиқарилади?
3. Тикланадиган энергия истеъмолининг тармоқ ва географик таркибидаги ўзгаришларга қайси омиллар таъсир кўрсатмоқда?
4. “Яшил энергетика”нинг жадал суръатларда ривожланишининг сабаблари ва омиллари нималардан иборат?
5. Дунё амалиётида “яшил энергетика” соҳаси давлат томонидан қандай усууллар ёрдамида қўллаб-кувватланади?
6. Ўзбекистонда “яшил энергетика”ни ривожлантириш истиқболларини баҳоланг.

## **Асосий тушунчалар**

**BTU (British thermal unit)** - Британия иссиқлик бирлиги.  $1 \text{ BTU} = 2,52 * 10^{-8}$  т.н.э.

**Тикланадиган энергия** – табиий манбалар ҳисобидан олинадиган энергия.

**Муқобил энергия** – анъанавий қазиб чиқариладиган ёқилғини қайта ишлаш ҳисобига олинадиган энергияга муқобил равишда олинадиган энергия.

**“Яшил энергетика”** – анъанавий энергетикага нисбатан табиатга жуда кам заарар етказадиган энергетика.

**“Яшил энергетика” концепцияси** – қазилма ёқилғи сарфисиз, иссиқхона газларини чиқармайдиган ва атроф-муҳит экологиясига зиён етказмаган ҳолда энергия таъминотини амалга оширишни кўзда тутувчи концепция.

**Электрэнергия ишлаб чиқариш харажатлари коэффициенти (Levelized Cost of Electricity - LCOE)** – ишлаб чиқарилаётган электрэнергия қийматини ўлчаш усули.

**Кувватлардан фойдаланиш коэффициенти (capacity factors)** – ўрнатилган электр ускунанинг муайян вақт оралиғида ишлаш қувватини унинг

ўртача арифметик тўлиқ қувватига бўлиш орқали аниқланадиган, энергетика соҳаси корхоналарининг иш самарадорлигини тавсифловчи қўрсаткич.

**Қувватларни ўрнатишнинг умумий харажатлари (total installed cost - TIC)** – энергетика корхоналарида асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун зарур материаллар, иш ҳақи ва субпудрат харажатлари йиғиндиси.

**“Ақлли шаҳар”** – шаҳар инфратузилмасини бошқаришда ахборот-коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан келиб чиқиб қарорлар қабул қилишни интеграциялаш концепцияси.

**“Уй-жой хўжалигида тикланадиган энергетика”** – уй-жой хўжалиги эҳтиёжлари учун муқобил энергия ишлаб чиқариш, энергияни сақлаш ва энергия таъминотини бошқариш тизимини ривожлантириш концепцияси.

**Микро ва кичик гидроэлектростанциялар** – электр энергияси ишлаб чиқариш учун сув оқимларининг табиий ҳаракати энергиясидан фойдаланувчи, ўрнатилган қуввати тегишлича 0,2 МВт ва 30 МВтгача бўлган тўғонсиз гидроэлектростанциялар.

**Тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш** – илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, қидирув, жорий этиш, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари ва фойдаланишга доир ишлар, шунингдек тикланадиган энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, ташиш, тўплаш, реализация ва истеъмол қилиш билан боғлиқ фаолият.

**Тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан энергия ишлаб чиқарувчилар** – тикланадиган энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахслар.

**Тикланадиган энергияни ўзлаштириш қурилмалари** – тикланадиган энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, энергияни қабул қилиб олиш, ўзгартириш, тўплаш ва узатиш, ҳисобга олиш бўйича технологик асбоб-ускуналар мажмуаси, технологик ва бутловчи асбоб-ускуналар.

**Тикланадиган энергияни ўзлаштириш қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар** – тикланадиган энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар.

**Тикланадиган энергия манбалари бўйича халқаро агентлик** (The International Renewable Energy Agency - IRENA) — 2009 йилда барча турдаги тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш учун асос солинган ташкилот организация. IRENA тикланадиган энергия манбалари, жумладан техник маълумотлар тўғрисидаги ахборотларни олишга кўмаклашади.

**REN21** – Бонн шаҳрида 2004 йилда ўтказилган Тикланадиган энергия бўйича халқаро конференция натижасида ташкил этилган, тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш сиёсатини қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи таҳлилий марказ.

**McKinsey & Company** – стратегик бошқарув билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга ихтисослашган халқаро маслаҳат (консалтинг) компанияси.

**Халқаро энергетика агентлиги** (International Energy Agency - IEA) – ИХТТ тасарруфидаги халқаро автоном ташкилот. 1974 йилда Париж шаҳрида нефть инқизозидан кейин ташкил этилган.

**Bloomberg Янги энергетикани молиялаштириш** (Bloomberg New Energy Finance - BloombergBNEF) – АҚШнинг Bloomberg маслаҳат (консалтинг) компанияси бўлими, ўз мижозларига глобал энергетика бозоридаги ўзгаришлар тўғрисида чуқур таҳлилий маълумотлар етказиб бериш билан шуғулланади.

**BP, “Би-Пи”** – 2001 йилгача British Petroleum, деб номланган нефт-газ соҳасида фаолият юритадиган трансмиллий компания.

**Enerdata** – халқаро даражада саноатнинг энергетика тармоқларида тадқиқотлар олиб бориш билан шуғулланадиган мустақил ахборот-консалтинг компанияси.

## Тестлар

### 1. Тикланадиган энергия – бу:

- атом энергияси
- табиий манбалар ҳисобидан олинадиган энергия
- қазиб чиқариладиган ёқилғидан энергия
- йирик гидростанциялардан олинадиган энергия

### 2. Муқобил энергия манбалари ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган электрэнергия қийматини ўлчаш усули ...

- электрэнергия ишлаб чиқариш харажатлари коэффициенти
- кувватлардан фойдаланиш коэффициенти
- кувватларни ўрнатишнинг умумий харажатлари
- энергия сифимкорлиги кўрсаткичи

### 3. Энергетика соҳаси корхоналарининг иш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич ...

- электрэнергия ишлаб чиқариш харажатлари коэффициенти
- кувватларни ўрнатишнинг умумий харажатлари
- энергия сифимкорлиги кўрсаткичи
- кувватлардан фойдаланиш коэффициенти

### 4. Энергетика корхоналарида асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун зарур материаллар, иш ҳақи ва субпудрат харажатлари йигиндиси ...

- электрэнергия ишлаб чиқариш харажатлари коэффициенти
- кувватлардан фойдаланиш коэффициенти
- кувватларни ўрнатишнинг умумий харажатлари
- энергия сифимкорлиги кўрсаткичи

### 5. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун сув оқимларининг табиий ҳаракати энергиясидан фойдаланувчи, ўрнатилган қуввати 0,2 МВт бўлган тўғонсиз гидроэлектростанциялар қандай номланади?

- микро гидроэлектростанциялар
- макро гидроэлектростанциялар

кичик гидроэлектрстанциялар  
катта гидроэлектрстанциялар

**6. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун сув оқимларининг табиий ҳаракати энергиясидан фойдаланувчи, ўрнатилган қуввати 30 МВт бўлган тўғонсиз гидроэлектрстанциялар қандай номаланади?**

микро гидроэлектрстанциялар  
макро гидроэлектрстанциялар  
катта гидроэлектрстанциялар  
кичик гидроэлектрстанциялар

**7. Қазилма ёқилғи сарфисиз, иссиқхона газларини чиқармайдиган ва атроф-муҳит экологиясига зиён етказмаган ҳолда энергия таъминотини амалга оширишни кўзда тутувчи концепция – бу:**

“Яшил энергетика” концепцияси  
“Ақлли шаҳар” концепцияси  
“Уй-жой хўжалигида тикланадиган энергетика” концепцияси  
“Энергия самарадорлиги” концепцияси

**8. Ўзбекистонда 2017-2025 йилларда “яшил энергетика”ни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати неча млрд. доллар бўлган ва нечта лойиҳаларни қамраб олади?**

5,3 млрд. доллар бўлган 810 та лойиҳа  
6,3 млрд. доллар бўлган 710 та лойиҳа  
7,3 млрд. доллар бўлган 910 та лойиҳа  
8,3 млрд. доллар бўлган 610 та лойиҳа

**9. Республикаизда тикланадиган энергия қурилмаларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари барча турдаги солиқлардан қанча муддатга озод этилади?**

рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан уч йил  
рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан тўрт йил  
рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн йил  
рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил

**10. Республикаизда тадбиркорлик субъектлари тикланадиган энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун мол-мулк солиғини тўлашдан қанча муддатга озод этилади?**

фойдаланишга топширилган санадан эътиборан ўн йил муддатга  
фойдаланишга топширилган санадан эътиборан беш йил муддатга  
фойдаланишга топширилган санадан эътиборан етти йил муддатга  
фойдаланишга топширилган санадан эътиборан уч йил муддатга

## **VI-БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ “ЯШИЛ ИҚТISODIЁТ” АСОСИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **6.1. Қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” асосида ривожлантириш муаммолари**

Ривожланган мамлакатларнинг олтинчи технологик укладга ўтиши муносабати билан ИХТТ 2009 йилда “яшил иқтисодиёт” асосида узок муддатли (2030 ва 2050 йилларга қадар) даврга мўлжалланган ривожланиш сиёсатини расман эълон қилди<sup>163</sup>. “Яшил иқтисодиёт”ни шакллантиришда “декаплинг”<sup>164</sup> самарасига эришиш муҳим аҳамиятга эга. “Декаплинг” экологик жиҳатдан барқарор иқтисодиётга қараб ривожланишнинг стратегик асоси ҳисобланади. Унинг моҳияти ўсиб бораётган эҳтиёжларни табиий капиталнинг камайишини минималлаштириш ҳисобидан қондиришда намоён бўлади<sup>165</sup>. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини “яшил технологиялар” асосида ривожлантириш, табиий капитални максимал даражада тежаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали иқлим ўзгаришларига тез мослаша оладиган, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги аҳоли иш билан банд бўладиган асосий соҳа ва камбағаллар учун ягона даромад манбаи ҳисобланади. “Яшил” қишлоқ хўжалиги жаҳонда камбағаллик даражасини пасайтиришда муҳим роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалигининг “яшил” усусларини қўллаш экологик деградациялашув ва камбағаллик муаммоларини биргаликда ҳал этишга ёрдам беради. Ер юзида 2,6 млрд. киши бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ҳаёт кечиради, уларнинг аксарият қисми қишлоқ жойларда кичик фермаларда кунига 1 доллардан кам даромад эвазига меҳнат қиласи.

Қишлоқ жойларда камбағалларнинг 70 фоизи яшаш манбанини қишлоқ хўжалиги билан боғлашади. Жаҳон банки маълумотларига кўра қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши жаҳон бўйича ўртача 3 фоизни ташкил этгани ҳолда паст даромадли мамлакатларда бу кўрсаткич 32 фоизга тенг<sup>166</sup>.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари таркибидағи 2-мақсад “Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолни яхшилаш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш”дан иборат бўлиб, ушбу мақсадга эришишда қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамият касб этади. Жаҳонда 815 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмайди, уларнинг аксарият қисми ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қиласи ва улар аҳолининг 12,9 фоизини ташкил этади<sup>167</sup>. Сўнгги йилларда мамлакатимизда

<sup>163</sup> United Nations Environmental Programme: Green Economy. <http://www.unep.org>

<sup>164</sup> decoupling – инглизча сўз бўлиб, ажратиш, бўлиб ташлаш, деган маъноларга эга.

<sup>165</sup> Decoupling natural resource use and environmental impacts from economic growth. UNEP. <http://www.unep.org>.

<sup>166</sup> [https://www.greengrowthknowledge.org/sites/default/files/downloads/resource/The\\_Little\\_Green\\_Data\\_Book\\_2014\\_0.pdf](https://www.greengrowthknowledge.org/sites/default/files/downloads/resource/The_Little_Green_Data_Book_2014_0.pdf)

<sup>167</sup> <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/hunger/>

озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чоралар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон дунёда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлашга эришди ва босқичма-босқич глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб олди. Ўзбекистон Республикаси 2019 йилда Глобал очлик индекси бўйича 119 мамлакат ўртасида 49-ўринни эгаллаб, 10,7 қўрсаткич билан “мўътадил” даражага эришди<sup>168</sup>.

XXI аср бошларига келиб 1 млрд.га яқин тўйиб овақатланмаётган аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун анъанавий<sup>169</sup> қишлоқ хўжалигидан саноатга асосланган<sup>170</sup> қишлоқ хўжалигига ўтиш талаб этилмоқда. Қишлоқ хўжалигига ердан турли усуллар ёрдамида фойдаланиш табиий капиталнинг тугаб боришига, глобал миқёсда иссиқхона газларини чиқариш ва атроф-муҳитни ифлослантиришга олиб келмоқда. Ердан фойдаланишга бўлган талабнинг ўсиб бориши био хилма-хиллик ва ўромнларнинг йўқолиб кетишига замин яратмоқда. Қишлоқ хўжалигига таъсир этувчи ташқи омилларнинг иқтисодий қиймати ҳар йили миллардлаб долларни ташкил этмоқда ва у ўсиб бориш тенденциясига эга.

Қишлоқ хўжалиги секторини экологик талаблар асосида ривожлантириш аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, қишлоқ хўжалигини юритишнинг муайян усуллари билан боғлиқ атроф-муҳитнинг бузилиши даражасини минималлаштириш, қишлоқ жойларда камбағаллик муаммосини ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради. UNEPнинг “яшил иқтисодиёт” тўғрисидаги маъruzасида қишлоқ хўжалигини экологик талаблар асосида ривожлантириш қишлоқ хўжалигини юритиш технологиялари ва усулларидан фойдаланишга тааллукли бўлиб, қўйидаги йўналишларни қамраб олади<sup>171</sup>:

- қишлоқ хўжалигига унумдорлик ва рентабелликни ошириш, бунда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экотизимлар билан боғлиқ хизматлар барқарорлигини таъминлаш;

- ташқи муҳитга салбий таъсир миқдорини камайтириш (жумладан, чиқиндилар чиқариш) ва ташқи муҳитга ижобий таъсирни босқичма-босқич

<sup>168</sup> <https://www.welthungerhilfe.org/hunger/global-hunger-index/>

<sup>169</sup> Анъанавий қишлоқ хўжалиги дейилганда кичик ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалигини юритишнинг маҳаллий ва анъанавий усулларини авлоддан авлодга ўргатиш ёрдамида юритиладиган қишлоқ хўжалиги тушунилади. Ушбу қишлоқ хўжалиги фермадан ташқари чекланган ёки кам миқдордаги ресурслардан фойдаланади, паст меҳнат унумдорлигига эгалиги, яратилаётган қўшилган қийматнинг ҳар бир ишчига тўғри келувчи улушининг пастлиги, тупроқдан озуқа олишга йўналтирилганлиги, тупроқнинг органик ёки ноорганик ўғитлар билан етарлича тўйинтирилмаслиги билан тавсифланади. Дунё бўйича 525 млн. кичик фермерлар мавжуд бўлиб, уларнинг 404 млн. икки гектардан ортиқ бўлмаган ер майдонига эга.

<sup>170</sup> Саноатга асосланган қишлоқ хўжалиги дейилганда ташқи ресурслардан фойдаланишни назарда тутадиган қайта ишлаш усулларига эга қишлоқ хўжалиги тушунилади. Бу турдаги қишлоқ хўжалигининг катта қисми энергия сифимкорлиги юкори (ишлаб чиқарилган бир бирлик озуқа калорияси учун 10 калория энергия сарфланади) хўжаликлардан иборат бўлиб, уларда юкори меҳнат унумдорлигига кимёвий ўғитлар, гербицидлар, пестицидлар, ёқилғи, сув ва мунтазам янги инвестициялар (масалан, уруғлар ва техниканинг янги турлари) сарфлаш орқали эришилади.

<sup>171</sup> <https://www.greengrowthknowledge.org/resource/towards-green-economy-pathways-sustainable-development-and-poverty-eradication>

ошириб бориши (жумладан, яшил майдонларни ёки биохилма-хилликни кўпайтириш);

- ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали табиий капитални тиклаш.

Мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришда мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш<sup>172</sup> иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

XX асрнинг 70-йилларида ёқ жаҳон табиий ресурсларининг қисқариб бориши ва озиқ-овқат етишмаслиги муаммоси илмий тадқиқотлар обьектига айланди. Натижада қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор бошланди. Агар қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш учун ўзлаштирилган майдонларни аҳоли сонига бўладиган бўлсак, 1970 йилда бир кишини озиқ-овқат билан таъминлаш учун 3800 м<sup>2</sup>, 2005 йилда 2500 м<sup>2</sup>, 2050 йилга бориб эса 1800 м<sup>2</sup> ер майдони зарур бўлади. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлиги мунтазам ўсиб бориши лозим.

Айрим ҳисоб-китобларга кўра ҳозирда ҳар бир кишига 4600 ккал озуқа тўғри келади. Аммо озиқ-овқат маҳсулотларининг учдан бир қисми истеъмолчига етиб келгунча далада, ташиш пайтида нобуд бўлади. Бундан ташқари 800 ккал. озиқ-овқат таркибида муҳим ўрин эгаллайдиган гўшт етиштириш учун озуқа сифатида ишлатилади. Жумладан, АҚШда маккажўҳори ҳосилининг 80 фоизи гўшт етиштириш ва ёқилғи ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Ҳосилнинг 11 фоизидангина озиқ-овқат сифатида фойдаланилади. Германияда қишлоқ хўжалик майдонларининг 28 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 12 фоизи эса биоэнергия ишлаб чиқариш учун хизмат қилгани ҳолда 57 фоизи гўшт етиштиришда зарур озуқа ишлаб чиқариш учун ажратилади<sup>173</sup>. Ушбу вазиятни яхшилаш учун ҳосил нобуд бўлишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш зарур. Ҳозирда илмий доираларда мунозараларга сабаб бўлаётган асосий муаммо қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини ошириш эмас, балки уни қандай усуllар ёрдамида кўпайтириш муаммоси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини “яшиллаштириш” ўз навбатида қишлоқ худудларини барқарор ривожлантириш; қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш; қишлоқ хўжалиги технологик базасини модернизациялаш; аграсонат мажмуасининг инновацион ривожланишини рағбатлантириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини халқаро талаблар даражасида сертификатлаш усуllарини жорий этиш; экологик тоза маҳсулотларнинг янги бозорларини яратиш; органик озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш;

<sup>172</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон фармони <http://www.lex.uz>

<sup>173</sup>Ральф Ф. Зеленая революция. Экономический рост без ущерба для экологии. Пер. с немец. –М.: АНФ, 2016. С. 204.

қишлоқ хўжалигининг рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

“Яшил қишлоқ хўжалиги” жаҳон ахолисининг озиқ-овқатга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини 2050 йилга қадар тўлиқ қондира олишга қодир. Айрим ҳисоб-китобларга қўра қишлоқ хўжалигининг “яшил технологиялар”и ва усулларини амалиётга тадбиқ этиш ёрдамида киши бошига тўғри келаётган 2800 ккал.га тенг озуқа бирлигини 2050 йилга қадар 3200 ккал.гача ошириш мумкин<sup>174</sup>.

Қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” доирасида ривожлантиришнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш XX аср охиридан бошланган бўлиб, асосий эътибор қишлоқ хўжалигига табиатдан оқилона фойдаланиш зарурлигига қаратилган. Ушбу соҳадаги замонавий концепциялар эса қишлоқ хўжалигининг аниқ соҳа ёки тармоқларини ривожлантиришга бағишлиганлиги билан ажralиб турди. Ландшафт дехқончилик, аниқ дехқончилик, биологиялаштирилган дехқончилик, органик қишлоқ хўжалиги шулар жумласидандир. Қишлоқ хўжалигига “яшил технологиялар”ни жорий этиш ғояси устун даражада органик қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқлидир<sup>175</sup>.

Қишлоқ хўжалигига органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш стратегияси қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мумкин:

1. Қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат секторини узоқ муддатда барқарор ривожлантириш. Ишлаб чиқариш ҳажмини ер, сув ресурсларининг мунтазам камайиб бориши, аграр соҳа экология тизимининг ёмонлашиб бориши шароитида ошириб бориш.

2. Қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат секторини чекланган ресурслар шароитида барқарор ривожлантириш. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларини ер, сув ресурслари истеъмоли ва аграр соҳа экология тизимининг ёмонлашиб бориши суръатларидан юқори бўлишини таъминлаш. Ушбу йўналишларнинг қай бирини танлаш мамлакатлар қишлоқ хўжалиги тизимининг ривожланниш даражаси, ижтимоий-иктисодий ва табиий шароитларига боғлиқ бўлади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, қишлоқ хўжалигига органик ишлаб чиқаришни жорий этишдаги асосий муаммо аграсонат мажмуасида “яшил технологиялар”ни қўллаш бизнес учун манфаатли шароитлар яратиш муаммоси ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун давлат, хусусий инвесторлар ва истеъмолчилар биргаликда ҳамкорлик қилиши зарур бўлади. Органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда етакчи мавқе давлатга тегишли бўлиши керак. Соҳани ривожлантириш учун мақсадли дастурлар доирасида лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш ва солиқقا тортиш бўйича рағбатлантирувчи чора-тадбирлар тизимидан кенг фойдаланиш лозим.

<sup>174</sup> ЮНЕП, 2011 г. Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности [www.unep.org/greenconomy](http://www.unep.org/greenconomy)

<sup>175</sup> “Зелёная экономика” — новый вектор глобального развития: возможности и вызовы для России //Проблемы национальной стратегии № 4 (37) 2016. С.58-102.

Қишлоқ хўжалигини “яшиллаштириш” фермерларнинг даромадлилиги ва унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигидан макроиктисодий даражада фойда олиш, иқлим ўзгаришларига мослашиш ва экотизим хизматларини ривожлантириш каби афзалликларга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини яшиллаштиришга қаратилган стратегик ислоҳотлар ва инвестициялар соҳада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш имконини яратади:

- иқтисодий тизимни диверсификациялаш;
- ҳосилдорликни ошириш ҳисобига камбағаллик даражасини пасайтириш ва меҳнат унумдорлиги юқори “яшил” ишчи ўринларини яратиш;
- барқарор озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- саноатга асосланган қишлоқ хўжалигининг амалдаги усуллари билан боғлиқ иқтисодий ва экологик харажатларни сезиларли даражада камайтириш.

## **6.2. Органик қишлоқ хўжалиги тушунчаси, ривожланиш кўрсаткичлари ва усуллари**

Немис олими Ральф Ф. Қишлоқ хўжалигига “... жаҳонда қишлоқ хўжалиги таркибининг турличалиги ва ривожлантириш усулларининг кўплигига қарамасдан илмий асосда ривожланадиган агросаноатдир”, деб таъриф беради<sup>176</sup>.

Органик қишлоқ хўжалиги дейилганда, атроф-муҳитни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва табиий капитални жамғаришга кўмаклашувчи аграр ишлаб чиқаришни бошқаришнинг яхлит тизими назарда тутилади. Ушбу тизим аввало, ҳар бир минтақанинг ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ташки ресурслардан эмас, балки минтақа учун мослаштирилган бошқарув механизмларидан фойдаланишни тақозо этади. Бу эса аграр ишлаб чиқаришда экстенсив усуллардан, синтетик материаллардан фойдаланиш қарама-қарши бўлган агрономия, биология ва механик усуллардан фойдаланишни назарда тутади. Замонавий органик қишлоқ хўжалиги илмий ёндашув асосида ривожлантирилади. Ўсимликларни етиштириш жараёни, тупроқшунослик, озуқа ем ишлаб чиқариш, чорвачилик ва бошқа соҳаларни интенсив “яшил технологиялар”ни қўллаш орқали ривожлантириш тақозо этилади.

Органик қишлоқ хўжалигини юритишнинг тамойиллари 1980 йилда Халқаро органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати федерацияси томонидан ишлаб чиқилган ва қуйидагилардан иборат: саломатлик, экология, адолат ва ғамхўрлик<sup>177</sup>.

Органик қишлоқ хўжалиги глобал “яшил иқтисодиёт”нинг муҳим йўналиши сифатида дунёning 181 мамлакатида ривожлантирилмоқда. Органик ишлаб чиқариш учун ажратилаётган ер майдонлари йилдан йилга

<sup>176</sup> Ральф Ф. Зеленая революция. Экономический рост без ущерба для экологии. Пер. с немец. –М.: АНФ, 2016. С. 204.

<sup>177</sup> <https://www.infoam.bio>

кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2008-2018 йилларда 15,0 млн. гектардан 71,5 млн. гектаргача ёки 4,8 мартаға ортди. Ушбу даврда жаҳон органик маҳсулотлар бозорининг ҳажми 5,4 мартаға ошиб, 2018 йилда 96,7 млрд. долларни ташкил этди ва прогнозларга қўра 2020 йилга қадар 200 млрд. доллардан ошиб кетиши кутилмоқда. Ушбу жараёнга органик маҳсулотларни қайта ишлаш инфратузилмаси ва маркетингнинг ривожланиши катта таъсир кўрсатади (6.2.1-расм.).



### 6.2.1-расм. Жаҳонда органик қишлоқ хўжалигининг ривожланиш кўрсаткичлари<sup>178</sup>

Органик қишлоқ хўжалиги жаҳон минтақалари бўйлаб нотекис ривожланган. Жумладан, 2018 йилда органик қишлоқ хўжалиги учун ажратилган жами ер майдонларининг катта қисми Океания (50%) ва Европа (22%) минтақасига тўғри келган. Органик қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ер майдонлари ҳажми 2008-2018 йилларда 4,8 мартаға ошганлигига қарамасдан уларнинг жами ер майдонларидағи улуши дунё бўйича бор-йўғи 1,5 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бир вақтда дунёнинг 16 та мамлакатида ушбу кўрсаткич 10%дан, Лихтенштейн (38,5%), Самоа (34,5%) ва Автралияда (34,7%) эса 25%дан юқори (6.2.1-жадвал).



<sup>178</sup> Willer, Helga, Bernhard Schlatter, Jan Trávníček, Laura Kemper and Julia Lernoud (Eds.) (2020): The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2020. FiBL&IFOAM – Organic International (2020): Frick and Bonn, 2020-02-20. маълумотлари асосида тузилган.

### 6.2.1-жадвал

#### Жаҳон минтақаларида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш кўрсаткичлари, 2018 й.<sup>179</sup>

	Ер майдони, млн. га	Жаҳон органик ер майдонидаги улуси, %	Жами ер майдонлари-даги улуси, %	Ўн йилда ўзгариш, %	Махсулот этиштирувчи-лар сони, мингта
Африка	2,0	3	0,2	+100,4	788,9
Осиё	6,5	9	0,4	+82,6	1317,0
Европа	15,6	22	3,1	+69,4	418,6
Лотин Америкаси	8,0	11	1,1	+4,6	227,7
Шимолий Америка	3,3	5	0,8	+25,7	24,0
Океания	36,0	50	8,6	+196,2	26,8
Ўзбекистон	0,09	...	...	191,0	1
<b>Жами</b>	<b>71,5</b>	<b>100</b>	<b>1,5</b>	<b>+97,2</b>	<b>2796,9</b>

Органик маҳсулотларни сотишининг асосий бозори ривожланган мамлакатлар ҳисобланади ва ушбу бозорнинг 90 фоизга яқини АҚШ, Европанинг ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, 2018 йилда АҚШ органик маҳсулотлар бозори ҳажми 40,6 млрд. еврони, Европа бозори ҳажми эса 30 млрд. евродаң кўпроқни ташкил этди. Европа органик маҳсулотлар бозорида Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Швейцария, Швеция, Испания етакчи мавқега эга (6.2.2-расм).



6.2.2-расм. Органик маҳсулотлар бозори ҳажми, млрд. евро<sup>180</sup>. 2018 й.

6.2.3-расм. Органик маҳсулотларни жон бошига истеъмол қилиш миқдори, евро<sup>181</sup>, 2018 й.


<sup>179</sup> Ўша манба.

<sup>180</sup> Ўша манба.

<sup>181</sup> Ўша манба.

Органик маҳсулотларни жон бошига истеъмол қилиш миқдори кўрсаткичи бўйича ҳам ривожланган мамлакатлар етакчи мавқега эга. 2018 йилда ушбу кўрсаткич бўйича мутлақ биринчилик Дания ва Швейцарияга тегишли бўлиб, жон бошига органик маҳсулот истеъмол қилиш миқдори 312 европни ташкил этди (6.2.3-расм).

2018 йилда жаҳонда 2,8 миллион органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар рўйхатга олинган. Ҳиндистон ҳиссасига жами органик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар сонининг 50%и тўғри келмоқда. Кейинги ўринларни Уганда (210 000) ва Эфиопия (204 000) эгаллади (6.2.2-жадвал).



**4-расм. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар сони бўйича етакчи мамлакатлар, минг нафар (2018 й.)<sup>182</sup>**

Ҳиндистон органик маҳсулотларга қўйиладиган талаблар бўйича сертификатга эга ишлаб чиқарувчилар сони бўйича дунёда етакчи мамлакат ҳисобланади. Ҳиндистонда органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 1,9 млн. га ер ажратилган ва мамлакат ўз маҳсулотларини 40 дан ортиқ мамлакатларга экспорт қиласиди. Ҳиндистон экспортининг катта қисмини органик маҳсулотлар технологияси асосида ишлаб чиқилган кокос ёғи, зираворлар, ўтлар ва анъанавий ҳинд чойлари ташкил этади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти маълумотларига кўра 2050 йилга қадар жаҳон озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли эҳтиёжларига мос равишда 70 фоизга ортади. Ҳозирда ушбу мақсадга қандай усуллар ёрдамида эришиш мумкинлиги борасида тортишувлар давом этмоқда ва ушбу мақсадга эришиш йўлларидан бири қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” усуллари ёрдамида ривожлантириш ҳисобланади. Агросаноатнинг кўп энергия талаб этиши, ер ости сувларини ифлослантириши, тупроқ таркибининг бузилишига олиб келиши, эрозияни кучайтириши, ҳайвонларни ишлаб чиқариш машиналарига айлантириши, био хилма-хилликни қисқартириши, табиий ландшафтларни чўлларга

<sup>182</sup> Ўша манба.

айлантириши билан боғлиқ салбий оқибатлари қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни қўллаш жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади.

**Чиқиндиларни қисқартириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.** Чиқиндиларни қисқартириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш қишлоқ хўжалигини “яшиллаштириш”нинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Тармоқда етиштирилаётган ҳосилнинг зааркунандалар ва озиқ-овқатларни сақлаш, тақсимлаш, сотиш билан боғлиқ ҳолда нобуд бўлиш даражаси аҳоли учун зарур ишлаб чиқарилаётган озука калориясининг деярли 50 фоизини ташкил этади. Ҳозирги вақтда жами ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори 4600 ккал/киши/кунга teng, ammo улардан фойдаланиш даражаси 2000 ккал/киши/кунни ташкил этмоқда. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти мутахассислари фикрича, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш занжиридаги йўқотишлар ва чиқиндилар миқдорини 50 фоизга қадар қисқартириш мақсадга мувофиқ.

**Қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини қисқартириш.** Қишлоқ хўжалиги тоза ичимлик сувини истеъмол қиласиган энг йирик сектор ҳисобланади ва унинг ҳиссасига жаҳон ичимлик суви захираларининг 70%га яқини тўғри келади. Бу эса иқлим барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Сув ва энергияни кўп истеъмол қиласиган анъанавий қишлоқ хўжалигининг муқобил варианти билимлар, илмий кашфиётлар, эски ва замонавий илмий усулларни уйғунлиқда қўллашга асосланган экологик қишлоқ хўжалиги ҳисобланади.

Яқин ўн йилларда қишлоқ хўжалиги учун сув танқислиги муаммоси юзага келади. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши кўп сув талаб қиласи, интенсив қишлоқ хўжалиги ривожланишига ўтиш янада кўпроқ сув талаб этади. Истиқболда қишлоқ хўжалигида унумдорликни оширишга сув истеъмолини мутаносиб тарзда ошириш ҳисобига эришиб бўлмайди. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш усулларидан фойдаланиш талаб этилади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра 1 м<sup>3</sup> тоза сув маҳсулот етиштириш ҳосилдорлигини 50-80%га оширади. Қишлоқ хўжалигида тоза сув истеъмолини камайтиришда суғоришда самарадорлиги юқори технологияларни қўллаш, дренаж ёрдамида ёмғир сувларини йиғиши, техник сувларни тозалаш ва улардан иккиламчи фойдаланиш каби усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади<sup>183</sup>.

Жаҳон ресурслари институтининг прогнозига кўра, 2040 йилга бориб Ўзбекистон сув танқислиги энг юқори бўлган 33 та мамлакатнинг бирига айланади. Ҳосилдорликнинг камайиши озиқ-овқат хавфсизлиги ва тўлов баланси учун жiddий салбий оқибатларни келтириб чиқаради, бу эса сув ресурсларини барқарор бошқариш ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурстежамкор юқори технологияларни қўллаш заруратини юзага келтиради.

<sup>183</sup> Вайцеккер, Э. Фактор пять, Формула устойчивого роста: Доклад Римскому клубу / Э. Вайцеккер [и др.]. – М., 2013. С.58.

Суғоришининг юқори самарадорликка эга усулларидан бири ҳисобланган томчилатиб суғориш технологияси муаллифи инженер Симхи Бласс ҳисобланади. У Истроилнинг Негев саҳросида дараҳтлардан бири ёнидагиларга нисбатан яхши ривожланаётганилигига эътибор қаратади. Текширишлар дараҳтнинг илдиз қисми намликини унинг яқинидан ўтган сув қувурининг ёриғидан томчилаетган сувдан олаётганилигини кўрсатди. Ушбу технологияни амалиётга жорий этиш мақсадида 1956 йилда ташкил этилган “Netafim” фирмаси жаҳонда томчилатиб суғориш бўйича етакчилик қиласи. Ҳозирда ушбу фирмада 4300 киши меҳнат қиласи ва 110 та мамлакатда суғориш тизимларида хизмат кўрсатади<sup>184</sup>.

Томчилатиб суғориш сувнинг парланиши ва ерга сингиб кетишининг олдини олади. Шу билан бир вақтда ушбу технология тупроқ таркибидаги озуқаларнинг ювилиб кетишига йўл қўймайди. Амалиёт кўрсатишича, ушбу технология сув истеъмолини 30-70%га қадар тежайди ва ҳосилдорликни 90%гача оширади.

**Ўрмонлаштириш.** Таназзулга юз тутган ерларни қайта тиклашда ўрмонлар мухим роль ўйнайди. Дараҳтлар иссиқхона газларини тутиб қолади, кислород ишлаб чиқаради, ёмғир сувларини жамғаради, тупроқ эрозиясига қаршилик қиласи ва гумуснинг шаклланиши учун табиий ўғитлар беришади.

Агро ўрмон хўжалиги – тупроқ сифатини яхшилаш мақсадида ўрмончилик ва қишлоқ хўжалигини мутаносиб тарзда ривожлантириш. Тропик минтақаларда кўп қаватли – кўп йиллик ўтлар, баланд ўсимликлар, дараҳтлар – қишлоқ хўжалиги кенг ривожланган.

Мамлакат табиий ресурсларининг асосий таркиби қисмларидан бири ўрмон фонди ерлари бўлиб, 11,1 млн гектарни ёки умумий майдоннинг 25 фоизини ташкил этади. Ўрмон билан қопланган майдонлар эса 3,2 млн гектарга (29 фоиз) тенг.

**Агропарклар.** Мегаполисларда агропарклар ва озиқ-овқат кластерлари – бу йирик саноатлашган шаҳарлар атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кенг ассортиментини агросаноат марказларига интеграциялашни ташкил этишdir. Бундан кўзланган асосий мақсад синергия самарасига эришиш ва транспорт харажатларини минималлаштириш ҳисобланади. Ўсимликлар, боғлар, чорвачилик ва қайта ишлаш тармоқларини худудий ва вазифалари нуқтаи назаридан уйғунлаштириш ер майдони, заҳарли чиқиндиларни чиқариш ҳажмининг қисқариши ва сув, энергия истеъмолининг тежалишига олиб келади. Агропарклар устун даражада ривожланаётган мамлакатларда шаҳарлашиш суръатлари юқори худудларда уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида яратилмоқда.

**Иссиқхоналар.** Иссиқхоналар – мева ва сабзоватларни муайян жойга боғлиқ бўлмаган ҳолда етиштиришнинг анъанавий усули ҳисобланади. Голландияда иссиқхоналар бундан анча йиллар олдин саноат асосида йўлга қўйилган. Иссиқхоналар ресурслардан оқилона фойдаланишнинг янги усули

<sup>184</sup> [https://www.netafim.com/ru-ru/Netafim-irrigation-company\\_about-us/](https://www.netafim.com/ru-ru/Netafim-irrigation-company_about-us/)

сифатида қўлланилмоқда. Мисол учун Испанияда 1 кг помидор етиштириш учун 60 литрга яқин сув зарур бўлса, ёпиқ циклга эга сув ва энергетика тизимиға голланд иссиқхоналарида 3-4 литр сув етарли ҳисобланади<sup>185</sup>.

**Гидропоника.** Гидропоника ўсимликларни тупроқсиз ўстиришнинг илмий усули ҳисобланиб, савзовотлар тупроққа илдиз отмайди ва ноорганик субстрат озуқа етказиб бериш манбаи ҳисобланади. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки бунда ўсимликларга қанча миқдорда ноорганик моддалар ва сувнинг зарурлигини назорат қилиш, керакли ҳарорат ва ёруғликни тартибга солиш мумкин. Ўсимликларнинг вегетацион даври қисқаради ва мавсумда бир неча марта ҳосил олса бўлади. Пестициidlар ва гербициidlарга бўлган эҳтиёж йўқолади, чунки органик чиқиндилар ўғит сифатида ишлатилиши ва энергия ишлаб чиқариш учун сарфланиши мумкин бўлади<sup>186</sup>.

**Аквапоника.** Турли жараёнларни аралаш қўллашда синергетик самарадан фойдаланиш мумкин. Ушбу самарага эришишдаги энг мувафаққиятли лойихалардан бири сифатида “Балиқ-помидор” лойихасини мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу усулнинг илмий номи аквапоника деб номланади. Аквапоника турли – балиқчилик (“аквамаданият”) ва помидор етиштириш (“гидропоника”) – жараёнларининг синегретик самарасидан фойдаланишга асосланган илмий усул ҳисобланади. Бу жараёндаги муҳим хусусият ресурслар истеъмоли самарадорлигининг сезиларли даражада юқори эканлиги саналади. Балиқ боқилаётган сув бир вақтнинг ўзида ўсимликларни суғориш учун хизмат қиласа, иссиқхонада парланган буғ совигандан кейин яна бассейнга қайтиб тушади. Агар анъанавий балқчиликда 1 кг балиқ етиштириш учун 1000 литр, одий гидропоника усулида 1 кг помидор етиштириш учун 600 литр сув зарур бўлса, “Балиқ-помидор” усулида 1 кг балиқ ва 1,6 кг помидор етиштириш учун 220 литр сув етарли бўлади. Тизимга ҳар куни 3 литр тоза сув қўшиб туриш зарур, қолган 97% сув техник сув сифатида қайта фойдаланилади<sup>187</sup>.

Қишлоқ хўжалигини “яшиллаштириш” катта миқдорда инвестициялар, чуқур илмий тадқиқотлар ва мавжуд имкониятларни кенгайтиришни талаб этади. “Яшил қишлоқ хўжалигида одатдаги қишлоқ хўжалигига нисбатан меҳнат унумдорлиги юқори ва у”нда мультиплекатив самара асосида янги ишчи ўринларини яратиш имконияти мавжуд.

“Яшил қишлоқ хўжалиги”га ўтиш қатор экологик афзалликларни яратиб беради. “Яшил қишлоқ хўжалиги”да тупроқ ҳосилдорлигини тиклаш ва кўллаб-куватлаш орқали табиий капитални қайта тиклаш, тупроқ эрозияси ва ноорганик агрокимёвий ифлослантириш даражасини пасайтириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ўрмонларни кесиш ҳажмини қисқартириш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиш хавфини пасайтириш, қишлоқ хўжалигига иссиқхона газларини чиқариш ҳажмини қисқартириш

<sup>185</sup> Доклад голландского эксперта по сельскому хозяйству д-ра Петера Смеетса на конгрессе по вопросам инноваций, проведенном Фондом им. Генриха Бёлля, Берлин, 2009, 9 мая 2012 г.

<sup>186</sup> <http://www.hydroponische-pflanzenzucht.de/>.

<sup>187</sup> <http://www.igb-berlin.de/astafpro.html>.

борасида катта салоҳият мавжуд. “Яшил қишлоқ хўжалиги” миллий ва халқаро даражада стратегик ислоҳотлар ва инновацияларни амалга оширишни талаб этади.

### **6.3. Органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш йўналишлари**

Жаҳон амалиётида органик қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турли усуллари мавжуд. Ривожланган мамлакатларда ахоли турмуш даражасининг ортиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Ушбу талабларни инсон соғлиғи билан боғлиқ рискларни пасайтириш, маҳсулотларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларига қўйилаётган мезонларнинг такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Истеъмолчилар томонидан экологик тоза маҳсулот ёки органик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ўсиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларда агросаноат маҳсулотларини экологик талаблар асосида ишлаб чиқариш бундан 30 йил олдин бошланган бўлиб, бу турдаги маҳсулотларнинг асосий бозорлари АҚШ, Канада, ЕИ мамлакатлари (Германия, Буюк Британия, Франция, Италия), Осиё минтақаси мамлакатлари (Япония) ҳисобланишади.

Ривожланган мамлакатлар агросаноат мажмуасининг ривожланишида ушбу соҳани давлат томонидан турли усуллар ёрдамида қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади. Анъанавий тарзда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қиливчи АҚШ, ЕИ мамлакатлари жаҳон бозоридаги етакчи мавқеларини сақлаб қолиш ва экологик хавфсиз ишлаб чиқаришни таъминлаш учун миллий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини экспорт субсидиялари ажратиш орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишади. Технологик жиҳатдан ривожланган Япония, Норвегия, Австрия каби озиқ-овқат маҳсулотларининг сезиларли қисмини импорт қиливчи мамлакатлар экспортерларга боғлиқликни пасайтириш мақсадида миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашади.

Қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда ташқи рақобатдан ҳимояланадиган тармоқ ҳисобланиб, экологик хавфсизликни таъминлаш ва тармоқни қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилади. Масалан, маҳсулотларга қатъий нарх белгилаш ва арzon кредитлар учун бевосита тўловлар шаклидаги субсидиялар миқдори фермерлар даромадининг 30 фоизидан 80 фоизигача бўлган қисмини ташкил этади: АҚШ – 30%, Канада – 45%, ЕИ – 49%, Швеция – 59%, Япония – 66%, Финляндия – 77%, Швейцария – 80%. Ривожланган Ғарб мамлакатларида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш миқдори ялпи агарар маҳсулотнинг 40-50 фоизига teng. Шу билан бир вақтда субсидия суммаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархига нисбатан сезиларли равишда фарқ қиласи. Мисол учун, ушбу кўрсаткич Швейцарияда – 82, Норвегияда – 75, Исландияда – 73, Финляндияда – 70 фоизгачани ташкил этгани ҳолда

Японияда – 74 фоизни, АҚШа эса – 23 фоизни ташкил этди. Ривожланган мамлакатларда субсидияларнинг тармоқлар ўртасида тақсимланишида ҳам сезиларли фарқ мавжуд. АҚШда субсидияларнинг 58 фоизи, Канадада – 69 фоизи, ЕИда – 75 фоизи дехқончилик соҳасига ажратилса, Исландияда субсидияларнинг 100 фоизи чорвачилик соҳасига йўналтирилади. ЕИда органик дехқончиликнинг ривожланишида органик ишлаб чиқаришга ўтишни рағбатлантирувчи бевосита дотациялар муҳим роль ўйнади. Ушбу дотациялар микдори мамлакатлар ва қишлоқ хўжалик экинлари бўйича бир йилда гектарига 500-1500 еврогача ўзгариб туради<sup>188</sup>.

Европанинг айrim мамлакатлари органик ишлаб чиқаришни агросаноат мажмуасини ривожлантириш базаси сифатида танлашади. Жумладан, Дания ҳукумати 2015-2018 йилларда мамлакат қишлоқ хўжалигини тўлиқ органик ишлаб чиқаришга ўтказиш дастурини амалиётга тадбиқ этди. Ушбу дастур органик қишлоқ хўжалиги учун ажратилаётган ер майдонларини 2020 йилга қадар икки баравар – 340 минг гектаргacha кенгайтиришни назарда тутади. Хусусий фермерлар томонидан ижарага олинаётган ер майдонларининг фақат органик ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши мумкинлиги, органик дехқончилик ёки чорвачилик билан шуғулланувчилар учун давлат томонидан инвестициялар сарфланиши ва бошқа омиллар ушбу соҳанинг жадал ривожланишида муҳим аҳамият касб этади<sup>189</sup>.

Органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашда сертификатлаш тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарувчилар сертификатлар ёрдамида ўз хўжаликларида органик маҳсулотлар ишлаб чиқараётганликларини исботлай олишади. Сертификатлашдан мақсад органик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг тижорат фаолиятини ривожлантириш, сифатни кафолатлаш, қалбаки маҳсулотлардан огоҳлантириш ҳисобланади. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб илк бор Европа ва Америкада хусусий ассоциациялар органик маҳсулотларни ўз стандартлари доирасида сертификатлашни бошлишган. 1980 йилларда органик қишлоқ хўжалигини юритиш бўйича давлат тавсияномалари, 1990 йиллардан эса ушбу соҳага давлат стандартларини жорий этиш бошланди.

Дунёning аксарият мамлакатлари органик маҳсулотлар етиштиришни сертификатлаштириш тизимларига эга. Ушбу тизим органик маҳсулотлар етиштириш билан бир вақтда уларни қайта ишлаш, ўраб жойлаш ва сақлаш бўйича талабларни ҳам ўз ичига олади.

Органик сертификат корхона томонидан маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни қадоқлаш ва ташишда органик талабларга риоя этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Органик сертификатлашдан ўтишда корхона мустақил экспертлар томнидан органик ишлаб чиқариш тамойилларига мослиги бўйича текширувдан ўтиши лозим.

<sup>188</sup> Состояние органического земледелия в странах ЕС // Международное объединение поставщиков натуральной экопродукции Экокластер: <http://www.ecocluster.ru/monitoring/?ID=1830>.

<sup>189</sup> "Зелёная экономика" — новый вектор глобального развития: возможности и вызовы для России //Проблемы национальной стратегии № 4 (37) 2016. С.73.

Деҳқончилик, чорвачилик ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғуланаётган фермер хўжалиги фаолияти органик сертификат олиш учун қуидаги тамойилларга мос келиши зарур:

- маҳсулот таркибидаги ингредиентларнинг 95%и органик стандартларга мос келиши, 5%и эса табий бўлиши ва ЕИда қўлланиладиган талабларга мувофиқ бўлиши лозим;

- органик маҳсулотлар етишириш учун ажратилган ерларда камида уч йил давомида кимёвий ўғитлар, пестицидлар ва органик деҳқончиликда фойдаланиш мумкин бўлмаган бошқа қўшимчалардан озод этилиши зарур. Ернинг тозалиги мунтазам лаборатория текширувларидан ўтказиб турилади;

- чорвачиликда барча ҳайвонлар эркин боқилиши ва айланиб юриши лозим. Ҳайвонларнинг касал бўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир ҳайвон тури учун мос қулай шароит яратиш, гармонлар ва турли антибиотиклардан фойдаланиш таъқиқланади.

- ўтхўр ҳайвонлар учун емишларнинг камида 60%и фермер хўжалигининг ўз майдонларида ишлаб чиқарилган бўлиши, агар бунинг имкони бўлмаса шу худуддаги бошқа хўжаликда етиширилган бўлиши зарур. Ёш ҳайвонлар уч ойгача она сути билан озукланиши шарт.

- органик ўғитлардан (жумладан, гўнг, ҳайвонларнинг чиқиндиларида компост ва бошқалар) фойдаланиш ҳам чекланган. Тупроқнинг умумий ҳолатини яхшилаш учун микроорганизмларнинг таркибий қисмларидан фойдаланиш мумкин.

Сертификатлашнинг давлат тизимлари 2000 йилда Японияда, 2001 йилда Хиндистанда, 2005 йилда Хитойда, 2006 йилда Канадада жорий этилган. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлашнинг замонавий тизимларида давлат стандартлари доирасида ўрнатилган мажбурий талаблар, ҳуқуқий меъёрлар билан бир вақтда истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилган ихтиёрий келишувлар доирасидаги маҳсус стандартлардан ҳам фойдаланилади.

Жаҳон амалиёти қўрсатишича, органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун берилган сертификатлар амалий қийматта эга бўлмасдан, аксарият ҳолларда истеъмолчиларни чалғитишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун органик маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи хўжалик субъектларини сертификатлаш мажбурий бўлиши ва давлат томонидан берилиши зарур. Органик қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш, назорат қилиш давлат органларини яратиш лозим. Ушбу органлар фаолияти устун даражада бизнес билан боғлиқ манфаатларнигина эмас, балки озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал этиш, маҳсулотлар сифатини ошириш, умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

Биринчи навбатда, “яшил иқтисодиёт”нинг амалдаги секторлари фаолиятининг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, жумладан, “яшил технологиялар” асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаш, ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, органик қишлоқ хўжалигининг саноат базасини яратишнинг мақсадли давлат

дастурларини ишлаб чиқиши, ушбу соҳада инновацион ишланмаларни молиялаштириш зарур.

Бундан ташқари, “яшил технологиялар” асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш каналларини шакллантириш, “яшил технологиялар”нинг натижаларини амалиётга жорий этаётган ишлаб чиқарувчилар ва улардан фойдаланувчиларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш лозим. Ушбу жараённи амалга оширишда “яшил иқтисодиёт”нинг инвестицион жозибадорлиги (жумладан, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги механизми ҳисобига) муҳим аҳамият касб этиши зарур.

#### **6.4. Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади ва қишлоқ хўжалигини “яшил” иқтисодиёт асосида ривожлантириш зарурияти умумглобал ривожланиш тенденцияларига мос келади. Жумладан, мамлакат аҳолисининг қарийб 16,4 миллиони (жами аҳолининг 49,4 фоизи) қишлоқ ҳудудларида истиқомат қиласиди (2018 й.). Мамлакатда туғилиш даражаси юқори (23,3 промилле) ва шунга мос равища қишлоқ жойларида ортиқча ишчи кучи мавжуд. Аҳолининг 45,5 фоизини 25 ёшгача бўлганлар, 55 фоиздан кўпроғини эса 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Ҳозирги қунда қишлоқ хўжалигига 20 млн. гектардан ортиқ, шу жумладан 3,2 млн. гектар сугориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом ашё етиштирилмоқда<sup>190</sup>.

Республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида охирги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача), ўртача йиллик сув таъминоти даражаси эса 3 048 метр кубдан 158,9 метр кубгacha қисқарди. Прогнозларга кўра, келгуси 30 йил мобайнида сугориладиган ер майдонлари яна 20 — 25 фоизга қисқариши мумкин.

Узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарасиз фойдаланиш натижасида тупроқнинг табиий унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайиб, етиштирилган маҳсулот сифати ёмонлашмоқда, атроф-муҳит ифлосланиши ортиб бормоқда. Жумладан, сугориладиган экин ерларидаги тупроқларнинг 93 фоизида ҳаракатчан фосфор миқдори, 68,3 фоизида алмашувчан калий миқдори, 79,3 фоизида гумус (чиринди) миқдори ўртачадан паст даражага тушиб қолган.

Қишлоқ хўжалигига ўртача йиллик сув сарфи 45 696 млн метр куб ёки иқтисодиёт тармоқларида истеъмол қилинган сув ресурсларининг 90 фоизини

<sup>190</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июнь, ПФ-5742-сон Фармони

ташкил этиб, юқорилигича қолмоқда. Жумладан, ривожланган давлатларда 1 м<sup>3</sup> сув билан 4-6 долларлик маҳсулот етиширилаётган бўлса, республикамиизда бу кўрсаткич 0,15 долларни ташкил этмоқда<sup>191</sup>. Жаҳон ресурслари институтининг прогнозига кўра, 2040 йилга бориб Ўзбекистон сув танқислиги энг юқори бўлган 33 та мамлакатнинг бирига айланади. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш харажатларини қоплаш механизмининг мавжуд эмаслиги сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилишга тўсқинлик қилмоқда.

#### 6.4.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш мақсадли кўрсаткичлари<sup>192</sup>

Кўрсаткичлар	Асос 2018 й.	2021 й.	2025 й.	2030 й.
Аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар улуши, %	6,3	5,0	3,0	0,0
Қишлоқ хўжалигидаги иссиқхона газларини камайтириш, 2016 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	15 740 гигаграмм* (2016 й.)	10	30	50
Мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиётни қўллайдиган ва халқаро сифат менежменти тизимини жорий этган фермерлар сонини ошириш, %	2	5	10	15
Сув тежовчи технологиилар жорий этилган сүғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари майдонининг кенгайиши, %	1,7	10	20	32
Кучли шўрланган ерлар улушини камайтириш, %	45	43	41	37
Ўрмон билан қопланган майдонларни кенгайтириш, 2018 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	3,2 млн.га	20	25	30
Ёнғоқмевалар (писта, ёнғоқ, бодом) майдонини кенгайтириш, 2018 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	11 634 га	10	15	18
Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқотлари учун давлат бюджети харажатларини ошириш (ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотига нисбатан фоиз ҳисобида)	0,02	0,05	0,5	1,0

\*Гигаграмм (инглизча gigagram - Gg) —  $10^9$  г за тенг оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб; илмий тадқиқотларда, масалан атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдорини ўлчашда қўлланилади.

<sup>191</sup> Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига 1-ИЛОВА

<sup>192</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23 октябрь ПФ-5853-сон Фармонига 2-илова асосида тузилган.

Ҳосилдорликнинг камайиши озиқ-овқат хавфсизлиги ва тўлов баланси учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқаради, бу эса сув ресурсларини барқарор бошқариш ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш заруратини юзага келтиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг“2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4477-сон Қарорида 2030 йилга қадар бир гектар майдонни суғориш учун ишлатиладиган сув сарфини 20 фоизга камайтириш вазифаси белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси”да белгиланган устувор йўналишлардан бири “... ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутивчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш” ҳисобланади. Ушбу стратегияда 2030 йилга қадар қишлоқ хўжалигидаги иссиқхона газ чиқиндилари миқдорини 2016 йилги даражадан 50 фоизга камайтириш, сув тежовчи технологиялар жорий этилган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари майдонини 32 фоизга, ўрмон билан қопланган майдонларни 30 фоизга кенгайтириш каби вазифалар белгиланган (6.4.1-жадвал)<sup>193</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясига мувофиқ қишлоқ хўжалиги соҳасида 2030 йилга қадар қуйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган<sup>194</sup>:

- ишлаб чиқариш айланишдан чиқсан яйловларни тиклаш ва яйловларни барқарор бошқариш механизmlарини жорий этиш;
- органик қишлоқ хўжалиги услубларини жорий этиш; ҳайдаладиган ер майдонлари юзасининг доимий қопланиб туришини таъминлаш мақсадида экинларни тақрор экиш;
- экинлар таркибини диверсификация қилиш (кўп йиллик дараҳтлар ва кўп йиллик ўтлар экилишини кенгайтириш);
- ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймат занжирини яратиш;
- чорвачиликнинг органик чиқиндиларини тўғри сақлаш/қайта ишлаш; сув манбаларининг қишлоқ хўжалиги чиқиндилари билан ифлосланишининг олдини олиш;
- шўрланиш, қурғоқчилик ва бошқа хавфли ҳодисалар ва хатарларга бардошли юқори маҳсулдор чорва мол ва ўсимлик турлари (навлари)ни етиштириш, маҳаллий чорва турлари ва ўсимлик навлари генофондини,

<sup>193</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23 октябрь ПФ-5853-сон Фармони

<sup>194</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4477-сон Қарорига 1-илова

шунингдек, маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари генофондини сақлаш.

Ўзбекистонда органик дәхқончилик мавжуд бўлса-да, бундай усулда етиширилган маҳсулотларни муайян асослар бўйича таснифлашда етарли даражада илмий мезонлар ишлаб чиқилмаган. Органик дәхқончилик маҳсулотлари бор бўлса-да, уларнинг экологик тоза эканлигини тасдиқловчи меъёрлар ва стандартлар жорий этилмаган. Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб органик тоза маҳсулот стандартлари, уларни тартибга солиш ва сертификатлаш тизимини тадбиқ этишнинг ҳукуқий асосларини ишлаб чиқиши зарур.

## **Назорат саволлари**

1. Қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” асосида ривожлантириш заруриятини асосланг.

2. Қишлоқ хўжалигини “яшиллаштириш” ва органик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш стратегияси имкониятларини баҳоланг.

3. Органик қишлоқ хўжалиги тушунчасининг моҳиятини ёритиб беринг.

4. Жаҳон органик қишлоқ хўжалиги ривожланиш ҳолати, таркиби ва тенденцияларини таҳлил этинг.

5. Давлат томонидан органик қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш механизми қандай иқтисодий дастаклар ёрдамида амалга оширилади?

6. Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятларини баҳоланг.

7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шарҳлаб беринг.

## **Асосий тушунчалар**

**Декаплинг (Decoupling)** – ўсиб бораётган эҳтиёжларни табиий капиталнинг камайишини минималлаштириш ҳисобидан қондириш.

**Органик қишлоқ хўжалиги** – атроф-муҳитни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва табиий капитални жамғаришга кўмаклашувчи агарар ишлаб чиқаришни бошқаришнинг яхлит тизими.

**Органик сертификат** – корхона томонидан маҳсулот етишириш, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни қадоқлаш ва ташишда органик талабларга риоя этилганлигини тасдиқловчи хужжат.

**Гидропоника** – ўсимликларни тупроқсиз ўстиришнинг илмий усули ҳисобланиб, савзовотлар тупроққа илдиз отмайди ва ноорганик субстрат озуқа етказиб бериш манбаи ҳисобланади.

**Аквапоника** – балиқчилик (“аквамаданият”) ва помидор етишириш (“гидропоника”) жараёнининг синегретик самарасидан фойдаланишга асосланган илмий усул.

**Саноатга асосланган қишлоқ хўжалиги** – ташқи ресурслардан фойдаланишни назарда тутадиган қайта ишлаш усулларига эга қишлоқ хўжалиги.

**Анъанавий қишлоқ хўжалиги** – кичик ер эгалари томонидан қишлоқ хўжалигини юритишнинг маҳаллий ва анъанавий усулларини авлоддан авлодга ўргатиш ёрдамида юритиладиган қишлоқ хўжалиги.

**Иссиқхоналар** – мевалар ва сабзоватларни муайян жойга боғлик бўлмаган ҳолда етиштиришнинг анъанавий усули.

**Агро ўрмон хўжалиги** – тупроқ сифатини яхшилаш мақсадида ўрмончилик ва қишлоқ хўжалигини мутаносиб тарзда ривожлантириш.

**Агропарклар** – йирик саноатлашган шаҳарлар атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кенг ассортиментини агросаноат марказларига интеграциялаш шакли.

**Гигаграмм** (инглизча gigagram - Gg) –  $10^9$  г га teng оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, илмий тадқиқотларда, жумладан, атмосферага чиқиндилар чиқариш миқдорини ўлчашда қўлланилади.

## Тестлар

### 1. Декаплинг (Decoupling) – бу:

ўсиб бораётган эҳтиёжларни табиий капиталнинг камайишини минималлаштириш ҳисобидан қондириш

ўсиб бораётган эҳтиёжларни инсон капиталини ошириш ҳисобидан қондириш

ўсиб бораётган эҳтиёжларни табиий капиталдан максимал фойдаланиш ҳисобидан қондириш

ўсиб бораётган эҳтиёжларни жисмоний (асосий) капиталдан оқилона фойдаланиш ҳисобидан қондириш

### 2. Атроф-муҳитни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва табиий капитални жамғаришга кўмаклашувчи агарар ишлаб чиқаришни бошқаришнинг яхлит тизими ...

ландшафт дехқончилик

органик қишлоқ хўжалиги

ноорганик қишлоқ хўжалиги

биологиялаштирилган дехқончилик

### 3. Қишлоқ хўжалигига органик ишлаб чиқаришни жорий этишдаги асосий муаммо ...

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ер ресурсларининг этишмаслиги муаммоси

қишлоқ хўжалигига инвесторларни жалб этиш муаммоси

аграсонат мажмуасида инфратузилманинг ривожланмаганлиги муаммоси

аграсонат мажмуасида “яшил технологиялар”ни қўллаш бизнес учун манбаатли шарт-шароит яратиш муаммоси

**4. Ўсимликларни тупроқсиз ўстиришнинг илмий усули ...**

гидропоника

аквапоника

аквамаданият

“балиқ-помидор”

**5. “Балиқ-помидор” усули ...**

гидропоника

агропарк

аквапоника

аквамаданият

**6. Суғоришининг юқори самарадорликка эга томчилатиб суғориш технологияси муаллифи инженер Симхи Бласс ўз ихтиросини қаерда яратган?**

Ўзбекистоннинг Мирзачўлида

Исройлнинг Негев сахросида

Хитойнинг Гоби чўлида

Африканинг Сахрои Кабирида

**7. Саноатга асосланган қишлоқ хўжалигида устун даражада қайси ресурслардан фойдаланилди?**

ташқи

ички

маҳаллий

анъанавий

**8. Ўзбекистонда 2030 йилга қадар қишлоқ хўжалигидаги иссиқхона газлари эмиссияси даражасини қанчагача камайтириш режалаштирилган?**

2016 йилги даражадан 50 фоизга

2016 йилги даражадан 10 фоизга

2016 йилги даражадан 20 фоизга

2016 йилги даражадан 30 фоизга

**9. Ўзбекистонда 2030 йилга қадар сув тежовчи технологиялар жорий этилган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари майдонини неча фоизга етказиш мақсад қилиб қўйилган?**

10

20

25

32

**10. Ўзбекистонда 2030 йилга қадар ўрмон билан қопланган майдонларни худудини неча фоизга кенгайтириш вазифаси белгиланган?**

2018 йилга нисбатан 30 фоизга

2018 йилга нисбатан 20 фоизга

2018 йилга нисбатан 25 фоизга

2018 йилга нисбатан 35фоизга

## **VII-БОБ. ЭКОЛОГИК СИЁСАТ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ**

### **7.1. Экологик муаммоларнинг моҳияти, оқибатлари ва ҳал этиш йўллари**

Яшил иқтисодиётга ўтишдаги муҳим муаммолардан бири атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш оқибатида юзага келаётган экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги ҳисобланади. Экологик муаммо табиий муҳит таркиби ва амал қилишининг ўзгариши, антропоген ёки табиий оғатлар натижасида содир бўлиши мумкин.

Экологик муаммолар табиий муҳитга таъсир қилиш кучига қараб турли даражаларга ажратилади. Экологик муаммонинг таъсир кучи унинг интенсивлиги ва ўзгаришларнинг тарқалиш майдони ҳамда айрим экологик муаммоларга хос белгилар бўйича аниқланади.

**7.1.1-жадвал**

#### **Экологик муаммоларнинг турлари**

<b>Намоён бўлиш даражаси</b>	<b>Табиий муҳит хусусиятларини ўзгартириш даражаси, %</b>
кучсиз	10 гача
ўрта	10-50
кучли	>50

XX асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб инсоннинг атроф-муҳитга салбий таъсири глобал аҳамият касб эта бошлади. XX аср давомида жаҳон аҳолиси сони 4 марта, жаҳон ишлаб чиқариш ҳажми эса 18 марта ошди. Глобал миёсдаги экологик муаммога айланиб улгурган муаммолар таркибига иқлим ўзгариши; сув ҳавзаларининг ифлосланиши; озон қатламиининг емирилиши; чучук сув захираларининг тугаб бориши ва Жаҳон океани сувларининг ифлосланиши; ерларнинг чўлланиши ва деградацияси; биологик хилмачилликнинг қисқариб бориши каби муаммоларни киритишими мумкин.

Глобал экологик муаммолар қуидаги хусусиятлари билан ажralиб туради:

- планетар характерга эгалиги: глобал экологик муаммолар бутун инсонияни бевосита ёки билвосита қамраб олади;
- барча мамлакатлар жавобгар эканлиги: глобал экологик муаммоларнинг пайдо бўлиши бирон-бир мамлакат эмас, балки аксарият кўпчилик мамлакатлар айби билан боғлиқ ҳолда юзага келган;
- глобал экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликнинг зарурлиги;
- глобал экологик муаммоларни ҳал этиш учун кечикириб бўлмайдиган чоралар қабул қилиш зарурияти.

Глобал иқлим ўзгариши XXI асрнинг асосий муаммоларидан ҳисобланади. Инсониятнинг табиатга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиши, иқтисодиётда нефть, газ ва қўмирдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилиши натижасида атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газлари миқдори ортиб бормоқда. Ушбу газлар атмосферада тўпланиб, сайёранинг қизиган сирти таратадиган ортиқча иссиқликнинг космосга тарқалишига йўл қўймайди ва атмосферанинг исишига сабаб бўлади. Куйидагилар иқлим ўзгаришига олиб келаётган иссиқхона газлари сирасига киради: сув буғи; карбонат ангидрид ( $\text{CO}_2$ ); метан ( $\text{CH}_4$ ); азот оксиди ( $\text{N}_2\text{O}$ ); гидрофтоторуглеродлар (ГФУ); перфтоторуглеродлар (ПФУ); олтингутр гексафториди ( $\text{SF}_6$ ). 2018 йилда иссиқхона газларининг атмосферадаги концентрацияси бир миллионга 405,5 заррани ташкил этган ва ушбу қўрсаткич саноатлашишгача бўлган даврга нисбатан 146%га ортган.

Глобал иқлим ўзгариши муаммосининг инсоният келажаги учун нақадар хавфли эканлигини ХВФ ижроия директори Кристалина Георгиеванинг куйидаги сўzlари тасдиқлаб турибди: “Мен, 9 ёшли набирам тўғрисида ўйлайман. У 20 ёшга кирганда иқлимининг кескин ўзгариши оқибатида 100 миллионлаб одамларнинг қашшоқлашиб кетишига гувоҳ бўлиши, 40 ёшга кирганида эса иқлим ўзгаришлари туфайли 140 миллион киши яшаш учун хавфлилиги ёки яшаш учун ресурслар етишмаслиги сабаб ўз ватанларидан бошқа жойларга қўчиб кетишга мажбур бўлаётганларини кузатиши мумкин. Агар у 90 ёшгача умр кўрса, бу даврда ер шари 3–4 градусга исиб кетиши ва яшаш учун яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин”<sup>195</sup>.


Иқлимининг кескин ўзгариб кетиши натижасида юзага келаётган экологик муаммолар жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, 2019 йил март ойида Зимбабве, Малави ва Мозамбикда “Идай” тропик тўфони оқибатида 1300 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Бир ойдан сўнг мазкур худудларга “Кеннет” тропик тўфони ёпирилди ва иккала тўфон келтирган зарар 4 млрд. долларга етди. Ушбу ҳолат бир мавсумда кетма-кет рўй берган табиий оғатлар сифатида рўйхатга олинган илк ҳолат ҳисобланади ва 3 млн. кишининг уй-жойсиз қолишига олиб келди. Айрим тадқиқотларга кўра, курғоқчилик, сув тошқинлари, тўфонлар каби табиий оғатлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 50%игача зарар етказиши мумкин. XXI асрнинг бошларига келиб табиий оғатлар тез-тез содир бўла бошлади. Мисол учун, 2004 йилда Гренадада содир бўлган “Айван” тўфони келтирган зарар мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 148%ни, 2017 йилда Доминикада рўй берган “Мария” тўфони оқибатида келтирилган зарар эса 260%ни ташкил этди<sup>196</sup>.

Таҳлиллар, жаҳонда атмосферага иссиқхона газларини чиқариш миқёсининг ортиб бораётганлиги, ушбу газларни атмосферага чиқариш миқдори бўйича белгиланган чегаравий қўрсаткичга эришган мамлакатлар сони 2030 йилга қадар 57 тага ва уларнинг жами иссиқхона газларини

<sup>195</sup> Finance & Development, december 2019, Vol. 56, No. 4.  
<https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2019/12/climate-change-and-the-age-of-adaptation-georgieva.htm>

<sup>196</sup> Ўша манба

чиқаришдаги улуши 60% етиши мүмкінлиги башорат қилинмоқда (7.1.1-расм).



### 7.1.1-расм. Жаһонда иссиқхона газларини атмосферага чиқариш күрсаткичлари<sup>197</sup>

Глобал иқлим ўзгаришлари XXI асрда мамлакатлар ўртасида күзга ташланыётган иқтисодий тенгсизликни яққол юзага чиқармоқда. Глобал иссиқхона газларининг 26%и АҚШга, 22%и Европага түгри келгани ҳолда, ушбу газларнинг бор-йүғи 3,8%и Африка қитъаси ҳиссасига түгри келади. Иссиқхона газларининг 80%и ривожланган мамлакатларга тегишли бўлиб, ушбу мамлакатлар 2030 йилга қадар ушбу күрсаткични 20-40%гача қисқартириш мажбуриятини олишган<sup>198</sup>.

Глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда БМТ етакчи мавқега эга. БМТ томонидан 1972 йил Стокгольмда ўтказилган атроф-муҳит масалалари бўйича Конференцияда қабул қлинган Декларация атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратилган дастлабки ҳалқаро ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжатда атроф-муҳитга таъсир күрсатадиган иқтисодий фаолият тартибга солиниши кераклиги таъкидланган. Декларацияда келажакда ҳалқаро в миллий сиёсатларни ишлаб чиқишида асос бўлувчи 26 тамойил белгиланган. Ушбу тамойилларга кўра ҳар қандай иқтисодий фаолиятни тартибга солишида ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари ҳисобга олиниши зарур. Ҳар бир инсонда эркин, тенг ва муносиб турмуш шароитига эга бўлиш хуқуқи мавжуд.

Қазиб олинадиган ресурсларни истеъмол қилишни тартибга солиш билан биргаликда, инсон экологик тизимни заарлантирадиган даражада токсик моддаларни атроф-муҳитга чиқарилишининг олдини олиши зарур. Иқтисодий фаолиятнинг оқибатларини тартибга солишига қартилган барча қарорлар ҳалқаро миқёсда қабул қилиниши ва ривожланаётган мамлакатлар учун ривожланиш имкониятларини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Ривожланётган мамлакатларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари

<sup>197</sup> The Emissions Gap Report 2018. <http://www.unenvironment.org/emissionsgap>.

<sup>198</sup> Finance & Development, december 2019, Vol. 56, No. 4.

<https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2019/12/climate-change-and-the-age-of-adaptation-georgieva.htm>

бўйича техник ёрдам билан биргалиқда молиявий жиҳатдан ҳам ёрдам кўрсатиш зарур. Бундай чора-тадбирларнинг натижалари нафакат миллий ва халқаро даражаларда муҳим аҳамиятга эга<sup>199</sup>.

Стокгольмда Декларацияси асосида 1992 йилда атроф муҳит ва тараққиёт бўйича Рио-де-Жанейро декларацияси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у тараққиётни барқарор ривожланиш доирасида кўриб чиқади. Декларацияда барча мамлакатлар барқарор ривожланиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиши, жумладан, ҳар бир мамлакат ўз қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши кераклиги айтиб ўтилган. Декларациянинг назарий қисмида тасвирланган мамлакат ва минтақаларнинг ўзига хослиги шундаки, бир мамлакатда самарали бўлган чора-тадбирлар бошқа мамлакатда самарасиз бўлиши мумкин<sup>200</sup>.

БМТ томонидан 1992 йил 9 майда Нью-Йорк шаҳрида Стокгольм Декларацияси тамойилларига асосланган ҳолда Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси қабул қилинди. Конвенциянинг мақсади атмосферада иссиқхона газларининг иқлимга салбий таъсир кўрсатадиган даражада ошиб кетмаслигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўлди<sup>201</sup>. Ушбу мақсадга 1997 йилда БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясининг Киото протоколи қабул қилинганидан сўнггина эришилди. Киото протоколига биноан, уни имзоловчи мамлакатлар шундай сиёsat ва технологияларни ишлаб чиқишлири керакки, натижада иссиқхона газларининг чиқарилиши базис йилга нисбатан тасдиқланган квоталар бўйича камайиши лозим. Атмосферанинг ифлосланиши бўйича кўрсаткичлар учун базис давр сифатида 1995 йил олинган<sup>202</sup>.

2015 йилда эса БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясининг Париж битими қабул қилинди. Битимнинг мақсади 2020 йилдан бошлаб атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газларини миқдорини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни тартибга солиш, конвенция ижроси амалиётини такомиллаштириш ҳисобланади. Битим барқарор ривожланиш ва қашшоқликни бартараф этиш шароитида иқлим ўзгариши хавфига глобал даражада жавоб чораларини кучайтиришга йўналтирилган бўлиб, куйидаги муҳим ваифаларни ҳал этишга хизмат қилиши зарур:

- глобал ҳароратнинг ўртача ошишини  $2^{\circ}\text{C}$ дан паст даражада сақлаб туриш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ рисклар ва оқибатларни камайтириш имконини берувчи ўртача ҳарорат ўзгаришини  $1,5^{\circ}\text{C}$  даражагача чекловчи чора-тадбирларни кучайтириш;

- иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига мослашувчанлик қобилиятини ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни хавф остига қўймайдиган усуллар билан иссиқхона газларини чиқаришни камайтириш шароитида иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш;

<sup>199</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/declarathenv.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declarathenv.shtml)

<sup>200</sup> <https://legal.un.org/avl/ha/dunche/dunche.html>

<sup>201</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/climate\\_framework\\_conv.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/climate_framework_conv.shtml)

<sup>202</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/kyoto.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/kyoto.shtml)

- иссиқхона газларини кам чиқарадиган ва иқлим ўзгаришларига чидамли бўлган ривожланиш йўналишларига молиявий ресурсларни жалб қилиш.

Париж битими қазиб чиқариладиган табиий ресурсларни олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланишдаги анъанавий технологиялардан “яшил” технологияларга босқичма-босқич ўтиш асосида иқтисодий ўсишнинг янги, кам углеродли моделини шакллантиради. Ушбу битимга кўра мамлакатлар иссиқхона газларини чиқариш масаласида ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам бериш бўйича алоҳида халқаро мажбурият қабул қилмайдилар. Аксинча ҳар бир мамлакат иқлим ўзгариши муаммоси бўйича тегишли миллий қарорлар қабул қилиши ва уларни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиши лозим. 2020 йилга бориб давлатлар иссиқхона газларини чиқаришни камайтириш борасидаги миллий стратегияларини қайта кўриб чиқишилари зарур. Иштирокчи мамлакатларнинг мажбуриятларини 2022 йилдан бошлаб ҳар беш йилда янгилаб бориш режалаштирилмоқда. 2019 йил ҳолатига кўра Париж келишувини 186 мамлакат ратификация қилган, фақат икки мамлакат АҚШ ва Туркия моливий сабабларга кўра ушбу келишувга қарши чиқишилмоқда.

Экологик муаммоларни ҳал этиш масаласи БМТ “Барқарор ривожланиш мақсадлари 2030” режаларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, 2030 йилга қадар атмосферага иссиқхона газларини чиқариш ҳажмини 2010 йил даражасига нисбатан 45%га, 2050 йилга қадар эса 0%га қадар қисқартириш мўлжалланган. Бундан ташқари БМТ шафелигида “2015-2030 йилларда оғатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури” қабул қилинган бўлиб, унда янги оғатларга йўл қўймаслик ва мавжуд оғатлар хавфини камайтириш вазифалари белгилаб олинган. 2017-2018 йилларда 70 та мамлакатдан олинган 67 та маърузада белгиланган вазифалар Сендай ҳадли дастури билан бевосита боғлиқ ҳолда белгиланган<sup>203</sup>. 2019 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “2015-2030 йилларда оғатлар хавфини камайтириш бўйича Сендай ҳадли дастури”ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сонли Қарори қабул қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, экологик муаммоларни глобал даражада ҳал этишда қуидаги чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади:

- планетар миқёсда фикрлашнинг янги моделини шакллантириш – инсонни гуманизм тамойиллари асосида тарбиялаш ва уларни инсон фаолияти қандай глобал экологик муаммоларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш;
- глобал экологик муаммолар сабабини ўрганиш;
- экологик муаммоларни мониторингини олиб бориш ва прогнозлаштириш тизимини яратиш. Фақат шу йўл билан ҳар бир мамлакат

<sup>203</sup> [https://unstats.un.org/sdgs/report/2019/The-Sustainable-Development-Goals-Report-2019\\_Russian.pdf](https://unstats.un.org/sdgs/report/2019/The-Sustainable-Development-Goals-Report-2019_Russian.pdf)

тўғрисида объектив маълумотлар олиш, уларни таҳлил этиш ва муаммоларнинг янада кенг тарқалишининг олдини олиш мумкин;

- глобал экологик муаммоларни ҳал этишда барча мамлакатларнинг интилишларини мувофиқлаштириш ва кучларни бир жойга жамлаш. Ресурсларнинг ягона фондини яратиш, мунтазам равищда ахборот ва билимлар билан алмашиниш.

## 7.2. Экологик сиёсатнинг моҳияти, турлари ва вазифалари

Экологик муаммоларнинг чуқурлашуви халқаро ва миллий даражада табиий ва экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган мақсадли сиёсат олиб бориши зарурлигини тақозо этмоқда. XXI аср бошларида бир мамлакатдаги экологик муаммо дунё муаммосига айланиб бормоқда, чунки экологик инқироз бир жойда тўхтаб турмайди ва дунё бўйлаб кенг тарқалади.

Экологик сиёсат – экологик вазиятни бошқариш ва мамлакатдаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ва институционал чора-тадбирлар тизимиdir. Бунда экологик стратегия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида амалга оширилиши зарур мақсад ва вазифалар йиғиндиси сифатида белгиланади.

Экологик сиёсат миқёсига кўра глобал, давлат, маҳаллий ва корхона даражасида амалга оширилиши мумкин.

Глобал миқёсда амалга ошириладиган экологик сиёсат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни мамлакатлар ўртасида тақсимлашда экологик чекловлар қўйиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Давлат миқёсида олиб бориладиган экологик сиёсат мамлакат худудининг экологик ҳолати билан боғлиқ афзалликлар ва камчиликларга асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат чора-тадбирларини қамраб олади.

Минтақавий даражада амалга ошириладиган экологик сиёсатда давлат томонидан мамлакатнинг муайян минтақаларидаги экологик вазиятни яхшилашга қаратилган сиёсат тушунилади.

Маҳаллий даражада амалга ошириладиган экологик сиёсат экологик мониторинг ўтказиш, атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик ижросини назорат қилиш, маҳаллий экологик дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиши билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Ижтимоий қадриятлар тизимида экология устувор йўналишга айланганидан кейин корхоналар узоқ муддатли ривожланиш режаларида атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратишларига тўғри келади. Бу вазиятда атроф-муҳитни ифлосланишига олиб келадиган айрим хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, саноат корхоналари даражасида экологик сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш муаммоларига катта эътибор қаратилиши зарур.

Экологик сиёсат муайян усуллар ёрдамида амалга оширилади. Ушбу усуллар соҳанинг хуқуқий-институционал асосларини шакллантиришдан тортиб иқтисодий тартибга солиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда технологик ечимларни қўллаш ва аҳолининг табиатга муносабатини яхшилашни тарғиб этишгача бўлган усулларни қамраб олади (7.2.1-жадвал).

### 7.2.1-жадвал

#### Экологик сиёсат усуллари

Усуллар	Мазмуни
Хуқуқий	Жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган меъёрий-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш
Маъмурӣ	Экологик қонунчилик ижросини таъминлаш, стандартлаштириш, атроф-муҳит мониторинги, лицензиялаш, сертификатлаш, экологияга таъсирни баҳолаш, мақсадли экологик дастурлар, экологик аудит
Иқтисодий	Атроф-муҳитни бошқариш, тўловлар, жарималар, солиқقا тортиш ва молиявий имтиёзлар
Сиёсий	Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган сиёсий ва бошқа ташкилотлар фаолияти
Техник ва технологик	Атроф муҳитни муҳофаза қилишда техник ва технологик воситалар ва ечимлардан фойдаланиш
Таълим ва тарбия	Аҳолининг табиатга муносабати ва атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан масъулиятини шакллантиришга кўймаклашиш

Экологик сиёсатни амалга оширишда юқорида қайд этиб ўтилган усулларнинг оптимал мутаносиблигига эришиш муҳимдир. Баъзи усулларнинг устуворлиги атроф-муҳит ва жамият учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

**Экологик сиёсатнинг субъектлари.** Давлат экологик сиёсатни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Давлат экологик қонунчилик ижросини назорат қилиш, экологик фаолиятни амалга ошириш қоидаларини белгилаш, экологик сиёсат субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Хўжалик юритувчи субъектлар атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фаол иштирок этишлари зарур. Амалдаги қонунчилик корхоналарга ишлаб чиқариш жараёнининг атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этиш мажбуриятини юклайди.

Илмий-тадқиқот ташкилотлари экологик сиёсатни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зоро, экология соҳасида илмий-тадқиқот ишларини мунтазам олиб бориш зарурияти мавжуд. Илмий-тадқиқот натижаларининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим восита бўлиб қолмоқда.

Самарали экологик сиёсат юритишида жамоат ташкилотларининг ўрни катта. Улар экологик сиёсат соҳасида муҳим қарорларни ишлаб чиқиши, қабул қилиши, экологик қонунчиликнинг бажарилишини мониторинг қилиши, экологик таълим ва аҳоли ўртасида ташвиқот ишларини олиб боришида муҳим рол ўйнашади.

XXI аср бошларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларга қарши кураш масалалари айрим сиёсий партияларнинг мавғуравий дастурига айланиб улгурди. Дунёда экология йўналишидаги қарийб юзга яқин сиёсий партиялар фаолият юритади. Одатда “яшиллар” номи билан юритиладиган ушбу партиялар, парламент орқали экология соҳасидаги давлат сиёсати ғояларини илгари суради. Ўзбекистонда 2019 йил 24 январда Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Экологик партияси давлат рўйхатидан ўтказилди. Янги партиянинг мақсади барқарор ривожланишга, экологик хавфсизликка эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун табиий ресурсларни сақлаш ва қулай атроф муҳитни яратишга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларни сақлаш давлат, жамият ва мамлакат ҳар бир фуқаросининг вазифаси бўлишига эришишга кўмаклашишга қаратилган<sup>204</sup>.

### 7.3. Экологик сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий механизми

Экологик сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий дастаклари турли туман бўлиб уларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: қопловчи, рағбатлантирувчи ва чекловчи (7.3.1-расм).



**7.3.1-расм. Экологик сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий механизми турлари**

**Қопловчи (“юмшок”)** иқтисодий механизм экологик сиёсат нуқтаи назаридан нисбатан эркин бўлиб, иқтисодий тармоқлар ва секторларнинг иқтисодий ривожланиши учун умумий экологик чекловларни жорий этиш учун хизмат қиласи. Ушбу иқтисодий механизм экологик муаммоларнинг келиб чиқиши сабабларини эмас, балки экологик оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган бўлади.

**Рағбатлантирувчи** иқтисодий механизм эса табиатни муҳофаза қилиши билан боғлиқ фаолият ва ишлаб чиқариши ривожлантиришга хизмат қиласи.

<sup>204</sup> <https://ecouz.uz/history>

Ушбу иқтисодий механизмнинг асосини бозор дастаклари ташкил этади. Рағбатлантирувчи дастаклар янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни кўпайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этишга хизмат қилиши лозим. Рағбатлантирувчи иқтисодий механизмга органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай иқтисодий муҳит яратишни мисол қилиб қелтириш мумкин.

**Чекловчи** (“каттик”) иқтисодий механизм маъмурий ва бозор дастакларидан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилади. Давлат қаттиқ солик, кредит, жаримага тортиш сиёсати орқали муайян тармоқларда табиий ресурслардан фойдаланиш базасининг кенгайишини тўхтатишга ҳаракат қиласди. Ушбу механизmdан фойдаланишдан қўзланган мақсад табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қўмаклашиш ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ушбу механизmlар соф ҳолатда учрамайди ва аралаш қўлланилади. Жаҳон иқтисодиётининг умумий ривожланиш стратегияси яқин истиқболда устун даражада рағбатлантирувчи ва чекловчи иқтисодий механизм турларини аралаш қўллашга асосланишини қўрсатмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солиш иқтисодий дастакларга асосланиши зарур. Халқаро даражада глобал иқлим ўзгаришининг олдини олишда иқтисодий усуллар фаол қўлланилмоқда. Улар қаторига амтоқсферага чиқарилаётган иссиқхона газларини миқдорини квоталаш, углерод соликларини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларига “яшил технологиялар”ни жорий этишда турли имтиёзлар белгилаш каби дастакларни киритишимиз мумкин.

Иссиқхона газлари савдоси тизими (Emissions Trading System, ETS) – бу иссиқхона газлари эмиссияси миқдорини қисқартириш учун қўлланиладиган бозор дастаги бўлиб, “cap and trade” (“чеклов ва савдо”) тамойилига асосланади. Ҳукумат иссиқхона газлари эмиссиясининг умумий миқдорини белгилайди ва компаниялар ҳар бир тонна CO<sub>2</sub> учун рухсатнома олиши зарур бўлади. Компаниялар ушбу рухсатномани давлатдан текинга олиши ёки харид қилиши ҳамда бошқа компаниялар билан савдолашиши мумкин бўлади. Рухсатнома нархи углерод нархини белгилаб беради. Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида 17 хил ETS амал қиласди ва улар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 40%и тўғри келади.


Углерод солигида эса ҳукумат солик ставкасини белгилаб беради ва компаниялар фойдалangan ҳар бир тонна углерод ёқилғиси учун муайян сумма маблағ тўлаши зарур бўлади. Айрим мамлакатлар фақат иссиқхона газлари савдоси тизимидан (Қозоғистон, Корея Республикаси, Янги Зеландия), баъзилари углерод солигидан (Аргентина, Канада, Чили, Колумбия, Япония, Мексика, Сингапур, Украина), бошқалари эса иккала дастакдан аралаш (Швейцария, ЕИ) фойдаланади.

Глобал миқёсда атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газлари миқдорини қисқартиришнинг самарали дастакларидан бири углерод соликлари ҳисобланади. Углерод соликлари — қазиб чиқариладиган ёқилғи

таркибидаги углероддан ундириладиган йифимлардир. Ушбу солиқлар глобал миқёсда күйидаги сабабларга кўра жорий этилган.

**Биринчидан**, улар экологияга заарар келтирувчи хавфли чиқиндилар бўйича қабул қилинган миллий мажбуриятларга эришишнинг самарали воситаси саналади. Жумладан, 2030 йилда атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub> нинг ҳар бир тоннасидан 35 доллар солик ундириш кўмири, электрэнергия ва бензин нархларини мос равишда тахминан 100, 25 ва 10%га ўсишига олиб келади. Бундан ташқари углерод солиқлари энергетика соҳасига сарфланадиган инвестицияларнинг паст углеродли технологиялар, жумладан, тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан ишлайдиган электростанцияларга йўналтиришни рағбатлантиришга хизмат қиласи.

Атмосферага чиқарилаётган бир тонна CO<sub>2</sub> учун жорий этилаётган 35 доллар миқдоридаги солик Хитой, Ҳиндистон ва Жанубий Африка Республикаси каби мамлакатларда Париж келишувидаги қабул қилинган мақсадларга эришиш учун етарли ҳисобланади. Шу билан бир вақтда солиқлар миқдорини 70 долларгача ошириш Австралия, Франция ва Канада каби мамлакатларнинг экологик сиёсалари мақсадларига эришишлари учун камлик қилиши мумкин (7.3.1-расм).




**7.3.1-расм. Дунё мамлакатларида Париж келишуви талабларини бажариш мақсадида удирилаётган углерод солиқлари миқдори, 2018 й<sup>205</sup>.**

**Иккинчидан**, углерод солиқлари давлат бюджети даромадларининг мухим манбаига айланиши мумкин. Айрим ҳисоб-китобларга кўра бир тонна

<sup>205</sup> Finance & Development, December 2019, Vol. 56, No. 4.

<https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2019/12/climate-change-and-the-age-of-adaptation-georgieva.htm>

СО<sub>2</sub> учун 35 доллар солиқ түлаш мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1-2%ини ташкил этади.



Бир тонна СО<sub>2</sub> дан 35 дол. солиқ ундириш

Бир тоннадан 70 дол. солиқ ундириш туфайли күшимча СО<sub>2</sub> чиқариши ҳажмининг қисқариши

### 7.3.2-расм. Дунё мамлакатларида қўшимча углерод солиқлари ундириш эвазига СО<sub>2</sub> миқдорининг қисқариши, 2018 й<sup>206</sup>.

**Учинчидан**, углерод солиқлари атроф-муҳит ҳолатининг яхшиланишига, жумладан, қазиб чиқариладиган ёқилғини ёқиш оқибатида ҳавонинг ифлосланиши туфайли эрта ўлишининг сезиларли даражада пасайишига олиб келиши мумкин. Тоннасидан 35 доллар миқдоридаги углерод солиги 2030 йилга қадар йилига Хитойда 300 000, Ҳиндистонда эса 170 000 кишининг эрта ўлишдан сақлаб қолиши мумкин.

“G20 гурӯҳи”<sup>207</sup> мамлакатларидан Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ ҳиссасига иссиқхона газларини қисқартириш имкониятларининг 80%и тўғри келади. Ушбу мамлакатлар ўртасида келишувларга эришиш бу соҳада катта ютуқ саналади. Аммо эришилган келишувларнинг амалга ошиши гумон бўлиб қолиши мумкин. 2020 йилда АҚШ Париж келишувидан чиқиб кетиш тўғрисида расман баёнот берди. Ҳиндистон иқтисодиёти тарихий омилларга кўра кўумирга бевосита боғлиқ, Хитойда эса 2020 йилдан иссиқхона газлари савдоси бўйича миллий тизим амал қилмоқда.

Миллий даражада экологик сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий механизми қуийдаги чора-тадбирларга асосланади:

<sup>206</sup> Finance & Development, december 2019, Vol. 56, No. 4.

<https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2019/12/climate-change-and-the-age-of-adaptation-georgieva.htm>

<sup>207</sup> “G20 гурӯҳи” – ривожланган ва ривожланётган йирик мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари форуми. Австралия, Аргентина, АҚШ, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, ЖАР, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Мексика, Россия, Саудия Арабистони, Туркия, Франция, Хитой, Япония ва Европа Иттифоқидан иборат.

- табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини режалаштириш ва молиялаштириш;
- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини имтиёзли кредитлаш ва солиқса тортиш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндиларни бошқариш, атроф-муҳитни ифлослантирувчи иссиқхона газларини атмосферага чиқариш микдорини чеклаш бўйича лимитлар белгилаш;
- табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф-муҳитни ифлослантирувчи иссиқхона газларини атмосферага чиқариш учун солиқлар ва бошқа тўловларни ундириш;
- атроф-муҳитга зарар етказувчи турли чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўловлар ундириш;
- атроф-муҳитга ва аҳоли соғлиғига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш ва бошқалар.

#### **7.4. Ўзбекистонда экологик вазият ва экологик сиёсатнинг устувор йўналишлари**

Мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш орқали табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодий фаолиятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини юмшатиши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистондаги экологик вазият билан боғлиқ мавжуд муаммоларни глобал, минтақавий, миллий ва институционал муаммоларга гуруҳлаш мумкин (7.4.4-жадвал).

**7.4.4-жадвал**

#### **Ўзбекистонда атроф муҳитнинг сифатли ҳолати билан боғлиқ мавжуд муаммолар**

<b>1. Глобал муаммолар</b>	<b>2. Минтақавий ва миллий муаммолар</b>	<b>3. Атроф муҳитни муҳофаза қилишининг институционал муаммолари</b>
1.1. Озон қатлами мининг емирилиши	2.1. Сув ресурсларининг камайиши ва ифлосланиши	3.1. Иқтисодиётни экологиялаштириш
1.2. Иқлим ўзгариши	2.2. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши	3.2. Табиатдан фойдаланишининг иқтисодий механизми
1.3. Ерларнинг чўлланиши ва деградацияси	2.3. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларини сақлаш ва қайта тиклаш	3.3. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат назорати
	2.4. Чиқиндиларни бошқариш	3.4. Атроф муҳитни муҳофаза қилиши илмий жиҳатдан таъминлаш
		3.5. Экологик аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки

Ўзбекистон иқлим ўзгариши билан боғлиқ глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган халқаро ҳаракатнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 18 майда Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенциясига ва Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколига қўшилди. 2030 йилда гидрохлорфторуглеродлар ишлатишни батамом тўхтатиш Ўзбекистон учун Монреал протоколининг халқаро мажбуриятларини бажаришга риоя этишининг стратегик йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясининг (Нью-Йорк, 1992 йил май) аъзоси ҳисобланади, ушбу Конвенция доирасида Киото протоколи 1998 йилда имзоланган ва 1999 йилда ратификация қилинган, Париж битими эса 2017 йилда имзоланган ва 2018 йилда ратификация қилинган.

Орол денгизининг қуриши муаммоси Ўзбекистон, минтақа ва халқаро миқёсдаги экологик муаммо ҳисобланади. Орол денгизи сувининг қуриши натижасида экологик муҳит ва табиий мувозанатнинг бузилиб, иқлим салбий томонга ўзгариб бормоқда. Ушбу ҳудудлардан қум, туз ва чангларнинг ҳавога кўтарилиши ва атроф-муҳитга ёғилиши натижасида Оролбўйи минтақаси ҳудудида яшовчи аҳолига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига жиддий зарар етмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари, боғ ва токзорлар экилган ерларда иккиласида шўрланишлар кучайиб, ҳосилдорликка салбий таъсир қилмоқда.



#### 7.4.1-расм. Орол денгизи устидаги қум бўронлари

Маълумотларга қараганда, денгиз қуриши ва шўрланишнинг тезлашуви оқибатида сўнгги йилларда 50 минг гектарга яқин экин майдони қишлоқ хўжалигига фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Қуриган денгиз ўрнида 5,5 миллион гектардан ортиқ майдонни эгаллаган “Оролқум” сахроси пайдо

бўлди<sup>208</sup>. Ушбу маълумотларни АҚШнинг НАСА космик агентлиги томонидан ксомосдан туриб олинган қўйидаги расмлар ҳам тасдиқлаб турибди (7.4.1-расм).

Мамлакатимизда Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш, экологик муҳитни барқарорлаштириш, табиий мувозанатни тиклаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада ушбу ҳудудда 1 126 минг гектар майдон экишга тайёрланиб, 461 минг гектарда ўрмон барпо қилиш ишлари амалга оширилди, жумладан, 93 км масофада ҳимоя тўсиқлари ташкил этилиб, келгуси экиш мавсумларида ушбу ҳудудда экиш ишларини давом эттириш учун 420 гектар майдонда саксовул ниҳолхоналари ташкил этилди<sup>209</sup>.

**Ер русурслари.** Мамлакатимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳудудининг 80%и чўл ва ярим чўллардан иборат. Қарийб 10 млн гектар яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож. Кўчадиган қумлар қарийб 1 млн гектар майдонни эгаллайди ва ушбу ерларнинг икки юз минг гектари сўнгти вақтда суғориладиган майдонлар атрофида пайдо бўлган.

**Сув русурслари.** Ўзбекистоннинг сув ресурслари қайта тикланадиган ер усти ва ер ости сувлари, антропоген фойдаланишдан қайтадиган сувлар (дренаж ва оқова сувлар)дан иборат. Ўртacha кўп йиллик жами оқар сув ҳажми 114,4 км<sup>3</sup>ни ташкил этадиган Амударё ва Сирдарё трансчегаравий дарёлар Ўзбекистонда ер усти сув оқимини шакллантирадиган асосий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида 17 777 та табиий оқар сув манбалари (Амударё ҳавзасида – 9 930 та, Сирдарё ҳавзасида – 4 926 та) ва 500 дан ортиқ кўл бўлиб, Айдар-Арнасой кўллар тизими уларнинг таркибида каттаси ҳисобланади,. Мамлакатда прогноз қилинган ҳажми суткасига 75,5 млн м<sup>3</sup>ни ташкил этадиган чучук сув ва бироз шўрланган ер ости сувлари конларида 26 мингдан зиёд қудуқлар мавжуд.

Марказий Осиёдаги бешта республика ўртасида сув тақсимлаш схемаларига мувофиқ Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича Ўзбекистоннинг лимити 100 фоизли лимитда йилига 63,02 км<sup>3</sup>ни ташкил этади. Сув олиш лимитидан фойдаланиш таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ўрта ҳисобда 85 фоиз, 2008, 2011, 2018 йиллардаги каби сув камчил йилларда эса 70-75 фоизга яқин сув олади.

**Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш.** 2018 йилда республика бўйича атмосфера ҳавосига чиқарилган жами ифлослантирувчи моддалар миқдори 2,492 млн тоннани ташкил этди, шунинг қарийб 63%и кўчма манбалар ҳиссасига тўғри келади.


<sup>208</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 15 февраль, 132-сон қарори

<sup>209</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 24 февраль, 1331-сон қарори.

**Биологик ресурслар.** Ўзбекистон ҳайвонот дунёсининг 91 тури Халқаро Қизил китобга, ўсимлик дунёсининг 324 тури ва ҳайвонот дунёсининг 184 тури Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган. Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияда қуруқликда қўриқланадиган табиат ҳудудлари улушкини мамлакат ҳудудининг 17%игача етказиш тавсия этилган. Ўзбекистонда ушбу қўрсаткич қарийб 5%. 2019 йил 1 январь ҳолатига қўра, Ўзбекистон Республикасининг ўрмон фонди 11 572,6 минг гектарни ёки мамлакат ҳудудининг 25,7%ини, шу жумладан ўрмон билан қопланган 3 201,6 минг гектарни ташкил этади.

**Чиқиндиларни бошқариш.** 2017 йилда республикада 114,7 млн тонна ишлаб чиқариш ва истеъмолчиқиндилари, шу жумладан қайта ишлаш мумкин бўлмаган заҳарли чиқиндилар – 41,6 млн тонна (36,2 %) ва қайта ишлаш мумкин бўлган заҳарли чиқиндилар – 42,8 млн тонна (37,3 %) ҳосил бўлган. Мамлакатда чиқиндилар кўмиладиган ва утилизация қилинадиган 296 та жой, шу жумладан қаттиқ майший чиқиндилар учун (221), саноат чиқиндилари (16), қурилиш чиқиндилари (4), шлам жамланадиган (21), чиқинди омборлари (15), маҳсус полигонлар (19), шунингдек, ҳавфли чиқиндилар утилизация қилинадиган 23 та жойлар мавжуд.

### **2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухитни муҳофаза қилиш концепцияси доирасидаги мақсадли вазифалар**



Қайд этиб ўтилган атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида 2019 йил 30 октябрда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухитни муҳофаза қилиш концепцияси қабул қилинди. Концепцияга мувофиқ қуидагилар 2030 йилга қадар соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар сифатида белгилаб қўйилди<sup>210</sup>:

#### **Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш борасида:**

<sup>210</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 30 октябрь, ПФ-5863-сонли Фармони.

- Орол денгизининг Ўзбекистон томонидаги қуриган тубида ўрмонзор майдонларини кенгайтириш;

- Урганч, Хива шаҳарлари атрофида маҳаллий турдаги дарахт-буталардан иборат «яшил белбоғ»лар барпо этиш.

#### **Ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш соҳасида:**

- тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини сақлаш ва ошириш учун қисқа-ротация ва пахта-беда алмашлаб экишни кенг жорий этишни таъминлаш;

- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда органик қишлоқ хўжалиги усуларини жорий этиш;

- бузилган ерларни қайта тиклаш ва рекультивация қилишни таъминлаш

- коллектор-дренаж тармоғининг реконструкция қилиниши ва қайта тикланишини таъминлаш.

#### **Сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасида:**

- сув ресурслари йўқотишларини қисқартириш;

- қишлоқ хўжалигига солиширма гектарга нисбатан сув истеъмолини қисқартириш;

- томчилатиб сугориш ва сувни тежовчи бошқа технологияларга ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини кенгайтириш;

- оқава сувларни тозалаш самарадорлигини ошириш;

- саноатда сув таъминотининг айланма цикли амалиётини кенгайтириш;

- республика аҳолисини марказлаштирилган канализация тизими билан таъминланиш қамровини ошириш

#### **Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида:**

- атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндиларни камайтириш;

- жамоат транспортини газ-баллон ёқилғиси ва электр энергиясида ишлашга ўтказиш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги 95 фоиздан паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларни қўллаш;

- электр энергияси ишлаб чиқариладиган қувватларнинг умумий таркибида қайта тикланадиган муқобил манбалар (куёш ва шамол энергияси) улушкини кўпайтириш.

#### **Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш соҳасида:**

- I-V тоифадаги қўриқланадиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш;

- табиий муҳитдан қизилмия, коврак, ковул ва бошқа турдаги доривор, озуқабоп ва техник ўсимликларни олишни қисқартириш;

- қизил китобга киритилган, питомникларда етиштирилган чиройли тувалоқларни табиатга қўйиб юборишни кўпайтириш;

- янги ташкил этиладиган қўриқланадиган табиий ҳудудларда жайронларнинг янги популяцияларини ташкил этиш;

- ўрмонлар билан қопланган ўрмон фонди ҳудудини кўпайтириш

**Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш соҳасида:**

- аҳолини қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизмати билан қамраб олиш;
- ҳосил бўладиган қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш;
- тиббий чиқиндиларни йифиш, заарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиш тизимини ташкил этиш.

**Концепцияга мувофиқ 2030 йилга қадар кутилаётган натижалар қўйидагилардан иборат:**

- Орол денгизининг қуриган тубининг Ўзбекистондаги қисмида ўрмонзорлар майдонини унинг жами ҳудудига нисбатан 60%гача етказиш;
- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини йўқотишни 10%га камайтириш;
- қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини (солиширма гектарга нисбатан) 15%га камайтириш;
- оқава сувларини тозалаш самарадорлигини 80%гача ошириш;
- атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини 10%га камайтириш;
- транспорт воситаларининг 80%изини газ-баллон ёқилғиси ва электр энергиясида ишлашга ўтказиш;
- ўрмонзорлар билан қопланган ўрмон фонди ҳудудини 4,5 млн гектаргача кенгайтириш;
- IV тоифадаги қўриқланадиган табиий ҳудудлар майдонини 12%гача кенгайтириш;
- Кизил китобга киритилган ва питомникларда парвариш қилинган чиройли тувалоқларни табиатга қўйиб юборишни йилига 4000 гача кўпайтириш;
- аҳолини қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш хизматлари билан 100% қамраб олиш;
- ҳосил бўладиган қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 65%гача кўпайтириш;
- алоҳида хусусиятга эга чиқиндилар (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатиб бўлинган мойлар, қадоқлар чиқиндилари ва бошқалар)ни қайта ишлаш ҳажмини 30%гача кўпайтириш кутилмоқда.

## **Назорат саволлари**

1. Глобал экологик муаммолар глобаллашув жараёнининг чукурлашуви натижасими ёки ушбу жараёндан ташқарида вужудга келадими? Фикрларингизни асосланг.

2. Нима учун экологик муаммолар глобал муаммолар тарикида биринчи навбатда ҳал этиладиган долзарб вазифа саналади? Оммавий ахборот воситалари маълумотларидан фойдаланиб экологик муаммоларни ҳал этиш

йўлида глобал миқёсда ёки муайян мамлакатда амалга оширилган бирон-бир аниқ мисоллар келтиринг.

4. Фикрингизча, дунёнинг қайси минтақаси глобал экологик муаммолар нуқтаи назаридан нисбатан барқарор ҳисобланади? Жавобингизни фактлар ва далиллар орқали тасдиқланг.

5. Экологик сиёсатнинг қандай турларини биласиз?

6. Экологик сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий механизми қандай дастакларга асосланиши зарур?

7. Ўзбекистондаги экологик муаммолар қайси сабабларга кўра пайдо бўлган ва уларни ҳал этишининг қандай йўллари мавжуд?

## **Асосий тушунчалар**

**Экологик сиёсат** – экологик вазиятни бошқариш ва мамлакатдаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ва институционал чора-тадбирлар тизими.

**Глобал экологик сиёсат** – халқаро даражада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни мамлакатлар ўртасида тақсимлашда экологик чекловлар қўйиш билан боғлиқ халқаро чора-тадбирларни амалга ошириш.

**Давлат экологик сиёсати** – мамлакат ҳудудининг экологик ҳолати билан боғлиқ афзалликлар ва камчиликларга асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат.

**Минтақавий экологик сиёсат** – давлат томонидан мамлакатнинг муайян минтақаларидағи экологик вазиятни яхшилаш, шунингдек минтақа доирасида маҳаллий даражада амалга ошириладиган сиёсат.

**Маҳаллий экологик сиёсат** – маҳаллий даражада экологик мониторинг ўтказиш, атроф-муҳит муҳофазасига оид қонунчилик ижросини назорат қилиш, маҳаллий экологик дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиши билан боғлиқ чора-тадбирлар.

**Корпоратив экологик сиёсат** – ижтимоий қадриялар тизимида экология устувор йўналишга айланганидан кейин корхоналар узоқ муддатли ривожланиш режаларида атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратишларига тўғри келади.

**Иссиқхона газлари** – ер юзасидан чиқадиган узун тўлқинли радиацияни ютиб атмосферада иссиқхона самарасини ҳосил қилаётган газлар.

**Иссиқхона газлари савдоси тизими (Emissions Trading System, ETS)** – иссиқхона газлари эмиссияси миқдорини қисқартириш учун қўлланиладиган бозор дастаги.

**Углерод солиқлари** – қазиб чиқариладиган ёқилғи таркибидаги углероддан ундириладиган йигимлар.

**“G20 гурухи”** – ривожланган ва ривожланаётган йирик мамлакатлар хукуматлари ва марказий банклари форуми.

**Киото Протоколи** – БМТнинг иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли Конвенцияси билан 1997 йил 11 июлда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси томонидан 1999 йил 12 октябрда ратификация қилинган ва 2005 йил 16 февралдан бошлаб кучга кирган, иссиқхона газларини атмосферага чиқаришни қисқартириш механизмини белгиловчи хужжат.

**Сендай ҳадли дастури** – БМТнинг 2015-2030 йилларда янги оғатларга йўл қўймаслик ва мавжуд оғатлар хавфини камайтиришга қаратилган дастури.

**Орол денгизи** – Ўрта Осиёдаги энг катта берк шўр кўл. Маъмурий жиҳатдан Орол денгизининг ярмидан кўпроқ жануби-ғарбий қисми Ўзбекистон (Қорақалпоғистон), шимоли-шарқий қисми Қозоғистон худудида жойлашган. XX асрнинг 60-йилларигача Орол денгизи майдони ороллари билан ўртacha 68,0 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этган. Катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи (Каспий денгизи, Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин), Евросиё материгида (Каспийдан кейин) иккинчи ўринда эди. Ҳавзасининг майдони 690 минг км<sup>2</sup>, сувининг ҳажми 1000 км<sup>3</sup>, ўртacha чуқурлиги 16,5 м атрофида ўзгариб турган.

## Тестлар

### 1. БМТнинг иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш механизмларини белгиловчи хужжат ...

Киото Протоколи

Сендай ҳадли дастури

Париж битими

Стокгольм дастури

### 2. БМТнинг янги оғатларга йўл қўймаслик ва мавжуд оғатлар хавфини камайтиришга қаратилган дастури ...

Киото Протоколи

Сендай ҳадли дастури

Стокгольм дастури

Париж битими

### 3. БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясининг Париж битими қачондан кучга киради?

2020 йилдан

2025 йилдан

2030 йилдан

2050 йилдан

### 4. Париж битимига мувофиқ глобал ҳароратнинг ўртacha ошишини неча °C дан паст даражада сақлаб туриш келишиб олинган?

1,0

1,5

2,0

2,5

**5. Париж битимиға мұвоғиқ иқлим үзгариши билан боғлиқ рисклар ва оқибатларни камайтириш имконини берувчи үртача ҳарорат үзгаришини неча°С гача чекловчи чора-тадбирларни күчайтириш зарур?**

- 1,0
- 1,5
- 2,0
- 2,5

**6. Қүйидагиларнинг қайси бирида компаниялар томонидан иссиқхона газлари эмиссиясининг ҳар бир тоннаси учун рухсатнома олиш тартиби белгиланган?**

- иссиқхона газлари савдоси тизими
- углерод солиғи
- “яшил технологиялар” учун имтиёзлар
- “яшил сертификат”га эга бўлиш

**7. Қўйидагиларнинг қайси бирида компаниялар фойдаланган ҳар бир тонна углерод ёқилғиси учун муайян сумма маблағлар тўлаши зарур бўлади?**

- “яшил технологиялар” учун имтиёзлар
- “яшил сертификат”га эга бўлиш
- иссиқхона газлари савдоси тизими
- углерод солиғи

**8. 2030 йилгача Орол дengизининг қуриган тубининг Ўзбекистондаги қисмida ўрмонзорлар майдонини унинг жами худудига нисбатан неча фоизга етказиш режалаштирилган?**

- 60%
- 50%
- 70%
- 80%

**9. Ўзбекистонда 2030 йилгача атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқариш ҳажмини неча фоизга қисқартириш режалаштирилган?**

- 10%
- 15%
- 20%
- 25%

**10. Ўзбекистонда 2030 йилгача аҳолини қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш хизматлари билан неча фоизга қамраб олиш вазифаси қўйилган?**

- 50%
- 80%
- 90%
- 100%

## **ВИШ-БОБ. ИХТТ МАМЛАКАТЛАРИДА “ЯШИЛ ЎСИШ”НИ ТАЪМИНЛАШ МОДЕЛЛАРИ**

### **8.1. ИХТТ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш дастурлари: умумий ва фарқли жиҳатлар**

Жаҳон иқтисодиётининг модернизациялашуви янги технологик укладга ўтиши глобаллашув жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар учун янги технологик уклад иқтисодиётнинг самарадорлиги, рақобатбардошлигини ошириш билан бир вақтда ахолининг турмуш сифати ва яшаш муҳитини яхшилашга хизмат қилиши зарурлиги муҳим жиҳат саналади. ИХТТ 2009 йилда баён этилган мақсадга эришиш йўли сифатида 2030 ва 2050 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли “яшил ўсиш”<sup>211</sup> стратегиясини қабул қилди.

*8.1.1-жадвал*

#### **ИХТТ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва “яшил ўсиш”ни таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегиялар<sup>212</sup>**

<b>Мамлакат</b>	<b>Мақсади ва устувор ўналишлари</b>
Европа Иттифоқи	“Европа 2020” дастури (2015 й.), “Европа яшил битим” дастури (2019 й.) Паст углеродли иқтисодиётга ўтишни таъминлаш, ресурслар истеъмолини қисқартириш билан бир вақтда иқтисодий ўсиш, рақобатбардошликни ошириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва ресурслардан фойдаланишнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини чеклаш.
Буюк Британия	Саноатни ривожлантириш (Industrial Strategy - 2017 й.), Соф ўсиш стратегияси (Clean Growth Strategy - 2017 й.). Иқтисодиётнинг барча секторларида иссиқхона газлари миқдорини пасайтириш. Паст углеродли инновациялар”ни қўллаб-куватлаш.
Франция	“Яшил ўсишга энергетик ўтиш тўғрисида”ги (2015 й.) ва “Био хилма-хиллик, табиат ва ландшафтни тиклаш тўғрисида”ги қонунлар (2016 й.); “Паст углеродли” ва “2015-2020 йилларда барқарор ривожланишга экологик ўтиш” миллий стратегиялари (2015 й.). Нефтга асосланган энергетика моделидан кейинги ривожланишга асос солиш. Энергия таъминоти, нархлар ўзгариши, ресурсларнинг тугаб бориши ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш.
Япония	“Энергетика стратегияси”. Иссиқхона газлари миқдорини 2030 йилгача 26%, 2050 йилгача 80%га қисқартириш, тикланадиган энергия манбалари улушкини 22-24%га ошириш.
Корея Республика си	“Яшил ўсиш миллий стратегияси ва беш йиллик режа” (2009-2013 й.); Кореяда 2040 йилгача водород иқтисодиётини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”. Барқарор ўсишни таъминлашга кўмаклашиш, атроф-муҳит учун қулай муҳит яратиш; ахоли турмуш сифатини ошириш; халқаро даражада иқлим ўзгаришларига қарши курашишга ҳисса қўшиш.

<sup>211</sup> ИХХТ таърифига кўра “яшил ўсиш” иқтисодиётни “яшил иқтисодиёт”га трансформациялашнинг комплекс стратегияси ҳисобланади.


<sup>212</sup> Оценка окружающей среды Европы. Европейское агентство по окружающей среде, 2011. Обобщающий доклад. Копенгаген. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.eea.europa.eu>.

ИХТТнинг “яшил ўсиш” кўрсаткичлари қўйидаги стратегик йўналишлар бўйича гурухлаштирилган:

- ресурсларни тежовчи, паст углеродли иқтисодиётга ўтиш;
- табиий капитални асраб қолиш;
- аҳолининг турмуш сифатини яхшилаш;
- “яшил ўсиш” таклиф этаётган иқтисодий имкониятларни рағбатлантириш борасида сиёsat олиб бориш.

Қайд этиб ўтилган стратегик йўналишлар ИХТТ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш дастурларининг мақсади ва умумий жиҳатларини белгилаб беради. Ушбу мамлакатларда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг амалий йўналишлари қишлоқ хўжалигидан бизнесни кўллаб қувватлашгача ва инновациялардан “яшил” бандликка қадар ўзгариб туради. Глобал молиявий инқироздан сезиларли зарар кўрган Греция, Ирландия ва Испания каби мамлакатлар “яшил иқтисодиёт” асосида иқтисодий ўсиш ва “яшил бандлик”ни таъминлашга ҳаракат қилишмоқда. Иқтисодиётнинг бирламчи секторига кўпроқ боғлиқ мамлакатларда (Франция, Норвегия, Финляндия) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ёқилғи ресурсларига эга бўлмаган мамлакатларда эса (Австрия) энергетика ва энергияни тежаш масалаларида жиддий эътибор қаратилмоқда.

Германия, Норвегия, Дания ва Корея Республикасида “яшил иқтисодиёт” модели иқтисодий ривожланишда етакчи мавқега эга. Аммо аксарият мамлакатларда ҳукумат “кatta бизнес” босими остида “яшил иқтисодиёт” моделининг чекланган дастакларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Ушбу мамлакатларда “яшил иқтисодиёт” моделига ўтиш жараёнининг секинлашишини иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетиши билан изоҳланади.



**8.1.1-расм. Дунё мамлакатларида атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub> миқдорининг ўзгариши, млрд. тонна<sup>213</sup>.**

Жаҳонда “яшил иқтисодиёт”га ўтишни баҳолашнинг муҳим кўрсаткичи иссиқхона газлари эмиссияси миқдорини Париж битимида қабул қилинган

<sup>213</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

мақсадли, яъни 1990 йил кўрсаткичига тенглаштириш ҳисобланади. ВР маълумотлари 1990-2019 йилларда атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub> миқдори жаҳон бўйича 1,6 мартаға ошгани ҳолда, ИХТТга аъзо мамлакатларда 103,3%га, ИХТТга аъзо бўлмаган мамлакатларда эса 2,3 мартаға ўсганлигини кўрсатмоқда. Саноат жиҳатдан тарақкий этган мамлакатларда CO<sub>2</sub> миқдори 11,7 млрд. тоннадан 12,4 млрд. тоннага қадар ошган бўлса-да, уларнинг жаҳондаги улуши 54,6%дан 35,2 %га қадар қисқарган (8.1.1-расм). Бу ҳолатни ривожланаётган мамлакатлар гуруҳининг айрим мамлакатлари (Хитой, Ҳиндистон)да саноатлашиш жараёнларининг жадал суръатларда амалга оширилаётганлиги ҳамда баъзи ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Япония)да “яшил иқтисодиёт” тамойилларини ҳаётга тадбик этишда мақсадли дастурларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Саноат жиҳатдан тарақкий этган мамлакатлар томонидан иссиқхона газлари эмиссиянинг қисқариши асосан ЕИ ҳисобидан амалга ошганини кузатиш мумкин. АҚШ ва Япония улуши бу даврда сезиларли ошмаган бўлса-да 1990 йил кўрсаткичига нисбатан қисқармаган. Биринчилардан бўлиб, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш миллий дастурини қабул қилган Корея Республикасида эса CO<sub>2</sub> эмиссияси салкам уч бараварга ошган (8.1.2-ждвал).

#### 8.1.2-ждадвал


#### **Жаҳонда атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub> миқдори таркибининг ўзгариши<sup>214</sup>**

	1990 й.		2019 й.		1990 й. /2009 й., фоиз ҳисобида
	Млн. тонна	Жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	Млн. тонна	Жамига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	
Жаҳон	21331,5	100,0	34169,0	100,0	160,2
ИХТТ	11653,4	54,6	12012,0	35,2	103,3
АҚШ	4969,6	23,3	4964,7	14,5	100,3
Европа Иттифоқи	4419,8	20,7	3330,4	9,7	-24,6
Япония	1090,0	5,1	1123,1	3,3	103,0
Германия	1003,8	4,7	683,8	2,0	-31,9
Корея Республикаси	235,4	1,1	638,6	1,9	271,3
Буюк Британия	595,2	2,8	387,1	1,1	-35,0
Италия	396,8	1,9	325,4	1,0	-18,0
Франция	367,2	1,7	299,2	0,9	-18,5
Испания	214,6	1,0	278,5	0,8	-29,8

ИХТТ мамлакатларида бирламчи энергия истеъмоли таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 2009-2019 йилларда бирламчи энергия истеъмоли таркибида кўмир ва атом энергияси улуши тегишлича 19,5%дан 13,8%га ва 9,5%дан 7,6%га қисқариб, тикланадиган энергия манбалари улуши 2,0%дан 7,2%гача ошди (8.1.2-расм). Бу даврда ИХТТ мамлакатларида муқобил энергия манбалари ҳисобидан ишлаб чиқарилган электрэнергия

<sup>214</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.


микдори 3,3 марта ошиб, 1616,8 ТВт-соатга тенглашди. Хусусан, 2019 йилда электрэнергия ишлаб чиқариш таркибида жами тикланадиган энергия манбалари улуши 14,6%ни, шундан шамол энергиясининг улуши 7,6% ва қуёш энергияси улуши 3,5%ни ташкил этди (8.1.3-расм).



**8.1.2-расм. ИХТТ мамлакатларида бирламчи энергия истеъмоли таркибининг ўзгариши, %.<sup>215</sup>**

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида ривожлантиришга ўтказишнинг муҳим жиҳати янги технологиялар бўйича етакчи мавқени сақлаб қолишга интилиш ҳисобланади. Саноатнинг экологик тармоқлари, экологик соғ технологиялар ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Жаҳондаги экологик соғ технологиялар бозорининг 1/3 қисми ЕИ ҳиссасига тўғри келади. Халқаро патент ташкилоти маълумотларига кўра, 2010–2019 йилларда тикланадиган энергия соҳасида олинган жами патентлар сони бўйича Япония, геотермал энергия соҳасида АҚШ, шамол энергияси бўйича эса Дания етакчилик қилмоқда (8.1.3-жадвал).

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш учун сарфланаётган инвестициялар бошқа қазиб чиқариладиган ёқилғи турларига сарфланган инвестицияларга нисбатан юқори даромдлиликка эга бўлиб бормоқда. Халқаро энергетика агентлиги ва Лондан империя коллежи мутахассислари тадқиқотларига кўра Германия ва Францияда тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш учун беш йил ичиди сарфланган инвестицияларнинг даромадлилик даражаси 178,7%ни ташкил этгани ҳолда қазиб чиқариладиган ёқилғи турларига сарфланган инвестицияларда ушбу кўрсаткич 20,7%га паст бўлган. Буюк Британияда “яшил энергетика”га йўналтирилган инвестицияларнинг даромадлилик даражаси 75,4%га, АҚШда 200,3% бўлгани ҳолда, анъанавий ёқилғи турларига



**8.1.3-расм. ИХТТ мамлакатларида электрэнергия ишлаб чиқариш манбалари таркиби, 2019 й.<sup>216</sup>**

<sup>215</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>216</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

сарфланган инвестицияларнинг даромадлилик даражаси мос равища 8,8 ва 97,2%га тенг бўлган<sup>217</sup>.

### 8.1.3-жадвал

#### **Тикланадиган энергетика соҳасида олинган патентлар сонининг географик таркиби, 2010-2019 йй<sup>218</sup>.**

Мамлакат	Жами	Қуёш	Ёқилғи (биогаз, биомасса ва б.)	Шамол	Геотермал
Япония	9394	5360	3292	702	40
АҚШ	6300	3876	1391	927	106
Германия	3684	1534	813	1309	28
Корея Республикаси	2695	1803	506	360	26
Хитой	2659	1892	189	555	23
Дания	1495	52	81	1358	4
Франция	1226	660	348	184	34
Буюк Британия	709	208	271	218	12
Испания	678	341	29	300	8
Италия	509	316	57	123	13

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, COVID-19 пандемияси инқирози шароитида “яшил энергия” нархлари нефть ва газ нархларига нисбатан барқарор эканлигини исботлади. Пандемия шароитида айнан “яшил иқтисодиёт” тамойиллари дунёнинг аксарият тараққий этган мамлакатларида инқироздан чиқиб кетиш омиллари сифатида баҳоланмоқда.

## 8.2. “Яшил иқтисодиёт”га ўтишининг АҚШ тажрибаси

АҚШда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш борасида бирон-бир маҳсус дастур мавжуд эмас. Мамлакатда “яшил иқтисодиёт” соҳасининг ривожланишини ўрганишда дуч келиш мумкин бўлган илк муаммо ушбу соҳага оид маълумотларни олишда мураккабликларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Чунки, АҚШ Конгресси томонидан 2013 йилда бюджет харажатларини қисқартириш чоралари доирасида “яшил” товарлар ва хизматлар соҳасида маълумотларни йиғиши дастурларини молиялаштиришни бекор қилинганлиги билан боғлиқ. Шу вақтдан бошлаб тадқиқотчилар “яшил иқтисодиёт” соҳасига оид эски маълумотлар асосида соҳанинг ривожланиш тенденцияларини прогнозлаштириш ёки “яшил” саноат кўрсаткичларини баҳолашнинг янги усулларини ишлаб чиқишига ҳаракат қилишмоқда. Бошқа гурӯҳ тадқиқотчилар эса АҚШ Энергетика вазирлиги ёки айрим штатлар томонидан тақдим этиладиган соф энергетика соҳасида яратилаётган иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларга асосланишмоқда. Ушбу маълумотлар АҚШдаги “яшил иқтисодиёт” ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввур уйғота олмайди.

Лондон университет колледжи (University College London, UCL) тадқиқотчилари фикрича, агар АҚШ иқтисодий ўсиш суръатларини

<sup>217</sup> <https://imperialcollegelondon.app.box.com/s/f1r832z4apqypw0fakk1k4ya5w30961g>

<sup>218</sup> [https://www.wipo.int/wipo\\_magazine/ru/2020/01/article\\_0008.html](https://www.wipo.int/wipo_magazine/ru/2020/01/article_0008.html)

ошироқчи бўлса, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгаришларига қарши курашиш харажатларини икки баравар кўпайтириши зарур. Бу харажатлар янги иш ўринлари ва даромадларни оширишга кўмаклашади. Муаллифлар юзлаб реал бизнес вакилларининг статистик кўрсаткичларига асосланган ҳолда АҚШда 9,5 млн. киши ёки иқтисодий фаол аҳолининг 4,0%и “яшил иқтисодиёт” тармоқларида банд эканлиги, ҳар йили 1,3 трлн. доллар ёки мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 7,0%и миқдорида даромадга эга бўлишмоқда, деган холосага келганлар<sup>219</sup>.

АҚШда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш соҳасида улкан режалар амалга оширилиши белгиланган. Жумладан, 2035 йилга қадар мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электрэнергиянинг 80%и “соф” энергия манбалари ҳисобидан шаклланиши зарур. “Соф” энергия манбалари дейилганда ядро материаллар, “соф” кўмир ва табиий газ, шамол ва қуёшдан фойдаланиш назарда тутилади. АҚШда энергия турлари уч гурухга ажратилади: анъанавий, тикланадиган ва яшил. Анъанавий ёқилғи турларига кўмир, атом, нефть, табиий газ, тикланадиган энергия манбаларига йирик гидростанциялар ва қаттиқ майший чиқиндилар, яшил энергия манбаларига эса шамол, қуёш, биомасса, геотермал, биогаз ҳамда кичик гидростанциялар киради.

АҚШда “яшил энергетика” барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, соҳада технологик етакчиликни белгилаш омили сифтида қаралади. АҚШда “яшил энергетика”ни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати 1970-йиллардаги нефть инқизози давридаёқ бошланган. Мамлакатда энергия манбаларини диверсификациялашни рағбатлантириш масаласи илк бор 1975 қабул қилинган “Энергетика сиёсати ва энергия таъминоти тўғрисида”ги қонунда (United States. Energy Policy and Conservation Act, 1975) ўз ифодасини топди. Қонунга мувофиқ 1978 йилдан давлат ташкилотларига муқобил энергияни харид қилишлари мажбурияти юкланди. Муқобил энергия манбаларини ўзлаштиришга сарфланаётган инвестициялар учун 10% солиқ имтиёзи жорий этилди. Ушбу имтиёз 1984 йилгача амал қилиш зарур эди, аммо бу муддат бир неча марта узайтирилган. АҚШда муқобил энергетика соҳасини ривожлантиришдаги кейинги қадам тикланадиган ёқилғи манбаларини ўзлаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар КВт-соат учун 1,5 цент миқдорида солиқ имтиёзини бериш дастури ҳисобланади. 1992 йилда қабул қилинган “Энергетика сиёсати тўғрисида”ги қонун (United States, Energy Policy Act) устун даражада муқобил энергетика технологияларини тижоратлаштиришга ва бозорларга кириб боришдаги тўсиқларни қисқартиришга йўналтирилган эди. Мазкур қонун муддати бир неча бор узайтирилиб, 2012 йилда муқобил энергетика соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича солиқ имтиёзлари кўпайгандан кейин ўз кучини йўқотди. 2005 йилда эса ҳукумат томонидан муқобил энергияни истеъмол қилиш минимуми

<sup>219</sup> <https://energypost.eu/7-87tn-the-global-green-economy-by-region-revenue-jobs-productivity/>

тұғрисидаги қонун қабул қилинди. Ҳозирги вақтда АҚШ федерал хукумати электрэнергиянинг 7,5%ини шамол энергиясидан олади<sup>220</sup>.


Глобал молиявий инқизор даврида қабул қилинган инқизорзга қарши чоралар дастури АҚШда “яшил энергетика”нинг жадал ривожланишига жиддий турткі бўлди. Жумладан, 2009 йилда “Америка таъмирлаш ва қайта инвестициялаш тұғрисида”ги қонунининг (American Reinvestment and Recovery Act) қабул қилиниши мамлакатда муқобил энергетикани ривожлантириш борасида йирик ташаббуслардан бири ҳисобланади. Ушбу қонунга мувофиқ муқобил энергия манбаларини ривожлантириш учун 1,6 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилди. Бундан ташқари муқобил энергия ишлаб чиқараётган компанияларга кредитлар ажратишда имтиёзлар тақдим этилди. 2008-2015 йилларда мамлакатда қуёш энергиясидан фойдаланиб электрэнергия ишлаб чиқариш ҳажми 30 марта ошди. Бу даврда СО<sub>2</sub> эмиссияси миқдори 8,6 мегатоннагча қисқарди ва дастурни амалга оширишнинг илк йилларида 26,6 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

2013 йилда АҚШда иқлимини сақлаб қолиш бўйича ҳаракатлар режаси (US Climate Action Plan) ишлаб чиқилди. Ушбу режага мувофиқ 2020 йилга қадар муқобил энергетикани ривожлантириш ва СО<sub>2</sub> миқдорини қисқартириш мақсадлари белгилаб олинди. Д.Трамп президентлиги даврида АҚШда “Барқарор ривожланиш мақсадлари – 2030” ва Париж келишуви талабларини қабул қиласлик тенденцияси кучайиб бормоқда. АҚШда ҳозирга қадар Барқарор ривожланишнинг миллий стратегияси ишлаб чиқилмаган. Мамлакатда 2015 йилда “Барқарор ривожланиш соҳаси маълумотлари бўйича глобал ҳамкорлик” тармоқ ташкилоти (Global Partnership for Sustainable Development Data) ташкил этилган бўлиб, 150 дан ортиқ бизнес вакиллари, ҳукумат органлари, жамоатчилик ташкилотлари ва тадқиқотчилар АҚШда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича маълумотлар тўплаш билан шуғулланишади.

АҚШ иссиқхона газлари эмиссияси миқдори бўйича дунёда Хитойдан кейинги ўринни эгаллайди, нефть, табиий газнинг йирик истеъмолчиси ва импортёри ҳисобланади. АҚШ ЕИдан фарқли равища паст углеродли иқтисодиётга ўтишда сезиларли ютуқларга эришмади. АҚШ хукумати Копенгаген, Канкун келишувлари доирасида 2005-2020 йиларда атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газлари миқдорини 17%гача, 2050 йилга қадар эса 83%га қадар қисқартириш тұғрисида баёнот беришига қарамасдан бу борада бирон-бир аниқ стратегик режа ёки федерал даражада соҳани тартибга солувчи меъерий ҳужжатлар қабул қилинмаган. 1990-2019 йилларда жаҳон бўйича атмосферага чиқарилаётган жами СО<sub>2</sub> миқдори таркибида АҚШнинг улуши 23,3%дан 14,5%га қадар қисқарганига қарамасдан ушбу газларнинг абсолют миқдори деярли ўзгармасдан қолмоқда. Шу билан бир вақтда АҚШда муқобил энергия манбаларини ўзлаштириш жадал суръатларда ривожланмоқда. Жумладан, мамлакатда 1990-2019 йилларда ишлаб


<sup>220</sup> Steffen J., Chan G., Frankenberger R., Gabel M. What Drives States to Support Renewable Energy? // The Energy Journal. 2012. Vol. 33. No. 2. P. 1–12.

чиқарилган тикланадиган энергия миқдори 60,6 ТВт-соатдан 489,8 ТВт-соатгача ёки 8,1 мартаға ошган (8.2.1-расм).




**8.2.1-расм. АҚШда СО<sub>2</sub> эмиссияси ва тикланадиган энергия ишлаб чиқариш миқдорининг ўзгариши<sup>221</sup>**

2009-2019 йилларда АҚШда бирламчи энергия истеъмоли таркибида жиддий силжишлар юз берди. Жумладан, жами энергия истеъмоли таркибида кўмир энергияси 22,5 %дан 12,0 %га қисқариб, тикланадиган энергия истеъмоли 1,5%дан 6,2%га қадар ошди (8.2.2-расм). 2019 йилда АҚШда электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергия манбалари улуши 11,2 %ни, шамол энергияси – 16,9%, қуёш энергияси улуши эса 2,5%ни ташкил этди (8.2.3-расм).



**8.2.2-расм. АҚШда бирламчи энергия истеъмоли таркибининг ўзгариши, %<sup>222</sup>**



**8.2.3-расм. АҚШда электрэнергия ишлаб чиқаришнинг энергия манбалари таркиби, % (2019 й.)<sup>223</sup>**

<sup>221</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>222</sup> Ўша манба.

<sup>223</sup> Ўша манба.

АҚШда 2019 йилда электрэнергия ишлаб чиқариш қувватлари таркибида муқобил энергия асосида ишлайдиган электростанциялар улуси 21,6%ни ташкил этгани ҳолда қўмирда ишлайдиган қувватлар улуси 23,0%дан 21,6%га қадар қисқарган. Мутахассислар фикрича, АҚШда “яшил энергетика” улуси ҳар йили ўртача 1,0%га ўсиб бориб, 2022 йилгача мамлакатда ўрнатилган қувватларнинг  $\frac{1}{4}$  қисми “яшил энергетика” ҳиссасига тўғри келиши мумкин<sup>224</sup>.

Юкорида қайд этилганидаек АҚШда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш борасида ягона миллий дастур мавжуд эмас. Мамлакатда “яшил энергетика”ни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари аксарият ҳолларда штатлар даражасида ишлаб чиқилади ва амалиётга тадбик этилади. Мисол учун, электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергия манбалари улусини Массачусетс штатида 2030 йилга қадар 40,0%га, 2090 йилгача эса 90,0%га етказиш, шамолдан энергия олиш қувватларини 2027 йилгача 1,6 ГВт, 2035 йилга қадар эса яна қўшимча 1,6 ГВт га етказиш режаси мавжуд (8.2.1-жадвал).

#### 8.2.1-жадвал


#### **АҚШнинг айrim штатларида электрэнергия ишлаб чиқаришда муқобил энергия улусини оширишнинг мақсадли кўrсаткичлари<sup>225</sup>**

Тикланадиган энергия, %		Тикланадиган энергия турлари		
Миллий режа йўқ 2019 йил - 18,2		Миллий режа йўқ		
Аризона	2025 йил - 15	Айова	Электрэнергия	Коммунал хўжаликни бошқарувчи компаниялар - 105 МВт
Калифорния	2020 йил - 33	Массачусетс	Шамол (денгиз)	2027 йил - 1,6 ГВт 2035 йилгача қўшимча 1,6 ГВт
	2030 йил - 60		Шамол (жами)	2020 йил - 2,000 МВт
Массачусетс	2030 йил - 40	Техас	Қуёш	2020 йил - 1600 МВт
	2090 йил - 100		Электрэнергия	5880 МВт
Нью-Йорк	2030 йил- 70	Нью-Йорк	Энергия сақлаш	2025 йил - 1,5 ГВт 2030 йил - 3 ГВт

АҚШ Меҳнат статистикаси бюроси маълумотларига кўра атроф-муҳит муҳофазаси, табиатни қўриқлаш ва тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш соҳаларида банд бўлганлар жами иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг 1,0%ини ташкил этади. “Яшил иқтисодиёт” соҳаларида банд бўлган аксарият касб эгалари мамлакатдаги ўртача йиллик иш ҳақига нисбатан юқори маош олишади. Масалан, 2018 йилда атмосфера ва космос соҳасида фаолият олиб бораётган олимларнинг йиллик иш ҳақи миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 2,4 мартаға юқори бўлган (8.2.4-расм).

<sup>224</sup> <https://www.engadget.com/2019-06-13-americas-renewable-energy-capacity-overtakes-coal-for-the-first.html>

<sup>225</sup> [https://www.ren21.net/wp-content/uploads/2019/05/gsr\\_2020\\_full\\_report\\_en.pdf](https://www.ren21.net/wp-content/uploads/2019/05/gsr_2020_full_report_en.pdf)



#### **8.2.4-расм. АҚШда “яшил иқтисодиёт” тармоқларида банд бўлган касб эгалари ва иш ҳақи микдори, 2018 й<sup>226</sup>.**

АҚШ Мехнат статистикаси бюроси прогнозларига мувофиқ 2016-2026 йилларда қуёш станциялари мутахассисларига бўлган талаб 105,0%га, шамол трубиналарига хизмат кўрсатувчи мутахассисларга бўлган талаб эса 96,0%га ўсиши кутилмокда<sup>227</sup>.

АҚШ ҳукумати “яшил иқтисодиёт”га ўтишда “яшил иқтисодиёт” маҳсулотлари учун бозорларни шакллантириш, қулай инвестиция мұхитини яратиш, илғор “яшил технологиялар”ни амалиётга жорий этишини қўллаб-куватлаш ва “яшил” ташаббусни маҳаллий даражада рағбатлантиришга устуворлик бермоқда.

### **8.3. ЕИда “яшил ўсиш”ни таъминлаш стратегиясининг устувор йўналишлари**

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш масалалари ЕИнинг аксарият стратегик ривожланиш хужжатларида ўз ифодасини топган. Таҳлиллар кўрсатишича, “яшил иқтисодиёт” ЕИда барқарор ривожланишни таъминлашда асосий тушунча ёки устувор йўналиш сифатида қўлланилмайди. Шунга қарамасдан “яшил иқтисодиёт” барқарор ривожланишни таъминлашнинг устувор йўналишларини интеграциялаш усулларидан бири сифатида қаралади. Бандлик ва ривожланиш, иқлим ўзгаришларига қарши қурашиб чоралари шулар жумласидандир. Жумладан, ЕИда “энергетика иттифоқи ва иқлим”

<sup>226</sup> [https://www.bls.gov/careeroutlook/2019/article/careers-protecting-the-planet.htm?view\\_full](https://www.bls.gov/careeroutlook/2019/article/careers-protecting-the-planet.htm?view_full)

<sup>227</sup> <https://www.bls.gov/careeroutlook/2018/data-on-display/green-growth.htm>

йўналишида Европани хавфсиз, экологик соғ ва ҳамма учун фойдаланиш имкони мавжуд энергия билан таъминлаш вазифаси қўйилади. Унинг асосида “иқлим ўзгаришларига қарши кураш шароитида энергиядан оқилона фойдаланиш бир вақтнинг ўзида ривожланиш, янги иш жойларини яратиш ва Европа келажаги учун инвестицияларни рағбатлантириш” омили эканлиги тўғрисидаги foя ётади. “Иш ўринлари, иқтисодий ўсиш ва инвестициялар”, деб номланган устувор йўналиш доирасида эса ёпик циклли иқтисодиёт “европа корхоналари ва истеъмолчиларига ресурслардан нисбатан оқилона фойдаланилайдиган иқтисодиётга ўтишга ёрдам” сифатида талқин этилади<sup>228</sup>. Ёпик циклли иқтисодиёт хом-ашё, маҳсулотлар ва чиқиндилардан максимал фойда олиш учун қайта ишлаш, такрор фойдаланишни кенгайтириш йўли билан маҳсулотларнинг ҳаётийлик циклини қисқартиришни кўзда тутадиган иқтисодиётдир.

ЕИда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёни уч даражали бошқарув тузилмасига эга: умумевропа, миллий ва минтақавий. Умумевропа даражасида “яшил иқтисодиёт” сиёсати соҳасидаги фарқлар йўқотилади, “яшил технологиялар”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш амалга оширилади. Миллий даражада устуворлик фундаментал тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлашга қаратилади. Минтақа даражасида эса экоинновацияларни оммалаштириш сиёсати амалиётга тадбиқ этилади.

ЕИда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини таҳлил этишда қуйидаги дастурлар муҳим аҳамиятга эга:

- “Европа 2020” ривожланиш стратегияси<sup>229</sup>;
- “Европа яшил битими” дастури<sup>230</sup>.

“Европа 2020” стратегиясини “яшил ўсиш”ни таъминлашга қаратилган илк давлат дастури, деб ҳисоблаш мумкин. Дастур ресурслардан минимал даражада фойдаланишга асосланган иқтисодий ривожланишга ўтишни белгилаб беради. Ушбу стратегиясинг мақсади ЕИда барқарор ривожланиш ва инклузив ўсиш (Inclusive growth) учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. “Инклузив ўсиш”, деганда ЕИнинг ҳар бир аъзоси ва ҳар бир фуқаросининг “иқтисодий аҳволи, ёши, жинси, жисмоний ҳолати ёки диний эътиқодидан қатъий назар” барқарор ривожланишда қатнашиши зарурлиги тушунилади. Жаҳон банки таърифига кўра “инклузив ўсиш – бу узоқ муддатли даврда барқарор ривожланишга ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг барча секторлари ва меҳнат ресурсларининг катта қисмини жалб этган ҳолда эришишдир”<sup>231</sup>.

“Европа – 2020” стратегияси “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш мақсадида барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётда

<sup>228</sup> 2018 World Green Economy Report Inspiring innovations in business, finance and policy. <http://worldgreeneconomy.org/wp-content/uploads/2018/10/report.pdf>

<sup>229</sup> Europe 2020. A European strategy for smart, sustainable and inclusive growth // European Commission. 2010. 3 March. URL: <http://ec.europa.eu/research/era/docs/en/ec-understanding-era-13.pdf>

<sup>230</sup> The European Green Deal Brussels. COMMUNICATION FROM THE COMMISSION TO THE EUROPEAN PARLIAMENT, THE EUROPEAN COUNCIL, THE COUNCIL, THE EUROPEAN ECONOMIC AND SOCIAL COMMITTEE AND THE COMMITTEE OF THE REGIONS. 11.12.2019. COM(2019) 640 final. – 24 p.

<sup>231</sup> George, Justine. Growth and Development. Inclusive Growth: What went wrong with Development?, MPRA 33182, 2011.

таркибий ўзгаришларни, рақобатбардошлик ва меҳнат унумдорлигини амалга оширишга қаратилган. Ушбу стратегияга мувофиқ 2020 йилга қадар ИТТКИ харажатлари миқдорини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3%га етказиш, атмосферага чиқарилаётган газлар миқдорини 1990 йил даражасига нисбатан 80%га қадар қисқартириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш даражасини жами энергия истеъмолида 20%га қадар ошириш вазифаси қўйилган (8.3.1-жадвал)

### 8.3.1-жадвал

#### Европа 2020 ривожланиш стратегиясининг асосий кўрсаткичлари<sup>232</sup>


Кўрсаткичлар		2008	2015	2016	2017	2018	2019	2020*
Бандлик	Бандлик даражаси, 20-64 ёшдаги аҳолига нисбатан фоиз хисобида	70,2	70,1	71,1	72,2	73,2	73,9	75,0
ИТТКИ	ИТТКИ харажатларининг ЯИМдаги улуши, %	1,83	2,03	2,04	2,08	2,12	...	3,0
Иқлим ўзгариши ва энергетика	Атмосферага чиқарилаётган иссиқхона газлари, 1990=100	91,0	78,28	77,92	78,38	76,76	...	80
	Тикланадиган энергия манбаларининг жами энергия истеъмолидаги улуши, %	11,46	16,7	17,0	17,5	18,0	..	20
	Энергия истеъмоли, млн. т.н.э	1700,9	1537,6	1544,9	1562,4	1551,9	...	1483
	Пировард энергия истеъмоли, млн. т.н.э	1184,8	1090,1	1110,0	1122,9	1124,1	...	1086
Таълим	Ўрта ва ўрта маҳсус таълим даражаси, % (18-24 ёшдаги аҳолига нисбатан)	14,7	11,0	10,7	10,5	10,5	10,3	<10,0
	Олий таълим даражаси, % (30-34 ёшдаги аҳолига нисбатан)	31,1	38,7	39,2	39,9	40,7	41,6	≥40,0
Камбағаллик	Камбағаллик чегарасида яшовчилар, 2008 йилга нисбатан ўзгариш, минг киши	...	1847	830	-4461	-7521	...	20000

\*мақсадли кўрсаткичлар


<sup>232</sup><http://ec.europa.eu/eurostat/web/europe-2020-indicators/europe-2020-strategy>

ЕИ мамлакатларида иқлим ўзгариши ва тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш 2020 йилдан кейин ҳам фаол давом эттирилиши режалаштирилган бўлиб, 2030 йилгача ушбу энергия турларидан фойдаланиш даражасини 27%га етказиш кўзда тутилган<sup>233</sup>.

ВР маълумотларига кўра, охирги ўн йилда ЕИда бирламчи энергия истеъмоли таркибида жиддий ўзгаришлар рўй берган. Жумладан, қўмир ва атом энергияси истеъмоли 15,5 ва 12,1%дан мос равища 11,2 ва 10,6%гача қисқаргани ҳолда тикланадиган энергия истеъмоли 3,5%дан 11,0%га қадар ошган (8.3.1-расм). 2019 йилда ЕИда электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергия манбалари улуши 23,9%ни, шамол энергияси - 13,4%, қуёш энергияси улуши эса 4,3%ни ташкил этди (8.3.2-расм).



**8.3.1-расм. ЕИда бирламчи энергия истеъмоли таркибининг ўзгариши, %<sup>234</sup>**



**8.3.2-расм. ЕИда электрэнергия ишлаб чиқариш манбаларининг улуши, %, 2019 й<sup>235</sup>.**

“ЕИ энергияси 2020” дастурининг мантиқий давоми сифатида 2013 йилда ЕИ энергетика мажмуасини 2050 йилга қадар ривожлантиришнинг йўл харитаси (Energy roadmap 2050) қабул қилинди<sup>236</sup>. Унга мувофиқ 2020 йилдан кейинги даврда амалдаги дастурнинг устувор йўналишлари янада кенгайтирилади:

- тикланадиган энергия манбаларига тўлиқ ўтишни таъминлаш, анъанавий ёқилғидан воз кечиш, тизимга рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида энергия тежаш ва талабни бошқариш тизимини қайта шакллантириш;

<sup>233</sup><http://eurasiatx.com/38860/?lang=ru>

<sup>234</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>235</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>236</sup> Energy roadmap 2050 // European Commission. 2012. December. URL: [https://ec.europa.eu/energy/sites/ener/files/documents/2012\\_energy\\_roadmap\\_2050\\_en\\_0.pdf](https://ec.europa.eu/energy/sites/ener/files/documents/2012_energy_roadmap_2050_en_0.pdf)


- энергетика бозори таркибини бошқарувнинг янги усуллари ёрдамида модернизациялаш, маҳаллий ресурслар ва марказлашган энергия тизимини интеграциялаш;

- кенг жамоатчиликни ЕИ энергетика хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишга жалб этиш;

- ЕИда рўй берадиган инновацион ўзгаришларни ҳалқаро даражада оммалаштириш.

**“Европа яшил битими” дастури.** “Яшил битим” дастури ЕИнинг COVID-19 падемияси инқирозидан кейинги иқтисодий тикланиш жараёнидаги устувор йўналишларини белгилаб беради. Еврокомиссия раҳбари Урсула фон дер Лайен дастурни таништиришда “Европа яшил битими – бу бизнинг янги ўсиш стратегиямиз. У ишчи ўринларини яратиш билан бир вақтда иссиқхона газларини чиқариш имконини беради”, дея таъкидлаб ўтган бўлса, Еврокомиссия вице-президенти Франс Тиммерманс эса “... биз аҳоли фаровонлигини яхшилаш ва келажак авлод учун соғлом сайёранни таъминлашга ёрдам берувчи “яшил ва инклузив ўтиш”ни таклиф этамиз”, дея аниқлик киритди<sup>237</sup>.

“Яшил битим” лойиҳасини амалга оширишнинг биринчи муддати - 2030 йил. Бу даврга келиб иссиқхона газлари эмиссияси миқдорини 1990 йил даражасига нисбатан камида 40%га қисқартириш мўлжалланган. 2030 йилдан бошлаб аъзо-мамлакатлар фаолияти ҳар беш йилда баҳолаб борилади. Зарур бўлган ҳолларда эса лойиҳага тегишли тузатишлар критилади. Лойиҳани амалга оширишнинг иккинчи муддати 2050 йил. ЕИ 2050 йилга қадар иқтисодий пасайишнинг олдини олиш билан бир вақтда ҳар йили миқдори 4 млрд. тоннага teng иссиқхона газлари эмиссиясини бутунлай тўхтатишдан иборат.



**8.3.3-расм. “Европа яшил битими” дастурининг таркибий тузилиши<sup>238</sup>**

<sup>237</sup> Was ist der europäische Grüne Deal? // [https://ec.europa.eu/info/strategy/priorities-2019-2024/european-greendeal\\_de](https://ec.europa.eu/info/strategy/priorities-2019-2024/european-greendeal_de)

<sup>238</sup> The European Green Deal Brussels. COMMUNICATION FROM THE COMMISSION TO THE EUROPEAN PARLIAMENT, THE EUROPEAN COUNCIL, THE COUNCIL, THE EUROPEAN ECONOMIC AND SOCIAL COMMITTEE AND THE COMMITTEE OF THE REGIONS. 11.12.2019. COM(2019) 640 final. – 24 p.

Дастурда иқлим ўзгаришига салбий таъсир қилувчи секторларга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган. ЕИда иссиқхона газларининг 75%и энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида, 25%и эса транспорт тармоғида ҳосил бўлади. ЕИ саноати қайта ишланган материалларнинг 12%идангина фойдаланади ва энергия истеъмолининг 40%и бинолар ҳиссасига тўғри келади. Демак, ЕИ иқтисодиётининг ёпиқ циклли иқтисодиёт тамойилларига ўтиши муҳим аҳамиятга эга.

“Яшил битим” дастури иқлим режаларининг бажарилишига кўмаклашувчи қўйидаги устувор йўналишларни қамраб олади (8.2.3-расм):

1. Соф ва хавфсиз энергиядан фойдаланиш имконияти. ЕИ “яшил иқтисодиёт”ининг асосий соҳаси энергетика ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, айнан “яшил энергетика” истиқболда ЕИнинг энергияга бўлган эҳтиёжини атроф-муҳитга етказилаётган зарарни минималлаштириш ва самарали қоплаш имконини беради. ЕИда қўйидагилар соф ва хавфсиз энергиядан фойдаланиш имкониятини оширишда ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар ҳисобланади: энергетика тизимларини ягона тармоққа бирлаштириш ва тикланадиган энергия манбаларини самарали интеграциялаш; инновацион технологиялар ва замонавий инфратузилмани рағбатлантириш; энергия самарадорлигини ошириш ва маҳсулотларнинг эко-дизайнини яхшилаш; аъзо мамлакатларга энергетик камбағаллик миқёсларини қисқартишига ёрдам бериш; экологик тоза манбаларни самарали айрбошлашда трансчегаравий ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

2. Саноатни соф ва ёпиқ циклли иқтисодиёт учун сафарбар этиш. Еврокомиссия мутахассислари фикрига кўра, ЕИда 2025 йилдан 2050 йилгача саноат сектори ва қўшилган қиймат занжирини қайта қуриш зарурияти мавжуд. 2020 йилнинг 10 марта ЕИнинг рақамли трансформация ва экологик масалаларни ҳал этишга йўналтирилган янги саноат стратегияси қабул қилинди. Янги саноат стратегиясида ЕИ ва ундан ташқарида иқлимга таъсир қилмайдиган ва ёпиқ циклли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи иқтисодиётни модернизациялаш вазифаси ҳам қўйилган. Энергия сифимкорлиги юқори бўлган пўлат, кимё маҳсулотлари ва цемент ишлаб чиқариш тармоқларида иссиқхона газлари эмиссиясини кескин қисқартириш режалаштирилган.

3. Энергия, ресурс самарадорлиги юқори қурилиш ва биноларни таъмиrlаш. ЕИда жамоат ва хусусий биноларни модернизациялашнинг йиллик квотаси умумий фонднинг 0,4%идан 1,2%игача бўлган қисмини ташкил этади. Дастурга мувофиқ ушбу квота камида икки бараварга оширилиши зарур. Биноаларнинг энергия самарадорлигини ошириш учун фойдаланилаётган энергия манбаларига нисбатан нарх сиёсати ҳам ўзгаради. Биноларни қуриш ва улардан фойдаланишда техник меъёрларни назорат қилиш, ракамли технологиялардан фойдаланиш бўйича талаблар кучайтирилади. Асосий эътибор ижтимоий объектлар, кўп қаватли уйлар, мактаблар ва касалхоналарга қаратилади.

4. Барқарор ва интеллектуал транспортга ўтишни жадаллаштириш. 2017 йилда транспорт секторига тегишли иссиқхона газларининг 71,7%и автомобиль, 13,4%и ҳаво, 13,4%и денгиз ва дарё, 0,5%и темир йўл транспорти ҳиссасига тўғри келган. Транспорт секторида 2050 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичга эришиш учун иссиқхона газлари эмиссиясини 1990 йилга нисбатан 90%га қисқартириш режалаштирилган.

5. “Фермадан дастурхонга”: адолатли, соғлом ва экологик тоза озиқовқат тизимини яратиш. “Фермадан дастурхонга” стратегияси барқарор озиқовқат тизимини яратишга қаратилган бўлиб, ислоҳотлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш ҳамда аҳоли соғлигини яхшилашга йўналтирилади. Еврокомиссия кейинги ўн йилликда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган пестицидларни - 50%, кимёвий ўғитларни - 20%, антибиотикларни эса 50%га қисқартириш талабини қўймоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалик ерларининг 25%и органик қишлоқ хўжалигидан иборат бўлиши зарур. 2021-2027 йилларда Европа аграр сиёсати бюджетининг камидা 40%и, Денгиз ва балиқ хўжалиги жамғармаси ресурсларининг 30%и иқлим ўзгаришлари мақсадларига эришиш учун йўналтирилади.

6. Биохилма-хиллик ва экотизимларни сақлаб қолиш ва тиклаш. Биохилма-хиллик стратегияси жаҳонда ва Европада био хилма-хилликнинг йўқолиб кетиш хавфининг олдини олишга қаратилган бўлиб, заарар етган экотизимларни қайта тиклаш, муҳофаза этилаётган худудлар ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш ва соғ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш каби йўналишларни қамраб олади. Стратегияга мувофиқ 2030 йилга қадар европа денгизлари ва қуруклигининг камидা 30%и химояланадиган худудлардан иборат бўлиши лозим. Ушбу мақсадга эришиш учун ҳар йили 20 млрд. евро миқдорида маблағ ажратилиши режалаштирилган.

7. Атроф-муҳитни ифлослантиришни тўлиқ тўхтатиш. ЕИ фуқароларини ва экотизимларни муҳофаза қилиш учун ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланишини назорат қилиш, олдини олиш ва бартараф этиш зарур. Ер ости ва ер усти сувларининг табиий функцияларини тиклаш қўллар, дарёлар, ботқоқликларда био хилма-хилликни сақлаб қолиш имкониятини оширади. Сув тошқинларининг олдини олиш ва етказиладиган заарни камайтиришга ёрдам беради.

Еврокомиссия 2021-2027 йилларда ЕИ иқтисодиётини пандемия инқиrozидан тиклаш чоралари учун 1,8 трлн. евро миқдорида маблағ сарфлашга қарор қилди. Ушбу харажатларнинг 1,0 трлн. еврода ортикроғини ЕИнинг етти йиллик бюджети ташкил этади. 750 млрд. евро (826,3 млрд. долл.) миқдорида маблағ эса COVID-19 пандемияси инқиrozидан кейинги иқтисодий тикланиш жараёнида иқлим ўзгаришларига қарши кураш учун ажратилади. Еврокомиссия 750 млрд. еврони жаҳон молиявий бозорларидан жалб этишини режалаштирумокда. Шундан 390 млрд. евро аъзо-мамлакатлар ўртасида грантлар ва 360 млрд. евро кредитлар шаклида тақсимланади.

ЕИ бюджети доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ҳар бир дастурнинг 25%и иқлим чоралари учун йўналтирилади. “InvestEU”<sup>239</sup> жамғармасининг камида 30% маблағи иқлим ўзгаришларига қарши чоралар учун сарфланади. Бунда барқарор ривожланиш талабларига жавоб берадиган лойиҳаларга устуворлик берилади. Жамғарма миллий инфратузилма банклари, кредит институтлари ва Европа инвестиция банки (ЕИБ) билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. ЕИБ ўз портфелида иқлим мақсадларига эришишга хизмат қилувчи лойиҳалар улушини 25%дан 2025 йилга қадар 50%гача оширади. Яшил битим мақсадларига эришишда ЕИнинг инновация ва иқтисодиётни модернизациялашга йўналтирилган жамғармалар муҳим роль ўйнайди. ЕИда айрим минтақалар ва тармоқларда ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламларига янги “яшил иқтисодиёт” моделининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида ёрдам бериш учун “Адолатли ўтиш жамғармаси” ташкил этилмоқда<sup>240</sup>.

Қуидаги соҳалар 2020 йилда “Адолатли ўтиш жамғармаси” жамғармасидан ажратиладиган маблағларни сарфлашнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган<sup>241</sup>:

**Қурилиш.** Биноларнинг томларига жойлаштирилган қуёш панеллари, тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан ишлайдиган иситиш тизимларини грантлар ва кредитлар ёрдамида таъмирлаш учун 91 млрд. евро ажратилади ва хусусий инвесторларни жалб этиш ҳисобидан маблағлар миқдори 350 млрд. еврогача етказилиши лозим. Мактаблар, касалхоналар ва ижтимоий яшаш уйлари устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

**Соф водород.** ЕИда тикланадиган электрэнергия ёрдамида 1 млн. тонна соф водород ишлаб чиқариш мўлжалланган. Жамғарма соф водород ишлаб чиқариш қийматини 30 млрд. еврогача ошироқчи.

**Тикланадиган энергия.** 2020-2021 йилларда тикланадиган энергия манбаларини ўздаштириш соҳасида 15 ГВт қувватга эга станциялар қуриш учун 25 млрд. евро маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш лойиҳалари 10 млрд. евро миқдорида банк кредитлари билан таъминланади.

**Соф транспорт.** 20 млрд. евро миқдоридаги икки йиллик муддатга эга грантлар ва кафолатлар тизими “соф” автомобиллар савдосини жонлантиришга хизмат қилиши зарур. 2025 йилгача электромобиллар ва водород транспорт воситаларини қувватловчи 2 миллионта станция ўрнатилади. Жамғарма 40-60 млрд. евро миқдоридаги маблағни иссиқхона газлари чиқармайдиган поездлар ишлаб чиқаришга сарфлайди. Шунингдек,

<sup>239</sup> InvestEU дастури Европа учун инвестиция режаси ҳисобланиб Европа стратегик инвестициялар жамғармаси ва 13 та молиявий дастакларни қамраб олади. InvestEU дастури ЕИнинг 2021-2027 йилларга мўлжалланган бюджети дастурларидан бири ҳисобланади. InvestEU дастури InvestEU жамғармаси, InvestEU маслаҳат маркази ва InvestEU порталидан иборат.

<sup>240</sup> Proposal for a REGULATION OF THE EUROPEAN PARLIAMENT AND OF THE COUNCIL establishing the Just Transition Fund. Brussels, 14.1.2020. COM.2020. N 22 final 2020/0006 (COD). – 42 p.

<sup>241</sup> <https://www.reuters.com/article/us-eu-budget-recovery-climate-factbox/factbox-key-climate-spending-in-eus-green-recovery-plan-idUSKBN2331RB>


велосипедчилар ва соф жамоат транспорти учун зарур инфратузилмани шакллантираётган шаҳарларга 20 млрд. евро ажратилиши режалаштирилган.

Умуман, Европа яшил битим дастури ЕИнинг жаҳонда экологик муаммоларни ҳал этишда етакчи мавқега эришиши учун хизмат қиласи. Пандемия инқирози ушбу дастурга кейинги йилларда тузатишлар киритишни тақозо этади. 2027 йилда биринчи оралиқ натижаларни муҳокама қилиш мумкин бўлади.

#### **8.4. Германияда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш хусусиятлари**

Германияда бошқа ривожланган мамлакатлар сингари “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси мамлакатда “яшил ўсиш”ни таъминлашга қаратилган. “Яшил иқтисодиёт” дастури транспорт, энергетика, бинолар, саноат каби қўплаб соҳаларни қамраб олади, қисқа ва узоқ муддатли режалар асосида иқлим ўзгаришларига мослашиш нуқтаи назаридан иссиқхона газлари эмиссияси ҳажмини қисқартиришни кўзда тутади.

Германия “яшил ўсиш” модели экологик сиёsat билан боғлиқ чоралар самарадорлиги ва сарфланган маблағларни баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. “Яшил ўсиш” моделига киритилган устувор йўналишлар ўзаро боғлиқ бўлиб, макроиқтисодиёт даражасида умумий вазиятни баҳолаш имконини яратади. Ушбу модел бир томондан манфаатдор томонлар – тадқиқотчилар, сиёsatчилар, нодавлат ташкилотлари ва тадбиркорлар, иккинчи томондан эса тармоқлар мутахассислари, янги иқтисодий тафаккур вакиллари ва истеъмолчилар ўртасида мунтазам мулоқот ўрнатишни тақозо этади (8.3.1-расм).



**8.4.1-расм. Германия “яшил ўсиш” модели<sup>242</sup>**

<sup>242</sup> <https://globalclimateforum.org/portfolio-item/german-green-growth-model/>

Германияда “яшил иқтисодиёт”ни давлат томонидан қўллаб-кувватлашда соликқа тортиш, давлат хариди, техник тартибга солиш, интеллектуал мулкни ҳимоялаш, мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш каби дастаклардан кенг фойдаланилади. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришда қўлланилаётган инновация ва технология сиёсати устун даражада таълим, транспорт, табиатни муҳофаза қилиш, ресурсларни тежайдиган яшил технологияларга нисбатан қўлланилади.

Германияда “яшил иқтисодиёт”ни қўллаб-кувватлаш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- корхоналарнинг инновацион фаолигини қулай шарт-шароитлар яратиб бериш (солиқ имтиёзлари) ва бевосита қўллаб-кувватлаш (тадқиқотлар ва инновацияларни молиялаштириш) орқали рағбатлантириш зарурияти;
- илмий-тадқиқот марказлари ва ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорлик даражасини мунтазам ошириб бориш;
- таълим тизимининг барча бўғинларини илғор технологиялардан хабардорлигини ошириш мақсадида оптималлаштириш ва модернизациялаш;
- саноат 4.0 технологиялари (био, нанотехнологиялар ва сервис хизматларига ихтисослашган лойиҳалар)ни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш;
- венчур капитали бозорини ривожлантириш.

Германияда ЕИ сингари “яшил ўсиш”ни таъминлаш масалалари “Европа – 2020” ва “Европа яшил битими” дастурларида қабул қилинган мақсадли кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган. Германияда барқарор ривожланиш миллий стратегияси 2020 йилга қадар ресурслардан фойдаланиш унумдорлигини икки бараварга ошириш, тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш даражасини ўртача 20%га кўпайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини 75%га етказиш, малакавий даражага эга талабалар улушини 40%га етказиш каби режаларга эга (8.4.1-жадвал).

Аксарият мамлакатларда соф энергетикага ўтиш жараёни ўхшаш кечади. Энергия истеъмоли босқичма-босқич паст углеродли бўлиб, кейинчалик энергия манбалари номарказлашган тартибда ўзлаштирилади. Германияда энергетика соҳасини “яшиллаштириш” жараёни “Energiewende”, деб аталади. Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, мамлакатлар энергетика соҳасида уч босқични босиб ўтишади<sup>243</sup>.

Energiewende 1.0 босқичида тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш рағбатлантирилади. Ҳукумат энергетика соҳасида фаолият олиб бораётган компаниялардан соф энергетикадан қисман бўлса-да фойдаланишларини талаб қиласди. Айрим мамлакатлар, жумладан, Германия ва Дания Energiewende 2.0. босқичига кириб келишди. Ушбу босқичда тикланадиган энергия манбалари улуши ортади, аммо энергия олишдаги узилишлар ва об-ҳавога боғлиқлик кучли бўлади. Мамлакатлар қўёш ва шамол

---

<sup>243</sup> Christoph Burger, Jens Weinmann. The Decentralized Energy Revolution. Business Strategies for a New Paradigm. 2013. DOI: 10.1057/9781137270702

энергиясини аралаш қўллаш мумкин бўлган даврларни аниқлаш стратегиясини ишлаб чиқиши бошлашади.

Учинчи босқичга ҳозирча биронта мамлакат эришмаган. Бу босқичда электр таъминоти тўлиқ хусусий сектор қўлига ўтади ва қўрсатилаётган хизматлар алоҳида мижозлар учун мослаштирилади.

#### 8.4.1-жадвал

#### **Германияда барқарор ривожланиш стратегиясининг айрим қўрсаткичлари<sup>244</sup>**

Барқарор ривожланиш индикаторлари	Кўрсаткичлар	Мақсад
Ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш	Энергиядан фойдаланиш унумдорлиги	1990-2020 йилларда икки бараварга ошириш
	Бирламчи энергия истеъмоли	2020 йилгда 2008 йилга нисбатан 20%га, 2050 йилда эса 50%га қисқартириш
	Хом-ашёдан фойдаланиш унумдорлиги	1994-2020 йилларда икки бараварга ошириш
Атроф-муҳит муҳофазаси	Иссиқхона газларини чиқариш	2020 йилда 1990 йилга нисбатан 40%га, 2050 йилда эса 80-95%га қисқартириш
Тикланадиган энергия	Пировард энергия истеъмолида тикланадиган энергиянинг улуси	2020 йилда 18%га, 2050 йилда эса 60%га ошириш
	Электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергия истеъмолининг улуси	2020 йилда 35%га, 2050 йилда эса 80%га ошириш
Бандлик даражасини ошириш	15-64 ёшдаги аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида	2020 йилда 75%га етказиш
	55-64 ёшдаги аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида	2020 йилда 42%га етказиш
Таълим	Аттестатсиз мактаб таълими даражаси, %(18-20 ёшдаги аҳолига нисбатан)	2020 йилда 10%га қисқартириш
	Олий ёки ўрта таълим даражаси, % (30-34 ёшдаги аҳолига нисбатан)	2020 йилда 42%га ошириш
	Малакавий даража олиш таълим олаётган талабалар улуси	2020 йилда 40%га етказиш ва кейинчалик янада ошириш

Energiewende 3.0 босқичида бозор қатнашчилари қўидаги муаммоларга дуч келишади:


- юқори кучланишга эга электр узатиш линияларини сақлаш харажатларини ким ўз зиммасига олади?;

<sup>244</sup> Актуальный опыт зарубежных стран по развитию государственных систем стратегического планирования (Часть 1) – М. : Изд. дом Высшей школы экономики, 2016. – 68 с.


- хукумат давлат инфратузимасидан хусусий инфратузилмага ўтишни қандай амалга оширади.

Мутахассислар ушбу босқичда компаниялар электрэнергияни сотишни эмас, хизматлар пакетини таклиф эта бошлайдилар, деб ҳисоблашади<sup>245</sup>. Шунинг учун яқин истиқболда электрэнергия нархи ўзгармас, доимий бўлиши мумкин. Бозорда мижозлардан ортиқча электрэнергияни йифиб, кейин бошқа истеъмолчиларга сотиш билан шугулланувчи агрегаторлар пайдо бўлади.

Рақамлар Германияда 2009-2019 йилларда пировард энергия истеъмоли таркибида тикланадиган энергия манбалари улуши 5,5%дан 16,1%га қадар ўсганлигини кўрсатмоқда (8.4.2-расм). Электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергия истеъмолининг улуши эса 36,6%ни ташкил этиб Европа 2020 стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичдан ошиб кетди. Электрэнергия ишлаб чиқариш таркибида кўмир ва атом энергиясининг улуши мос равища 46,3 ва 26,2%дан 28,0 ва 3,3%гача қисқариб, тикланадиган энергия манбалари улуши эса 10,0%дан 36,6%гача ортган. Жумладан, шамол ва қуёш энергияси улуши мутаносиб равища 5,0 ва 0,2%дан 20,6 ва 7,9%га қадар ўсган (8.4.3-расм).



**8.4.2-расм. Германияда бирламчи энергия истеъмоли таркибининг ўзариши, %<sup>246</sup>**



**8.4.3-расм. Германияда электрэнергия ишлаб чиқаришда энергия манбаларининг улуши, %, 2019 й<sup>247</sup>.**

Германияда тикланадиган энергия манбалари таркибида шамол энергияси етакчи мавқега эга. Мамлакатда 2030 йилга қадар қирғоқ бўйида

<sup>245</sup> Ўша манба.

<sup>246</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>247</sup> Ўша манба.

шамол энергиясини ўзлаштириш қувватларини 15 ГВт дан 20 ГВт гача ошириш, күёш энергиясини 98 ГВт, биомасса қувватларини 8,4 ГВт ва бошқа манбаларни ўзлаштириш қувватларини 6 ГВт га етказиш режалаштирилган<sup>248</sup>.

Германия ҳукумати 2019 йил 20 сентябрда Париж келишуви кўрсаткичларига эришиш мақсадида иқлим ўзгаришлари бўйича янги чоратадбирлар мажмунини ишлаб чиқди. Мазкур чора-тадбирларни иқлим ўзгаришларини тартибга солувчи ҳуқуқий ва мақсадли дастурларга ажратиш мумкин (8.4.4-расм):

### Иқлим ўзгаришлари стратегияси - 2030

#### Иқлим ўзгариши тўғрисидаги қонун

- иқлим қонунчилигининг қоидалари;
- 2030 йилга қадар иссиқхона газлари миқдорини қисқартириш (-55%);
- 2020-2030 йиллар учун тармоқлар бўйича иссиқхона газлари миқдорини белгилаш;
- 2050 йилда иссиқхона газлари миқдорини нолга тенглаштириш;
- иқлим масалалари бўйича маҳсус қўмита тузиш.

#### Иқлим дастури - 2030

- ҳар бир сектор бўйича иқлим дастурининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш;
- қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш (жумладан, қурилишни модернизациялаш);
- транспорт/қурилишда CO<sub>2</sub> нархини белгилаш тизимини жорий этиш;
- фуқаролар/саноатни қўллаб-қувватлаш (жумладан, электрэнергия харажатларини пасайтириш);
- тартибга солиш чораларини қўллаш (жумладан, самарали стандартлар жорий этиш).

#### 8.4.4-расм. Германиянинг иқлим ўзгаришлари дастури - 2030

Германия иқлим дастурига мувофиқ 2030 йилда иссиқхона газлари эмиссияси миқдорини 1990 йилга нисбатан 55,0%, 2050 йилда эса 80-95%-га қадар қисқартириш режалаштирилган. Мамлакатда 2019 йилда иссиқхона газлари эмиссияси миқдори 1990 йил даражасига нисбатан 35,7%ни ташкил этди. Европа 2020 дастурига мувофиқ ушбу кўрсаткич 40%ни ташкил этиши режалаштирилган эди (9.4.3-жадвал).

Германияда иссиқхона газлари эмиссияси жадал суръатларда қисқариб бормоқда. Германиянинг Фраунгофер номидаги Қуёш энергетикаси тизимлари институти (ISE) маълумотларига кўра, 2019 йилда қўнғир кўмир ёқиши ҳисобидан олинадиган электрэнергия миқдори 2018 йилга нисбатан 22,3%-га, тош кўмир ёрдамида ишлаб чиқариладиган электрэнергия миқдори эса 32,8%-га қисқарган. Мутахассислар кескин қисқариш сабабларини шамол энергияси ҳисобидан олинадиган электрэнергия миқдорининг сезиларли даражада ўсиши ҳамда атмосферага чиқарилаётган ҳар бир тонна CO<sub>2</sub> учун

<sup>248</sup> <https://www.cleanenergywire.org/factsheets/germanys-climate-action-programme-2030>

талаб қилинадиган сертификат нархининг қимматлашиб бораётганлиги билан изоҳлашмоқда. Бир тонна СО<sub>2</sub> учун сертификатнинг ўртача нархи 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 15,8 евродан 24,8 еврогача ошган. Биржада тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган электрэнергия билан СО<sub>2</sub> нархи ўртасидаги фарқнинг қисқариши электрэнергия ишлаб чиқарышда кўмирдан фойдаланишни самарасиз қилиб қўймоқда<sup>249</sup>.

#### 8.4.2-жадвал

#### **Германия иқтисодиёти тармоқларида иссиқхона газлари эмиссиясининг холати ва мақсадли кўрсаткичлари<sup>250</sup>**

	2019 й. (1990 йилга нисбатан фоизда)	2030 й. (1990 йилга нисбатан фоизда)
Энергетика	45,5	62,5
Қурилиш	41,9	66,7
Транспорт	0,6	42,1
Саноат	33,8	50,7
Кишлоқ хўжалиги	24,4	35,6
Бошқалар	76,3	86,8
Жами	35,7	56,6

Шунингдек, Германия транспорт ва қурилишда углеродга нарх белгилаш миллий тизимини жорий этган ва у Европа иссиқхона газлари савдоси тизими (ETS)га тааллуқли эмас. Углерод солиги 2021 йилдан бошлаб бир тонна СО<sub>2</sub> учун 10 евро миқдорида белгиланади ва кейинги йилларда унинг нархи ошиб боради: 2022 йилда – 20 евро, 2023 йилда – 25 евро, 2024 йилда – 30 евро, 2025 йилда 35 евро бўлиши кутилмоқда.

Ёқилғи ва мотор ёқилғиси савдоси билан шуғулланувчи чакана савдогарлар ушбу квоталарни сотиб олишлари зарур. Натижада мамлакатда квоталар савдоси ва аукционларини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади. Агар Германия ЕИ меъёрий хужжатларида белгилаб қўйилган иссиқхона газлари миқдоридан ортиқча эмиссияга йўл қўйса, унда ортиқча эмиссия учун квоталарни хориждан харид қилишга тўғри келади. Иссиқхона газлари эмиссияси бюджети 2026 йилга қадар белгилаб қўйилган ва 2050 йилга қадар Париж битимиға мувофиқ ҳар йили камайтириб борилади. Аукционларда углерод нархи бозор механизмлари асосида шаклланади ва бир тонна СО<sub>2</sub> учун 35-60 евро атрофига нарх белгиланади<sup>251</sup>.

Германия иқлим дастурида энергетика соҳасини ривожлантириш концепцияси муҳим ўрин тутади. Мазкур концепция экологик хавфсиз, ишончли ва арzon энергия билан таъминлаш тамойилларига таянади. Тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш концепциянинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Энергетика концепцияси электрэнергия, иссиқлик энергияси ва

<sup>249</sup> [https://www.ise.fraunhofer.de/de/presse-und-medien/news/2019/oeffentliche-nettostromerzeugung-in-deutschland-2019.html?utm\\_source=mailing&utm\\_campaign=2020-news-01-de](https://www.ise.fraunhofer.de/de/presse-und-medien/news/2019/oeffentliche-nettostromerzeugung-in-deutschland-2019.html?utm_source=mailing&utm_campaign=2020-news-01-de)

<sup>250</sup> <https://www.cleanenergywire.org/factsheets/germanys-greenhouse-gas-emissions-and-climate-targets>

<sup>251</sup> Ўша манба

транспорт соҳаларида 100 дан ортиқ аниқ чора-тадбирларни амалиётга жорий этишни назарда тутади.

Концепцияга мувофиқ Германияда тикланадиган энергия улушкини пировард энергия истеъмоли таркибида 2030-2050 йилларда 30,0%дан 60,0%га, энергия қувватлари таркибида эса 65,%дан 80,0%га етказиш режалаштирилган. Бирламчи энергия истеъмолини 2030 йилда 2008 йилга нисбатан 30,0%дан 50%гача қисқартириш, энергия ишлаб чиқариш соҳасида унумдорликни 2,1 марта ошириш, иқтисодиётда истеъмол қилинаётган жами электрэнергия миқдорини 25,0%га ошириш вазифаси қўйилган. Шунингдек, курилишда бирламчи энергияга бўлган талабни 2050 йилда 2008 йилга нисбатан 80,0%га, транспортда эса 2005 йилга нисбатан 40,0%га пасайтириш кўзда тутилган (8.4.3-расм).

#### 8.4.3-жадвал

#### **Германияда тикланадиган энергия, энергия самарадорлиги ва энергия истеъмолининг мақсадли кўрсаткичлари<sup>252</sup>**

	Ҳолати		Мақсадли кўрсаткичлар			
	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2030 й.	2040 й.	2050 й.
Тикланадиган энергия улуси, %						
Пировард энергия истеъмоли	16,5	17,5	18,0	30,0	45,0	60,0
Энергия қувватлари	37,8	42,1	камидা 35,0	65,0	65,0	камидা 80,0
Иссиқлик энергияси истеъмоли	14,3	14,5	14,0			
Транспорт сектори	5,6	5,6	10,0			
Энергия самарадорлиги ва истеъмол						
Бирламчи энергия истеъмоли (2008 йилга нисбатан %)	-8,9	-10,8	-20	-30	...	-50
Энергия ишлаб чиқариш унумдорлиги, %	1,0 (2008- 17 йй.)	...	2,1 (2008-2050 йй.)			
Жами электрэнергия истеъмоли (2008 йилга нисбатан %)	-4,3	-6,7	-10,0			-25,0
Курилишда бирламчи энергияга талаб (2008 йилга нисбатан %)	-25,1	...				-80,0
Курилишда иссиқлик энергиясига талаб (2008 йилга нисбатан %)	-6,9 (2017 й.)	...	-20,0			
Транспортда пировард энергия истеъмоли (2005 йилга нисбатан %)	6,1	...	-10,0			-40,0

Германияда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш COVID-19 пандемия инқизозига қарши кураш дастурларининг устувор йўналиши сифатида баҳоланмоқда. Германия Иқтисодиёт ва энергетика, Атроф-муҳит, табиатни муҳофазалаш ва ядро хавфсизлиги каби вазирликлари мутахассислари “иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари иқлим ўзгаришларининг олдини олишга кўмаклашиши зарур. Иқтисодий ва иқлим сиёсати ўзаро боғлиқ бўлиши” зарурлигини таъкидлашмоқда<sup>253</sup>.

<sup>252</sup> Ўша манба

<sup>253</sup> [https://www.ey.com/de\\_de/decarbonization/die-wirtschaft-braucht-gruene-foerderpolitik](https://www.ey.com/de_de/decarbonization/die-wirtschaft-braucht-gruene-foerderpolitik)

Германия ҳукуматининг 2020 йил июн ойида қабул қилган пандемия инқизозига қарши кураш дастурида “яшил ўсиш”ни таъминлаш масаласи марказий ўрин эгаллайди. Пандемия инқизозига қарши кураш дастурининг умумий қиймати 130 млрд. европни ташкил этгани ҳолда иқлим ўзгаришлари ва энергетика сиёсати учун 50 млрд. евро миқдорида маблағ ажратиш режалаштирилган: Германияни водород ишлаб чиқариш соҳасида етакчи мамлакатга айлантириш стратегияси (9 млрд. евро); тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш соҳаларини кенгайтириш, денгизда шамолдан энергия олиш миқдорини ошириш; қувватлаш станциялари инфратузилмасини ривожлантириш ва аккумляторлар ишлаб чиқариш (2,5 млрд. евро); биноларни қайта таъмирлаш дастурлари (2 млрд. евро); автомобиль ишлаб чиқарувчилар учун инвестициялар (2 млрд. евро); илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш (1 млрд. евро); энергетика тизими секторини рақамлаштириш ва ўзаро боғлиқлигини кучайтириш билан боғлиқ тадқиқотларни кенгайтириш (0,3 млрд. евро).

Германия “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш ва “яшил ўсиш”ни таъминлашда аниқ амалий лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этаётган мамлакатлардан бири бўлиб қолмоқда.

## **8.5. Корея Республикасида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш омиллари ва ривожланиш истиқболлари**

“Яшил ўсиш” йўлини биринчилардан миллий стратегия сифатида танлаган мамлакатлардан бири Корея Республикаси ҳисобланади. Экологик соғ иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантиришда давлат етакчи мавқега эга. Корея Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг мақсади – энергия ресурсларидан фойдаланиш, барча турдаги энергия ва ресурсларнинг атроф-мухитга таъсирини қисқартириш, инвестицияларни табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига йўналтириш ва иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш баробарида мамлакатнинг иқтисодий ишлаб чиқариш имкониятлари миқёсини сақлаб қолиш ҳисобланади.

Корея Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ташабbusi 2008-2013 йилларда мамлакат Президенти Ли Мен Бак томонидан илгари сурилган. 2009 йилда иссиқхона газлари эмиссиясини 2030 йилга қадар 30%га қисқартириш режаси қабул қилинди ва 2009-2012 йилларда “яшил” ташабbus максадлари учун мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 3%и миқдорида маблағ ажратилди.

Корея Республикасининг “яшил иқтисодиёт” стратегияси қўйидаги таркибий қисмларга эга:

- атмосферага чиқарлаётган иссиқхона газлари миқдорини қисқартириш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш;
- “яшил технологиялар”га асосланган янги қувватларни ишга тушириш;

- аҳолининг ҳаёт тарзини “яшиллаштириш” орқали турмуш даражасини ошириш ва республикани “яшил иқтисодиёт”га эга намунавий мамлакатга айлантириш.

Корея Республикаси “яшил иқтисодиёт” дастури қўйидаги мақсадлар ва унга мос кўрсаткичларга эришишни назарда тутади:

- а) энергетика мустақиллигига эришиш;
- б) энергия тежамкор жамиятга ўтиш;
- в) қайта тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш;
- г) тўлиқ энергия таъминотига эришиш;

д) яшил технологияларни ривожлантириш асосида иқтисодий ўсишга эришиш ва иш ўринларини яратиш.

Корея Республикаси 2011 йилдан экологик инновациялар ёрдамида ишлаб чиқарилган товарлар истеъмоли (“яшил истеъмол”)ни рағбатлантириш мақсадида “яшил тўлов карталари” тизимини жорий қилди. Ушбу карталар ёрдамида “яшил” товар ва хизматлар истеъмоли, шахсий транспорт ўрнига жамоат транспортидан фойдаланиш, энергия самарадорлиги юқори бўлган товарлардан фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш мумкин. Аҳоли экологик маҳсулотлар харид қилиш, жамоат транспортидан фойдаланиш ёки нақд пулдан воз кечиш орқали балллар йигади. Кейинчалик жамғарилган балларни коммунал хизматларни тўлаш ёки хайрия мақсадларида ишлатиши мумкин бўлади.


Корея Республикасида “яшил ўсиш” дастури расмий жиҳатдан эълон қилинган кундан бошлаб “яшил бизнес” сезиларли даражада ривожлана бошлади. Мамлакатдаги деярли барча тижорат компаниялари ўз “яшил” лойиҳаларини инвестициялар сарфлаш лозим бўлган устувор йўналишларга йўналтира бошладилар. 2008-2010 йилларда 30 та йирик тижорат гуруҳлари томонидан амалга оширилган капитал қўйилмалар миқдори йилига ўртacha 75%га ўсиб борди. Инвестициялар устун даражада қайта тикланадиган энергетика соҳаси учун зарур ускуналар, юқори самарадорликка эга электр асбоб-ускуналар, экологик тоза автомобиллар ишлаб чиқариш каби соҳаларни ривожлантириш учун сарфланди.

Корея Республикаси яшил инфратузилма, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланадиган харажатлар миқдорини оширган бўлса-да, “яшил” иқтисодиётнинг барча устувор йўналишларида ўз имкониятларини тўлиқ амалга ошира олгани йўқ. Корея Республикаси энергия сифимкорлиги, атмосферага С0<sub>2</sub> чиқариш ва С0<sub>2</sub> интенсивлиги каби кўрсаткичлар бўйича дунёning биринчи ўнталигига киради. Жумладан, 2019 йилда энергия сифимкорлиги (0,147) юқори мамлакатлар ўнталигига 9-ўрин, С0<sub>2</sub> ни атмосферага чиқариш (620 млн. тонна) ҳажми бўйича 7-ўрин, С0<sub>2</sub> интенсивлиги (0,321 СО<sub>2</sub>/долл.) кўрсаткичи бўйича эса 10-ўринни эгаллаган<sup>254</sup>.

Корея Республикаси 2015 йилда иссиқхона газлари эмиссияси даражасини 2030 йилгача бўлган даврда 37%га қисқартириш тўғрисида қарор

<sup>254</sup> <https://yearbook.enerdata.net/total-energy/world-energy-intensity-gdp-data.html>.

қабул қилди<sup>255</sup>. Ушбу қарор 2020 йилгача иссиқхона газлари эмиссиясини одатдаги даражадан 30%гача қисқартириш борасидаги режаларининг бажарилишини кечиктиришга олиб келди. Натижада иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш түғрисидаги 2020 йилга белгиланган мақсад “Кам углеродли ва яшил ўсиш түғрисида” ги қонун асосида 2030 йилга белгиланган мақсад билан алмаштирилди<sup>256</sup>. ВР маълумотлари ҳам Корея Республикасида иссиқхона газлари эмиссияси даражасини пасайтиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичларни бажаришда жиддий муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мамлакатда атмосферага чиқариладиган CO<sub>2</sub> миқдори 2019 йилда 1990 йилга нисбатан 2,7 мартаға ошган (9.5.1-расм).



**9.5.1-расм. Корея Республикасининг иссиқхона газлари эмиссияси миқдорининг ўзгариши<sup>257</sup>**

Корея Республикасида иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатда 2015 йилда иссиқхона газлари савдоси тизими жорий этилди. Энергетика секторида кўмирда ишлайдиган электрстанцияларининг вақтинчалик тўхтатилиши оқибатида иссиқхона газлари миқдори -8,6%га ёки 245 млн. тоннага қисқарган. 2020 йилда эса ушбу газлар миқдорининг қисқариши туфайли ички бозорда қўшимча 2,5 млн. тонна CO<sub>2</sub> таклиф этилиши мумкин. Корея Республикаси Атроф-мухит вазирлиги маълумотларига кўра иссиқхона газлари савдоси мамлакатда атмосферага чиқарилаётган жами CO<sub>2</sub> миқдорининг 70%ини қоплайди. Шунингдек, 2020 йилнинг май ойида Корея Республикаси ҳукумати 2020-2034 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли энергетика режасини эълон қилди. Унга мувофиқ 2034 йилга қадар энергетика кувватларида тикланадиган энергия манбаларининг улуши ҳозирги 15%дан

<sup>255</sup> Jaehong Whang, Woohyun Hwang, Yeuntae Yoo and Gilsoo Jang. Introduction of Smart Grid Station Configuration and Application in Guri Branch Office of KEPSCO. <https://www.mdpi.com/journal/sustainability>

<sup>256</sup> OECD Environmental Performance Reviews: Korea 2017. <http://oe.cd/epr-korea>

<sup>257</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

40%га қадар ошириш, кўмирда ишлайдиган барча электрстанцияларни хизмат муддатининг тугаси муносабати билан ёпиш режалаштирилган<sup>258</sup>.

**Энергия самарадорлиги.** Жаҳон амалиётида энергия тежамкорлигини оширишнинг турли йўллари мавжуд. Жумладан Хитой қайта тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришга қаратилган йирик объектларни қуриш, Германия қайта тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштиришнинг кенг тармоқли тизимини ривожлантириш, АҚШ эса ҳарбий тадқиқотлар орқали энергия тежамкорлигини ошириш стратегияси ва ташаббусларни илгари суриш йўлини танлаган. Корея Республикаси эса бутунлай бошқа йўлни танлаб, электрэнергия ишлаб чиқариш тизимини эркинлаштириш (рағбатни рағбатлантириш мақсадида) ва энергия тизимида IT-инфраутзилмасини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Бунда энергия тежамкорлигини оширишда интеллектуал (“ақлли”) микро тармоқлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Корея Республикаси хукумати томонидан “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш стратегияси доирасида энергия тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида 2008 йилдан бошлаб “ақлли тизим” (Smart Grid) стратегияси илгари сурilmоқда. Ушбу стратегияни амалга оширишда асосий эътибор интеллектуал тизимли станция (Smart Grid Station (SGS)) ва орол микротармоқлари, деб номланган шаҳар типидаги модулли концепцияни ишлаб чиқишига қаратилди. Бу борадаги Корея Республикаси стратегияси АҚШнинг ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қўллаб-қувватлаш ва микротармоқлар орқали барқарорликни таъминлашга қаратилган ҳарбий стратегиясига асосланади.

Корея Республикаси хукумати 2008 йилда Чеджу оролида интеллектуал тармоқлар учун тажриба майдонини қуриш учун 76,6 млрд. Вон (66 млн. долл.) ажратди. Хусусий инвесторлар томонидан ажратилган маблағлар билан биргаликда ушбу лойиҳа учун жами 172,7 млрд. вон (149 млн. долл.) сарфланди<sup>259</sup>. Тажриба майдонида қуйидаги технологик соҳалар ишлаб чиқилди:

Ақлли энергия тизими (Smart Power Grid) – электр узатиш тармоқларини автоматик тиклаш тизими ва электрга бўлган талабни интеллектуал мониторинг қилиш орқали электр билан таъминлаш сифати ва ишончлилигини ошириш.

Ақлли истеъмолчилар – истеъмолчилар учун интеллектуал уй-рўзғор буюмларини (жумладан, смарт-метрларга асосланган, яъни реал иш давомида энергия истеъмоли тўғрисида маълумот бериб борувчи маҳсулотлар) ишлаб чиқиши орқали энергия истеъмолини тежаш;

Интеллектуал транспорт – электромобилларни қувватлаш учун умуммиллий инфратузилмани яратиш ва “Тармоқда автомобиль” (V2G) тизимини яратиш (электр энергиясидан фойдаланиш даражаси паст давларда

<sup>258</sup> <https://www.enerdata.net/publications/daily-energy-news/south-koreas-ets-emissions-dipped-2-2019.html>

<sup>259</sup> Jaehong Whang, Woohyun Hwang, Yeuntae Yoo and Gilsoo Jang. Introduction of Smart Grid Station Configuration and Application in Guri Branch Office of KEPSCO. <https://www.mdpi.com/journal/sustainability>

автомобилларни қувватлаш ва электр энергиясидан фойдаланиш даражаси юқори даврларда ортиқча электрни қайта сотиш);

Қайта тикланадиган интеллектуал энергия манбалари – электрэнергиясини узатишнинг микротармоқларини ўрнатиш орқали уйлар, бинолар ва фабрикаларда энергия таъминотини ошириш;

Ақлли электр хизматлари (Smart Electricity Services) – электрэнергия бозорида рақобатни кучайтириш, янги бизнес моделлар ҳисобидан энергия истеъмоли даражасини пасайтириш.

Ушбу стратегияни амалга оширишда 168 та корея ва хорижий компаниялар иштирок этди. КЕРСО компанияси ушбу соҳани ривожлантириш учун 2030 йилга қадар 7 млрд. доллар инвестиция сарфлашини эълон қилди.

Bloomberg маълумотларига кўра Корея Республикаси 2019 йилда барқарор ривожланиш учун йўналтирилан облигацияларнинг етакчи эмитентига айланди. Жаҳонда барқарор ривожланиш соҳасидаги лойиҳалар учун йўналтирилган облигациялар миқдори 16,4 млрд. долларни ташкил этди ва унинг 16%и Корея Республикаси ҳиссасига тўғри келди. Мамлакат эмитентлари томонидан чиқарилган “яшил облигациялар миқдори 2013-2019 йилларда 0,5 млрд. доллардан 5,8 млрд. долларгача ёки 11,6 мартаға ўстган<sup>260</sup>.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнини жадаллаштиришда Корея Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинган “Тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш режаси 3020 (“RE3020”)” дастури ва “Водород иқтисодиёти бўйича йўл харитаси” муҳим аҳамиятга эга.


**Тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш режаси 3020 (“RE3020”).** 2017 йилда қабул қилинган дастурга мувофиқ 2030 йилга қадар мамлакатда ишлаб чиқариладиган энергиянинг 20%ини тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан қоплаш режалаштирилган<sup>261</sup>. ВР маълумотларига кўра Корея Республикасида тикланадиган манбалар ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган энергия миқдори 2009-2019 йилларда 2,6 ТВт-соатдан 29,2 ТВт-соатгача ёки 11 мартаға ошган. Мамлакатда электрэнергиянинг 5,0%и тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан ишлаб чиқарилмоқда. Тикланадиган энергия манбаларининг 51%и қуёш ва шамол энергияси ҳиссасига тўғри келади (9.5.2-расм).

Корея Республикасида қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан ишлаб чиқариладиган электрэнергия улуши 2019 йилда 5%ни ташкил этди. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич дунё бўйича ўртacha - 10,4%ни, Европа Иттифоқида - 23,9%ни, Германияда - 36,6%ни, Буюк Британияда - 35,0%ни ташкил этади.


---

<sup>260</sup> <https://www.bloomberg.com/news/articles/2019-06-19/korea-pushes-sustainability-bonds-in-effort-to-bolster-economy>

<sup>261</sup> <http://gaggi.org/site/assets/uploads/2018/10/Presentation-by-Mr.-Kyung-ho-Lee-Director-of-the-New-and-Renewable-Energy-Policy-Division-MOTIE.pdf>



**9.5.2-расм. Корея Республикасида бирламчи энергия истеъмоли таркибининг ўзгариши, %.<sup>262</sup>**



**9.5.2-расм. Корея Республикасида электрэнергия ишлаб чиқариш манбалари таркиби, % (2019 й.).<sup>263</sup>**

**“Водород иқтисодиёти бўйича йўл харитаси”.** Корея Республикаси хукумати 2019 йил январда 2040 йилга мўлжалланган “Водород иқтисодиёти бўйича йўл харитаси”ни эълон қилди. Унга мувофиқ водородда ишлайдиган 6,2 млн. электромобиллар ва камида 1200 та автомобилларга ёқилғи қуийиш шаҳобчалари қурилиши режалаштирилган. Бундан ташқари режага мувофиқ водород ёқилғисида ишлайдиган автобуслар сонини 2022 йилгача 2000 тага, 2040 йилга қадар эса 41000 тагча етказиш мақсад қилинган.

Йўл харитасида электрэнергия ишлаб чиқариш учун 2040 йилга қадар 15 ГВт водород ёқилғисини етказиб бериш, водород ёқилғисида ишлайдиган автомобиллар сонини 6,2 миллионтага, автобусларни 40 000 тага, таксиларни 80 000 тага, юк ташувчи машиналар сонини 30 000 тага ошириш вазифалари белгиланган. Кўрсатилган муддатда электромобилларни қувватлаш станцияларини 2022 йилда 310 тагача ва 2040 йилга қадар эса 1200 тагача кўпайтириш мўлжалланган. Ҳозирда Корея Республикасида 14 та қувватлаш станцияси мавжуд. Йўл харитасига мувофиқ водородда ишлайдиган автомобиллардан ташқари кемалар, поездлар ва бошқа механизмларни ишлаб чиқариш ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бундан ташқари “Йўл харитаси”да 2040 йилга қадар 15 ГВт электрэнергия ишлаб чиқаришга эришиш мақсадида водород ёқилғиси элементларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган<sup>264</sup>.

Корея Республикаси “яшил” ўсиш стратегиясини янада такомиллаштириш ва мавжуд муаммоларни истиқболда ҳал қилиш учун қуидаги чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштирумокда:

<sup>262</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>263</sup> Уша манба.

<sup>264</sup> <https://www.rvo.nl/sites/default/files/2019/03/Hydrogen-economy-plan-in-Korea.pdf>

- электр энергияси нархини энергетика тизими харажатларини қоплаш мақсадида босқичма-босқич ошириб бориш;
- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш харажатларини қоплаш мақсадида электр энергиясини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қазиб чиқариладиган ёқилғиларга солиқларни ошириш;
- энергетика тизимининг шаффоғлиги ва барқарорлигини таъминлаш;
- дизел ёқилғисидан ундириладиган акциз солиғи миқдорини ошириш; жамоат транспорти тизими ва ердан фойдаланишни режалаштиришни интеграциялаш;
- энергетикага оид фундаментал тадқиқотлар ва атроф-мухит соҳасидаги ИТТКИнинг улушкини ошириш;
- инновация ва атроф-мухит сиёсати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мунтазам баҳолаб бориш;
- углеродни саноат ва энергетика манбаларидан ажратиб олиш ва уни атмосферадан узоқ муддат изоляциялаш учун маҳсус жойларда сақлаш миқёсини кенгайтириш ва ривожлантириш.

## **Назорат саволлари**

1. ИХТТ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш дастурларининг умумий ва фарқли жиҳатларини тавсифлаб беринг.
2. “Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг АҚШ тажрибасига хос хусусиятлар нималардан иборат?
3. Европа Иттифоқида “яшил ўсиш”ни таъминлаш стратегиясининг устувор йўналишларини шарҳланг.
4. Германияда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш хусусиятлари ва устувор йўналишларини аниқланг.
5. Корея Республикасида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш омилларини тавсифланг ва 2040 йилгача бўлган дастурнинг устувор йўналишларини шарҳланг.

## **Асосий тушунчалар**

**Инклузив ўсиш (inclusive growth)** – миллий иқтисодиётнинг барча секторлари ва меҳнат ресурсларининг катта қисмини жалб этган ҳолда узоқ муддатда барқарор ривожланишга эришиш.

**“Соф” энергия манбалари** – ядро материаллар, “соф” кўмир ва табиий газ, шамол ва қуёшдан фойдаланиш.

**“Яшил тўлов карталари” тизими** – “яшил” товар ва хизматлар истеъмоли, шахсий транспорт ўрнига жамоат транспортидан фойдаланиш, энергия самарадорлиги юқори бўлган товарлардан фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш тизими.

**Ақлли энергия тизими (Smart Power Grid)** – электр узатиши тармоқларини автоматик тиклаш тизими ва электрга бўлган талабни интеллектуал мониторинг қилиш орқали электр билан таъминлаш сифати ва ишончлилигини ошириш.

**Ақлли истеъмолчилик** – истеъмолчилар учун интеллектуал уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқиш орқали энергия истеъмолини тежаш.

**Қайта тикланадиган интеллектуал энергия манбалари** – электрэнергиясини узатишнинг микротармоқларини ўрнатиш орқали уйлар, бинолар ва фабрикаларда энергия таъминотини ошириш.

**Ақлли электр хизматлари (Smart Electricity Services)** – электрэнергия бозорида рақобатни кучайтириш, янги бизнес моделлар ҳисобидан энергия истеъмоли даражасини пасайтириш.

**Ёпиқ циклли иқтисодиёт** – хом-ашё, маҳсулотлар ва чиқиндилардан максимал фойда олиш учун қайта ишлаш, такрор фойдаланишини кенгайтириш йўли билан маҳсулотларнинг ҳаётийлик циклини қисқартиришни кўзда тутадиган иқтисодиёт.

**Energiewende** (немисча “энергетик ўтиш”) – Германияда паст углеродли, экологик тоза, ишончли ва арzon энергияга ўтиш жараёни.

## Тестлар

**1. ИХХТ томонидан 2009 йилда қабул қилинган 2030 ва 2050 ийларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегиясининг марказий ғояси ...**

“яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш

“яшил ўсиш”ни таъминлаш

ижтимоий барқарорликка эришиш

Париж битими талабларини бажариш

**2. АҚШда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича миллий режа мавжудми?**

мавжуд эмас

мавжуд

режалаштирилмоқда

амалга ошириб бўлинган

**3. “Европа 2020” стратегиясининг мақсади ...**

“Европа яшил битими” дастурини амалга ошириш

COVID-19 пандемияси инқирозидан чиқиб кетиш

Париж битими талабларини бажариш

барқарор ривожланиш ва инклузив ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш

**4. ЕИнинг COVID-19 падемияси инқирозидан кейинги иқтисодий тикланиш жараёнидаги устувор йўналишлари қайси дастурда ўз ифодасини топган?**

“Европа 2020”

“Европа энергия йўл харитаси 2050”

“Европа яшил битим”

“ЕИ энергияси 2020”

**6. ЕИда COVID-19 пандемияси инқизозидан кейинги иқтисодий тикланиш жараёнида иқлим ўзгаришларига қарши кураш учун қанча маблағ ажратилиши режалаштирилган?**

- 750 млрд. евро
- 850 млрд. евро
- 950 млрд. евро
- 1 трлн. евро

**7. Германияда энергетика соҳасини “яшиллаштириш” жараёни қандай номаланади?**

- Industrial Strategy (саноат стратегияси)
- Inclusive growth (инлюзив ўсиш)
- Energiewende (энергетик ўтиш)
- Energy roadmap (энергетика йўл харитаси)

**8. Хом-ашё, маҳсулотлар ва чиқиндилардан максимал фойда олиш учун қайта ишлаш, такрор фойдаланишни кенгайтириш йўли билан маҳсулотларнинг ҳаётийлик циклини қисқартиришни кўзда тутадиган иқтисодиёт – бу:**

- ёпиқ циклли иқтисодиёт
- яшил иқтисодиёт
- жигарранг иқтисодиёт
- анъанавий иқтисодиёт

**9. “Яшил ўсиш” йўлини биринчилардан миллий стратегия сифатида танлаган мамлакат ...**

- Германия
- Корея Республикаси
- Европа Иттифоқи
- Қозоғистон


**10. Корея Республикаси “RE3020” режасининг асосий мақсади ...**

- 2030 йилгача тикланадиган энергия улушкини 20%га етказиш
- 2030 йилгача тикланадиган энергия улушкини 30%га етказиш
- 2020 йилгача тикланадиган энергия улушкини 30%га етказиш
- 2020 йилгача тикланадиган энергия улушкини 20%га етказиш

## **IX-БОБ. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШ ТАЖРИБАСИ**

### **9.1. Ривожланаётган мамлакатларда барқарор ривожланишни таъминлаш ва “яшил иқтисодиёт”га ўтиш муаммоси**

Макроиқтисодиёт нуктаи назаридан яшил иқтисодиётга ўтиш иқтисодий самарадорликни оширади, миллий бойликни кўпайтириб қайта тикланадиган ресурсларнинг ўсиши ва экологик рискларнинг пасайишига олиб келади. Ушбу ҳолат ривожланаётган мамлакатлар учун жиддий муаммога айланиши мумкин. Ривожланаётган мамлакатлар одатда ўз ресурсларини очлик ва камбағалликни йўқотиш, зарур инфратузилмани барпо этиш, таълим ва соғлиқни сақлашга инвестиция сарфлаш, иш ўринлари билан ишчи кучи ўртасидаги мувозанатни таъминлашга йўналтиришлари лозим. Таҳлиллар кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва яшил ўсиш стратегияси камбағалликни камайтириш билан бевосита боғлиқ бўлиши зарур.



**9.1.1-расм. Дунё мамлакатларида СО<sub>2</sub> эмиссияси ҳажмининг ўзгариши, млрд. тонна<sup>265</sup>.**

Ривожланаётган мамлакатларда яшил иқтисодиёт ва барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида қатор муаммолар мавжуд:

- яшил иқтисодиёт янги концепция сифатида ҳар бир мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий ҳолатга боғлиқ ҳолда қўлланиши лозим;
- ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти устун даражада табиий ресурслардан интенсив фойдаланишга асосланади ва бу ўз навбатида атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади;

<sup>265</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

- ишлаб чиқариш технологияларининг аксарият қисми эскирганлиги сабабли ушбу мамлакатларда ишлаб чиқариши технологик жиҳатдан янгилашда жиддий муаммолар мавжуд;

- яшил иқтисодиётга сарфланаётган капитал қўйилмалар миқдори чекланган, давлат харажатлари қисқариб бормоқда, миллий ресурслар очлик ва камбағалликни йўқотиш, тиббиёт ва таълим даражасини оширишга йўналтирилган;

- яшил иқтисодиётга ўтишдаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш.

ВР мълумотларига кўра, жаҳонда 2019 йилда атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub> миқдори 2018 йилга нисбатан 0,5%га кўпайиб 34,1 млрд. тоннага етди. Статистик рақамлар 1990-2019 йилларда иссиқхона газларини эмиссия қилиш қўрсаткичи ривожланаётган мамлакатлар хисобига кескин ортиб бораётганлигини қўрсатмоқда. Ҳисобот даврида ривожланаётган мамлакатларда CO<sub>2</sub> эмиссияси миқдори 2,3 мартаға ошгани ҳолда Хитой ва Ҳиндистонда ушбу қўрсаткич тўрт мартаған ортиқроққа ўсган (9.1.1-расм). Ривожланаётган мамлакатларда яшил иқтисодиётга ўтишда экологик ташвиқот, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, соҳага оид меъёрий-хуқуқий базани яратиш, янги технологиялардан фойдаланишини жадаллаштириш, экологик хизматлар қўрсатиш, экологик тоза энергия манбаларини ўзлаштириш ва соҳа учун зарур кадрларни тайёрлаш каби ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал этиш зарур бўлади. Жумладан, яшил иқтисодиёт учун зарур кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Амалиёт нуқтаи назаридан яшил иқтисодиётга ўтиш жаҳон иқтисодиётида инқирозли ҳолатларнинг тез-тез юз бераётганлиги шароитида қабул қилинадиган муҳим қарор ҳисобланади. Шунинг учун миллий иқтисодиётга жалб этилаётган молиявий ресурслар ва иқтисодиёт таркибини қайта қуриш ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ички молиявий ресурслар асосий ва узоқ муддатли стратегия ҳисобланса, ташқи ресурслар янги технологиялар нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт таркибини қайта қуришда капитал, меҳнат улушкини қисқартириш ва инсон ресурслари сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Миллий иқтисодиёт тармоқлари ўртасида ресурсларни тақсимлаш бозор қоидаларига мос равищда амалга оширилиши лозим.

Яшил иқтисодий сиёsat ривожланаётган мамлакатларда қуйидаги ижтимоий-иктисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш имконини беради:

- соғ технологияларни жорий этиш орқали муқобил энергиядан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- соғ ишлаб чиқаришга инвестицияни йўналтириш асосида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигида барқарор, самарали усуслардан фойдаланиш негизида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

- энергия манбаларидан фойдаланишни диверсификациялаш орқали импорт қилинаётган энергия таннархини пасайтириш ва энергетика хавфсизлигига эришиш;

- иқтисодий фаолиятнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини юмшатиш.

Ҳар бир мамлакат ўз молиявий имкониятларини баҳолай олиши ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятларини қидириб топиши зарур. Экологик омиллар “яшил иқтисодиёт” соҳасидаги инновациялардан фойдаланишда “катализатор” вазифасини бажаради. “Яшил иқтисодиёт”да атрой-муҳит омили иқтисодий ўсиш ва ижтимоий таъминотга кучли таъсир ўтказади. Бундан ташқари “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ижтимоийadolатга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, ривожланган мамлакатлар яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини молиялаштиришнинг мустаҳкам базаси, сифатли инсон ресурслари ва илғор технологияларга эга. Шу сабабли ушбу мамлакатлар яшил иқтисодиётга ижтимоий ривожланиш ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи инвестициялар сарфлаш, иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантириш орқали ўтишади. Ривожланаётган мамлакатлар эса анъанавий иқтисодиётни босқичма-босқич экологик йўналтирилган иқтисодиётга айлантиришлари зарур. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётнинг технологик даражаси бўйича ривожланган мамлакатларга нисбатан ортда қолмоқда. Шунинг учун ушбу мамлакатларда арzon, эскирган технологиялар қўлланилиб, табиий ресурслардан хўжасизларча фойданилмоқда. Бу эса атроф-муҳитнинг ифлосланишига ва экотизимларнинг йўқолиб боришига олиб келмоқда. “Яшил ўсиш” эса технологик инновациялар, экотизимларни қайта тиклаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланишга асосланади.


Ривожланаётган мамлакатлар ички ресурсларга таянган ҳолда “яшил ўсиш”, барқарор ривожланишни таъминлашга ҳаракат қилмоқда ва қишлоқ, ўрмон хўжалиги, тикланадиган энергия, чекланган табиий ресурсларни ўзлаштириш каби соҳаларда мувафақиятли ислоҳотларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон учун “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Хитой, МДҲ мамлакатлари тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.

## **9.2. “Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг Хитой тажрибаси**

Хитой аҳоли жон бошига тўғри келувчи саноат ишлаб чиқариш ҳажми ривожланган мамлакатлар кўрсаткичининг 1/3 қисмига tengлашганда барқарор ривожланиш йўлини танлади. 2007 йилда Хитойнинг собиқ бош вазири Вэнь Цзябао Хитой иқтисодиётини “бекарор, мувозанатлашмаган, мувофиқлаштирилмаган ва нотекис ривожланаётган” иқтисодиёт сифатида танқид қилди. Хитой хукумати кейинги беш йилликлар режаларига тузатишлар киритди ва шу вақтдан бошлаб мамлакат ривожланишида

иқтисодий ўсишни миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан таъминлашга ҳаракат қилмоқда.

Хитойнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш борасидаги ёндашуви ғарб мамлакатларидан жиддий фарқ қиласи. Хитой ўсиб бораётган ишлаб чиқариш секторларини янада ривожлантириш билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тамойилларини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу борада қуйидаги уч жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, Хитойда саноатлашишга қарши курашиш барқарор ривожланиш концепциясига кирмайди, аксинча ушбу жараённи давом эттириш экологик муаммолар ечими сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан ёқилғи ресурсларини қазиб чиқариш ва оғир саноатнинг бошқа тармоқларида асосий фондлар миқдорини кўпайтириш, янгилаш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш мунтазам рағбатлантириб борилади. Бу эса ўз навбатида ресурсларни тежовчи ва энергия сифимкорлигини пасайтирувчи янги усулларни излаб топишга ундайди. Иккинчидан, хитой ҳукумати мамлакатнинг ички ҳудудларини ривожлантириш мақсадида жанубдан шимолга сув олиб бориш, транспорт тармоқларини кенгайтириш каби инфратузилма лойиҳаларини амалга ошироқда. Давлат эски ҳудудларда ер нархини ошириш ва экологик талабларни янада кучайтириш орқали ишлаб чиқариш корхоналарини янги саноат ҳудудларига олиб ўтишни рағбатлантиримоқда. Учинчидан, Хитойда барқарор ривожланишни таъминлашда ижтимоий (камбағалликка қарши кураш, урбанизация даражасининг ўсиши) компонент яққол қўзга ташланади. Ушбу йўналишда туғилиш ва шаҳарларга миграцияни чеклаш, саноатни қишлоқларга олиб кириш, табиатни қўриқлаш бўйича жамоат ишларини жорий этиш (оммавий тарзда ўрмонзорлар барпо этиш) каби ислоҳотлар амалга оширилди.



**9.2.1-расм. 2008 йил жаҳон молиявий инқизозига қарши чоралар дастури доирасида “яшил тикланиш” учун ажратилган маблағлар, млрд. долл.<sup>266</sup>**

<sup>266</sup> <https://www.iea.org/articles/green-stimulus-after-the-2008-crisis>

Ривожланган мамлакатлар сингари Хитойда ҳам “яшил иқтисодиёт” ташаббуси 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиб кетиш йўли сифатида илгари сурилди. Жумладан, Хитой инқирозга қарши чоралар дастури доирасида “яшил тикланиш чоралари” (“green recovery package”) учун 221,3 млрд. доллар ёки дастурга ажратилган маблағларнинг салкам 38%ини сафарбар этди. Маблағларнинг катта қисми темир йўллар ва электр тармоқларини модернизациялаш учун йўналтирилди (9.2.1-расм).

Хитой ўз иқтисодий ривожланиш модели, фойдаланаётган энергия манбаларини ўзгартириш, янги транспорт тизимларини ишлаб чиқиш ва экологик тоза урбанизация сиёсатини амалга ошириш орқали барқарор ривожланишнинг ўзига хос стратегиясини қабул қилди. Ривожланаётган мамлакатлар учун “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг Хитой тажрибасини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Хитой жаҳонда атмосферага иссиқхона газларини чиқариш бўйича етакчи мамлакат ҳисобланади. 1990-2019 йилларда Хитойнинг жаҳондаги иссиқхона газлари эмиссиясидаги улуши 10,9%дан 28,8%га қадар, CO<sub>2</sub> микдори эса 4,3 марта ошди (9.2.2-расм).




**9.2.2-расм. Хитойда атмосферага чиқарилаётган CO<sub>2</sub> микдориниг ўзгариши<sup>267</sup>**

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан биргаликда Хитой бирламчи энергия истеъмоли таркибида муқобил энергия улушкини кўпайтириб, атроф-муҳитга жиддий салбий таъсир кўрсатаётган кўмирдан фойдаланиш даражасини қисқартиришга ҳаракат қилмоқда. ВР маълумотлари кўрсатишича, Хитойда 2009-2019 йилларда бирламчи энергия истеъмоли таркибида кўмир энергияси улуши 71,2%дан 57,6%гача қисқариб,

<sup>267</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

тикланадиган энергия манбалари улуши эса 0,3%дан 4,7%га қадар ошган (9.2.3-расм). Бу даврда мамлакатда муқобил энергия манбалари ҳисобидан ишлаб чиқарилган электрэнергия микдори 48,8 ТВт-соатдан 732,3 ТВт-соатга ёки ўн беш бараварга ошди. Хитойда 2019 йилда электрэнергия ишлаб чиқариш таркибида жами тикланадиган энергия манбалари улуши 9,8%, шу жумладан шамол энергияси улуши 5,4%, қуёш энергияси улуши эса 3,0%ни ташкил этди (9.2.4-расм).



**9.2.3-расм. Хитойда бирламчи энергия истемоли таркибининг ўзгариши, %<sup>268</sup>**

**9.2.4-расм. Хитойда электрэнергия ишлаб чиқариш таркиби, % (2019 й.)<sup>269</sup>**

Хитой амалиётида “яшил иқтисодиёт”ни рағбатлантириш ва тартиба солишингқуйидаги усулларидан фойдаланилади:

1. Иссикхона газлари савдосининг миллий тизими. Хитой хукумати 2017 йилда иссиқхона газлари савдосининг миллий тизимини жорий этди. 2020 йилдан бошлаб кўмир ва газда ишлайдиган электростанцияларни қамраб олувчи ушбу тизим кейинчалик иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам жорий этилади. Мамлакатда квоталар бўйича 200 млн т. СО<sub>2</sub> эквивалентига тенг 4,6 млрд. юан микдоридаги битимлар имзоланди. Битимлар асосан йирик давлат компаниялари томонидан тузилган<sup>270</sup>.

3. “Яшил молиялаштириш” механизми. “Хитойда “яшил молия тизимини яратиш бўйича йўриқнома”да “яшил молиялаштириш” атроф-муҳит муҳофазаси, энергия таъминоти, тикланадиган энергетика, транспорт ва энергия самарадорлиги юқори бинолар қуриш каби лойиҳаларни

<sup>268</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>269</sup> BP Statistical Review of World Energy 2020 маълумотлари асосида тузилган.

<sup>270</sup> Deng Zh., Duan M., Li D., Pang T. Effectiveness of pilot carbon emissions trading systems in China // Climate Policy, 2018, Vol. 18, Iss.8, pp. 992-1011

молиялаштириш ва рискларни бошқаришни қамраб олади<sup>271</sup>. Ушбу механизм “яшил кредитлаш”, экологик мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда камситувчи механизмлар (имтиёзли шартларда кредитлар бермаслик, таъминланмаган кредитлар улушини камайтириш ва “яшил облигациялар”ни ўз ичига олади.

4. Халқаро ва миллий стандартлар тизими. Халқаро стандартлаштириш ташкилот (ISO) “яшил иқтисодиёт”га ўтишда муҳим ўрин тутади. ISO 140000, жумладан 14001 стандартлари экологик менежмент тизимини такомиллаштиришга бағишиланган. Хитойда миллий стандартлар етарли даражада ривожланмаган ва оммалашмаган вақтда ISO стандартлари муҳим аҳамият касб этади. Хитойда Экологик маркировкалаш миллий дастури давлат томонидан ички эҳтиёжлар, шу жумладан “яшил” давлат харидлари механизмининг шаффофлигини таъминлаш учун қабул қилинган. Хитой экологик маркировкаларни ўзаро тан олиш ва ҳамкорлик тўғрисида Германия, Япония, Корея Республикаси, Австралия, Таиланд, Шимолий Европа ва Янги Зеландия билан келишувларга эга<sup>272</sup>.

Ҳозирги вақтда Хитойда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган 14-беш йиллик режалари муҳокама қилинмоқда. Ушбу режаларда иқтисодиёт тармоқларини “яшиллаштириш” масалалари муҳим ўрин эгаллайди. Мутахассислар фикрича, Хитой “экологик цивилизация”ни қуришни бошлади ва мамлакатда “энергетик трансформация жараёни бошланди, аммо мамлакат учун энергетика инқилоби зарур”. Хитойнинг 14-беш йиллик режаларида қуйидагилар “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган<sup>273</sup>:

- мамлакат ялпи ички маҳсулотининг энергия сифимкорлиги даражасини 21%га ва углерод сифимкорлигини эса 27%га пасайтириш;
- шамол ва қуёш энергияси таннархининг пасайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш суръатларини жадаллаштириш. Жумладан, 14-беш йилликда 53 ГВт қувватга эга шамол ва 58 ГВт қуёш электростанцияларини ўрнатиши;
- тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш сиёсатини қўллаб-кувватлаш, масалан, субсидиялашдан бозор нархларига ўтилгандан кейин тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан олинадиган электрэнергияни харид қилиш бўйича мажбуриятларга қатъий риоя этиш;
- қазиб чиқариладиган ёқилғидан фойдаланиш оқибатида юзага келадиган ташқи таъсирларни иссиқхона газлари савдосининг такомиллаштирилган механизми ёрдамида бартараф этиш;

<sup>271</sup> Богачева О. В., Смородинов О. В. Проблемы “зеленого” финансирования в странах G20 // Мировая экономика и международные отношения, 2017, т. 61, № 10, сс. 16-24.

<sup>272</sup> Environmental label// China Environmental United Certification Center URL: [http://en.mepcec.com/yinxing\\_xg1.html](http://en.mepcec.com/yinxing_xg1.html)


<sup>273</sup> China Renewable Energy Outlook 2019 (CREO 2019), China National Renewable Energy Centre, October 2019

- кўмир истеъмолини қисқартириш мақсадида саноатни, нефть маҳсулотлари истеъмолини камыйтириш учун транспортни электрлаштиришни рағбатлантириш;

- кўмирда ишлайдиган электростанцияларни қуришни тўхтатиш, самараисиз электростанциялар ва кўмир конларини ёпиш.

14-беш йиллик режаларида энергетика соҳасини ривожлантиришнинг давлат томонидан амалга оширилаётган “Амалдаги сиёsat” (Stated Policies scenario) ва Хитойнинг Париж битимида қабул қилган мақсадларига эришиш йўлларини белгилаб берувчи “2 С дан паст” (Below 2 C) стратегиялари ўрин олган.

Below 2 C сценариисига мувофиқ 2035 йилга қадар электр энергиясини ишлаб чиқаришда қазиб чиқарилмайдиган энергия манбаларининг улуши 78%-га, 2050 йилда 91%-га этиши зарур. Электрэнергия ишлаб чиқаришда қуёш ва шамол энергиясининг улуши эса 2035 йилга қадар 58%ни, 2050 йилда 73%ни ташкил этиши, кўмирдан фойдаланиш эса 14%гача қисқариши кутилмоқда (9.2.5-расм).



**9.2.5-расм. Хитойда электрэнергия ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган энергия истеъмоли таркибининг ўзгариши, %<sup>274</sup>**

Хитой ҳукумати маълумотларига кўра, 2025 йилга қадар мамлакатда қуёш ва шамол электростанцияларининг ўрнатилган қувватлари 1000 ГВт дан, улар томонидан ишлаб чиқариладиган электрэнергия миқдори эса 2000 ТВт-соатдан ошиб кетиши мумкин. Бу эса Россия энергия тизимларида бир йилда ишлаб чиқариладиган энергия миқдоридан икки баравар кўп энергия ишлаб чиқариш, деганидир (9.2.1-жадвал).

Below 2 C сценарииси муаллифларининг ҳисоб-китобларига мувофиқ, Хитой энергетика тизими таркибининг ўзгариши 2050 йилга бориб 2018 йилга

<sup>274</sup> China Renewable Energy Outlook 2019 (CREO 2019), China National Renewable Energy Centre, October 2019, p. 18.

нисбатан бир бирлик электрэнергия қийматининг 20%га арzonлашишига олиб келади.

**Транспорт.** Хитойнинг жадал суръатларда ўзгараётган транспорт модели “яшил иқтисодиёт” стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Хитой тезюар темир йўллар тармоғи, метро тизими ва электромобиллар сонининг ўсиш муръатлари бўйича жаҳонда етакчи мавқега эга. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2019 йилда Хитойда ишга туширилган тезюар темир йўллар тармоғи 30 000 километрга етди. Бундан ташқари мамлакатда электромобиллар савдоси 2017 йилдаёқ 500 минг донадан ортиб кетди. Бу кўрсаткич АҚШ ва Европада 200 минг дона атрофида сақланиб қолмоқда. Хитойда 300 миллиондан ортиқ автомобиллар рўйхатдан ўtkазилган. Шунингдек, 2050 йилга қадар йўловчи ташийдиган автомобил транспорти тўлиқ электрлаштирилди ва электромобиллар сони 400 миллиондан ошиб кетади.

#### 9.2.1-жадвал

### Хитойда тикланадиган энергия ишлаб чиқариш қувватларини ўрнатиш ва электрэнергия ишлаб чиқариш истиқболлари

Мақсадли кўрсаткичлар	14-беш йиллик	15-беш йиллик	16-беш йиллик
Тикланадиган энергия ишлаб чиқариш қувватларини ўрнатиш, ГВт	Жами	1481	2718
	Гидро	386	438
	Шамол	507	1109
	Куёш (фотоэлектрик)	532	1109
	Куёш (иссиқлик энергияси)	4	9
	Биомасса энергияси	51	54
Тикланадиган энергия манбалари ҳисобидан электрэнергия ишлаб чиқариш, ТВт-соат	Жами	3662	6416
	Гидро	1397	1576
	Шамол	1347	3160
	Куёш (фотоэлектрик)	694	1448
	Куёш (иссиқлик энергияси)	11	22
	Биомасса энергияси	214	210

**Урбанизация.** Прогнозларга мувофиқ Хитойда шаҳар аҳолиси улуши 2050 йилга қадар 60%дан 80%гача кўпаяди. Бу борадаги муҳим жиҳат мамлакатда янги шаҳар модели – эко-шаҳарлар тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги билан боғлиқ. Бундай шаҳарлар юқори энергия самарадорликка эгалиги билан бир қаторда жамоат транспорти тармоғининг ривожланганлиги, уй-жойларни қуришда яшил зоналарни оптимал жойлаштирилганлиги билан ажralиб туради. Пекин шаҳрининг жанубида жойлашган йўлдош шаҳар Сюнъянъ шундай шаҳарлар қаторига киради. Тяньцзинь ва Хайнань каби эко-шаҳарлар эса экологияга зарар келтирувчи транспорт воситаларидан бутунлай воз кечмоқчи. Хитойда яқин истиқболда 250 дан ортиқ эко-шаҳарлар барпо этиш режалаштирилган.

Хитой яқин истиқболда жаҳонда барқарор ривожланишни “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида таъминлаш тенденцияларини белгилаб берадиган мамлакатга айланиши шубҳасиз.

### 9.3. МДХ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари

#### 9.3.1. Россия

**МДХ.** МДХ мамлакатлари “яшил иқтисодиёт”га ўтиш масаласини жаҳон тенденциясига ҳамоҳанг ҳал этишга ҳаракат қилишмоқда. Ушбу мамлакатларда иқтисодиётни “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида ривожлантиришда умумий ва ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Бунда дунё ҳамжамиятининг таркибий қисми сифатида глобал молиявий инқизоз шароитидан иқтисодиётнинг энергия сифимкорлиги драражасини пасайтириш, иқтисодиётни янги технологиялар асосида модернизациялаш орқали чиқиб кетиш, Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, Барқарор ривожланиш мақсадлари, Париж битими кўрсаткичларига эришиш қаби умумий хусусиятларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

МДХ мамлакатларининг аксарияти иқтисодиётнинг энергия сифимкорлиги ва CO<sub>2</sub> газини атмосферага чиқариш интенсивлиги кўрсаткичлари бўйича дунё рейтингида биринчи ўнталиқдан жой олган (9.3.1.1-жадвал).

9.3.1.1-жадвал

#### Дунё мамлакатларида энергия сифимкорлиги ва атмосферага иссиқхона газларини чиқариш, 2019 й.<sup>275</sup>

Мамлакат	Энергия сифимкорлиги*	Мамлакат	CO <sub>2</sub> интенсивлиги, CO <sub>2</sub> /долл.**
Украина	0,232	ЖАР	0,594
Россия	0,210	Қозогистон	0,527
Венесуэла	0,205	Тайвань	0,483
Тайвань	0,189	Россия	0,473
ЖАР	0,180	Украина	0,462
Эрон	0,179	Венесуэла	0,459
Қозогистон	0,176	Эрон	0,443
Канада	0,171	Хитой	0,379
Ўзбекистон	0,152	Ўзбекистон	0,372
Нигерия	0,148	Канада	0,330

\*Энергия сифимкорлик кўрсаткичи бирламчи энергия истеъмолининг доимий нархларда ва валутанинг ҳарид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган ЯИМ миқдорига нисбати сифатида аниқланади. Бу кўрсаткич бир бирлик ЯИМ шилаб чиқарши учун зарур энергия миқдорини аниқлаш имконини беради.

\*\*Улгерод сифимкорлиги кўрсаткичи иссиқхона газлари эмиссиясининг ЯИМга нисбати сифатида аниқланади.

<sup>275</sup> <https://yearbook.enerdata.net/total-energy/world-energy-intensity-gdp-data.html> маълумотлари асосида тузилган.

МДХ мамлакатларининг барчаси “Барқарор ривожланиш миллий дастурлари”га эга ва Париж битимини ратификация қилишган. Шунингдек, МДХнинг аксарият мамлакатларида (Қозоғистон, Беларус, Ўзбекистон, Қирғизистон, Украина) “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари қабул қилинганд. Ушбу дастурларнинг айримларида иқтисодий рецессия шароитида ресурс ва энергия самарадорлиги юқори технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, баъзиларида экологик муаммоларни ҳал этиш, бошқаларида эса энергетика соҳасини модернизациялашга устуворлик берилмоқда. Ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда МДХ мамлакатларида “яшил иқтисодиёт” асосида барқарор ривожланишни таъминлашнинг иқтисодий механизмини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этишда жараёни ҳали бошланғич босқичида турибди.

**Россия.** Россиянинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш истиқболларини аксарият мутахассислар пессимитик руҳда баҳолашади. Уларнинг фикрича, мамлакатда деярли тугамайдиган қазилма бойликлар, жумладан, нефть ва табиий газ заҳираларининг мавжудлиги экологик хавфсиз муқобил энергия билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларни ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги аргументларни қадрсиз қилиб қўяди. Шунга қарамасдан Россиянинг “яшил иқтисодиёт” соҳасидаги халқаро келишувларга боғлиқлиги амалдаги иқтисодий тизимнинг экологик вазиятга таъсирини баҳолаш бўйича талаб этиладиган минимал чораларни амалга оширишини тақозо этади.

Евropa XXI асрнинг ўрталариға бориб иссиқхона газлари эмиссиясини тўхтатишга ҳаракат қилаётган бир пайтда Россия кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 2035 йилга қадар 485-685 млн. тоннагача ошириш, янги шахталар ва кўмирни қайта ишлаш бўйича технологик ишланмаларга 2,5-3,5 трлн. рубль сарфлашни режалаштироқда. Немис тадқиқотчиси Ральф Фюкс фикрича, Россия иқтисодиётининг хом-ашёга йўналтирилганлигига жиддий муаммо мавжуд: “Россиянинг қазиб чиқариладиган ёқилғидан воз кечиши жуда қийин. Бу эса Россия ва Евropa Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий алоқаларга раҳна солиши мумкин. Жумладан, ҳозирда Германия углеводородларнинг йирик импортёрига айланди. Германия замонавий ёқилғи турларига ўтадиган бўлса, бу соҳада муқаррар зиддиятлар юзага келади. Германиянинг режалари туфайли Россиянинг газ ва нефть экспорти бўйича имкониятларига заар етади. Россия иқтисодий ривожланиш моделининг келажаги қандай? Бу Россия учун яқин 20-30 йилдаги жиддий синов бўлади”<sup>276</sup>.

Россияда анъанавий энергересурсларнинг катта қисми хорижга экспорт қилинади ва иқтисодиётнинг фойда нормаси юқори тармоқларидан ҳисобланади. Россия молия вазирлигининг маълумотларига қўра, 2019 йилда консолидациялашган бюджет даромадларининг 39,3%и нефть-газ мажмуаси ҳисобидан шаклланган<sup>277</sup>. Бу ҳол мамлакатда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнидаги салбий омиллардан бири ҳисобланади.

<sup>276</sup> <https://www.ru-eu.org/news/69783/>


<sup>277</sup> <https://www.mfin.ru/ru/statistics>

Айрим тадқиқотчилар Россиянинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш давлат сиёсатининг асослари барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши бўйича халқаро мажбуриятлар, хусусан Монреал ва Киото протоколларига мувофиқ шаклланган. Ушбу сиёсат табиий ресурслар ва умуман табиий бойликнинг қадр-қимматини янада ошириди, деб ҳисоблашади<sup>278</sup>.

Россияда экология соҳасига оид қонунчиликни фаол ривожлантиришни “яшил ўсиш”ни таъминлашга қўйилган биринчи қадам, деб баҳолаш мумкин. Россия 2019 йилда Париж битимини тўлиқ ратификация қилди. Мамлакатда иссиқхона газлари эмиссиясини 2030 йилда 1990 йилга нисбатан ўрмонларнинг мазкур газларни ютиб юбориш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда 70-75%гача қисқартириш режаси қабул қилинди<sup>279</sup>. Шунга қарамасдан Россия бизнес жамоатчилиги Париж келишувини амалиётга жорий қилиш иқтисодий ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашади.

Россияда 2050 йилгача даврда паст углеродли иқтисодиётга ўтишнинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган. Стратегия қўйидаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- иссиқхона газлари эмиссиясини миллий даражада тартибга солиш ва Париж битимида назарда тутилган механизм билан мувофиқлаштириш;
- иссиқхона газлари эмиссияси миқдорини мониторинг қилишининг миллий тизимини ривожлантириш ва прогнозлаштириш;
- иқтисодиёт тармоқлари, инфратузилма, уй-жой, саноат бинолари ва иншоотларининг энергия самарадорлигини ошириш;
- ўрмонлар, тупроқ ва бошқа табиий иссиқхона газларини ютувчиларни сақлаш ва кўпайтириш;
- иссиқхона газларини чиқариш даражаси паст технологиялар соҳасида тадқиқот ишларини олиб бориш.



### 9.3.1.1-расм. Россия иқтисодиётининг энергия самарадорлик кўрсаткичлари<sup>280</sup>

<sup>278</sup> Захаров В.М. Приоритеты национальной экологической политики России. – М.: ООО «Типография ЛЕВКО», 2009. -152 с.

<sup>279</sup> Постановление правительства Российской Федерации «О принятии Парижского соглашения» от 21 сентября 2019 г. № 1228.

<sup>280</sup>Global Energy Statistical Yearbook 2020 <https://yearbook.enerdata.net> маълумотлари асосида тузилган.

Стратегия базавий ва интенсив сценарийларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Базавий сценарий иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш, ўрмонларни тўлиқ қайта тиклаш, уларни муҳофаза қилиш майдонларини кенгайтириш ва оммавий кесиб ташлашларни қисқартиришни назарда тутади. Базавий сценарийга мувофиқ Россия иқтисодиётининг углерод сифимкорлиги 2030 йилда 2017 йилга нисбатан 9%га, 2050 йилда эса 48%га пасайиши зарур. Иссикхона газлари эмиссиясининг мақсадли кўрсаткичи 2030 йилда 1990 йил даражасининг 2/3 қисмини ташкил этиши лозим. Интенсив сценарийга ўтиш эса 2050 йилларнинг охиригача иссиқхона газлари эмиссиясини нолга тенглаштириш имконини беради (9.3.1.1-жадвал).

### 9.3.1.1-жадвал

#### **Россияда иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартиш кўрсаткичлари, млн. тонна СО<sub>2</sub> эквивалентида**

	1990 й.	2017 й.	2030 й.	2050 й.
Базавий	3113,4	1577,8 (51)	2077,0 (67)	1993,0 (64)
Интенсив	(100)*		1996,0 (64)	1619,0 (52)

\* қавс ичиде 1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида

ВР маълумотларига кўра Россия иқтисодиёти юқори энергия сифимкорлигига эга ва ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифимкорлиги кўрсаткичи охирги ўн йилда ўзгармасдан қолмоқда. Мамлакат 2019 йилда ЯИМнинг энергия ва углерод сифимкорлиги бўйича дунёда 2- ва 3-ўринларни эгаллаган (9.3.1.1-расм).

Россиянинг паст углеродли ривожланиш стратегиясида “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланган энергия самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифимкорлиги даражасини 2030 йилда 2017 йилга нисбатан 25%га, 2050 йилга қадар эса 50%га пасайтириш режалаштирилган. Муқобил энергия ишлаб чиқариш ҳажмини 1,1 млрд. кВт-соатдан 2030 йилда 25,0 млрд. кВт-соатга, 2050 йилда эса 50,0 млрд. кВт-соатга етказиш, ўрмон майдонларини йўқотилган ўрмон майдонларига нисбатан 2017 йилдаги 70,0%дан 2030 йилга қадар тўлиқ тиклаш вазифаси белгиланган (9.3.1.2-жадвал).

Россияда “яшил энергетика”ни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Мамлакатда тикланадиган энергия ресурслари  $1,5 \times 10^8$  млрд. кВт-соат/йил энергетика эквиваленти даражасида баҳоланмоқда. Бу кўрсаткич Россиядаги жорий электрэнергия истеъмоли миқдоридан беш бараварга кўп бўлиб, асосан қуёш, шамол, кичик гидростанциялар ва денгиз энергиясини қамраб олади. Мамлакатда жами иссиқхона газлари эмиссияси, газларни табиий экотизимлар орқали ютиб юбориш миқдори йилига 2 млрд. СО<sub>2</sub> эквивалентида баҳоланмоқда ва бу жорий кўрсаткичларга нисбатан 28%га юқори ҳисобланади.

### 9.3.1.2-жадвал


#### Россияда “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг мақсадли кўрсаткичлари<sup>281</sup>

Кўрсаткичлар	2017 й.	Режа	
		2030 й.	2050 й.
<b>1. Иссикхона газлари эмиссияси, млн. тонна СО<sub>2</sub> эквивалентида</b>			
Жами	1577,8	2077,0	1993,0
Энергетика	1699,9	1822,0	1594,0
Саноат	233,2	246,0	263,0
Қишлоқ хўжалиги	127,9	144,0	159,0
Ердан фойдаланиш ва ўрмон хўжалиги	-577,7	-246,0	-132,0
Чиқиндилар	94,5	111,0	109,0
<b>2. Ялпи ички маҳсулотнинг углерод сифимкорлиги, 2017 йилга нисбатан фоиз ҳисобида</b>	<b>100,0</b>	<b>91,0</b>	<b>52,0</b>
<b>3. Энергия ишлаб чиқариш самарадорлиги</b>			
Муқобил энергия ишлаб чиқариш, млрд. КВт-с	1,1	25,0	55,0
<b>4. Иссиклик энергия станцияларида электрэнергия ишлаб чиқаришда шартли ёқилиғи харажатлари, кВт-соат/йил</b>	<b>317,1</b>	<b>287,2</b>	<b>260,1</b>
<b>5. Қозонхоналарнинг фойдалилик коэффициенти, %</b>	<b>92,7</b>	<b>94,0</b>	<b>95,0</b>
<b>6. Электр ва иссиқлик тармоқларида йўқотишлар</b>			
Электр тармоқлари	10,3	9,0	6,0
Исиқлик тармоқлари	9,6	8,0	6,0
<b>7. Энергия сифимкорлиги юқори саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда самарадорлик кўрсаткичлари (бир тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи)</b>			
Темир рудаси	0,058	0,053	0,052
Чугун	0,55	0,52	0,50
Қора металлар прокати	0,942	0,939	0,918
Цемент	0,167	0,138	0,125
<b>8. Ўрмон майдонларини тиклаш (йўқотилган ўрмон майдонларига нисбатан фоизда)</b>	<b>72,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

Россияда 2009 йилда муқобил энергия манбаларини ўзлаштириш орқали энергия самарадорлигини ошириш бўйича 2024 йилга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинган ва унга 2020 йилда ўзгартиришлар киритилди. Ушбу дастурга мувофиқ барча турдаги тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш бўйича ишга тушириладиган зарур қувватлар ҳажми 2024 йилга қадар 14 бараварга оширилиши режалаштирилган (9.3.1.2-расм)<sup>282</sup>.

<sup>281</sup> Постановление правительство Российской Федерации «О принятии Парижского соглашения» от 21 сентября 2019 г. № 1228.

<sup>282</sup> Распоряжение Правительство Российской Федерации от 8 января 2009 года N 1-р “Об утверждении Основных направлений государственной политики в сфере повышения энергетической эффективности электроэнергетики на основе использования возобновляемых источников энергии на период до 2024 года” (с изменениями на 18 апреля 2020 года).



### 9.3.1.2-расм. Россияда тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш кувватларини ишга туширишнинг мақсадли кўрсаткичлари, МВт

Агар ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатлар муқобил энергиянинг электрэнергия ишлаб чиқаришдаги улушини 25%дан 80%гача оширишни режалаштираётган бир пайтда, Россияда ушбу кўрсаткични 2035 йилга қадар 1,8-3,2%га етказиш назарда тутилмоқда. Баъзир тадқиқотчилар фикрича, Россия анъанавий ёқилғи захиралари бой мамлакат ҳисобланади ва ундан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Шунинг учун муқобил энергия соҳасида етакчи мамлакатларни қуввиб етиш мақсади устуворлик касб этмайди, деб ҳисоблашади<sup>283</sup>. Шунга қарамасдан мамлакатда муқобил энергия соҳасини ривожлантириш имкониятлари жуда юқори. Россияда жуда катта дарёлар тизими мавжуд ва мамлакат ҳудуди океан билан чегарадош. Ушбу ҳолат мамлакатнинг сув ресурсларидан муқобил энергия олишда самарали фойдаланиш имкониятларини янада оширади. Аммо Россияда умумий сув ресурсларидан фойдаланиб энергия ишлаб чиқариш қувватлари бор-йўғи 51,7 минг МВт тенг, таққослаш учун ушбу кўрсаткич . Хитода 333,7 минг МВт ортиқ энергия ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд<sup>284</sup>. Россиянинг бой табиий ресурслар ва экотизимларга эга катта ҳудуди, юқори инсон салоҳияти ва иқтисодий ресурслари барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш омилларига айланиши мумкин.

<sup>283</sup> Бекулова С. Р. Возобновляемые источники энергии в условиях новой промышленной революции: мировой и отечественный опыт. //Мир новой экономики, №4, 2019. С. 18.

<sup>284</sup> IRENA (2017), Renewable capacity statistics 2017, International Renewable Energy Agency, www.irena.org/Publications

### **9.3.2. Қозғистон Республикаси**

Қозғистон Марказий Осиёда биринчилардан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепциясini қабул қылган мамлакат ҳисобланади. Қозғистон “яшил иқтисодиёт” концепциясining мақсади экологик стандартларни Европа Иттифоқида қабул қилинган стандартларга мослаштиришдан иборат. Қозғистоннинг инклузив “яшил ўсиш” концепцияси барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, тикланадиган ресурслардан унумли фойдаланиш, ижтимоий ва инсон капиталини ривожлантириш каби компонентларга асосланади (9.3.2.1-расм).



**9.3.2.1-расм. Қозғистоннинг инклузив “яшил ўсиш” концепцияси компонентлари**


Қозғистон иқтисодиётини “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида ислоҳ этиш заруриятини қуидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Қозғистон иқтисодиётининг ҳолати ташқи бозорларда хомашё нархларининг кескин ўзгаришларига бевосита боғлиқ. Қозғистон экспортининг 80,2%ини нефть қазиб чиқариш ва тоғ-кон саноати (ёқилғи ва минераллар), 70,0%ини эса суюқ ёқилғи ресурслари (нефть ва газ конденсати) ташкил этади<sup>285</sup>. Бундан ташқари, жаҳон углеводородлар бозори конъюнктураси ўта ўзгарувчан. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, COVID-19 пандемия инқирозининг салбий оқибатлари таъсирида бир баррел нефть баҳоси 2020-2035 йилларда 35-70 доллар (жорий нархларда) оралиғида ўзгариб туриши мумкин<sup>286</sup>.

Иккинчидан, Қозғистонда жиддий экологик муаммолар мавжуд. Жумладан, мамлакатда мавжуд ер майдонларининг 1/3 қисми фойдаланиш учун яроқсиз. Аҳоли саломатлиги саноатнинг атроф-муҳитни ифлослаши туфайли хавф остида қолмоқда. Қаттиқ майший чиқиндилярнинг 97 фоизи назоратсиз жойларда ва санитар талабларга жавоб бермайдиган жойларда сақланмоқда.

<sup>285</sup> Стратегия низкоуглеродного развития Республики Казахстан: цели и пути трансформации. Отчет о целях и путях трансформации. 24 февраля 2020 года. Нур-Султан, 2020. С. 29.

<sup>286</sup> <http://pubdocs.worldbank.org/en/633541587395091108/CMO-April-2020-Forecasts.pdf>



### 9.3.2.2-расм. Қозоғистон иқтисодиётининг энергия самарадорлик күрсаткичлари<sup>287</sup>

Учинчидан, мамлакат иқтисодиётининг энергия сифимкорлиги жуда юқори. 2019 йилда Қозоғистон жағон иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифимкорлиги күрсаткичи бүйича еттинчи, углерод сифимкорлиги күрсаткичи бүйича эса иккинчи ўринни әгаллади. Айрим мутахассислар Қозоғистонда энергия сифимкорликнинг юқори даражасини совуқ иқлим ва ахолининг мамлакат худуди бүйлаб жойлашув зичлигининг пастлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Аммо Қозоғистонда ушбу күрсаткич совуқ иқлим шароитта ва ахоли зичлиги паст ривожланган мамлакатларга нисбатан икки бараварга юқориличча қолмоқда. Рақамлар Қозоғистонда 2005-2009 йилларда иқтисодиётнинг энергия ва углерод сифимкорлиги күрсаткичлари деярли ўзгармаганлиги, иссиқхона газлари эмиссияси миқдори эса ўсиш тенденциясига эга эканлигини күрсатмоқда (9.3.2-расм).

Тўртингидан, Қозоғистонда иқтисодий күрсаткичлар, ахоли турмуш даражаси ва атроф-муҳит ҳолати бүйича сезиларли даражада номутаносибликлар мавжуд.

Қозоғистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтишда қуйидаги дастурлар муҳим аҳамиятга эга:

- а) Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан ишлаб чиқилған “Қозоғистоннинг 2050 йилгача ривожланиш стратегияси” (2012 й.)<sup>288</sup>;
- б) Қозоғистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бүйича концепцияси (2013 й.)<sup>289</sup>.

<sup>287</sup> Global Energy Statistical Yearbook 2020 <https://yearbook.enerdata.net> маълумотлари асосида тузилган.

<sup>288</sup> [https://www.akorda.kz/ru/official\\_documents/strategies\\_and\\_programs](https://www.akorda.kz/ru/official_documents/strategies_and_programs)

<sup>289</sup> [https://greenkaz.org/images/for\\_news/pdf/npa/konsepciya-po-perehodu.pdf](https://greenkaz.org/images/for_news/pdf/npa/konsepciya-po-perehodu.pdf)

### 9.3.2.1-жадвал

#### Қозоғистон “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишлари<sup>290</sup>

Устувор йўналишлар	Иқтисодиёт секторлари
1. Муқобил энергияни ривожлантириш	1. Қишлоқ хўжалиги
2. Барқарор ва самарали органик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш	2. Уй-жой коммунал хўжалиги
3. Энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш	3. Энергетика
4. Электрэнергетикани ривожлантириш	4. Балиқчилик
5. Чиқиндилярни бошқариш тизими	5. Ўрмон хўжалиги
6. “Яшил транспорт”ни ривожлантириш	6. Саноат
7. Экотизимларни сақлаб қолиш ва самарали бошқариш	7. Туризм
	8. Транспорт
	9. Чиқиндилярни йўқ қилиш (утилизация) ва қайта ишлаш
	10. Сув ресурсларини бошқариш

“Қозоғистон 2050” стратегияси мамлакатни 2050 йилгача дунёнинг етакчи ўттизта мамлакати қаторига киритиш билан боғлиқ узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни назарда тутади. Стратегия кўзланган мақсадларга эришишда институтларни мустаҳкамлаш, инфратузима ва инсон капиталини ривожлантириш каби механизмларга асосланади. Ушбу стратегияда Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланиши бевосита паст углеродли иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқлигига устуворлик берилган.

2013 йилда “Қозоғистон 2050” стратегияси “Қозоғистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича концепцияси” билан тўлдирилди. Мазкур концепцияда асосий эътибор мамлакат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва “яшил ўсиш” асосида бақарор ривожланишни таъминлаш қаратилган.

Қозоғистон “яшил иқтисодиёт” концепциясида қуйидаги соҳа ва иқтисодиёт секторларига устуворлик берилган (9.3.2.1-жадвал).

“Яшил иқтисодиёт” концепциясига мувофиқ “яшил иқтисодиёт”га ўтиш уч босқичда амалга оширилади. Бу мақсадга эришиш учун мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1%идан кам бўлмаган ёки йилига ўртacha 3-4 млрд. доллар миқдорида маблағ сарфаланиши зарур бўлади.

<sup>290</sup> World Bank, 2018. Green Economy: Realities & Prospects in Kazakhstan маълумотлари асосида тузилган.



### 9.3.2.3-расм. Қозоғистон “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш босқичлари<sup>291</sup>

Биринчи босқичда (2013-2020 йй.) ресурслардан фойдаланишини оптималлаштириш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш тизими фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек яшил инфратузилмани яратишга эътибор қаратилади.

Иккинчи босқичда (2020-2030 йй.) сув ресурсларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, “яшил энергетика” тизимини ривожлантириш ва амалиётга кенг жорий қилишни рағбатлантириш, юқори энергия самарадорлигига эга миллий иқтисодиётни шакллантириш вазифалари ҳал этилади.

Учинчи босқичда эса (2030-2050 йй.) тикланадиган ва барқарор табиий ресурслардан фойдаланишини талаб этувчи, “учинчи саноат инқилоби” тамойилларига асосланган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш амалга оширилади.

Қозоғистон “яшил иқтисодиёт” концепцияси паст углеродли иқтисодий ривожланиш мақсадлариiga эришишнинг узоқ муддатли мақсдли кўрсаткичларига эга. Жумладан, ЯИМнинг энергия сифимкорлиги даражасини 2008 йилга нисбатан 2030 йилда 30%га, 2050 йилда эса 50%га пасайтириш, электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергия манбалари улушкини 2050 йилда 50%га етказиш, иссиқхона газлари эмиссиясини 2050 йилда 2012 йил даражасига нисбатан 40%га пасайтириш шулар жумласидандир (9.3.2.2-жадвал).

<sup>291</sup> Ўша манба.

**Қозоғистонда “яшил ўсиш”ни таъминлашнинг мақсадли  
кўрсаткичлари<sup>292</sup>**

Сектор	Мақсад	2020 й.	2030 й.	2050 й.
Сув ресурслари	Сув ресурслари тақчиллигини бартараф этиш	Аҳолини сув билан тўлиқ таъминлаш	Қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш (2040 й.)	Сув муаммосини тўлиқ ҳал этиш
Қишлоқ хўжалиги	Мехнат унумдорлигини ошириш	3 марта		
	Ҳосилдорликни ошириш, т/га	1,4	2,0	
	Суориш харажатларини пасайтириш, м <sup>3</sup> /т	450	330	
Энергия самарадорлиги	ЯИМ энергия сифимкорлигини пасайтириш (2008 йилга нисбатан 10%)	25% (2015 йилга нисбатан 10%)	30%	50%
Энергетика	Электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган манбалар улуши	Күёш ва шамол энергияси: 3%	30%	50%
	Худудларни газлаштириш	20%	25%	50%
	CO <sub>2</sub> даражасини пасайтириш	2012 йил даражасига эришиш	15%	40%
Атроф-мухит муҳофазаси	Атроф-мухитга олтингугурт ва азот оксидларини чиқариш		Европа даражасига эришиш	
Чиқиндиларни йўқ қилиш	Аҳоли пунктларидан майший чиқиндиларни олиб чиқиш		100%	
	Чиқиндиларни санитар сақлаш		95%	
	Чиқиндиларни қайта ишлаш		40%	50%

Концепцияга мувофиқ иқтисодиётга “яшил технологиялар”ни жорий этиш Қозоғистон энергия самарадорлигини 40-60%га ошириш, сув истеъмолини 50%га қисқартириш имконини беради. “Яшил ўсиш модели”га ўтиш эса саноатнинг анъанавий ва янги тармоқларида 500 000 дан ортиқ янги иш ўринларини яратади, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга ёрдам беради.

<sup>292</sup> Ўша манба.

Концепцияда Қозғистон инфратузилмасини янгилаш заруриятига алохіда әльтібор қаратылади. 2030 йилгача Қозғистондаги биноларнинг ярмидан ортиғи (55%), электрстанцияларнинг 40%и қуриб битказилади. Бундан ташқари бу даврға келиб автомобиллар паркининг 80%и янги машиналардан иборат бўлади.

Мамлакатда электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергия манбаларининг улуши юқори эмас. 2019 йилда электрэнергия ишлаб чиқаришда тикланадиган энергия манбалари улуши 2,3%ни ташкил этди. Ваҳоланки, мамлакатда мавжуд муқобил энергия салоҳияти йилига 1000 МВт дан ортади. Шу билан бир вақтда Қозғистонда тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш суръатлари жадаллашиб бормокда. Жумладан, 2014-2019 йилларда муқобил энергия ишлаб чиқариш қувватларини ўрнатиш деярли 6 марта ошди (9.3.2.3-жадвал).

#### 9.3.2.3-жадвал

#### **Қозғистонда тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш динамикаси<sup>293</sup>**

	2014 й.	2019 й.
Амалдаги тикланадиган энергия манбалари объектлари	26	87
Ўрнатилган қувватлар, МВт	178	1042
шу жумладан:		
Шамол станциялари	53	283
Қуёш станциялар	5	529
Гидро электрстанциялар	119	228
Био электрстанциялар	0,35	2,4

Қозғистон ҳукумати тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштирши рағбатлантириш мақсадида имтиёзли тарифлар ва бошқа дастаклардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, муқобил энергия ишлаб чиқарувчилар учун ўзгармас имтиёзли тарифлар 15 йилга ҳар йили инфляцияни ҳисобга олган ҳолда индексация қилиш шарти билан тақдим этилади. 2019 йилда икки қисмдан иборат имтиёзли тариф ишга тушди: электрэнергия учун тариф (ўзгарадиган қисм) ва ўрнатилган қувватлар учун тариф (ўзгармайдиган қисм). Ушбу ислоҳотлар электрэнергия ишлаб чиқариш соҳасига хусуий инвесторларни жалб этиш имкониятини оширади.

Қозғистон Республикаси “яшил иқтисодиёт”ни баҳолаш күрсаткичларини амалиётга жорий этиш борасида халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик олиб боради. Жумладан, 2019 йилда ИХТТ томонидан нашр этилган “Қозғистон Республикасида яшил ўсиш күрсаткичларини жорий этиш”, деб номланган ҳисоботида ташкилот таклиф этган кўрсаткичларнинг 54 тасидан 44 таси Қозғистон амалиётга жорий этилган. Ушбу ҳисоботда 2020 йилдан Париж битимининг кучга кириши муносабати билан углерод бозорини молиялаштириш; “яшил ўсиш” билан боғлиқ барча турдаги илмий

<sup>293</sup> Стратегия низкоуглеродного развития Республики Казахстан: цели и пути трансформации. Отчет о целях и путях трансформации. 24 февраля 2020 года. Нур-Султан, 2020. С. 29.

тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари; ноэнергетик материаллардан самарали фойдаланиш; “яшил” иш үринлари, экологик товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш күрсаткичларини ишлаб чиқиш тавсияси берилган<sup>294</sup>.

Қозогистонда тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш ва энергия тежовчи технологияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирларининг фаол амалга оширилаётганлигига қарамасдан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш мақсадларига эришишда жиддий муаммолар мавжуд. Мамлакат ҳукумати атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида кенг миқёсли ислоҳотлар ва лойиҳаларни амалга ошириди, аммо “яшил” технологияларни иқтисодиётга фаол жорий этиш учун зарур қулай институционал муҳит ҳозирча яратилгани йўқ. Қулай институционал муҳит яратиш учун инвестиция, бюджет, солиқ, экология, бизнес ва “яшил” ташаббусларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида чукур ислоҳотларни амалга ошириш зарур.

### 9.3.4. Белоруссия Республикаси

Белоруссия Республикаси Марказий Европа мінтақасида бой табиий салоҳияти ва ривожланган инсон ресурслари билан ажralиб туради. Мамлакат ривожланган саноат ва қишлоқ хўжалигига эга. Шу билан бир қаторда Белоруссия иқлим ўзгариши, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва тўпланиб қолиши, экотизимларнинг деградациялашуви, атмосфера ҳавоси ва сув манбаларининг ифлосланиши, биохилма-хилликнинг қисқариб бориши каби ўзаро боғлиқ иқтисодий ва экологик муаммоларга дуч келмоқда.

Белоруссия Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш заруриятини мамлакатда мавжуд реал экологик ва иқтисодий муаммолар орқали асослаш мумкин:

- мамлакат ҳудудининг 20%дан ортиги Чернобил АЭС ҳалокати натижасида радионуклидлар билан заҳарланганлиги;
- атомсфера ҳавосининг ифлосланишида транспорт улушкининг юқорлиги – ҳаракатдаги транспорт воситаларининг ҳавони ифлослантиришдаги улушки 70%га етади, ваҳоланки жаҳондаги ўртacha кўрсаткич 20%дан ошмайди;
- ботқоқ ерларни кенг миқёсда қуритиш натижасида табиий экотизимларнинг жадал суръатларда трансформациялашуви (био хилма-хилликнинг йўқолиб бориши, ерларнинг деградациялашуви, дарёларнинг саёзлашиши ва бошқалар);
- чиқиндиларнинг тўпланиб бориши (биринчи үринда калий ва фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ чиқиндилар);
- қишлоқ хўжалигининг табиий муҳитга салбий таъсири (пестицидлар, минерал ўғитлардан фойдаланиш);
- энергия истеъмолининг юқорилиги – мамлакатда ЯИМнинг энергия сифимкорлиги Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан 1,5-2 марта юқори.

<sup>294</sup> SC MNE RoK (2019), INTRODUCTION OF GREEN GROWTH INDICATORS IN THE REPUBLIC OF KAZAKHSTAN. P. 14-15.

Белоруссияда “яшил” иқтисодиёт”ни шакллантириш масалалари куйидаги стратегик дастурларда ўз ифодасини топган:

1. Белоруссия Республикасини 2016-2020 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури.

2. Белоруссия Республикасида 2020 йилгача “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси (2016 й.).

3. Белоруссия Республикасини 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий барқарор ривожлантириш миллий стратегияси.

Белоруссиянинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш миллий стратегияси “инсон – иқтисодиёт – атроф-муҳит” триадасига асосланади. Стратегияда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

- иқтисодий сиёsat ва дастакларидан фойдаланиш;
- “яшил иқтисодиёт” учун таълим;
- фан ва инновациялар.

Миллий стратегияни икки босқичда амалга оширилиши режалаштирилган:

Биринчи босқич – 2016-2020 йй. Ушбу босқичда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини ҳисобга олган ҳолда сифатдан жиҳатдан мувозанатлашган иқтисодий ўсишга ўтиш, мамлакат рақобатбардошлиги ва аҳоли турмуш сифатини ошириш асоси бўлган юқори технологик ишлаб чиқаришни устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Иккинчи босқич – 2021-2030 йй. Барқарор ривожланишни қўллаб-кувватлаш асосида маънавий қадриятларни ошириш ва инсонни ривожлантиришнинг юқори даражасига эришиш, фан сифимкорлиги юқори ишлаб чиқаришни жадал суръатларда ривожлантириш, табиий капитални сақлаб қолган ҳолда “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш мазкур босқичнинг устувор йўналишлари саналади.

Белоруссия МДҲда Қозоғистондан кейин “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш тўғрисида миллий дастур қабул қилган мамлакат ҳисобланади. Белоруссия Республикасининг 2020 йилгача яшил иқтисодиётни ривожлантириш бўйича миллий ҳаракатлар режаси “яшил иқтисодиёт”ни жаҳон амалиёти билан таққослаш асосида сифат жиҳатдан баҳолаш имконини берувчи дастурдир. Дастур “яшил иқтисодиёт”нинг турли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган қирққа яқин чора-тадбирлар, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалиётга тадбиқ этишга йўналтирилган ўндан ортиқ баҳолаш мезонларини қамраб олади.

Миллий режада “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш борасида куйидаги вазифаларни ҳал этишни тақозо этади:

- мамлакатда “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалиётга тадбиқ этиш учун зарур шарт-шароитларни аниқлаш;
- “яшил иқтисодиёт”нинг устувор тармоқлари ва фаолият соҳаларини белгилаш;
- “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалга ошириш бўйича институционал ва тармоқ чора-тадбирлари мажмуасини шакллантириш;

- “яшил иқтисодиёт” тамойилларига мувофиқ иқтисодий фаолият самарадорлигини баҳолаш.

Белоруссия Республикаси “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишлари қуидагилардан иборат:

- ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифимкорлиги даражасини пасайтириш, янги технологиялар ва материаллардан фойдаланиш ҳисобига энергия самарадорлигини ошириш;

- тикланадиган энергия ресурслари салоҳиятидан фойдаланиш имкониятини ошириш;

- электротранспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва “ақлли” шаҳарлар концепциясини амалга ошириш;

- энергия тежовчи уй-жойлар қурилишини ривожлантириш ва уй-жой фондининг энергия самарадорлигини ошириш;

- органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шароитлар яратиш;

- барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмолни шакллантириш;

- экологик туризмни ривожлантириш.

Белоруссия Республикасида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш қуидаги тамойилларга асосланиб амалга оширилади:

- “яшил иқтисодиёт”га ўтиш тамойилларининг барқарор ривожланиш тамойиллари билан мувофиқлиги;

- ижтимоий ва экологик оқибатларнинг олдини олиш;

- табиий ва ижтимоий капитални баҳолаш;

- истеъмол, ишлаб чиқариш ва ресурслардан бақарор, самарали фойдаланиш;

- “яшил иш ўринлари”ни яратиш, қашшоқликни бартараф этиш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида рақобатбардошликтини ошириш;

- турли авлодлар ўртасида бўлганидек бир авлод доирасида ҳам адолат ва холисликни таъминлаш.

2016 йил 20 сентябрдан “яшил иқтисодиёт”га Белоруссия Республикаси Париж битимининг ўттизинчи иштирокчисига айланди. Бошқа қўплаб мамлакатлар билан таққослагандан Беларуссияда қуидаги сабабларга кўра Париж битими талабларига кўпроқ мослашиш имконияти мавжуд:

- мамлакат ҳудудининг катта қисми ўрмонлар билан қопланганлиги;

- катта ҳажмдаги сув ресурсларининг мавжудлиги;

- ботқоқ ерлар ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонининг катталиги.

Беларуссияда Париж битими талабларини амалга ошириш бўйича қуидаги миллий дастурлар ишлаб чиқилган:

1. 2030 йилгача иссиқхона газларининг ўрмон ва ботқоқлар томонидан ютилишини кенгайтириш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси;

2. Белоруссия Республикасининг 2050 йилгача иссиқхона газлари эмиссиясини қисқартириш бўйича узоқ муддатли стратегияси;

3. Иқлим ўзгаришига мослашиш доирасидаги ҳаракатлар режаси.

Иссиқхона газлари эмиссиясини 2030 йилда 1990 йил даражасининг 28%ига қадар қисқартириш Белоруссия Республикасининг Париж битими бўйича асосий мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда 1990-2018 йилларда ердан фойдаланиш ва ўрмон хўжалигини қўшмаган ҳолда иссиқхона газлари эмиссияси миқдори 40,7%га қисқариб, 1990 йил даражасининг 59,3%ига тенглашган (9.3.4.1-жадвал).

#### 9.3.4.1-жадвал

#### **Белоруссия Республикасида иссиқхона газлари эмиссиясининг ўзгариши, млн. тонна эквивалентида<sup>295</sup>**

	1990 й.	2000 й.	2010 й.	2018 й.
Энергетика	97,9	51,9	57,8	57,0
Саноат	6,1	4,5	6,4	6,2
Қишлоқ хўжалиги	30,5	19,8	22,6	22,5
Чиқиндилар	3,2	3,4	5,4	6,3
Ердан фойдаланиш ва ўрмон хўжалигини қўшмаган ҳолда	117,1	47,0	34,5	69,4
Ердан фойдаланиш ва ўрмон хўжалиги	-20,6	-32,6	-39,4	-22,6
Ердан фойдаланиш ва ўрмон хўжалигини қўшган ҳолда	137,7	79,6	92,3	92,0

Белоруссия Республикасида “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш учун қуидаги йўналишларда амалий сиёsat олиб борилмоқда:

- биогаз ускуналарини ўрнатиш;
- тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланиш;
- мазут, торф, кўмир каби юқори углеродли ёқилғи турларидан фойдаланишини камайтирадиган, кам углеродли ва углеродсиз технологияларни ўзлаштириш;
- агроشاҳарчалар эҳтиёжи учун биогаз, қуёш ва шамол энергияларидан фойдаланиш мақсадида йирик қорамолчилик, чўчқачилик ва паррандачилик мажмуаларида ушбу технологияларни жорий этиш;
- “углерод солиғи”ни жорий қилиш ва миллий углерод бозорини шакллантириш;
- электртранспортдан фойдаланишини кенгайтириш ва паст даражали экологик таснифдаги бензин ва дизелли автомобилларни экплуатациядан чиқариш.

Мамлакатда ялпи энергия истеъмоли таркибида муқобил энергия улуши 5,4%дан 6,2%га, иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришдаги улуши 6,1%дан 9,1%га, электрэнергия ишлаб чиқаришдаги улуши эса 0,4%дан 1,8%га қадар ошган. Рақамлар Белоруссияда ҳам МДҲнинг бошқа мамлакатлари сингари “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш қаратилган чора-тадбирларнинг

<sup>295</sup> <https://www.belstat.gov.by/ofitsialnaya-statistika/makroekonomika-i-okruzhayushchaya-sreda/okruzhayuschaya-sreda/sovremenaya-sistema-ekologicheskoi-informatsii/b-izmenenie-klimata/b-3-vybrosy-parnikovyh-gazov/>

аксарияти атроф-муҳит муофазаси, экологик вазиятни яхшилаш билан боғлиқ эканлигидан далолат беради (9.3.4.1-расм).



#### **9.3.4.1-расм. Белоруссия Республикасида муқобил энергиядан фойдаланиш кўрсаткичлари<sup>296</sup>**

Белоруссияда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жаҳон банки кредитлари ҳисобидан қиймати 40,7 млн. долларга тенг “Белорус Республикасида ўрмон хўжалигин ривожлантириш” дастури, Глобал экология жамғармасининг 2,7 млн. долларга тенг гранти, ЕИ томонидан молиялаштирилаётган қиймати 5 млн. еврога тенг “Белорус Республикасида “яшил иқтисодиёт”га ўтишга кўмаклашиш” лойиҳаси шулар жумласидандлр. Бундан ташқари Белоруссия БМТ Европа иқтисодий комиссияси, ИХТТ, ЮНЕП ва ЮНИДО ҳамкорлигига амалга оширилаётган “Европа Иттифоқининг Шарқий ҳамкорлик мамлакатларида иқтисодиётни экологиялаштириш” лойиҳасининг фаол қатнашчиси ҳисобланади.

Белоруссия Республикасида мамлакатни 2035 йилгача барқарор ривожлантириш миллий стратегияси муҳокама қилинмоқда. Ушбу стратегияда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, транспорт тизимини электрлаштириш даражасини 2035 йилгача 35,0%га, ялпи энергия истеъмолида муқобил энергия улушини 9,0%га, қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 50,0%га етказиш каби режалар қабул қилинган (9.3.4.2-жадвал).

<sup>296</sup> <https://www.belstat.gov.by> маълумотлари асосида тузилган

### 9.3.4.2-жадвал

#### **Белоруссия Республикасини 2035 йилгача барқарор ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари<sup>297</sup>**

	2017 й.	2021-2025 йй.	2026-2030 йй.	2031-2035 йй.
Транспорт тизимини электрлаштириш (авто, метро, темир йўл), фоиз	...	27,0	30,0	35,0
Органик қишлоқ хўжалиги, жами қишлоқ хўжалик майдонларига нисбатан фоизда	0,01	0,5	1,0	2,0
Тикланадиган энергия, ялпи энергия истеъмолига нисбатан фоизда	6,2	7,0	8,0	камидা 9,0
Иссиқхона газлари эмиссияси, минг тонна	1241	1210	1190	1170
Тозаланмаган оқова сувлар миқдорини пасайтириш, млн. м <sup>3</sup>	4,0	3,5	2,0	0,0
Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш, жамига нисбатан %	17,0	25,0	38,0	50,0
Хавфли чиқиндиларнинг тўпланиб қолиш даражаси, 2015 йилга нисбатан фоизда	12,1	20-35	35-50	50-55

Беларуссия Республикасида “яшил иқтисодиёт” бюджетдан ташқари молиялаштириш модели бўйича ривожланмоқда. “Яшил лойиҳалар”ни молиялаштириш учун мамлакат бюджетидан тўғридан-тўғри маблағлар ажратилмайди, халқаро ташкилотларнинг маблағлари соҳани молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Беларуссияда “яшил иқтисодиёт” иқтисодий рецессия ҳолатларида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи янги технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш йўналиши сифатида қаралмоқда.

#### **Назорат саволлари**

1. Ривожланаётган мамлакатларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш заруриятини асосланг ва барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиша қандай муаммолар мавжудлигини шарҳланг.

2. Хитойда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш ривожланган мамлакатларга нисбатан қандай хусусиятлари билан фарқланади?

3. МДҲ мамлакатларида амалга оширилаётган “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш миллий стратегияларининг умумий ва фарқли жиҳатларини қиёсий таққосланг.

4. Россияда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омилларни аниqlанг.

<sup>297</sup> <https://www.economy.gov.by/uploads/files/ObsugdaemNPA/Kontseptsija-na-sajt.pdf>

5. Қозоғистон Республикасида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепциясининг устувор йўналишлари ва амалга ошириш босқичларини аниқланг.

6. Беларуссия Республикасида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш концепциясининг мақсади ва устувор йўналишларини шарҳланг.

7. **Кейс.** “Яшил ўсиш” концепцияси тарафдорлари ва унга қаршилар.

**Вазият:** Айрим мамлакатлар ўртасида “яшил ўсиш”ни барқарор ривожланиш йўналиши сифатида илгари суришда жиддий мунозаралар бўлиб ўтган эди. 2012 йилда БМТнинг ЭСКАТО ташкилоти томонидан “Осиё ва Тинч океани учун паст углеродли яшил ўсиш йўл харитаси” тақдим этилди. Ушбу лойиҳа ривожланаётган мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган бўлса-да, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Россия каби мамлакатлар ушбу лойиҳага қатъий қарши чиқди. Аксарият мутахассислар фикрича, гап мамлакатлар ўртасида оддий иқтисодий рақобат муҳитини яратиш ва Корея Республикасида “яшил ўсиш”ни ортиқча реклама қилмасликка ҳаракат қилиш устида борар эди. Амалда эса қайд этиб ўтилган мамлакатлар ҳам ўзларида “яшил ўсиш” ғоясини етарлича тарғиб қилишмоқда. Узоқ мунозаралар натижасида қабул қилинган ҳужжатларда паст углеродли иқтисодиётга эришиш тўғрисидаги ғоялар илгари сурилганига қарамасдан, “яшил ўсиш” концепциясини қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Муҳокама учун саволлар:** “Яшил ўсиш” концепциясини қўллаб-кувватлаш ва унга қарши сабабларни келтиринг. Хулосаларингизни тегишли далиллар билан асосланг.

## Асосий тушунчалар

**Беш йиллик режалаштириш** – Хитойда 1953 йилдан бошлаб қўлланилаётган, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсади, йўналишлари ва истиқболларини белгилаб берувчи беш йиллик режалар мажмуи.

**“Амалдаги сиёсат” (Stated Policies scenario)** – Хитой энергетика соҳасида давлат томонидан амалга оширилаётган жорий сиёсат.

**“2 С дан паст” (Below 2 C) стратегияси** – Хитойнинг Париж битимида қабул қилган мақсадларига эришиш йўлларини белгилаб берувчи узоқ муддатли стратаегия.

**Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги** (МДХ) – собиқ Совет иттифоқи таркибиға кирган 10 та мамлакат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши учун хизмат қилувчи халқаро ташкилот. МДХ давлатлар устидан назорат қилувчи ташкилот эмас ва унда қатнашиш ихтиёрий.

**Энергия сифимкорлиги** – бирламчи энергия истеъмолининг ялпи ички маҳсулотга нисбати.

**Углерод интенсивлиги** – атмосферга чиқарилаётган иссиқхона газлари микдорининг ялпи ички маҳсулотга нисбати.

**Эко-шаҳарлар тизими** – юқори энергия самарадорлигига эга, жамоат транспорти тармоғи юқори даражада ривожланган, уй-жойларни қуришда яшил зоналар оптимал жойлаштирилган шаҳарлар тизими.

**“Қозоғистон 2050” стратегияси** – Қозоғистонни 2050 йилгача дунёнинг етакчи ўттизта мамлакати қаторига киритиш билан боғлиқ узоқ муддатли ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар стратегияси.

**Қозоғистон “яшил иқтисодиёт” концепцияси** – мамлакат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва “яшил ўсиш” асосида бақарор ривожланишни таъминлаш қаратилган ислоҳотлар мажмуи.

**Халқар стандартлаштириш ташкилоти** (International Organization for Standardization – ISO) – товарлар ва хизматларни халқаро айирбошлишни таъминлаш мақсадида стандартлаштириш ва аралаш фаолият турларини ривожлантиришга кўмаклашишга хизмат қилувчи ташкилот.

## Тестлар

**1. Қуйидагиларнинг қайси бири ривожланаётган мамлакатларда “яшил иқтисодиёт”га ўтишдаги асосий муаммо ҳисобланади?**

иктисодиётнинг табиий ресурслардан интенсив фойдаланишга боғлиқлиги

табиий ресурслар билан таъминланганлик даражасининг юқорилиги  
ишчи кучи малакасининг юқорилиги  
мамлакат худудининг катталиги

**2. Хитойнинг 14-беш йиллик режаларида энергетика соҳасини ривожлантириш стратегияси қандай номланади?**

Базавий

Интенсив

“Амалдаги сиёсат” (Stated Policies scenario) стратегияси

“2 С дан паст” (Below 2 C) стратегияси

**3. Хитойнинг 14-беш йиллик режаларида Париж битимида қабул қилган мақсадлариiga эришиш йўлларини белгилаб берувчи стратегия қандай номланади?**

Базавий

Интенсив

“2 С дан паст” (Below 2 C) стратегияси

“Амалдаги сиёсат” (Stated Policies scenario) стратегияси

**4. Қуйидаги кўрсаткичлардан қайси бири бир бирлик ЯИМ ишлаб чиқариш учун зарур энергия микдорини аниқлаш имконини беради?**

улгерод самарадорлиги

углерод сифимкорлиги

энергия сифимкорлиги

энергия самарадорлиги

**5. Улгерод сиғимкорлиги кўрсаткичи қандай аниқланади?**

иссиқхона газлари эмиссиясининг ЯИМга нисбати сифатида  
ЯИМ ишлаб чиқариш учун зарур энергия миқдори сифатида  
ЯИМ ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат қиймати сифатида  
энергия сарфининг ЯИМга нисбати сифатида

**6. Россияда паст углеродли иқтисодиётга интенсив сценарий асосида ўтилса иссиқхона газлари эмиссияси 2050 йилда 2017 йилга нисбатан ...**

нолга тенглаштирилади  
30%га қисқаради  
20%га қисқаради  
60%га қисқаради

**7. Қозоғистонда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш муддати нечта босқичдан иборат?**

икки  
уч  
тўрт  
беш

**8. Қуйидаги дастурларнинг қайси бирида Қозоғистонни 2050 йилга қадар дунёning етакчи ўттизта мамлакатлари қаторига киритиш билан боғлиқ узоқ муддатли ислоҳотларни амалга ошириш назарда тутилган?**

“Нурлы Жол” дастури  
“Қозоғистон 2050” стратегияси  
Қозоғистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт” концепцияси  
“Қозоғистон 2030” стратегияси

**9. Белоруссия Республикасида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш миллий стратегиясини амалга ошириш муддати нечта босқичдан иборат?**

икки  
уч  
тўрт  
беш

**10. Белоруссия Республикасида “яшил лойиҳалар”ни молиялаштиришда устун даражада қайси молиявий анбалардан фойдаланилади?**

аҳоли маблағлари  
халқаро ташкилотларнинг маблағлари ва грантлари  
бюджет маблағлари  
корхона маблағлари

## **Х-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”НИ ШАКЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ**

### **10.1. Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси: зарурияти, мақсади, тамойиллари ва вазифалари**

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти миллий иқтисодиётда истеъмол қилинаётган энергиянинг аксарият қисми тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётганлиги, ушбу ресурслар захирасининг чекланганлиги, саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, сув танқислиги, Орол дengизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, таркибий ўзгаришларнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ички ва глобал жараёнлар ҳамда муаммоларни хисобга олишни тақозо этади.

БМТ Бутунжаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунгача глобал йиллик ўртacha ҳаво ҳарорати 1880 йилдаги даражадан 1С га ортган. Ўзбекистонда эса худди шу давр учун ўртacha йиллик ҳаво ҳарорати 1,6 С га (13,2 дан 14,8 С га) кўтарилди. Мамлакатимизда ўртacha ҳаво ҳароратининг исиши жадаллиги глобал миқёсда кузатилаётган ўртacha суръатдан юқори бўлмоқда. Иқлим исиши экотизимлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, Оролбўйи худудидаги Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида экологик вазиятнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Шу боис иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Франция пойтахтида ўтказилган БМТ Иқлим ўзгариши доиравий конвенцияси (БМТ ИЎДК) конференциясининг 21-сессиясида Париж битими қабул қилинди. Ушбу битим 2016 йил 4 ноябрда кучга кирди ва 2020 йилдан бошлаб амалга оширилади. Ҳозирги вақтда Париж битимини имзолаган 197 мамлакатдан 180 таси ушбу ҳужжатни ратификация қилган. Битимни ратификация қилмаган мамлакатлар кузатувчи мақомига эга ҳамда улар учун иқлимий молиялаштиришдан фойдаланишда чеклашлар мавжуд. Париж битимининг мақсади 2030 йилда 2020 йилга нисбатан сайёрамизда глобал исишини индустрисал ривожланиш давридаги ўртacha ҳароратга нисбатан Цельсий шкаласи бўйича 2 С га сақлаб туриш ҳамда ҳароратнинг 1,5 С гача ўсишини чеклашга ҳаракат қилишдан иборат бўлиб, 2050 йилга келиб иссиқхона газларини глобал ажратмаларини 40-70 %га камайтиришни ва 2100 йилга келиб унинг 0 ёки манфий кўрсаткичга етказишни талаб этилади.

Париж битимида ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унга мослашиш борасидаги ҳаракатларда қўллаб-қувватлаш мажбурияти юклатилган. 2020 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва устуворликларини

эътиборга олиб молиявий кўмакни 100 млрд. долларга етказишга қарор қилинган. Ҳозирги вақтда жамғарма умумий қиймати 1,5 млрд. долларга тенг бўлган 35 та лойиҳани молиялаштироқда. Уларнинг таркибида Ўзбекистон ва Тожикистон учун Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги “Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг олдини олиш Даствури” лойиҳасини молиялаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда (20 млн. доллар миқдоридаги грант).

Ўзбекистон 2017 йил 19 апрелда БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош Қароргоҳида “Ўзбекистон-Париж” Битимини имзолади<sup>298</sup>. Ўзбекистоннинг Париж битимидағи фаол иштироки мамлакатимиз учун қуидаги манфаатларни таъминлайди. Жумладан<sup>299</sup>:

- энергия самарадорлиги ва энергия тежаш бўйича Давлат дастурларини амалга оширишда иқлими молиялаштириш ресурслари (асосан грантлар)ни жалб қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, ерсув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, салбий оқибатлар (Орол фожиаси, чўлланиш, курғоқчилик)га қарши курашиш ва бошқа имкониятлар (9-модда 7-банд);

- Париж Битимида иштирок этиш инвестиция ресурсларини жалб қилиш ҳамда халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг кредитларини олиш учун индикатор ҳисобланади;

- иқлим ўзгаришларини юмшатиш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш янги технологияларидан фойдаланиш ва инновацион технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик (10-модда);

- иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги ҳамкорлик, бу мамлакатга иқлим ўзгаришига мослашишни кучайтириш ва заифликни камайтириш учун мослашиш чора-тадбирларини амалга ошириш имкониятини (миллий манфаатларни) таъминлайди. Бу Орол фожиаси муаммосини ҳал этиш нуқтаиназаридан муҳим ҳисобланади;

- иқлим ўзгариши натижасида олинган заарлар далиллари тақдим этилган ҳолатларда иқлим ўзгаришининг ноқулай таъсири оқибатлари донорлар томонидан бартараф этилади.

Миллий иқтисодиёт энергия самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, технологиялар янгиланишининг сустлиги, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнеснинг фаол иштирок этмаётгани миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор мақсадларига эришишга тўсқинлик қилмоқда. Ушбу соҳада узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги ҳозирга қадар “яшил” технологияларни жорий этиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича тизимли чоралар кўришни таъминлашга имкон бермаётган эди.

<sup>298</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 2 октябрь, ЎРҚ-491-сон қонуни

<sup>299</sup> [https://unfccc.int/sites/default/files/english\\_paris\\_agreement.pdf](https://unfccc.int/sites/default/files/english_paris_agreement.pdf)

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг узоқ муддатли комплекс чора-тадбирлар тизими БМТ ташаббуси билан 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси 2015 йилдан кейинги даврда БМТ томонидан 2030 йилгача мўлжалланган 17 та мақсадлар ва 169 та вазифалардан иборат барқарор ривожланиш дастурини қўллаб-қувватлаб, барқарор ривожланиш соҳалари бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди<sup>300</sup>:

- арzon, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш борасида 2030 йилгача жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинадиган энергия улушкини жиддий равишда кўпайтириш;
- энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича қўрсаткични икки баравар ошириш; замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш вазифалари белгиланган (7-мақсад);
- иқлим ўзгаришига акс таъсир чораларини миллий даражада сиёsatга, стратегияга ва режалаштиришга киритиш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларининг оддини олиш, уларга мослашиш ва хавфли иқлим ҳодисаларининг таваккалчилигидан эрта огоҳлантириш бўйича хабардорлигини ҳамда имкониятларини яхшилаш (13-мақсад);
- куруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг ишлаб чиқариш айланмасидан чиқиб кетишини тўхтатиш ва ортга қайтариш.

БМТнинг Барқарор ривожланиш дастури доирасида, жумладан барқарор ва кенг қамровли иқтисодий ўсиш, тўлиқ ишлаб чиқариш бандлиги ва барча учун муносиб иш билан бандликка (8-мақсад) кўмаклашиш ҳамда эгилувчан инфратузилмани яратиш, кенг қамровли ва барқарор индустрналлаштириш ҳамда инновацияларни рағбатлантириш (9-мақсад) қайд қилинган.

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омилларидан бири эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, жумладан, Париж битими мажбуриятлари бажарилишини мақсадида 2019 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон Қарори қабул қилинди.

<sup>300</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори

Стратегиядан қўзланган мақсад мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотларга “яшил” иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтиришга, иқлим ва экология барқарорлигини таъминловчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришишдан иборат.

Стратегия мақсадларига эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш зарур:

- технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган “яшил” мезонларни киритиш;
- давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;
- таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига “яшил” иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;
- “яшил” иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Ўзбекистонда узоқ муддатли истиқболда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси қуйидаги тамойилларга асосланади:

- барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларга мувофиқлик;
- ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш;
- иқтисодий ҳисоб тизимига экологик ва ижтимоий мезонларни киритиш;
- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришиш учун “яшил” воситалар ва ёндашувларни қўллаш устуворлиги;
- миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида рақобатбардошликтини ошириш ва кўрсаткичларни яхшилаш, “яшил” иш ўринларини яратиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш орқали мавжуд макроиқтисодий мақсадларга эришиш;
- ресурслардан самарали фойдаланиш тадбирларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш.

Юқорида қайд этиб ўтилган мақсад ва вазифаларга эришиш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш билан бир вақтда “яшил” иқтисодиёт асосида барқарор ривожланиш йўлига ўтиш имконини яратади. Миллий иқтисодиётни “яшиллаштириш”

табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспорти миқдорини ошириш, таркибини диверсификациялаш ва миллий компанияларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

## 2019 — 2030 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШ СТРАТЕГИЯСИ

### Устувор йўналишлар

Иқтисодиёт-  
нинг  
базавий  
тармоқлари  
да энергия  
самарадор-  
лигини  
oshiриш

Энергия  
ресурслари  
истеъмолини  
диверсификация-  
лаш ва муқобил  
энергия  
манбаларидан  
фойдаланишни  
ривожлантириш

Иқлим ўзгариши  
оқибатларига  
мослашиш ва  
уларни юмшатиш,  
табиий  
ресурслардан  
фойдаланиш  
самарадорлигини  
oshiриш ва табиий  
экотизимларни  
асрати

“Яшил” иқтисодиётни  
қўллаб-қувватлашнинг  
молиявий ва  
номолиявий  
механизмларини  
ишлаб чиқиши

### Соҳала०

Электр  
энергетика  
Иссиқлик  
энергетикаси  
Нефть ва газ  
саноати  
Кимё  
саноати

Муқобил энергия  
манбалари  
Биноларни куриш  
ва улардан  
фойдаланиш  
Транспорт  
Курилиш  
материаллари  
ишлаб чиқариш

Сув, қишлоқ ва  
ўрмон  
хўжаликлари  
Қаттиқ майший  
чиқиндиларни  
бошқариш  
Оролбўйидаги  
экологик  
инқирознинг  
салбий таъсирини  
юмшатиш

“Яшил  
технологиялар”ни  
жорий этишининг  
институционал  
асосларини  
ривожлантириш  
“Яшил  
иқтисодиёт”нинг  
хуқуқий базасини  
такомиллаштириш  
Энергия  
самарадорлигини  
oshiриш механизмини  
ривожлантириш  
“Яшил” иқтисодиёт  
тамойилларини  
таълим ва фанга  
интеграциялаш

### 10.1.1-расм. 2019 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясининг устувор йўналишлари<sup>301</sup>

<sup>301</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4477-сон Карорининг 1-иловаси асосида тузилган.

2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг тўртта устувор йўналишлар белгиланган бўлиб асосий эътибор энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзлаштириш, иқлим ўзгаришлари оқибатларига мослашиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишига қаратилганлигини кузатиш мумкин (10.1.1-расм).

Стратегияда белгиланган биринчи устувор йўналиш бўйича иқтисодиётнинг базавий тармоқларида энергия самарадорлигини 2030 йилга қадар 2 баравар ошириш вазифаси кўйилган. Жумладан, ушбу мақсадга саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига энергия самарадорлигини 20%дан кам бўлмаган миқдорга ошириш, мотор ёқилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни энергия самарадорлик ва экологик жиҳатдан яхшилаш, электр транспортни ривожлантириш ҳисобига эришиш режалаштирилган (10.1.1-жадвал).

#### 10.1.1-жадвал

#### **Стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари<sup>302</sup>**

Мақсадли кўрсаткичлар	Кутилаётган натижа
Иссиқхона газларининг ЯИМга нисбатан солиштирма ажратмаларини қисқартириш	2010 йилдаги даражадан 10%га қисқартириш
Энергия самарадорлигини ошириш	Икки баравар
Тикланадиган энергия манбаларини янада ривожлантириш	Умумий электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 25%-идан кўпроғига етказиш
Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арzon ва ишончли энергиядан фойдаланиш имкониятини яратиш	100%гача
Саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат раёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш	Энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш
Мотор ёқилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш, электр транспортни ривожлантириш	Энергия самарадорлик ва экологик жиҳатдан яхшилаш
Иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш	1 млн. гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20-40%гача ошириш
Ерларнинг таназзулга учрашиш даражасини пасайтириш	Нейтрал балансга эришиш
Асосий қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Ўртacha ҳосилдорлигини 20-25% гача ошириш

<sup>302</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг“2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 4 октябрь, ПҚ-4477-сон Карорининг 1-иловаси асосида тузилган.

Мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётга ўтишда энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш иккинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ушбу мақсадга эришишда қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзлаштириш, биноларни қуриш ва улардан фойдаланиш, транспорт соҳаси ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда энергия истеъмолини диверсификациялаш муҳим аҳамият касб этади.

2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ҳисобига ушбу энергия манбалари улушкини умумий электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 25%идан кўпроғига етказиш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг замонавий, арzon ва ишончли энергиядан фойдаланиш имкониятини 100%га етказиш вазифалари белгиланган (10.1.1-жадвал).

Учинчи устувор йўналиш иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш муаммоларини қамраб олади. Сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш ҳамда Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чоралари учинчи устувор йўналиш соҳалари ҳисобланиб, қуйидагилар мазкур йўналишнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳисобланади:

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб сугориш технологиясини жорий этиш ва уларда этиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20-40%гача ошириш;

- ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш;

- асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртacha ҳосилдорлигини 20-25%гача оширишга эришиш.

Тўртинчи йўналиш “яшил иқтисодиёт”ни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизmlарини ишлаб чиқиш масалаларига қаратилган бўлиб, “яшил технологиялар”ни жорий этишнинг институционал асосларини ривожлантириш, “яшил иқтисодиёт” соҳасидаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш, энергия самарадорлигини тартибга солиш ва назорат қилиш механизmlарини ривожлантириш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини таълим ва фанга интеграция қилиш, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш учун салоҳиятни ошириш ва қулай муҳит яратиш “яшил инвестициялар”ни қўллаб-қувватлаш каби соҳаларни қамраб олади.


Стратегиянинг муҳим вазифалари ва устувор йўналишлари миллий, тармоқ, соҳа режалари ва ривожланиш стратегияларида белгиланган тадбирлар воситасида амалга оширилади.

## **10.2. Мамлакат иқтисодиётининг энергия самарадорлигини ошириш йўналишлари**

“Яшил иқтисодиёт”ни иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтириш хисоланади.

Энергия самарадорлиги иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда энергия манбаларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш сектори рентабеллиги ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда энергия тежашнинг муҳим омили бўлиб, бу ўз навбатида энергия хавфсизлигига, иш ўринлари яратилишига, аҳоли фаровонлигининг ўсишига ва мамлакатнинг ривожланиши учун жиддий таъсир қўрсатмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти энергия ва углерод сифимкорлиги кўрсаткичлари бўйича дунёнинг биринчи ўнта мамлакатлари рўйхатига киради. Жаҳонда бир бирлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган энергия сарфи 1990-2019 йилларда 0,170 кг н.э. дан 0,110 кг. н.э. гача пасайгани ҳолда, ушбу кўрсаткич мамлакатимизда 0,689 кг н.э. дан 0,150 кг н.э. гача қисқарган. Демак, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сифимкорлиги ҳали ҳам дунёнинг ўртacha кўрсаткичидан юқорилигicha қолмоқда. Ушбу кўрсаткич Буюк Британия, Италия, Туркия, Испания, Германия каби мамлакатлар кўрсаткичларига нисбатан эса икки баравар юқори ҳисобланади. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг углерод сифимкорлиги кескин пасайган бўлса-да, у дунёнинг ўртacha кўрсаткичидан 1,5 бараварга юқоридир.



## **10.2.1-расм. Ўзбекистон иқтисодиётининг энергия самарадорлик кўрсаткичлари<sup>303</sup>**

<sup>303</sup> <https://yearbook.enerdata.net/co2-fuel-combustion/CO2-emissions-data-from-fuel-combustion.html>

Ҳозирги вақтда республиканинг мавжуд электрэнергия ишлаб чиқариш куввати 12,9 ГВтни ташкил этади, шундан: иссиқлик электр станциялар (ИЭС) – 11 минг МВт ёки 84,7 фоиз; гидро электр станциялар (ГЭС) – 1,85 минг МВт ёки 14,3%; блок станциялари ва изоляцияланган станциялар – 133 МВт дан ортиқ ёки 1,0%. Асосий генерация манбалари 11 та ИЭС, шу жумладан 3 та ИЭМ ҳисобланади. Замонавий тежамкор электр энергия блокларининг куввати 2825 МВт ёки ИЭС умумий кувватининг 25,6%ини ташкил этади. 2019 йилда республика ҳудудида ишлаб чиқарилган электр энергиясининг 89,6%и ИЭС томонидан ишлаб чиқарилган.

Гидроэнергетика 42 ГЭС, шу жумладан умумий куввати 1,68 ГВт (умумий ГЭС кувватининг 90,8%) бўлган 12 та катта, 0,25 ГВт (13,5%) умумий куввати 28 КГЭС ва 0,5 МВт бўлган 2 та микро ГЭСларни ўз ичига олади. Сув оқими бўйлаб куввати 532 МВт (4 та катта – 317 МВт ва 26 КГЭС – 215 МВт) бўлган 30 та гидро электр станциялари фаолият кўрсатмоқда. Сув омборларида умумий куввати 1,4 ГВт бўлган 10 та ГЭС мавжуд. Республиkaning гидро потенциалидан фойдаланиш даражаси 27%ни ташкил этади.

Шу билан бирга, электр тармоқлари обьектларининг асосий қисми 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида эксплуатация қилинмоқда. Жумладан, асосий ва тақсимловчи тармоқларнинг 66%и, подстанцияларнинг 74%и ва трансформатор пунктларининг 50%дан ортиғи 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида эксплуатация қилинмоқда. Бу эса электр энергиясини тақсимлаш ва етказиб беришда технологик йўқотиш даражасининг ошишига олиб келувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. 2012-2019-йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш йилига ўртacha 2,6%га ўсгани ҳолда электр энергиясига бўлган талаб тўлиқ қондирилмади. Жумладан, 2019 йилда электр энергияси таклифи ва унга бўлган талаб ўртасидаги тақчиллик 9,4%ни ташкил этди.

Прогноз натижалари бўйича, 2030 йилгача бўлган даврда Республикада электр энергиясига бўлган талабнинг йиллик ўсиши 6-7%га teng бўлади. 2030 йилга келиб республика истеъмоли 2018 йилга нисбатан 1,9, аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби 1,8, иқтисодий секторнинг электр энергиясига бўлган талаби 2,2 бараварга, аҳоли жон бошига электр энергияси истеъмоли эса 2,665 кВт соатгача ёки 71,4 фоизга ошиши кутилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган электр энергияси истеъмоли айrim қўшни мамлакатлар ва бошка 2018 йил якунлари бўйича Кореяда - 9711, Хитойда - 4292, Россияда - 6257, Қозоғистонда - 5133, Туркия - 2637 кВт.соат микдорида қайд этилган кўрсаткичдан анча паст.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг энергия сифимини камайтириш ва мавжуд энергия сифими доирасида атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларига салбий таъсирни камайтириш учун қуидагиларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиёт тармоқларида юқори энергия сифимига эга бўлган асбобускуналар ва жиҳозлар импортини квоталаш ҳамда юқори импорт таърифларини жорий қилиш;

- энергия сифими паст бўлган мавжуд қувватдаги асбоб-ускуналар ва жиҳозлар учун имтиёзли кредитлаш тизимини жорий қилиш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг энергияни тежаш ва энергия самарадорлиги бўйича қўникма ва малакаларини шакллантириш.

### **10.3. Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш истиқболлари**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ атроф-муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергияси қайта тикланувчи энергия манбалари сирасига киритилади<sup>304</sup>.

Ўзбекистонда тикланадиган энергия манбаларининг жуда катта захиралари мавжуд. Ушбу манбалар таркибида қуёш ва шамол энергетикаси катта истиқболга эга. Бироқ бу соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган сабаблардан бири – муқобил энергия манбаларининг об-ҳаво шароитининг ўзгаришига ва кун-тун алмашинувига боғлиқлигидир. Шамол электр генераторлари фақат шамол тезлиги 5-6 м/с дан баланд бўлганида ишлаб, Ўзбекистоннинг шамол потенциали юқори бўлган худудларида йилига ўртacha 3200-4300 соат давомида энергия беради (йилнинг давомийлиги 8760 соат). Қуёш фотоэлектр станциялари фақат кундузи, булутсиз ва кам булат бўлган ҳолатда ишлаб, Ўзбекистоннинг қуёш потенциали юқори бўлган худудларида йилига ўртacha 1500-2200 соат давомида энергия беради.

Ўзбекистоннинг тикланадиган энергия манбаларининг умумий салоҳияти 118,0 млрд. т.н.э.га, унинг техник салоҳияти эса 179,3 млн. т.н.э. тенг. Ушбу қўрсаткичнинг катта қисми қуёш энергиясига тегишли бўлиб, унинг умумий салоҳияти 51 млрд. т.н.э., техник салоҳияти 177 млн. т.н.э. га тенглашади. Қуёш энергиясининг техник салоҳияти мамлакатда истеъмол қилинаётган бирламчи энергия истеъмолидан тўрт баравар юқори. Ўзбекистондаги қулай иқлим ва географик шароит қуёш энергиясидан саноат даражасида фойдаланиш имконини бериши мумкин. Шамол энергиясининг умумий салоҳияти 2,2 млн. т.н.э. га тенг бўлиб, унинг 19%ини техник жиҳатдан ўзлаштириш имконияти мавжуд. Мамлакатимизда геотермал энергиянинг умумий салоҳияти қуёш энергиясидан юқори бўлиб 67 млрд. т.н.э. миқдорига тенг. Энергиянинг ушбу турини самарали технологияларнинг ривожланмаганлиги боис фақат 0,3 млн. т.н.э.га тенг қисминигина ўзлаштириш имконияти мавжуд (10.3.1-жадвал).

Қуёш ва шамол энергиясининг улкан салоҳиятига қарамай, мамлакатимизда саноат миқёсида қуёш ва шамол электр станциялари мавжуд эмас. Ўз навбатида, республикада энергетиканинг ушбу сегментини ривожлантиришнинг хукуқий асосларини шакллантириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида” ва “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги

<sup>304</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-539-сон Қонуни

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди, “Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электроэнергетика тизимиға улаш регламант”и тасдиқланди.

#### 10.3.1-жадвал

#### Ўзбекистонда тикланадиган энергия манбаларининг салоҳияти<sup>305</sup>

Турлари	Жами салоҳият	Техник салоҳият
Гидроэнергетика	9,2 млн. т.н.э.	2 млн. т.н.э.
Шамол энергияси	2,2 млн. т.н.э.	0,4 млн. т.н.э.
Қуёш энергияси	50 973 млн. т.н.э.	177 млн. т.н.э.
Геотермал энергия	67 000 млн. т.н.э.	0,3 млн. т.н.э.
Жами	117 984 млн. т.н.э.	179,3 млн. т.н.э.

Ўзбекистонда аксарият ривожланаётган мамлакатлар сингари “яшил энергетика” секторининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган қатор омиллар мавжуд:

**биринчидан**, анъанавий энергия ишлаб чиқаришга нисбатан тикланадиган энергия ишлаб чиқариш харажатларининг юқорилиги ва ўрнатилган ускуналар қувватининг пастлиги. Бундан ташқари Ўзбекистон анъанавий энергия ишлаб чиқариш ва аҳолига электрэнергия етказиб бериш харажатлари бўйича етакчи мавқега эга. Мисол учун 2018 йилда Ўзбекистонда 1 кВт-соат электрэнергия қиймати 2,4 центни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич Қозогистонда – 3,5, Туркманистанда – 0,7, Россияда – 4,8, Хитойда – 13, Германияда – 33,8, Буюк Британияда – 18,6, Данияда – 33,3, Бельгияда – 31,8 центга тенг бўлган.

**иккинчидан**, тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини рағбатлантиришга қаратилган молиявий (тарифлар, солиқлар) қўллаб-кувватлаш механизмининг чуқур ишлаб чиқилмаганлиги. Тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга кўмаклашувчи иқтисодий механизmlарининг ҳуқуқий-институционал асослари такомиллаштирилиши зарур.

**учинчидан**, замонавий бошқарув тизимларига асосланган илғор техника ва технологияларнинг ривожланмаганлиги. Муқобил энергия ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологияларнинг техник жиҳатдан такомиллашмаганлиги ва энергия тизимиға сарфланаётган молиявий ресурсларнинг қисқа муддатда рентабел эмаслиги “яшил энергетика” соҳасининг ривожланишида жиддий салбий тўсиқлардан ҳисобланади.

**тўртинчидан**, аксарият ривожланаётган мамлакатлар сингари аҳолининг замонавий тикланадиган энергия манбалари тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслиги.

**бешинчидан**, тикланадиган энергия соҳасида инновацион технологияларнинг жадал суръатларда ривожланиши. Жумладан, қиқса

<sup>305</sup> <https://review.uz/ru/post/vozobnovlyayemaya-energiya-dlya-ustoychivogo-razvitiya>

муддатда ярим ўтказгичли қуёш панеллари ўрнини аморф кремнийдан ясалган фотоэлектрил панеллар эгаллади. Тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш технологияларини маҳаллий даражада ишлаб чиқариш қувватларининг етарли эмаслиги уларнинг таннархи, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш харажатларининг юқорлигича қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Тармоқнинг жадал суръатларда ривожланаётганлиги эскирган технологиялардан янгиларига ўтиш заруритини келтириб чиқармоқда.

**ОЛТИНЧИДАН**, “яшил энергетика” секторининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири атом энергетикасининг ривожланиши ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатишича, муқобил манбалар ҳисобидан экологик соғ энергия ишлаб чиқариш атом электр станцияларига нисбатан 20 марта қимматга тушади. Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳон кўмир захиралари 270, нафть – 50, газ – 70 йилга етади. Атом электр станцияларида ишлатиладиган уран захиралари миқдори 5,7 млн. тоннани ташкил этади ва унинг захиралари 2500 йилга етади. Айрим мамлакатларда атом электр станцияларининг электр энергия ишлаб чиқаришдаги улуши 30%дан ошади. Жумладан, бу кўрсаткич Францияда – 75%, Словакияда – 54%, Бельгияда – 51%, Украинада – 46% ни ташкил этади<sup>306</sup>.



**10.3.1-расм. Ўзбекистонда 2030 йилга қадар муқобил энергия асосида электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини ўрнатишнинг прогноз кўрсаткичлари, МВт<sup>307</sup>**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси”га мувофиқ 2020-2030 йилларда тикланадиган энергия манбалари орқали электр энергия ишлаб чиқаришга, жумладан қуёш энергиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Ушбу лойиҳалар факат сармоядорлар – мустақил электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан амалга оширилади. Тикланадиган энергетиканинг ривожланиш


<sup>306</sup> <https://review.uz/ru/post/vozobnovlyayemaya-energiya-dlya-ustoychivogo-razvitiya>

<sup>307</sup> <http://minenergy.uz/uz/lists/view/32>

кўрсаткичларига эришиш мақсадида 2020-2030 йилларда 3 ГВт шамол ва 5 ГВт қуёш электр станцияларини қуриш кўзда тутилган (10.3.1-расм).

Шамол энергетикасида асосий эътибор ҳар бирининг қуввати 100-500 МВт бўлган йирик шамол электр станцияларини ташкил этишга қаратилади, уларнинг асосий қисми Шимоли-ғарбий минтақада (Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти) жойлаштирилади. Қуввати 100-500 МВт бўлган қуёш электр станциялари асосан марказий ва жанубий вилоятларда (Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) жойлаштириш кўзда тутилган. Бирор, республиканинг бошқа минтақаларида 50-200 МВт қувватга эга қуёш электр станциялари қурилади. Шу билан бирга, йирик қуёш фотоэлектрик станциялари (300 МВт дан ортиқ) ўзгарувчан ишлаб чиқаришни барқарорлигини ва энерготизимда истеъмолнинг тифиз соатларидаги максимал юкламани тартибга солишини таъминлаш учун саноат миқёсида энергия сақлаш тизимлари билан босқичма-босқич жиҳозланади.

Ўзбекистонда 2019 йилда 63,6 млрд. кВт-соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг 88,8%и газ ва кўмирда ишлайдиган иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. 2030 йилга қадар электр энергия ишлаб чиқаришни диверсификациялаш мақсадида муқобил манбалар ҳисобдан электр энергия ишлаб чиқариш улушкини 15,3%га, атом энергияси улушкини 14,9%га қадар ошириш, газ ва кўмир энергияси улушкини эса 58,5%га қадар қисқартириш режалаштирилган (10.3.2-расм).



**10.3.2-расм. Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш таркибининг истикболли кўрсаткичлари, жамига нисбатан фоиз хисобида<sup>308</sup>**

Республиканинг қайта тикланадиган энергетика соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида, 2020-2022 йилларда, ҳалқаро молия институтлари билан ҳамкорликда “Build-own-operate” моделидан фойдаланган ҳолда инвесторларни аниқлаш бўйича

<sup>308</sup> <http://minenergy.uz/uz/lists/view/32>

тендерлар (тендерлар ва ким ошди савдолари) ўтказилади, улар билан электр энергиясини сотиб олиш бўйича узоқ муддатли (25 йилгача) шартномалар тузилади.

Шунингдек, республиканинг олис аҳоли пунктларида, экотуризмни ривожлантириш режалаштирилаётган минтақаларда ҳамда изоляцияланган (ягона электр энергияси тизимиға уланмаган) кичик қуёш электр станцияларини яратишга ҳам эътибор қаратилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари ва саноат технопаркларнинг шахсий эҳтиёжлари учун электр энергиясини ишлаб чиқариш бўйича ўрта қувватли (1-2 МВт) қуёш электр станциялари қурилади. Истеъмолчиларнинг ўз эҳтиёжлари учун электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ортиқча электр энергиясини тизимиға етказиб бериш қобилиятининг жадал ўсишини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, республикада инвестиция салоҳияти фаоллашишини рағбатлантириш мақсадида 2021-2025 йилларда 150 мингга яқин қуёш фотоэлектр станцияларини (куввати 2-3 кВт) ва уй хўжаликларининг 2-2,5%ида сув иситгичлари (ўртacha 200 литр) ўрнатиши кўзда тутувчи мақсадли дастур тасдиқланди. 2026 йилга келиб, аҳоли томонидан тикланадиган энергия объектлари ўрнатилишини ҳисобга олган ҳолда, республикадаги уй хўжаликларининг 4,3%ини йилига қарийб 800 млн. кВт.с. ҳажмида электр энергияси билан таъминлаш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда тикланадиган энергия манбаларидан яна бири водород энергетикасини ривожлантириш истиқболлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4779 – сонли «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан “Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича “Йўл харитаси» тасдиқланди. Мазкур Йўл харитасининг 15-бандида “Водород энергетикасини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли миллий стратегияни ишлаб чиқиши” вазифаси белгиланган.

Ўзгарувчан муқобил энергия манбаларидан олинадиган энергия миқдори кўп бўлганда, унинг бир қисми ҳисобига сувни парчалаб водород гази олиш, маълум вақт сақлаш ва бу газни энергия танқис бўлганда ишлатиб компенсациялаш манбаи сифатида фойдаланиш мумкин.

Водороднинг асосий истеъмолчиси кимё саноати (водород асосан аммиак ва метанол олишда ишлатилади), шунингдек нефть-кимё саноати саналади. Нефтни қайта ишлашда унинг ёрдамида турли нефть маҳсулотлари олtingугурт бирикмаларидан тозаланади. Энергетикада водород юқори қувватга эга турбогенераторларни совитиш учун қўлланилади. Қора ва рангли металлургияда оксидлардан тикланувчи тоза металлар олишда водороддан фойдаланадилар. Жумладан, юқори тозалиқдаги водород кимёвий тоза мис,

вольфрам ва молибден ишлаб чиқариш учун зарур. Радиотехника саноатида водород яримүтказгичли ускуналар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Водороднинг кислородда ёниш ҳарорати – тахминан 3000 даража, махсус ёндиригичларда 4000 даражагача чиқариш мумкин. Шу сабабли водороддан оловга чидамли металларни кавшарлаш учун фойдаланилади. Шунингдек, суюқ водород – ракета ёқилғиси сифатида ишлатилади.

Кейинги йилларда водород ёқилғисидан, айнан энергия аккумулятори сифатида ишлатилиши мумкин бўлган “яшил водород”дан фойдаланиш йўналиши ривожлана бошлади. Бу “яшил водород” КТЕМ станцияларида ишлаб чиқариладиган энергиянинг ортиқча қисмидан фойдаланган ҳолда, сув  $H_2O$  молекулаларини электролиз ёки пиролиз технологиялари ёрдамида 2 водород атоми  $2H$  ва кислород атоми  $O$  га парчалаш йўли билан ишлаб чиқарилади. Бу жараён экологик тоза бўлиб, атмосферага фақат тоза кислород ташланиши билан кечади. Ажратиб олинган водород, ишлатилгунинг қадар, махсус сифимларда сақланади. Шунингдек, водород истеъмол манзилига кувурлар орқали, транспорт воситаларига ўрнатилган цистерналарда етказилиши мумкин.

Водород қўйидаги ўринларда ишлатилиши мумкин:

а) ёқилғи сифатида – водород ёниши жараёнида фақат сув буғлари ажралиб чиқади. Ёниш жараёнида олинган иссиқлик энергияси бевосита иссиқлик энергияси сифатида ишлатилиши иссиқлик электр станцияларида электр энергияга айлантирилиши ҳам мумкин.

б) ёқилғи элементлари сифатида – бу элементда водород ёкиш жараёнистиз тўғридан-тўғри электр энергияси олинади. Жараён натижасида фақат тоза сув ҳосил бўлади. Бу элементлардан водород автомобилларда ҳам фойдаланилади.

“Яшил энергетика” нуқтаи назаридан водородли ёқилғи элементларида фойдали иш коэффициенти ўта юқори – 70-90%. Қиёслаш учун: энг яхши ички ёнув двигателлари фойдали иш коэффициенти 35-40%ни ташкил қиласди. Қуёш электр станциялари учун фойдали иш коэффициенти атиги 15-20%ни ташкил қиласди ва об-ҳаво шароитига бевосита боғлиқ. Энг яхши шамол электр станцияларининг фойдали иш коэффициенти 40%гача чиқади, бу буғли генераторларнига тенг, лекин шамол станциялари ҳам қулай об-ҳаво шароитини ва қимматбаҳо хизмат кўрсатишни талаб қиласди. Амалда исталган кувватдаги хавфсиз водород батареяларини тайёрлаш имконияти уларни ҳам уй хўжаликларида, транспорт, фазо кемаларида, йирик саноат объектларида электр энергияси манбай сифатида ишлатиш имконини беради.

“Яшил энергетика”ни ривожлантириш доирасида республиканинг энергия танқис бўлган худудларини арzon электр энергияси билан таъминлаш, атроф-муҳитни яхшилаш ва энергия самарадорлигини ошириш, маҳаллий

саноат ва инфратузилмани ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш каби масалалар ҳал қилинади.

#### **10.4. Иқлим ўзгаришлари оқибатларига мослашиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўллари**

Глобал иқлим ўзгариши натижасида Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йил давомида музликлар майдони тахминан 30%га қисқарган. Тахминларга кўра, ҳарорат  $2^{\circ}\text{C}$ га ортганда музликлар ҳажми 50%га,  $4^{\circ}\text{C}$  га исигандага эса 78%га камаяди. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5%га, Амударё ҳавзасида 15%гача камайиши кутилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 млрд.  $\text{m}^3$  дан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд.  $\text{m}^3$ , 2050 йилга бориб эса 15 млрд.  $\text{m}^3$  ни ташкил қилиши мумкин.

Республика ҳудуди ўзига хос тупроқ ва иқлим шароитига эга бўлиб, табиий дренажнинг етишмаслиги, ер ости сувлари минераллашуви даражасининг юқорилиги натижасида бир қатор ҳудудлар “бирламчи шўрланган”. Шу билан бирга, сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ва бошқа антропоген омилларнинг салбий таъсири натижасида айrim ҳудудларда ерларнинг “иккиламчи шўрланиши” кузатилиб, 45,7 фоиз суфориладиган ер майдони турли даражада шўрланган<sup>309</sup>.

Мамлакатимизда иқлим ўзгаришларига мослашиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари ҳукумат томонидан тармоқлар ва соҳалар даражасида ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилаётган мақсадли давлат дастурларида ўз ифодасини топмоқда.

**Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш.** Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг қўйидаги мақсадли кўрсаткичлари қабул қилинди:

- замонавий сув тежовчи суфориш технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш йўналишида қишлоқ хўжалик экинларини суфориша сувни тежайдиган суфориш технологияларини жорий қилиш 175 минг гектардан 2025 йилгача 1 миллион гектарга, 2030 йилга келиб 2 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилатиб суфориш технологияси 77,4 мингдан 2025 йилгача 300 минг гектаргача ва 2030 йилга келиб 600 минг гектаргача етказилиши;

- шўрланган майдонлар 1 948 минг гектардан 1 722 минг гектарга, ўрта ва юқори шўрланган ерларни 607 минг гектардан 430 минг гектаргача қисқартирилиши;

<sup>309</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш түғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармони

- сизот сувлар сатҳи муаммоли даражада (0 — 2 метр) бўлган суғориладиган ер майдонлари 1 051 минг гектардан 773 минг гектаргача камайтирилиши;

- фойдаланишдан чиқсан 298,5 минг гектар суғориладиган ерлар 2025 йилга келиб қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилиши;

**Чиқиндиларни бошқариш.** Ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистонда қаттиқ майший чиқиндилар (ҚМЧ) ҳосил бўлишининг йиллик ҳажми прогнози 14-14,5 млн тонна атрофида баҳоланади. Аҳолининг ўртacha 1,5%га кўпайиш суръатини ҳисобга олганда эса, ушбу кўрсаткич 2028 йилга келиб 16-16,7 млн тоннага этиши мумкин<sup>310</sup>.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, Республика ҳудудларида ҳар йили, 100 млн. тонна саноат ва 30 млн. м<sup>3</sup> майший чиқиндилар ишлаб чиқарилади. Унинг морфологик таркиби ўрганилганда, чиқиндилар таркибида 5-10% қоғоз, ёғоч чиқиндилари; 20-45% - озиқ-овқат; 3% -металл; 5-10% тўқимачилик чиқиндилари, тери, резина; 2% - шиша, шунингдек, пластмасса маҳсулотлари чиқиндилари ташлаб, кўмиб юборилади.

2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда республика шаҳарларининг кўп квартирали тураг жой секторида қуидагилар учун беш турдаги алоҳида белгили контейнерлар ўрнатиш асосида ҚМЧни саралаб йиғишни жорий этиш кўзда тутилмоқда:

- қайта ишланадиган ҚМЧ (полимерлар, қоғоз ва металл);

- органик ҚМЧ (озиқ-овқат ва бошқа биологик чирийдиган материаллар);

- қайта ишланмайдиган ҚМЧ (композитли материаллар, тозаланмаган материаллар ва бошқа аралаш ҚМЧ);

- хавфли майший чиқиндилар (аккумуляторлар, батарейкалар, тиббиёт чиқиндилари ва бошқалар);

- шиша идиш буюмлари.

- мақсадли кўрсаткичларга эришиш:

- аҳолини қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш кўламини 100 фоизга етказиш;

ҳосил бўладиган қаттиқ майший чиқиндиларнинг камида 60 фоизини қайта ишлашни таъминлаш;

- ўзига хос қаттиқ майший чиқиндиларни (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, қадоқлаш чиқиндилари ва х.к.) қайта ишлаш ҳажмини 25 фоизгача ошириш;

- полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ майший чиқиндилар ҳажмини 60 фоизгача камайтириш;

- барча полигонлар ҳолатини ўрнатилган талабларга мувофиқлаштириш, ёпилган полигон ерларини тўлиқ рекультивация қилиш;

<sup>310</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “2019 — 2028 йиллар даврида ўзбекистон республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4291-сон Қарори

- қаттиқ майшій чиқіндилар билан боғлиқ ишларни амалға ошириш объектларда муқобил энергия манбаларидан 35% гача фойдаланиш;
- полигонлар ҳолати мониторингини (ер ости (сизот) сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат) 100% гача таъминлаш.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш ва тузилмавий қайта қуриш бўйича вазифаларни амалға ошириш, атроф-муҳит ҳолатини янада яхшилаш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалға ошириш катта аҳамият касб этади:

- аҳоли ва иқтисодиёт учун кафолатланган экологик ҳавфсизлик тизимини яратиш;
- экология соҳасида инновацияларни ишлаб чиқиши, жорий этиш асосида технологик жараёнлар ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш;
- атроф-муҳитнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти натижасида чиқіндилар билан ифлосланиши олдини олиш;
- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида қонунчилик, норматив-услубий базани барқарор ривожлантириш мақсадида экологик таълимни ривожлантириш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “яшил” инвестицияларни жалб қилиш ва экологик ўзгаришларга мослашиш учун тегишли иқтисодий механизmlар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш;
- ривожланиш соҳасида режалаштирилаётган тижорат ва бошқа турдаги лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (экологик экспертиза) тизимини такомиллаштириш;
- табиий бойликлардан фойдаланишни рационаллаштириш билан бирга экологик назорат ва мониторингнинг турғун тизимини яратиш;
- экологик солиқларни такомиллаштириш ва экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан харид қилиш ва “яшил инвестициялар”ни жалб этиш асосида “яшил технологиялар”ни ривожлантириш учун янги молиявий воситаларни жорий этиш;
- атроф-муҳит сифатини яхшилаш ва янги “яшил иш ўринлари”ни яратишга қаратилган соҳа ва тармоқларни қўллаб-куvvatлаш;
- иқлим ўзгаришлари ва табиий муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиши олдини олиш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

## **10.5. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиши**

Дунё амалиёти кўрсатишича “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг молиявий ва номолиявий механизmlари турли маъмурий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ташвиқот дастакларидан иборат. Жумладан “яшил энергетика”ни молиялаштириш жараёни XX асрнинг 70-80-йилларида ёқ бошланган. Аммо

молиявий ёрдам турли шакллар ва усулларда тақдим этилгани боис уларнинг самарадорлигини аниқлаш тизимларини яратиш зарурияти пайдо бўлди. Самарадорликка оид талаблардан бири тикланадиган энергия ишлаб чиқиш ва истеъмол қилишда ЕИ мамлакатларида белгиланган стандартлар даражасига эришиш ҳисобланади. ЕИ мамлакатлари ўз кўрсаткичларини ўрнатишлари мумкин, аммо ушбу кўрсаткичларга эришишда ЕИда қабул қилинган умумий қоидаларга амал қилиш зарур бўлади.

Мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши лозим.

**Биринчидан**, “яшил технологиялар”ни жорий этишнинг институционал асосларини ривожлантириш. Жумладан, технологик эҳтиёжларни баҳолаш, устувор вазифаларни белгилаш ва энг муҳим технологияларни танлаш, уларни ишлаб чиқиш/трансферга кўмак бериш зарур. “Яшил технологиялар”ни тижоратлаштириш механизмларини ривожлантириш, инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлаш учун ташкилий тузилмалар — технологияларни етказиб бериш агентликлари, технологик бизнес-инкубаторлар, технопарклар, кластерлар яратиш лозим.

**Иккинчидан**, “яшил иқтисодиёт” соҳасидаги норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш. Стратегиянинг устувор йўналишларини қамраб олувчи норматив-хуқуқий базани инвентаризация қилиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур. “Яшил иқтисодиёт”ни баҳолашнинг миллий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим. Иқтисодий чоралар ва воситалар ишлаб чиқиш, Жумладан, иссиқхона газларининг ажратмаларини қисқартирганлик учун ҳақ тўлаш, энергия самарадорлигига қўйиладиган мажбурий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш керак.

**Учинчидан**, энергия самарадорлигини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини ривожлантириш. Бу борада мамлакатимизда амалий ишлар бошланди. Жумладан, 2020 йил 1 августдан электр энергиясини янги ишга тушириладиган қуёш, шамол, биогаз электр станциялари, микро ва кичик гидроэлектрстанциялардан, шу жумладан, ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясини кафолатланган тарзда сотиб олиш бўйича тариф белгиланади. Саноат кўламидаги (1 МВт ёки ундан ортиқ) тикланадиган энергия манбалари (гидроэлектрстанциялардан ташқари) соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун потенциал инвесторларни аниқлаш шаффоф аукцион (танлов) савдолари орқали амалга оширилади<sup>311</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг тузилмасига кирадиган, аввал ташкил этилган бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармасининг таркиби тасдиқланди ва молиялаш манбалари белгиланди. Жамғарма маблағлари қўйидагиларга йўналтирилади:

<sup>311</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4779-сон Қарори

бинолар ва кўп квартирали уйларда энергия самарадор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самарадорлигини ошириш; ушбу йўналишдаги ўкув марказлари ташкил этиш; тегишли стартап-лойиҳаларни молиялаштириш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, иссиқлик насослари, конденсаторли батариялар ҳамда энергия самарадорлигини оширишга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналарининг устав жамғармаларида иштирок этиш.

**Тўртинчидан**, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини таълим ва фанга интеграция қилиш.

**Бешинчидан**, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш учун салоҳиятни ошириш ва қулай муҳит яратиш. Париж битими бўйича миқдорий мажбуриятлари бажарилишини узлуксиз кузатиш учун иссиқхона газлари ажратмаларини миллий шароитларни эътиборга олган ҳолда мониторинг қилиш, ҳисобини юритиш ва верификациялаш тизимини (MRV) яратиш ҳамда иссиқхона газлари ажратмалари бўйича ҳисббот беришни таъминлаш; “яшил технологиялар”ни илгари суриш учун давлат-хусусий шериклик салоҳиятини ривожлантириш; “яшил инновациялар”ни жорий этишда хусусий инвесторларга, жумладан кичик бизнесга кўмак кўрсатиш; товарлар энергия-ресурс самарадорлигини сертификатлаштириш тизимини жорий этиш орқали давлат “яшил харидлар”ини рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқиш; кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат таълим дастурларини ишлаб чиқишида “яшил иқтисодиёт” асосларини ҳисобга олиш; иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари билан боғлиқ соҳаларда тадқиқотларни ривожлантириш; миллий ва хорижий илмий ташкилотларнинг “яшил технологиялар”ни илгари суриш соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш шулар жумласидандир.

**Олтинчидан**, “яшил инвестициялар”ни қўллаб-қувватлаш: “яшил кредитлаш”, венчур молиялаштириш тизимини жорий этиш; “яшил фондлар”, энергия тежамкорлиги маҳсус фондлари ва бошқа худди шундай механизmlар яратиш; “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий секторни фаоллаштириш, “яшил инвестициялар”га нисбатан банк тизимини рағбатлантириш; фискал сиёsat орқали давлат томонидан “яшил иқтисодиёт”нинг барқарор ўсишини қўллаб-куватлаш.

Таклиф этилаётган тадбирлар миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш билан бир вақтда “яшил” иқтисодиёт асосида барқарор ривожланиш йўлига ўтиш имконини яратади. Миллий иқтисодиётни “яшиллаштириш” табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспорти миқдорини ошириш, таркибини диверсификациялаш ва миллий компанияларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиласади.

## **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш заруриятини асосланг.
2. Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг мақсади, тамойиллари ва вазифаларини шарҳланг.
3. Мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси қандай тамойилларга асосланади?
4. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг амалга ошириш босқичлари ва устувор йўналишларини шарҳланг.
5. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари нималардан иборат?
6. Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида энергия самарадорлигини ошириш учун қандай чора-тадбирлар қўлланилмоқда?
7. Мамлакатимизда энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
8. Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг мақсадли кўрсаткичларини тавсифлаб беринг.
9. “Яшил иқтисодиёт”ни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизми ва амалга ошириш дастакларига нималар киради?

## **Асосий тушунчалар**

**Қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш қурилмаси** – қайта тикланадиган манбалардан электр, иссиқлик энергияси ёки биогаз ишлаб чиқариш учун мўлжалланган технологик ускуналар тўплами.

**Қайта тикланадиган энергия манбалари** – ўз-ўзидан содир бўладиган табиий жараёнлар ҳисобидан узлуксиз қайта тикланадиган ва қуидагиларни ўз ичига оладиган энергия манбалари: қуёш нури энергияси, шамол энергияси, сувнинг гидродинамик энергияси, геотермал энергия - тупрок, еости сувлари, дарёлар, сув ҳавзалари иссиқлиги, шунингдек, бирламчи энергия ресурсларининг антропоген манбалари - биомасса, биогаз ҳамда электр ва (ёки) иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланилайдиган органик чиқиндилардан бошқа ёқилғи.

**Қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш қурилмалари тайёрлашга ихтисослашган ташкилот** – қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш қурилмалари тайёрлайдиган ва бундай қурилмаларни сотишдан оладиган соф даромади улуши сотишдан тушадиган соф даромаднинг умумий ҳажмида ҳисбот солик даври якунлари бўйича камида 50 фоизни ташкил қиласидиган юридик шахс.

**Ташкилотни қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш қурилмалари тайёрлашга ихтисослашган ташкилот сифатида идентификациялаш** – ташкилотлар учун қонунчиликка мувофиқ назарда тутилган солик имтиёзларини қўллаш мақсадида давлат солик хизмати органи

томонидан ташкилотни унинг йил якунлари бўйича солиқ ҳисоботи билан бирга тақдим этадиган маълумотнома-ҳисоб-китоб асосида аниқлаш.

**Чиқиндилар** – ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар).

**Чиқиндиларни утилизация қилиш** – чиқиндилар таркибидан қимматли моддаларни ажратиб олиш ёки чиқиндиларни иккиламчи хом ашё, ёқилғи, ўғит сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатиш.

**Чиқиндиларни қайта ишлаш** – чиқиндиларни экологик жиҳатдан бехатар сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш мақсадида уларнинг физик, кимёвий ёки биологик хусусиятларини ўзгартириш билан боғлиқ технологик операцияларни амалга ошириш.

**Давлат-хусусий шериклик** – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

**Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси** – иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва илфор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

**Давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси бўлиб, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа органлар (ташкилотлар) ёки уларнинг бирлашмалари унинг номидан иш юритади;

**Хусусий шерик** – Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган тадбиркорлик фаолияти субъекти ва шундай субъектларнинг бирлашмаси.

## Тестлар

**1. 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясида неча устувор йўналишлар белгиланган?**

- учта
- тўртта
- бешта
- олтита

**2. Ўзбекистонда 2030 йилга қадар иссиқхона газларининг ЯИМга нисбатан солиштирма ажратмаларини неча фоизга қисқартириш режалаштирилган?**

2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш

2010 йилдаги даражадан 12 фоизга қисқартириш

2010 йилдаги даражадан 15 фоизга қисқартириш

2010 йилдаги даражадан 8 фоизга қисқартириш

**3. “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясида тикланадиган энергия манбаларини янада ривожлантириш бўйича қандай мақсадли қўрсаткич белгиланган?**

тикланадиган энергия улушкини умумий электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 10 фоизидан ошириш

тикланадиган энергия улушкини умумий электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 15 фоизидан ошириш

тикланадиган энергия улушкини умумий электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 20 фоизидан ошириш

тикланадиган энергия улушкини умумий электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 фоизидан ошириш

**4. Мамлакат иқтисодиётининг базавий тармоқларида энергия самарадорлигини 2030 йилга қадар неча фоизга ошириш кўзда тутилган?**

икки баравар

уч баравар

тўрт баравар

беш баравар

**5. Ерларнинг таназзулга учрашиш даражасини пасайтиришда қандай балансга эришиш вазифаси белгиланган?**

ноль балансга эришиш

нейтрал балансга эришиш

салбий балансга эришиш

ижобий балансга эришиш

**6. Стратегияда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарининг ўртacha ҳосилдорлигини қанчага ошириш мўлжалланган?**

15-20 фоизгача

10-15 фоизгача

20-25 фоизгача

15-25 фоизгача

**7. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арzon ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш даражасини неча фоизга етказиш мақсад қилиб қўйилган?**

100 фоизгача

70 фоизгача

80 фоизгача

90 фоизгача

**8. Тупроқнинг табиий жараёнлар натижасида шўрланиши – бу:**

деградациялашиш

бирламчи шўрланиш

иккиламчи шўрланиш  
учламчи шўрланиш

**9. Тупроқнинг сунъий жараёнлар натижасида шўрланиши – бу:**

иккиламчи шўрланиш

бирламчи шўрланиш

учламчи шўрланиш

деградациялашиш

**10. Қайси жавобда Ўзбекистонда 2030 йилга қадар муқобил энергия асосида электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини ўрнатишнинг прогноз кўрсаткичи тўғри кўрсатилган?**

11 МВт

15 МВт

18 МВт

20 МВт

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Расмий хужжатлар**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари**

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

1.2. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 754-ХII-сон Қонуни

1.3 Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 353-I-сон Қонуни

1.4 Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги “Экологик назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-363-сон Қонуни

1.5 Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Париж битимиши (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-491-сон Қонуни

1.6. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига кўшилиши тўғрисида (Монреаль, 2000 йил 29 январь)”ги ЎРҚ-569-сон Қонуни

1.7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонуни

1.8 Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-539-сон Қонуни

1.9. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 июлдаги “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-628-сон Қонуни

#### **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва фармонлари**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 6 декабрдаги ПҚ-525-сон қарори

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги ПҚ-2343-сон қарори

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия

самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-3012-сонли Қарори

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3379-сон Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4291-сон Қарори

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон Қарори

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон Қарори

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 майдаги “Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни куриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4712-сон Қарори

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4779-сон Қарори

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Кишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармони

2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони

2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли Фармони

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030

йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармони

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 январдаги “Киото протоколининг мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 9-сон Қарори

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 ноябрдаги “Ташкилотни қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш қурилмалари тайёрлашга ихтисослашаётган ташкилот сифатида идентификациялаш механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 908-сон Қарори

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори

3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги “2015-2030 йилларда оғатлар хавфини камайтириш бўйича Сендей ҳадли дастури»ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сон Қарори

3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Орол денгизи тубидаги суви қуриган худудларда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 132-сон Қарори

3.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 февралдаги “Орол денгизи тубидаги суви қуриган худудларда “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1331-сон Қарори

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маъruzalari**

4.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. –Тошкент, 2016. - 56 б.

4.2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг

кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. - 104 б.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2019. – 64 б.

## **Махсус адабиётлар**

### **V. Китоблар ва монографиялар**

5.1. Adrian C. Newton. An Introduction to the Green Economy: 1st Edition. Routledge, 2014. - 382 p.

5.2. Green economics: An introduction to theory, policy and practice / Molly Scott Cato. London • Sterling, VA. 2009. - 670 p.

5.3. Greening the Global Economy (Boston Review Originals) Hardcover – November 13, 2015. - 176 p.

5.4. Miriam Kenne, Michelle Gale De Oliveira. Greening the Global Economy: Reform and Transformation. The Green Economics Institute, 2013. - 350 p.

5.5. Sevil Acar, Erinc Yeldan. Handbook of Green Economics: 1st Edition 2019. - 250 p.

5.6. Аткинсон, А. Как устойчивое развитие может изменить мир / А. Аткинсон; пер. с англ. В. Н. Егорова ; под ред. Н. П. Тарасовой. -М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2015. - 455 с.

5.7. Барқарор тараққиёт ва табиатшунослик асослари. Дарслик. А.Э.Эргашев ва б. -Т.: Baktria press, 2016. - 296 б.

5.8. Бобылев, С. Н. Устойчивое развитие: методология и методики измерения : учеб. пособие / С. Н. Бобылев, Н. В. Зубаревич, С. В. Соловьева, Ю. С. Власов. - М. : Экономика, 2011. - 358 с.

5.9. Вайцзеккер, Э. Фактор пять, Формула устойчивого роста: Доклад Римскому клубу / Э. Вайцзеккер [и др.]. – М., 2013.

5.10. Ващалова Т.В. Экологические основы природопользования. Устойчивое развитие: учебное пособие. –М.: Юрайт, 2020. – 186 с.

5.11. Захаров В.М. Приоритеты национальной экологической политики России. – М.: ООО «Типография ЛЕВКО», 2009. -152с.

5.12. Иминов Т.К., Вахабов А.В., Тешабоев Т.З., Бутабоев М.Т. “Зелёная экономика” как основа устойчивого развития. Монография. - Т.: “Aloqachi”, 2019. - 480 с.

5.13. Кальнер, В. Д. «Зеленая» экономика и безальтернативные ресурсы природы / В. Д. Кальнер, В. А. Полозов. - М.: Калвис, 2016. - 576 с.

5.14. Липина С.А., Агапова Е.В., Липина А.В. Развитие зеленой экономики России: возможности и перспективы.-М.: ЛЕНАНД, 2018. - 328 с.

5.15. Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бэсса С. и др.: ЮНЕП/Грид Арендаль, 2011. - 739 с.

5.16. Сидорович, В. Мировая энергетическая революция: Как возобновляемые источники энергии изменят наш мир / В. Сидорович. - М. : Альпина Паблишер, 2015. - 208 с.

5.17. Фюкс Р. Зеленая революция: Экономический рост без ущерба для экологии / Ральф Фюкс ; Пер. с нем. — М.: Альпина нон-фикшн, 2016. - 330 с.

## **VI. Илмий мақолалар ва түпламлар**

6.1. Beder, S. 2011, 'Environmental economics and ecological economics: the contribution of interdisciplinary to understanding, influence and effectiveness', Environmental Conservation, vol. 38, no. 2, pp. 140-150.

6.2. Blueprint for a Green Economy: David Pearce, Anil Markandya and Edward B. Barbier. Earthscan, London, Great Britain, 1989. 192 pp.

6.3. Burkart, K. How do you define the 'green' economy?  
<http://www.mnn.com/green-tech/research-innovations/blogs/how-do-you-define-the-green-economy>

6.4. Christoph Burger, Jens Weinmann. The Decentralized Energy Revolution. Business Strategies for a New Paradigm. 2013.

6.5. Deng Zh., Duan M., Li D., Pang T. Effectiveness of pilot carbon emissions trading systems in China // Climate Policy, 2018, Vol. 18, Iss.8, pp. 992-1011

6.6. George, Justine. Growth and Development. Inclusive Growth: What went wrong with Development?, MPRA 33182, 2011.

6.7. Gretchen Daily , Katherine Ellison The New Economy of Nature: The Quest to Make Conservation Profitable. Island Press, 2002

6.8. Jaehong Whang, Woohyun Hwang, Yeuntae Yoo and Gilsoo Jang. Introduction of Smart Grid Station Configuration and Application in Guri Branch Office of KEPCO. <https://www.mdpi.com/journal/sustainability>

6.9. Jin Noh Hee, Financial Strategy to Accelerate Innovation for Green Growth (2010).

6.10. Jonathan M. Harris. Sustainability and Sustainable Development. International Society for Ecological Economics.

6.11. Richard L. Sandor. "Good Derivatives: A Story of Financial and Environmental Innovation." John Wiley & Sons. February 2012

6.12. SPASH 2011. Social Ecological Economics: Understanding the Past to See the Future. The American Journal of Economics and Sociology. Volume70, Issue2 April 2011.

6.13. Steffen J., Chan G., Frankenberger R., Gabel M. What Drives States to Support Renewable Energy? // The Energy Journal. 2012. Vol. 33. No. 2.

6.14. Zadek and Flynn (2013): South-Originating Green Finance: Exploring the Potential, The Geneva International Finance Dialogues, UNEP FI, SDC, and iisd.

6.15. Актуальный опыт зарубежных стран по развитию государственных систем стратегического планирования (Часть 1) – М. : Изд. дом Высшей школы экономики, 2016. – 68 с.

6.16. Бекурова С.Р. Возобновляемые источники энергии в условиях новой промышленной революции: мировой и отечественный опыт. //Мир новой экономики, №4, 2019.

6.17. Богачева О. В., Смородинов О. В. Проблемы “зеленого” финансирования в странах G20 // Мировая экономика и международные отношения, 2017, т. 61, № 10, сс. 16-24.

6.18. Вахабов А.В. “Яшил иқтисодиёт” концепциясини амалга оширишнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари. / “Яшил иқтисодиёт” ривожланишининг жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент.: “Universitet” 2019. – 142 бет. 4-13 бетлар.

6.19. Вахабов А.В. Миллий иқтисодиётда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш муаммолари. /“Экономика и туризм: международная и национальная практика”. Республиканская научно-практической конференция. Технический институт Ёджу в городе Ташкент. 22 февраля 2020 года. 2-11 бетлар.

6.20. Вахабов А.В., Файзуллаев Ж.Н. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича халқаро ва миллий дастурлар. // “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар” илмий-методологик ва илмий-услубий журнал, 2019 № 3 (июль-сентябрь) 39-50 бетлар.

6.21. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. “Яшил иқтисодиёт” асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари. // Илмий электрон журнали. XXI аср: фан ва таълим масалалари”, №2, 2017.

6.22. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. “Яшил иқтисодиёт”нинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги мавқеининг ортиб бориши: назарий ва амалий жиҳатлари /“Реал секторда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда инновацион технологиялар”: Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва маъruzалар тўплами.-Т.: ТДИУ, 2017. 30-38 б.

6.23. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Барқарор иқтисодий ривожланиши таъминлашда “яшил иқтисодиёт”нинг ўрни /“Жаҳонда барқарор иқтисодий ривожланиш концепцияларини амалга ошириш механизми ва дастаклари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -.: Тошкент. “Universitet”. 2018. 4-15 б.

6.24. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳонда “яшил иқтисодиёт” асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тажрибаси ва муаммолари /“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақавий агросаноат мажмуналарини ривожлантириш йўллари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -Т.: “Университет”. 2017. 3-10 б.

6.25. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Қишлоқ хўжалигини “яшил иқтисодиёт” асосида ривожлантириш муаммолари // Электрон илмий журнал. Agroiqtisodiyot, №1, 2017.

6.26. “Жаҳонда барқарор иқтисодий ривожланиш концепцияларини амалга ошириш механизми ва дастаклари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -.: Тошкент. “Universitet”. 2018.

6.27. Зелёная экономика" — новый вектор глобального развития: возможности и вызовы для России. //Проблемы национальной стратегии № 4 (37) 2016.

6.27. Зеленые сертификаты: мировой опыт и планы в России //Энергетический бюллетень, №80, 2020.

6.28. Иванова Н.И., Левченко Л.В. «Зеленая» экономика: сущность, принципы и перспективы. //Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2017. № 2 (58)

6.29. Кушнаренко А. Дефицит пресной воды: проблемы и способы решения // The WALL magazine. – URL : <http://thewallmagazine.ru/lack-of-fresh-water/>.

6.30. Порфириев Б. «Зеленая» экономика: реалии, перспективы и пределы роста // Фонд Карнеги за международный мир. – URL : [http://carnegieendowment.org/files/WP\\_Porfiriev\\_web.pdf](http://carnegieendowment.org/files/WP_Porfiriev_web.pdf)

6.31. Постановление правительство Российской Федерации «О принятии Париjsкого соглашения» от 21 сентября 2019 г. № 1228.

6.32. Распоряжение Правительство Российской Федерации от 8 января 2009 года N 1-р “Об утверждении Основных направлений государственной политики в сфере повышения энергетической эффективности электроэнергетики на основе использования возобновляемых источников энергии на период до 2024 года” (с изменениями на 18 апреля 2020 года).

6.33. Рахимов З.Ю. Устойчивые облигации как инструмент финансирования экологических и социальных проектов

6.34. Седаш Т.Н., Тютюкина Е.Б., Лобанов И.Н. Направления и инструменты финансирования «зеленых» проектов в концепции устойчивого развития экономики. //Экономика. Налоги. Право, №5, 2019. С. 52-60.

6.35. Селивёрстова М.А. Развитие инструментов «зеленого» финансирования в условиях формирования устойчивой энергетической системы. //Вестник ВГУ, №4, 2018. С.240-250.

6.36. Состояние органического земледелия в странах ЕС // Международное объединение поставщиков натуральной экопродукции Экокластер: <http://www.ecocluster.ru/monitoring/?ID=1830>.

6.37. Стратегия низкоуглеродного развития Республики Казахстан: цели и пути трансформации. Отчет о целях и путях трансформации. 24 февраля 2020 года. Нур-Султан, 2020.

6.38. Хмыз О.В. Международный опыт выпуска «зеленых» облигаций //Экономика. Налоги. Право, №5, 2019. С. 132-1419.

6.39. Чебанов С. “Зеленая” экономика: роль суверенных фондов. // Мировая экономика и международные отношения, № 3, 2019. с. 5-12.

## **VII. Халқаро молия институтларининг ҳисоботлари, статистик тўпламлар**

- 7.1. 1 #SMARTer2030 – ICT Solutions for 21st Century Challenges Renewables 2019. Global Status Report
- 7.2. 2018 World Green Economy Report Inspiring innovations in business, finance and policy. <http://worldgreenconomy.org/wp-content/uploads/2018/10/report.pdf>
- 7.3. Acosta, L. A., Maharjan, P., Peyriere, H., Galotto, L., Mamiit, R. J., Ho, C., Anastasia., O. (2019). Green Growth Index: Concept, Methods and Applications. GGGI Technical Report No. 5, Green Growth Performance Measurement (GGPM) Program, Global Green Growth Institute, Seoul.
- 7.4. Advancing Green Human Capital: A framework for policy analysis and guidance. PAGHC. <http://www.unevoc.unesco.org/go.php?q=e-Forum%20-%20Message%20Board>
- 7.5. BP Statistical Review of World Energy 2020.
- 7.6. BP Statistical Review of World Energy June 2017.
- 7.7. BP Statistical Review of World Energy June 2017.
- 7.8. China Renewable Energy Outlook 2019 (CREO 2019), China National Renewable Energy Centre, October 2019
- 7.9. Energy roadmap 2050 // European Commission. 2012. December.
- 7.10. Establishing China's Green Financial System: Report of The Green Finance Task Force. People's Bank of China (PBC). United Nations Environment Programme (UNEP). 2015.
- 7.11. Europe 2020. A European strategy for smart, sustainable and inclusive growth // European Commission. 2010. 3 March.
- 7.12. Finance & Development, december 2019, Vol. 56, No. 4. <https://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2019/12/climate-change-and-the-age-of-adaptation-georgieva.htm>
- 7.13. Financing Sustainable Development: The Role of Sovereign Wealth Funds for Green Investment. Geneva, UNEP, 2017. 81 p.
- 7.14. Global Trends in Renewable Energy Investment 2020, Frankfurt School-UNEP Centre/BNEF. 2020
- 7.15. Green Economy: Realities & Prospects in Kazakhstan. World Bank, 2018.
- 7.16. Historical and Statistic World Economy. Maddison Project. (2015). [http://www.ggdc.net/maddison/Historical\\_Statistics/horizontal-file\\_03-2007.xls](http://www.ggdc.net/maddison/Historical_Statistics/horizontal-file_03-2007.xls).
- 7.17. IFC (2013): Mobilizing Public and Private Funds for Inclusive Green Growth Investment in Developing Countries - An Expanded Stocktaking Report Prepared for the G20 Development Working Group, IFC Climate Business Department; and Spratt and Griffith-Jones (2013): Mobilising Investment for Inclusive Green Growth in Low-Income Countries, GIZ.
- 7.18. International Energy Outlook 2016. With Projections to 2040. U.S. Energy Information Administration Office of Energy Analysis U.S. Department of

Energy Washington, DC 20585. May 2016

7.19. IRENA (2017), Renewable capacity statistics 2017, International Renewable Energy Agency, [www.irena.org/Publications](http://www.irena.org/Publications)

7.20. IRENA (2017), Renewable capacity statistics 2017, International Renewable Energy Agency (IRENA), [www.irena.org/Publications](http://www.irena.org/Publications)

7.21. IRENA (2020), Global Renewables Outlook: Energy transformation 2050 (Edition: 2020), International Renewable Energy Agency, Abu Dhabi.

7.22. Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future. Washington, DC: World Bank.

7.23. Low Carbon Green Growth Roadmap for Asia and the Pacific  
<http://www.unescap.org/resources/low-carbon-green-growth-roadmap-asia-and-pacific>.

7.24. MNE RoK (2019), Introduction of Green growth indicators in the Republic of Kazakhstan. N-27 National Report based on the OECD Green Growth Indicators - Nur-Sultan, 2019, 84 p

7.25. OECD Science, Technology and Industry Scoreboard 2015: Innovation for growth and society. URL: [http://dx.doi.org/10.1787/sti\\_scoreboard-2015-en](http://dx.doi.org/10.1787/sti_scoreboard-2015-en)

7.26. Pricewaterhouse Coopers Consultants (PWC) (2013): Exploring Green Finance Incentives in China, PWC.

7.27. Proposal for a REGULATION OF THE EUROPEAN PARLIAMENT AND OF THE COUNCIL establishing the Just Transition Fund. Brussels, 14.1.2020. COM.2020. N 22 final 2020/0006 (COD). – 42 p.

7.28. Renewables 2016 Global Status Report. [www.fs-unep-centre.org](http://www.fs-unep-centre.org)

7.29. Renewables 2018 Global Status Report. [www.fs-unep-centre.org](http://www.fs-unep-centre.org)

7.30. Skills for green jobs: a global view: synthesis report based on 21 country studies/Olga Strietska-Illina, Christine Hofmann, Mercedes Durán Haro, Shinyoung Jeon; International Labour Office, Skills and Employability Department, Job Creation and Enterprise Development Department. - Geneva: ILO, 2011. 456 p.

7.31. The Emissions Gap Report 2018.  
<http://www.unenvironment.org/emissionsgap>.

7.32. The European Green Deal Brussels. COMMUNICATION FROM THE COMMISSION TO THE EUROPEAN PARLIAMENT, THE EUROPEAN COUNCIL, THE COUNCIL, THE EUROPEAN ECONOMIC AND SOCIAL COMMITTEE AND THE COMMITTEE OF THE REGIONS. 11.12.2019. COM(2019) 640 final.

7.33. The-Sustainable-Development-Goals-Report-2019

7.34. Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication // UNEP's Green Economy Initiative. Website. 2011. 2 December.

7.35. Transport Technologies and Policy Scenarios to 2050. — World Energy Council, 2007. — ISBN 0946121281

7.36. UN. Report for the UN secretary-general “An action agenda for sustainable development”. 2014. -P. 1-2.

7.37. UNEP. (2015), Publication UNEP. United Nations Environment Program.

7.38. UNIDO and Renewable Energy. Greening the Industrial Agenda. United Nations Industrial Development Organization. Vienna, 2009.

7.39. United Nations Environment Programme and Intergovernmental Panel on Climate Change. Special Report on Renewable Energy Sources and Climate Change Mitigation. - P. 7.

7.40. Willer, Helga, Bernhard Schlatter, Jan Trávníček, Laura Kemper and Julia Lernoud (Eds.) (2020): The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends 2020. FiBL&IFOAM – Organic International (2020): Frick and Bonn, 2020-02-20

7.41. World Employment and Social Outlook 2018: Greening with jobs International Labour Office – Geneva: ILO, 2018. 190 p.

7.42. World Energy Investment 2019 <https://www.iea.org/wei2019>

7.43. Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов, 2018 г.: Природные решения проблем управления водными ресурсами. Рабочее резюме <http://unesdoc.unesco.org/images/0026/002615/261594r.pdf>

7.44. Глобальный «зеленый» новый курс : доклад UNEP / UNEP. – 2009. – март. –42 с

7.45. Декларация Конференции ООН по проблемам окружающей человека среды от 16.06.1972 // Консультант плюс 4012.00.32 2002-2013.

7.46. Декларация Конференции ООН по проблемам окружающей человека среды от 16.06.1972 // Консультант плюс 4012.00.32 2002-2013.

7.47. Оценка окружающей среды Европы. Европейское агентство по окружающей среде, 2011. Обобщающий доклад. Копенгаген. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.eea.europa.eu>.

## VIII. Интернет ресурслари

8.1. <https://www.un.org>

8.2. <http://www.unep.org>

8.3. <http://unfccc.int/resource>

8.4. <http://unesdoc.unesco.org>

8.5. <https://www.unece.org>

8.6. <https://www.unenvironment.org>

8.7. <https://sustainabledevelopment.un.org>

8.8. <https://www.ilo.org>

8.9. <http://worldbank.org>

8.10. <https://www.ifc.org>

8.11. <http://www.oecd.org>

8.12. <https://www.wipo.int>

8.13. <https://yearbook.enerdata.net>

8.14. <https://www.iea.org>

- 8.15. <https://www.ren21.net>
- 8.16. <https://www.irena.org>
- 8.17. <https://www.bloomberg.com>
- 8.18. <http://worldgreeneconomy.org>
- 8.19. <http://dualcitizeninc.com>
- 8.20. <http://ggi.org>
- 8.21. <https://www.climatebonds.net>
- 8.22. <https://www.greengrowthknowledge.org>
- 8.23. <https://www.welthungerhilfe.org>
- 8.24. <http://ec.europa.eu>
- 8.25. <http://minenergy.uz>
- 8.26. <https://www.uzenergoinspeksiya.uz>
- 8.27. <https://ecouz.uz>